

НАБИЖОН ҲОШИМОВ

# МАРЖОН ТАБИЙ

Узб  
16 71

сағузашт  
роман



I  
қисм

**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan  
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

**ilgarigi berilmalar miqdori \_\_\_\_\_**

|  |  |
|--|--|
|  |  |
|--|--|


*Набижон ҲОШИМОВ*

# МАРЖОН ТАБИБ

**I ҚИСМ**

Саргузашт роман

(даволати муолажасиары битап)



Тошкент  
“IJOD-PRESS”

2016

УДК 858  
БИБЛ. № 15-58

УЎК: 821.512.133-312.4

КБК: 84(5Ў)6

Ҳ-71

Ҳошимов, Набијон

*Маржон табиб: саргузашт роман. I қисм/*

Н. Ҳошимов. – Тошкент : «IJOD-PRESS», 2016. - 360 б.

УЎК: 821.512.133-312.4

КБК: 84(5Ў)6

Мазкур асарининг боши қаҳрамони Маржон табиб ўзининг сарсон-саргародон ҳаётни давомиди шарқу гард. сибиру қашқар ва тибет ҳалқ табобатини ўрганиди. Бироқ бу фидойи инсон аччиқ қисмат туфайли бир умр табиат бағрида, мусофирикді дарвешона ҳаёт кечиради. Шундай бўлса-да, амалий тиббиёт ва ҳалқ табобати йўнидаги ўйққот бой билим ва тажрибасини одамлар саломатлигини асрарига бағишлагайди. Ватан меҳри, севимли ёрига бўлган садоқат қалбини ҳеч қачон тарқ этмайди.

Китобни муртоғла қиласиз, инсон имкониятларининг чексиз эканига яна бир бор иқрор бўласиз. Қолаверса, даволашининг инъанавий ва ишашанавий усуллари билан яқиндан танишиб, ҳозирги замон амалий тиббиёти ҳамда қадимий ҳалқ табобати ҳақидаги қизиқарти ва фойдалари маълумотларга эга бўласиз.

### Тақризчилар:

Абдукаюм ЙЎЛДОШЕВ – Узбекистон Ёзувчилар ўюшмасининг аъзоси, Узбекистонда ҳизмат кўрсатсанги маданият ходими.

**[Баходир МУРОД АЛИ]** – Узбекистон Табобат Академияси аъзоси, адаб

Нурали КОБУЛ – Узбекистон Ёзувчилар ўюшмасининг аъзоси, адаб.

Гулом ФАТХИДИН – Узбекистон Ёзувчилар ўюшмасининг аъзоси, шоир.

ISBN: 978-9943-994-22-5

© Набијон Ҳошимов  
© “IJOD-PRESS” нашриёти, 2016



## I БОБ ҚОЧОҚЛАР

Шифохонанинг шундок ўнг бикинида Дилмуроднинг “Акфа” деразали шинамгина дориҳонаси бор. Бу ер харидорлар билан доимо гавжум бўлади. Ёрдамчиси, яъни жияни бўлмиш Сардорбекнинг қўли қўлига тегмайди. Харидорлар бу ерга турли кайфият билан кириб келишади. Дориларнинг нархи баланд бўлганиданми, баъзиларнинг юзида норозилик аломати сезилади. Кимdir айтилган пулни зарурат туфайли тўласа, кимdir қўлини киссасига солганича бир оз ўйланиб колади. Навбатда турган бир йигит тирқищдан қараб Дилмуродга хижолат оҳангда аста мурожаат қилди:

— Шу ёзилганларнинг ҳаммасини олишим шартмикин-а, ака? Нима дейсиз?

- Бунисини энди ўша шифокорингиздан сўрайсиз-да, ука.
- Арzonроғи бўлмайдими?
- Бўлади, албатта.
- Таъсири қанақа?
- Бир хил. Фақат номи бошқа, телевизорда реклама қилинмаган, холос. — деди Дилмурод кошларини хиёл кўтариб.

Четроқда ранг-баранг дори-дармонларни томоша килаётган ўрта ёшлардаги бир мўйловли киши келиб тўнгиллаб гапга аралашди:

- Бизлар ўзи шунака хомсут эмган бандалармиз. Хорижнинг хўрозданди, деб реклама килишса, ётволиб ялайверамиз, — деди у ҳазил аралаш.
- Аслида дориларни реклама килиб бўлмайди, ака. Улар даволовчи шифокор томонидан ёзиб берилган қатъий рецептга мувофиқ сотилиши керак, — деди Дилмурод жиддий.
- Тўғри айтасиз. — деди ўша харидор уни маъкуллаб.
- Сиз-чи, ука, зарур дориларни бир қисмдан олинг-да, яна шифокорингиз билан маслаҳатлашиб кўринг, хўпми?

Харидор йигит бир оз таскин топгандай рози бўлди. Дилмуроднинг топшириги билан Сардорбек тез-тез дори кутичаларини очиб-очиб улардан уч донадан капсула ва яна таблет-

каларни ажратиб жамлаб берди.

Шу маҳал Дилмуроднинг эътиборини телефон қўнгироги тортиди. Севикли хотини Дилором экан.

– Ҳа, эшитаман онаси, қалайсиз?.. – деди Дилмурод одатдаги-дек хушнудлик билан. – Ўзингизни кўп уринтирманг, хўпми?.. Бирор зарурат бормиди?.. “Гуруч” дейсизми? Ҳўп бўлади. Бугун кўлингиздан бир кўлбола палов ер эканмиз-да-а?.. Нима? Қаерга?.. Табиб? Қанака табиб?.. Нима бўлти, келган бўлса?.. Уят бўлмайдими ахир, ўзимизда шунгича дори-дармон бўла туриб-а? Оббо... Бўлти суриштираман, – деди ва телефон гўшагини кўйиб қўяркан, ўзича “Тавба” деб кўйди.

– Тинчликми, Дилмуроджон? – сўради Фарҳод исмли таниш харидор. – Янгамми, дейман-а?

– Ҳа, “Бугдойчи” маҳалласига тогдан бир табиб келганиши. Хотиним ўғилчамизни бир кўрсатайлик, деяпти.

– Э, ҳалиги Маржон табиб деганлари бўлса керак-да. Ўтган куни ўша маҳалладан машинада ўтиб кетаётгандим. Ко-дир оқсоколнинг уйи олдида одамлар гавжум бўлиб туришган экан. “Нима гап?” деб сўрасам, “Маржон табиб келибди, жуда кучли табибмиш, биз ҳам кўрингани келдик” дейишиди.

– Нимаси кучли экан?

– Айтишларича, у жаҳонгашта бўлганмиш. Табобат илмини мукаммал билармиш.

Дилмурод истеҳзо билан кулиб қўйди:

– Э, йўғ-е! Буям бир реклама-да. Фақат телевизорда эмас, одамларнинг гапида.

– Жаҳонгашта, номи чиқкан табиб бўлса, нега у ҳакида газеталарда ёзишмайди? Ҳеч ким эшитмаган, медицинамиз ҳам тан олмаган.

– Ҳозирги замон медицинаси ҳалк табобатини тан олмайди-да. Акс ҳолда, сизниги ўхшаган дўконлар касодга учармиди. – деб қўйди Фарҳод пичинг қилиб.

Кейин кириб келган зиёлиномо барваста киши ҳам баҳсга кўшилди:

– Тўғри айтасиз, ука. Қизимни эртага операция килишмоқчи. Дори-дармонларининг ўзига икки миллион кетармиш.

Тўладан келган харидор аёл ҳам мунозарага кўшилди. У ҳам норози кўринарди.

– Э, нимасини айтасиз, ака. Духтирлар дориларни келса-келмаса ёзиб ташлашяпти. Пулни қаёқдан топасан, ишлариям йўқ. Одамнинг мизожини умуман ҳисобга олишмайдиям...

– Мизож деганини қаёқдан билишсин, уларни ўқитишмаган бўлишса, – деди ҳалиги барваста киши.

– Нега унака дейсиз, ака? Институтда ибн Сино таълимотига асосланиб дарс беришади – деди Дилмурод устун келмоқчи бўлиб.

– Тўғри, ибн Синони бутун дунё тан олган, аммо унинг мизож ҳақидаги таълимотига амал қилишмайди. Масалан, манави пештахтадаги хориждан келтирилган кимёвий дориларнинг ҳаммасининг мизожи “совук” бўларкан. Шунинг учун асосан шимолда яшовчи совук мизож кишиларга яхши таъсир қиласмиш. Мен бу ҳақида бир газетада ўқидим, ха...

– Э, қўйинглар, – деди Дилмурод баҳсга чек кўйиб. – Мутахассис бўлмасанглар, нима қиласизлар тортишиб. Ҳукумат бу дориларни хориждан бекорга сотиб олмаётгандир.

– Афсуски, шундай, ука. Бу дориларни юртимиз тупроғида ўсаётган гиёху маъданлардан тайёрлашса яхшиrok бўлармиди, деймиз-да, – деди бояги барваста киши баҳсни давом эттириб. – Масалан, африкаликка ўша ерники, америкаликка Америкада етиштирилган гиёхлар тўғри келади. Бизга бўлса, ўз ватанимизники керак. Чунки шу ернинг тупроғида туғилиб-ўсганмиз, куёшидан баҳра оламиз. Тўгрими, ука?

– Албатта. Шунчаки тортишмайлик, дейман-да. Нима бўлсаям, бу – сиёsat.

– Шунака дейсиз-у, лекин бу аканинг гапидаям жон бор, – деди харидор аёл яна гапга қўшилиб.

– Маҳаллий гиёхлардан дори тайёрланса, дори чиндан ҳам арzon бўларди.

Барваста киши яна фикрини давом эттириди ва бош бармогини гўё “Бугдойчи” маҳалласи томон ишора килиб деди:

– Билсангизлар, анави Маржон табиб деганлари, аввало, беморнинг мизожини аниклаб олиб, сўнг ташхис кўярмиш. Кей-

ин танасини тўлик тозалашни буюриб, ўзи гиёхлардан малҳам тайёрлаб берармиш. Дорини қандай тайёрлашни ўргатиб ҳам куяркан. Улар арзимаган пул бўларкан, тушунаяпсизми?.. Гиёхлар бўлса ҳаммамизнинг ҳовлимизда, бодимизда, тоғу даштларимизда униб-ўсиб ётибди. Факат биз уларни фарқлай билмаймиз, холос. Бу ҳақида ёзилган китобларниям ўқимаймиз, – деди у ва Дилмуроднинг кўзига гўё “Манавинга ўхшаган дорифурушлар сабабчи” дегандек, тик боқди.

– Хўш, акајон, сиз дори сотиб олмокчимисиз ўзи? – сўради Дилмурод токати ток бўлиб.

– Ҳайронман. Дори сотиб олмай туриб мен ҳам аввал ўша табибга бир учрашиб келсанмикан-а, нима дейсиз?

– Бўлмаса, шундай қила колинг, ака. Дўхтирларимиз доим шу ерда. У табиб бўлса бугун бор, эртага йўқ.

– Албатта. “Чиқмаган жондан умид” деганлар, – деди бояги киши ва чикиб кетаркан ортига ўтирилиб, “Буғдойчи”да дедингиз-а?” дея негадир яна бир бор сўраб олди.

– Биздан табиб отага салом айтинг!

– Ҳа, албатта.

– Исмингиз нима эди?

– Ҳабибулло, заркентликман.

– Бўпти, Ҳабибулло ака, яхши боринг. Қизингиз тезроқ тузалиб кетсин, – деди Дилмурод ва самимий хайрлашиб қўйди.

– Хўш, ука, сизга нима керак? – сўради у навбатдаги йигитдан.

Йигит қўлидаги рецепт қоғозини узатди. Сотувчи у билан танишиб чикиб электрон ҳисоблагични чиқирлатиб ҳисоблаб чиқди.

– Ҳим-м, демак, “Цинаризин”, “Активиген”, “Тиагамма” кейин “Берлитион-600”. Жами уч юз етмиш тўрт минг сўм бўларкан.

Харидор йигит бир сапчиб тушгандек бўлди. Пешонаси тиришди.

– Ўх-хў, айтганларича дорилар жуда кимматга ўхшайди-ку? – деди у нима киларини билмай.

– Буларнинг ҳаммаси хориждан келтирилади-да.

– Унда мен ҳам онамни ўша табибга бир кўрсатиб келсан-

микан?

- Онангиз ҳозир қаердалар?
- Шифохонага кеча ёткизгандик. Тахлиллари бугун чиқди. Қанд қасаллари бор.
- Унда маслаҳатим – шифокорнинг айтганини қилиб буғунга етарли дориларни олинг-да, сўнг табибгаям учрашиб кўринг.

- Майли, раҳмат. Шу десангиз чўнтакнинг сал мазаси...
- Сизни тушундим, ука. Ҳеч хижолат бўлманг. Максад нима бўлсаям онахонни даволаш. Тиббиёт бўладими, табобатми, нима фарки бор?

Уларнинг сухбатини тинглаб турган ўрта ёшлардаги харидор аёл ҳам кулиб гапга аралашди:

- Вой-бўй, бунакада харидорларнинг ҳаммаси табибга қараб кетиб қолишмайдими, ука?
- Ҳар кимнинг ўз ризки бор, опа.
- Раҳмат сизга. Мард кишига ўхшайсиз. Сизнинг ўрнингизда бошқа ичи қорароқ одам бўлганида, эҳтимол, ўша табибга қарши чора қўллаган бўлармиди.
- Э, йўғ-е, опажон. Бунақа бемаза ишларни қила олмайман. Аждодларимиз бир умр ҳалқ табобатидан шифо топиб келишган. Тўғри “табибман” деб баъзан фиригарлар ҳам, “куф-суфчи” чала муллалар ҳам учраб туради.

– Лекин Маржон табиб унақалардан эмас. У бошқача. Айтишларича, урушдан аввал медицина институтини тамомлаб, ҳарбий шифокор бўлганмиш. Қўшним Рисолатхон қизининг ангинасини дўхтирга кўрсатгани олиб борибди. Улар операция киламиз дейишган экан. Маржон табиб бўлса, унга ҳеч кандай тиф теккизмай даволабди. Ҳатто пул ҳам олмаганмиш.

Дилмурод барча ишларни йигишириб, энди бутун эътиборини аёлни тинглашга қаратди. “Медицина институтини тамомлаган”, “Ангинасини бир зумда даволаб кўйибди” деган сўзлар уни чиндан ҳам қизиктириб кўйди.

- Ҳўш, канака килиб даволабди?
- Курбака билан, – деди аёл киска килиб ва кулиб кўйди.
- Дилмурод бундай жавобни кутмаганди. Аввалига унинг

ёноклари учди, сўнгра тўсатдан хохолаб кулиб юборди.

– Нима? Ҳазиллашяпсизми?..

– Йўқ. Чиндан айтаяпман. Рисолатга битта сув бақаси тутиб келишларини буюриби.

– Нима кейин уни пишириб берибдими? – сўради Дилмурод «Жа, опқочдингиз-да» дегандай кулгидан ўзини тиёлмади.

– Кўркмаслик учун қизининг кўзини боғлаб, оғзини катта қилиб очтириб кўйибди. Сўнг қизнинг оғзига бақанинг оғзи-ни каратиб ўн дакиқача тутиб турганмиш.

– Кейин-чи?

– Кейин бақа ўлиб қолганмиш.

– Қанакасига?

– Бақа қизининг томогидаги ёмон микробларни тили билан тортиб олиб, ўз-ўзини нобуд килганмиш-да.

– Ўҳ-хў! Ана фожиа! Бунақасини хечам эшитмаган экан-ман, – деди Дилмурод ҳазил қилиб. – Кейин-чи, қизча тузалиб кетибдими?

– Ҳа. Операцияга ҳожат қолмаганмиш.

– Шунака денг. Дунёда мўъжизалар кўп-да, опа.

– Ҳа, айғмоқчи, ўша табиб қанд қасалигаям қурбака буюрармиш, – деди аёл ўзи ҳам таажӯкубдан ёка ушлаб.

– Нима? Йўғ-е! – деди дорифуруш бу сафар чиндан ҳам ажабланиб.

– Қурбаканинг ўзи табиий инсулинмиш-да. Факат у куриллаган вақтда шўрва қилиб бир ой ичиларкан.

– Э, қойил! Демак, қурбака инсон халоскоря экан-да, а?!

Аёл шивирлаганнамо деди:

– Айтишларича, у қурбака билан аёллардаги кўкрак сараторини ҳам даволармиш. Лекъян бу гапта негадир ишонгим келмаяпти.

– Йўғ-е, қанақа қилиб?

– Билмасам. – деб қўйди аёл жўғасиниб олиб ва гапини бошқа ёқка буриб юборди. Чунки ортидан бир мўйсафид томогини кириб яқин келиб қолганди.

– Ҳа, дориларга митлион-миллион пул тўлайсан. Беморинг согайиб кетса-ку, майли. Бир жойга фойда қиласа яхши, бўл-

маса жигарингга зиён, – деб қўйди аёл гап мавзусини атайин бошқа ёқка бурмоқчи бўлиб.

Оркасидаги мўйсафид отахон ҳам беихтиёр қўшилди:

– Гапингиз тўгри, қизим. Лекин бечора дарлмандлар нима килишсин, чора излашади-да. “Мол кетсин, пул кетсин, эсон-соғликка не етсин”, деганлар.

– Тўгри айтасиз, “Оч бўл, ялангоч бўл, саломат бўл”, – деди аёл уни маъкуллаб ва сотувчига юзланди. – Менга валидол берсангиз, юрагим бирам сикиляптики. Ўғлим Россияга ишга кетган. Ярим йилдан бери дараги йўқ. Бу ёқда ёш хотини, ўғилчаси қолган. Эх, нимасини айтай.

– Сизга маслаҳатим, қизим, ҳар куни ўрик туршагидан дамлама қилиб ичиб туринг, – деди мўйсафид. – Билсангиз, юракнинг энг яхши давоси ўзимизнинг қантак ўрик бўларкан. Тибетликлар нон ўрнигаям ўрик ейишаркан. Энг кизиги, ўрик уларда ўсмасмиш. Тоғдан пастга минг чакиримлаб пиёда йўл босиб келиб қопда туршакни елкасига кўтариб олиб кетишаармиш. Биз бўлсак, қадрига етмаймиз.

Харидорлар ўргасида ўзаро баҳс кизгин давом этар, бирининг сухбати бошқасига уланиб кетарди Сардорбекнинг бўлса қўли кўлига тегмасди. Бу гап-сўзлардан сўнг Дилмуродда Маржон табиб билан бир бор ҳамсуҳбат бўлиш иштиёки пайдо бўлди. Бироқ унинг олдига нимани баҳона килиб бориши ҳакида ўйлади. Кунлар кетидан кунлар ўтаверди. У баъзи харидорларини ўша шахси номаълум Маржон табиб томон беихтиёр йўллайверди.

\* \* \*

Кўпчиликнинг оғзида дув-дув гап. Табиб ҳакида одамлар фақат яхши фикр билдиришмоқда эди. Ҳабибулло ака дориҳонага бир куни хурсанд ҳолда кириб келди. У энди кизини операция килдирмайдиган бўлганмиш. Табиб тиббий таҳлил ва ўз тажрибасига таяниб ташхис кўйибди. Сўнгра кизи арзимаган пулга бутунлай тузалиб кетибди.

Бир аёлнинг даволовчи шифокори МРТга бориб бош ми-

ясины томография қилдириб келишни буюрибди. Чунки у аёлнинг боши қаттиқ оғиркан. Бир неча йил бурун бошини қаттиқ уриб олгач, шундай ахволга тушиб қолганмиш. Шифокор унинг олиб келган плёнкадаги суратини кўриб “Бошингизда хавфли ўсимта бор. Уни тезлик билан операция қилиб олиб ташлаш керак. Афсуски, бу ипни биз эпломаймиз. Бу операцияни хорижда катта пул эвазига қилишади. Лекин натижаси яхши бўлмаслиги ҳам мумкин”, – дебди.

Бу гапдан сўнг аёл тамоман тушкунликка тушиб қолибди. Чунки оиласи ночор ахволда экан. Шунда эри хотинини умид билан Маржон табиб хузурига олиб келибди. Маржон табиб бўлса, улардан ўша томография ҳулосасини сўрабди ва аёлнинг бошини синчилаб текширибди.

“Ҳеч гапмас, – дебди у тўсатдан плёнкани бир четта суриб. – Ўзим даволайман, кўрмагандай бўлиб кетасиз ҳали. Бир тийин пулингиз ҳам керакмас”. Сўнгра у аёлнинг бошидаги ўша қорайган жойидаги соч толаларини кириб ташлабди-да, бир нечта зулук солиб, сўнг устидан банка кўйиб қон олибди. Натижада корайиш йўколибди. “Ана энди МРТга бориб яна томография қилдиринг-да, сўнг шифокорингизга учранг”, дебди табиб. Аёл шундай қилибди. Янги суратни кўрган шифокор “Бу бўлиши мумкинмас!” деб танг қолганмиш.

Бир куни аёли Дилором ҳам ўғилчаси Давлатёрни ўша табиба кўрсатиб келди. У ҳам жуда мамнун эди.

– Ўғлимизнинг гижжаси бор экан-да, дадаси. Табибининг гиёҳли дориси жудаям ўткир чикди, – деди аёли севиниб. – Бир кундаёқ тушиб кетди-я, туркинг қургурлар.

– Ўзим дори олиб бориб бергандим-ку, – деди Дилмурод ранжиган бўлиб.

– Э, сизнинг дорингизни фойдаси йўқ. Тўғри, гижжаларни туширкан-у, лекин тухумлари бутунлай йўқ бўлиб кетмас экан. У кишининг малҳамидан кейин гижжалар бир кундаёқ ўлик тушди. Ўз кўзим билан кўрдим. Қани энди мактабдаги ўқувчиларимниям мана шу табиба бир қатор кўрсатиб олсайдим. Ё ўзингиз бир гаплашиб берасизми-а, дадаси?

Дилмурод баҳона топилганидан хурсанд бўлиб кетди. “Май-

ли, эзгуликнинг эрта-кечи йўқ, вакт топиб олдиларига бир ўтиб келганим бўлсин”, деб кўнглига тушиб кўйди. Бироқ табибининг олдига бораман деб эндиғина тараффудланиб турганида унинг бу ердан жўнаб кеттани ҳақида эшишиб қолди. Каёкка кеттанини ҳеч кимга айтмаганмиш.

Шундан сўнг Дилмурод Маржон табибни бир муддат унуди. Бироқ кейинги ҳаётида юз берган кутилмаган воқеалар ривожи қандай кечишини, вакти келиб ўша табиб унинг якин маслакдоши бўлиб қолишидан мутлақо бехабар эди. Аммо “Вакт тоғни емиради, сув тошни кемиради” деганлариdek уларни олдинда хали бир талай турмуш оғриклари ва алговдалғов ишлар кутарди.

\* \* \*

Дилором беозор ва дилбар аёл. Туман маориф бўлимида ўзига яраша обрў-эътиборга эга, гапга чечан, ўтиришларнинг гули. Одамлар уларнинг оиласавий тотувлигига ҳавас билан қарашади. Улар севишиб турмуш қуришган. Ўқиб юрганларида топишишган. Дилмурод севикли аёлининг түгилган кунига атаб янги чиққан қизил рангли “Матиз” автомашинаси-ни, колаверса, тўй-ҳашамларда кийиш учун машина рангига мослаб бир катор кийим-бош ҳам совға қилди.

Аёл аслида жуда одми кийинниб юрар, у кишлоқ кўчаларида машинасини ғизиллатиб ўтганида ўзгача файз кириб келгандай бўларди.

Истиқомат қилиб турган уйлари ҳам ўзига яраша кўркам ва замонавий, табиий гуллар билан безатилган, худди жаннатмонанд ифорга бурканган муаттар бўйлар масканига ўхшарди.

Ўзлари гуллар кўйнида яшаса-да, кунлардан бир куни ёрини соғиниб келган Дилмурод бир байт шеър айтиб аёлидан бўса олди-да, кўлига чиройли гулдаста тутқазди.

— Сизни шундай соғиндимки...

— Хо-о! Нима, мен кочиб кетибманми?

— Билиб бўладими тоғлар томон учиб кетсангиз, орtingиздан учай десам канотим, чолиб борай десам айғир отим бўлмай колса...

– Ўҳ-хў, шоир бўлиб кетинг-е.  
– Сизга бўлган муҳаббатим мени шоир қилиб қўйган-да, асалим!

– Хўп, дадаси, кийимингизни алмаштириб ювиниб чиқа қолинг. Овқатим пишди.

– Ие, шунаками? Унда қалбимни ошқозоним орқали забт этаркансиз-да, а, хоним?..

– Ҳа, энди... Айтмоқчи, бир китобда ўқидим. Ибн Сино беморларни ошқозони орқали даволашни маслаҳат берган экан. Ҳар бир bemорга мизожига кўра алоҳида таомлар тайинлаши керакмиш. Бизнинг касалхоналарда бўлса, ҳаммага бир хил бўтқа тайёрлайверишади.

– Ҳа, тўғри. Бу 9-рақамли умумий парҳез таом. Аслида сиз айтганингиздай, ҳар қайси bemорга касаллик турига қараб таомлар алоҳида тайёрлангани маъқул бўларди. Афсуски, бу ҳол шифохоналаримиздаги камчиликлардан бири, – деди Дилмурод ва ичкарига кириб кетди.

Дилором гулдастани вазага эндиғина жойлаб, дастурхон ўртасига қўйган ҳам эдики, ташқаридан “Ҳой, Дилмурод aka!” деган овоз келди.

– Вой, Жўравой-ку, – деди аёл шошилиб. – Ҳой, келаверинг, акангиз ичкаридалар, ювиянтилар!

Дилором Жўравойни ошхонага таклиф этди. У Дилмуроднинг туғишган укаси, чапани йигит. Кўлида бир қанча мева-чева, ул-бул бор эди.

– Ассалому алайкүм! – деди у тавозе билан.  
– Вой, келинг бормисиз, укажон? Қандай шамол учирди?  
– Яхши шамол. Ҳалиги нима дейди, одамни елпийдиган...  
Тоғларда эсади-ку, ҳалиги, «Майин еллар, майин еллар, ўзинг билан олиб кет!» Оҳ-оҳ... Акам қанилар?

– Ювиянтилар.  
– Ие, купша-кундузиям-а? Ҳеч тиниб-тинчимас эканлар-да-а, келиной?  
– Йўқ. Ҳозиргина ишдан келдилар-да.  
– Ҳим-м, демак, ишдан чиқибдилар-да, а?  
– Аскияниям жа оласиз-да, лекин.

— Қийворамиз. Қани, келинойи бизга тезда бир газак тайёрлаб беринг-чи. Э йўқ, яхшиси пичок беринг, ўзим қотираман. Яхши гап бор, — деди у маъноли қилиб ва кафтларини бир-бира гап яхшилаб ишқаб олди.

Жўравой костюмини ечиб, диван устига отди-да, “ишга киришиб” кетди. Кўп ўтмай газак тайёр бўлди. У олиб келган халталардан чиройли картон кутили ичимликни олди.

— Ўх-хў, тинчликми?

— Тинчлик. Хуллас, янгажон, сизбоп яхши бир ишни ҳал қилиб келдим. Шуни ювамиз-да.

— Вой, канақа иш? Менинг ўз ишим бор-ку.

— Ҳа, бор. Лекин сизга энди юқорироқ, мустақилроқ амаллар ярашади-да, келинойи.

— Директорликми?

— Ҳа.

— Вой! Қайси мактабга?

— Мактабгамас. Ҳозирча боғча мудираси бўласиз.

— Қайси боғчага?

— Мен ишлаётган боғчага-да.

— Нима?! Барнохон-чи?

— Барно ишдан бўшади. Ўз аризасига кўра... — деди у ва томогини бир бор кириб олди.

— Ўрталарингизда алламбало гаплар ҳам юармиди-ей?.. — сўради Дијором маъноли йўталиб олиб ва чиройли қошлирини чимириб қўйди.

— Тўгри. Йигитчилик-да... Шу десангиз, “Йигитнинг қучоги — севги ўчоги”, деганлар.

— Вой-бў! Ёмонсиз-ку. Ўзингиз мудир бўлиб кўя қолмайсизми-а?

— Иложи йўқ. Биринчидан, эркак кишинман. Менга шу хўжалик ишлариям бўлаверади. Иккинчидан, маълумотим ҳам тўгри келмайди. Сизники бўлса ҳар томонлама зўр! Хўш, нима дейсиз, келинойи?

— Билмасам. Аввало акангиз билан маслаҳатлашишимиз керак. Кейин эплай олармикинман?

— Мана, мен борман-ку. Ўша ерда ахир, озмас-кўлмас беш йилдан бери хўжалик ишларини юритаман. Худога шукур,

тирикчилик ўтиб турибди. Барнохон ҳам ёмон бўлгани йўқ, участкаларини битириб олдилар. Мен ҳам “Нексия” олдим. Ҳаммаси конуний, пешона тери... Иннайкейин, келинойи морифда яхши танишшим бор. Ҳаммасини ўзи тўғрилайди.

Жўравой вискини очиб отиб олди-да, олмани ҳидлаб газак килди.

— Хўп деяверинг. Мен ўзим ҳаммасини бошқаравераман. Сиз ишларингизни килиб юраверасиз. Хохласангиз ярим ставка мактабда ҳам ишлайверасиз. Хўш, келишдикми? — деди у олмани қарсиллатиб чайнаркан.

— Ўх-хў, кел, Жўра! Яхшимисан? — деди Дилмурод сочикка артиниб чиқаркан. — Нимани келишдинглар?

— Келинойим боғча мудираси бўляптилар. Шу хабарни сизларга етказиб, бир йўла суюнчи олайнин дедим-да.

— Яхши. Менга фарки йўқ. Пошто нима десалар шу-да. Кийналиб қолмасалар бўлгани.

— Кийналмайдилар. Ахир, мен борман. Хўп денг энди, келинойи.

— Вой, қанака бўларкин-а? Ахир, мактабдагилар...

— Нима мактабдагилар? Мен сизга айтсан, туман маорифининг буйруги мухокама килишмайди. Бу раҳбарлик курсиси-ку. Ким ҳам бунга қаршилик қила оларди? У томонини менга қўйиб бераверинг. Ундан кейин, — деди Жўравой энди бодирингдан “карс” этказиб тишлаб оларкан, — “Таваккалчилек бор жойда андишага ўрин йўқ”, дейдилар. Бизлар ахир, бегона эмасмиз-ку. тўғрими? Мен сизга ёрдам бераман, ўнг қўлингиз бўламан.

— Маоши ҳам дурустдир? — сўради Дилмурод.

— Албатта. Мактабдагидан анча яхши. Тағин бегалва, ширин-ширин жажжи болалар... дегандек.

— Хўш, нима дейсиз? — сўради Дилмурод суюкли хотинидан.

— Бир ўйлаб кўрармиз, а, ладаси? Кейин айтамиз-да.

— Ҳа, албатта.

— Э, нимасини ўйлайсизлар?! Бу ахир, пишиб турган ош бўлса!..

- Унда бор таваккал, ўтаверайнми-а, дадаси. Анави Барно ҳақидаги гап-сўзларгаям чек қўйилармиди? Ҳархолда укан-гизнинг обрўси...
- Ҳим-м...
- Лаббай, aka!
- Гапинг рост бўлса, қуймайсанми, зормандангни?!
- Эҳ-хе! Бу бошқа гап! Муборак бўлсин, келинойи!

\* \* \*

Барнохон ўзига бино қўйган, тилла тақинчогу безакларни жуда ёқтирадиган, аммо табиатан содда, ишонувчан, кўнгли бўш жувон. Унинг бу феъл-авторидан фойдаланган хўжалик ишлари бўлими бошлиғи ҳисобланган Жўравой бу бева аёлнинг нафакат ишончига, балки юрагининг тўрига ҳам кириб бора олганди. Жўравой уйланган, ювошгина хотини бўлса-да, Барнохоннинг этагини “маҳкам тутди”. Хизматдаги ишқ романни очик-сочик “ёзилаверди”.

Бундан тўрт йил муқаддам эски боғча биносини таъмирлаш, сўнгра янги бино қурилиши учун давлат бюджети томонидан катта маблағ ажратилган эди. Қурилиш ташкилотлари ўртасида тендер эълон килинди. Бир ташкилот ютди. Аммо унинг Шокир Тўраев исмли бошлиғи жуда олғир ва машшатга берилган эди. Тез орада Жўравой у билан тил топишиб олди. Бюджет маблаги тую бўла бошлади. Богча мудираси Барно Ахмедовна қурилиш ишларини юз фоиз хўжалик ишлари бўлими мудири – суюкли одами Жўравойга юклиди. Олғир ошик, чапани йигит учун бу айни муддао эди. Натижала Барнонинг ҳам, ўзининг ҳам янги уйи кад кўтараверди. Жўравой бўлса машинасида Барнохонни сўлим жойларга, хилват масканларга олиб бориб ўзининг пинхоний, ишкий ишларини амалга оширишни одат тусига айлантирди. Бева аёл – гўзал Барно учун бу ишлар жуда ёқимли эди.

“Тўклик – келтирап шўхлик” деганларидай болалар озик-овқати учун ажратилган харажатлардан ҳам ҳар сафар уриб колинар, аслида арzon олниб, киммат нархга киrim қилинаверарди.

Яхши гўштлар калла-почаларга алмаштириларди. Таъмирлаш ва курилиш ишларига олиб келинаётган материаллар бўлса ўз жойини топиб кетаверарди. Барно ўзини бу ишлардан гўё хабарсиздай тутарди.

Кўп ўтмай жамоа ўртасида норозиликлар пайдо бўла бошлиди. Миш-мишлар кўпайди. Айниқса, бош ошпаз Зиёда Исаевнанинг бу гуноҳкор бандаларга нисбатан газаби кўзиди. Жўравой биринчи рақиб сифатида уни бу ердан йўқотиш пайида бўлди ва бу хақда Барно Ахмедовнага ҳар доим эслатиб турди. Ҳалол-пок аёлнинг бирор айб иш килишини ҳар қадамда пойлашарди. Лекин ҳадеганда бунинг уддасидан чиқаверишмади. Оқибатда буни атайин уюштириш чорасини ҳам излаб кўришди. Аммо Зиёда Исаевна анойилардан эмасди. Уларнинг хатти-харакатларини зимдан кузатарди.

Кунлардан бир куни оқшом пайти ошпаз аёл тўсатдан баъзан содир бўлиб турадиган мудира ҳамда хўжалик ишлари бўлим бошлиғининг ишкий ўйинлари устидан чикиб қолди. Куриб кетгур, ошпаз аёлнинг шу кун ишхонада паспорти колиб кетганимиш...

У кириб келганида ошхона ички хоналаридан бирида кўшик янграрди. Стол устида шаробу газаклар, меваю шириликлар кўйилган, улар бир оз чўкилаб ейилган ва ичилган бўлиб, магнитофонда “Курбон ўлам” кўшиги садолари борлик хонани тутиб янграрди:

Икки қошинг қаламу, икки кўзинг чаичиши нур,  
Батх уриб оинадек сийнаи софинг кўришур.  
Бул сенинг дарду фирокинг, барча жонимига ҳузур,  
Йўқ назокат ичинда сен каби дурданай дур,  
Қадду наврастаи ларzonингга қурбон ўлам.. \*

Кўшик оҳангларидан сармаст бўлган оник-маъшуқлар ошпаз аёлнинг тўсатдан кириб гувоҳ билбонганини сезмай қолишиди.

\*Фузулий шеъри



— Вой ўлмасам! Бу ерда нима қылайпсизлар?! — дея қичкириб юборди аёл.

— Кик-к-кўрмаяпсизми, қўшиқ эшитаяпмиз-да, опажон, — деди Жўравой қизариб.

— Сенларга бошқа жой куриб кетганмиди?! — дея жаҳл билан қичкириди Зиёда Исаевна ва уларни қарғай-қарғай хонани тарк этди.

Барнонинг асаби қўзиб унинг ортидан чиқмоқчи бўлганди Жўравой тўхтатиб қолди.

\* \* \*

...Жўравой Зиёда Исаевнага учрашиб кўрганларини ҳеч кимга айтмаслигини сўраб ялиниб-ёлворди, уйига бир машина пишиқ ғишт олиб борди, аммо аёл олмади. “Бўлти, хунарларингни бошқа такрорламасликка сўз берсанг, мен ҳам ҳеч кимга айтмайман”, — деди.

Лекин бу ваъда хавфдан тўла кутилинди, дегани эмасди. Жўравойнинг пайтавасига курт тушди. Агар аёл бирор жойга ёзисб берсами, тамом!.. Ўйлай-ўйлай бу ишни осонлаштиришнинг бирдан-бир йўли мудирани алмаштириш, алмаштирганда ҳам ўрнига ўзига яқин ва ишончли аёлни топиб қўйишни режа қилди. Топилди ҳам. Бу келинайиси Дилоромнинг номзоди эди.

Жўравой Зиёда Исаевнага аввало Барно Ахмедовнанинг ишдан бўшашини, сўнгра янги мудира келгач, хўжалик ишларини ҳам бошқа одамга топшириб, ўзи ҳам даф бўлишга сўз берди.

— Ҳа, тўғри, шундай қила қолинг, ука. Бу ер ҳаром-ҳариш ишларни қиладиган жой эмас, муқаддас даргоҳ, — деди аёл куюниб.

Бироқ “Иигит киши айтаверадиям, қайтаверадиям” деган “накл”га амал қилгандай мудира алмашса ҳамки, Жўравой ҳадеганда кетавермади. Сабаби, Дилоромнинг мактабдаги бошлаб қўйган ишлари тугамади, боғчадаги ишларга бўлса дарров кўникавермади. Бу айни муддао эди. Ҳамма

ишлар “шўрлик” хўжалик ишлари бўлими бошлиги зиммасига юкланди. У югуриб-елар, ошхонага умуман якинлашмасликка харакат килар, юраги ўксик бева Барнонинг кўнглини олиш, уни тинчлантириш, Дилоромни кўнигириш, бъзи хужжатларни имзолатиш ишлари билан банд бўлар, худди театр актёrlари каби тиним билмай роль ижро этарди.

Дилором негадир кадрдан мактаби, синифидан айрилгиси келмас, қайногасига ишонгани учун ҳар икки жойда ҳам фолият кўрсатаверди. Баъзан Жўравой атайин айни дарс кизиган маҳалида эшигини “тўқ-тўқ” этказиб Дилоромнинг хузырига дабдурустдан кириб бораради-да, муҳим хужжатларни тез-тез имзолатиб шошилиб чикиб кетарди. Болалар ҳам бу ҳолатга ўрганиб қолишган ва дик этиб ўринларидан турмай кўйишганди.

Шундай килиб, Дилором расмий хужжатлар бўйича болалар боғчасидаги барча мол-мulkни тўлалигича Барнохондан ками-кўстсиз бешубҳа қабул қилиб олди. Далолатнома остига эътирози йўклигини ҳам ёзма равишда маълум қилиб қўйди. “Хаш-паш” дегунча уч ой ўтиб кетди. Богчага тўсатдан вилоят молия бошқармасидан тафтиш-назорат комиссияси вакиллари кириб келишди. Бу режали текширишими ё Зинёда Исаевнанинг ишими, Жўравой аввалига билолмай қолди. Мудира Дилором Солижоновнанинг хужжатлари ўлда-жўлда эди.

Текшир-текшир бошланди. Ишлари яхши эмасди.

Комиссия аъзолариин асосан янги боғча биносида қурилишнинг қай тарзда бораётгани қизиқтирас, график бўйича бино шу якин кунларда фойдаланишга топширилиши керак эди. Аммо бинонинг пойдевори ва деворидан бошка деярли ҳеч қандай иш бажарилмаган, ваҳоланки, қоғозларда у битказилиб, томи ёпилиб, поллари ҳам бўялганди. Бу ҳақидаги далолатномалар мудира, фаррош ҳамда бир неча тарбиячилар томонидан имзоланганди. Комиссия ишни шу ондаёқ прократурага оширди. Жиноий иш кўзғатилди...

Бу ишлардан беҳабар бўлган Дијором Солиджоновнани айни дарс қизиган пайти ички ишлар ходимлари келиб терговга олиб кетишиди.

Ишдан сўнг ҳар куни суюкли хотини учун гулдаста кўтариб боришга одатланган Дијумурод бу хабарни эшиштгач, қўлидаги гуллари ерга сочили ва юрагини чанглаб ўтириб қолди.

Шўрпешона Барно бўлса, ишқий ҳиссиётга эрк бериб ҳам-масидан бир лаҳзада маҳрум бўлди.

У Жўравойни азалдан севарди. Улар ўртасида бир вактлар муҳаббат алангаси “чирс-чирс” ёнганди. Аммо тақдир уларни айро килди. Киз ўшанда енгилликми, ёшлик килдими, йўлидан адашди. Кунларнинг бирида базми жамшиддан сўнг кайфу сафонинг асирасига айланди ва бошка йигит билан турмуш куришга мажбур бўлганди. Муҳаббат аталмиш қасрга дарз кетди. Аммо тўйдан сўнг кўп ўтмай куёви ҳарбий хизматга чакирилди. Барно хижрон ва изтироб кўйнида қолди. Энг ёмони, эрини ҳарбий тайёрловдан сўнг Афғонистонга олиб кетишиди ва урушдан унинг жасади темир тобутда келди...

Бу орада Жўравой ҳам беозор Махлиёга уйланиб олди ва фарзандли бўлишиди.

Иллар ўтди. Барно богча мудираси лавозимини эгаллади. Унинг фикри-ўйи биринчи муҳаббат лаззатидан баҳраманд бўлиш эди. Шу туфайли у ҳеч иккиланмай бўш турган хўжалик ишлари мудирлигига ўзининг ишонган одами – Жўравой номзодини тақлиф этди.

Жўравой келишган, олғир йигит эди. Бундан ташқари унинг ҳам юрагидаги чўғ ҳали сўнмаганди. Чўғни пуфлаб тутатдилар. У оловга айланди. Барно орзу қилганидек, улар қолган умрларини худди эртаклардагидек роҳат-фароғатда, айш-ишратда ўтказа бошладилар. Чунки унинг ҳам баҳтили яшашига ҳақи бор эди, албатта. Аммо ўткинчи эҳтирослар, соддалик ва билимсизлик, майшатни деб қулогининг кар, кўзининг кўр бўлиб қолгани уни йўлдан оздириди: Жўравойдан юкли бўлиб қолди. Шу туфайли ҳам у жиловини бутунлай қаллоб йигит ихтиёрига топшириб кўйди. Аммо ҳомиладорлик маҳали ишидан кетиши унга жуда алам киласди.

Дилмурод ўзини босиб олгач, ахволни билиш учун укаси Жўравойни кидириб кетди. У ота уйда ёлғиз онаси Муслима ая билан истикомат қиласади.

Онаси хурсанд бўлиб пешвоз чиқди. Ўз ишлари билан каттиқ банд бўлиб, онасидан хабар ололмаётганидан ва фақат таҳликали пайтдагина уни йўқлашга мажбур бўлганидан бироз афсусланди. Ҳовлининг охирига укаси дангиллама уй курганидан ҳайрон қолди. “Қизиқ, бу уйни у қачон, кайси ма-благига қуриб битказди экан?” деб кўйди хаёлан.

Жўравой уйда йўқ экан, онасига минг бир баҳона билан бошқа куни келишини айтди ва янги уйда гимирилаб юрган келинчак Махлиёга учрашди.

— Укангизнинг кечадан бери дараклари йўқ. Ички ишлар ходимлари олиб кетишибди, деб эшиздим. Лекин бу ҳақда ойимларга айтмадим, — деди келин хомуш.

— Тўғри килибсиз. Онамга айтманг, юракларининг мазаси йўқ. Мен ўзим хабар киламан, хўпми? Бирор англашилмовчилик бўлгандир-да, хавотир бўлманг.

Шундан сўнг кеч бўлса-да, bogча томон йўл олди. Коровул киши ичкарида ошпаз Зиёда Исаевнадан бошқа ҳеч ким йўклигини айтди.

— Ўзи нима гап, тинчликми, отахон?

Муйсафид оғзидағи носини бир четта туфлаб олди-да, деди:

— Билмасам. Анави жойдаги янги курилнипни текширишаётувди. Укангиз ҳужоатларини олиб чопа-чоп қылиб юрди. Кейин қаёқка кетишибди, хабарим йўқ, ука.

— Эҳтимол, ичкаридағилар билишар?

— Кириб сўрай қолинг.

Дилмурод ошхонага йўл олди. Отшаз аёл мұнгайиб картошка арчиб ўтиради. У Дилмуродни совук кутиб олди.

— Эҳ, гуноҳ ишлар барибир бир куни очилади-да. Укангизнинг ахволи чатоқ, энди жавобини бераверади, — деди аёл томдан тараşa тушгандек.

– Нима иш қилган ўзи?!

– Янги боғча биноси битиши керак эди. У бўлса материалларини ўғирлаб, сотоврганмиш. Янги мудирага жабр бўлди-да. Бечора яхши, покиза аёлга ўҳшайди. Бузуки Барнонинг касрига қоладиганга ўҳшайди. – деди ошпаз аёл.

Дилмуроднинг юраги така-пука бўлиб кетди. Эси оғаёзди.

– Нега энди?!

– Нега бўларди. Барнонинг қилган ноқонуний ишлари унинг бўйнига илинади-да. Шунга ачинаман. Тавба, бир бегунох аёл бир бетарбия учун жавоб берса-я...

– Нега энди жавоб бераркан?!

– Ахир, хужжатларни Барнонинг ўрнига янги мудира имзолаган экан-да. Янги бино бўлса битмаган, тушундингизми?

– Қанақа хужжат?

– Бино битган деб хисобот берилганмиш. Шунга комиссия аъзолари ишни прокуратурага ошириб кетишибди. Ҳозир ҳар иккисиям тергов беришаялти.

Дилмуроднинг асаби қўзиди. Укасини болаҳонадор килиб сўқди.

– Бу ерда сўкинманг, ука. Укангизни қилган ишларини гапириб берсам, эҳ-ҳе...

– Нима, сиз ҳали уларни ёзиб бердингизми?

– Йўқ. Ёзмокчи эдим. Худонинг ўзи комиссиясини юборди. “Қингир иш – кирғин иш”, барибир энди каттиқ текшириш бўлади. Бечора, янги мудира аёлга ачинаман-да. У кимнинг қизи, кимнинг аёли экан, билмайман. Қамалиб кетмаса гўрга эди.

Дилмуродни худди электр токи ургандай кўз олди коронгилашиб, қалқиб кетди.

– Нима дедингиз?! Қамалади?!

– Ҳа, икковлари қурилиш бошлиғи билан ўзаро жиноий тил бириктириб давлат мулкини талон-тарож қилишда айбланишади.

– Ким?

– Жўравой билан Шокир Тўраев деган прораб. Аслида бу ишларни Барно қилган бўлиши керак. Дилоромга жабр бўлди-да.

– Дилоромга дейсизми? – деди Дилмурод ва қўллари баттар шалвираб тушди. – Ахир, у менинг болаларимнинг онаси бўлади-ку!

– Нима?! Йўғ-е?! Мен билмаган эканман, узр ука. Наҳотки, Жўравой ўз келинайисини... Бўлмаса тезрок ҳаракатингизни килинг! Дилором бу ишларни бўйнига олиб кўймасин тагин. Қамаб кўйишади уни!

Дилмурод юрагини чанглаб ўтириб қолди ва ўзидан кетаёзди. Аёл унинг юзига сув сепди. У бир оз ўзига келгач, тентираб чиқиб кета бошлиди. Хаёлида минг хил нохуш ўйлар гужгон ўйнарди. Зиёда Исаевнанинг “Қамаб кўйишади, уни!” деган сўзлари кулоги остида такрор ва такрор жаранглайверди.

Ховлидаги бир ўриндикка ўтириб бошини ушлади. “Наҳотки, севикли аёлимни қамаб кўйишса?.. Дилором темир панжара ортида ўтирса?..”

Кўз олдига маҳкума хотинининг “Кечиринг, Дилмурод ака”, дея мунгли караб турган кўзларини келтирди. “Эҳ, нималар қилиб кўйднинг. Жўравой? Наҳотки, шу гаплар рост бўлса?! Ўз жигаргўшам бўла туриб... Йўғ-е. унчалик эмасдир-ов. Зиёда Исаевна укамни ёмон кўраркан. Билнб-билмай бирор айб иш қилган бўлса бордир. Ҳаммадаям бўлади-ку. Атайнин килмагандир. Шунинг учун мен чалғимай, тезрок уйга борай. Эҳтимол, бечора хотиним ҳозир йўлимга кўз тикиб ўтиргандир. Ҳай-хай вахима қилма. Дилмурод. Ўзингни бос. Ҳали ҳаммаси яхши бўлади”, – деди ўз-ўзини тинчлантириб.

– Тинчликмикан, ука? – синчков сўради қоровул яна кафтига бадбуй ҳидли носдан солиб стиб опаркан.

– Ҳа-ҳа, тинчлик. Комиссия бўлганидан кейин текшира-ди-да, отахон.

– Майли-майли, – деб қолди мўйсафид. Аммо қандайдир нохушлик бўлганини кўнгли сезлами. Бошини тикиллатиб қолди.

Дилмурод уйига қайтганида ҳали Дилором келмаган экан. Қизчаси “Ойим қанилар?” – деб ҳархаша қилишни бошлиди. Ҳаёлидан “Наҳотки, у қамалиб қолса, мен унда болаларни нима қиласман?” деган нохуш ўйлар ўтди. Болаларни тинчлан-

тириб, овқатларини тайёрлаб берди. Паришон бўлиб пиёзини куйдириб юборди. “Дилоромни куткариш чорасини топишим лозим. Ошпаз аёл айтганидек, у ҳали ноконуний ишларни бўйнига олмасидан аввалроқ ҳаракат қилишим шарт. Наҳотки, унинг қамоқда ўтиришига жимгина қараб турсам?! Йўк-йўк. Агар шундай қилсам эркаклигим қаёқда колади?! Қани энди унинг ўрнига жазони ўз бўйнимга ололсайдим... Афсуски, бунинг иложи йўқ. Нима қиласан, ўйла, Дилмурод?!” деди у ўз-ўзига буюриб.

Ўзи тайёрлаган, пиёзи куйган овқат томогидан ўтмади. Бу пайтда болалар телевизор томоша қилишарди. Телевизорда хинд фильмларидан бири борар, унда қандайдир суд жараёни кечарди. “Ҳа, ҳали суд ҳам бўлади. Туманда дув-дув гап тарқалади. Кимсан дорифуруш Дилмуроднинг хотини боғчанинг пулини, болаларнинг ҳакини, еб кўйибди. Йўк-йўк, ахир бу гирт тухмат-ку! Бу ҳол юз бермаслиги учун бирор чорасини топишим даркор”. “Фалокат бўлмаса аталага тиш синармиди?” деган гап бор. Бор-будимни сотиб бўлса ҳам аёлимни куткаришим керак. Кейин эски уйимизда онам билан яшайверамиз. Бу уй ҳам, машиналар ҳам керакмас. “Бойлик мурод эмас, йўклик уят эмас”, деганлар. Демак, ҳимоячи – адвокат топишим лозим. Ифлос Барно!.. Қизиқ, у ҳам жавоб бераятимикан ё осонгина сувдан қуруқ чикиб оддими?! Эҳ, Жўравой, Жўравой, нималар килиб кўйдинг-а? Гулдай хотининг бўла туриб ўша бузуқига илашиб юрибсанми? Мен сени абжир десам, гирт латта экансан-ку! Афсус, нима бўлсаям жигаримсан. Мен бўлсам сенга ота ўрнидаман. Демак, мендаям айб бор. Биргина укамнинг юриш-туришини вактида назорат килолмадим. Уни орқаваротдан суриштириб туришим керак эди. Ишқилиб ойим билмасинлар-да. Укам қамалиб қолса кўтара олмайдилар. Эй, Яратган згам! Бизнинг оиласа нима бўлди?! Кўз тегдими?!”

Дилмурод хаёлан шундай дея у ёқдан бу ёкка изтироб билан юрди.

– Ҳозирча бирор адвокат ёллашим керак. Неча пул кетса кетсин! – деб юборди бор овозда.

– Нима дейсиз, дала? – ҳайронлик билан сўради қизласи Лола.

- Ҳа, анави телевизордагини айтяпман-да, қизим.
- Үзи ёмон киши экан-да, кейин қамаб қўйиши. — деди қизча телевизорга ишора қилиб.
- Тўғри, қизим. Сизлар ўтириб туринглар-а, мен ҳозир бир жойга тез бориб келаман. Ойинг ҳам ҳозир келиб қолади. Уй-куларинг келса телевизорни ўчириб, жойларингга кириб ёта-веринглар, хўпми, асал қизим!

- Хўп бўлади, дада.
- Дада, мениям олиб кетинг, — деди ўғилчаси Давлатёр хар-хаша килиб.

- Э, йўқ. Синглинг ёлғиз қоладими, ўғлим. Ахир, сен ўғил боласан-ку. Бизлар ахир, эркаклармиз киз болаларни доимо ҳимоя килишимиз керак, — деди Дилмурод ва ўғилчасини эр-кала босини тўзгитиб қўйди.

Дилмурод спортча кийимларини апил-тапил кийди-да, машинасига ўтириб кўчага чиқди. Аввалига кимнинг олдига бо-риш режасини тузди. “Ё Дибороннинг кайтишини кутайинми, кайтмаса-чи?.. Э йўқ, ҳар бир дақика ғанимат”.

Таниш хуқуқшунослар, адвокатларни бир-бир ёдига олди. Сўнг улардан энг қадрдонлари, билимдонларини ўзича тан-лади. Қўшни қишлоқда Адҳамжон Долимов деган эски юрист қадрдони бўларди. У вилоят марказида қандайдир адвокатлик бюросида ишлайди, деб эшифтганди. “Унга ишончнома ёзив бераман, канча бўлса хизматини тўлайман”, — деди Дилмурод қатъий ва машинасини ўт олдирди.

\* \* \*

- Адҳамжон уйида экан. Бўлган ишларни эшитиб лол қолди.
- Эх-хе, ёмон бўпти-ку, Дилмуроджон. Аёлингизни ҳимоя килиш учун укангизни, кейин анави Барно деганиям айблашга тўтри келади. Ҳар қандай ҳолагдаям, даъват мулкини талоп-та-рож қилганилик учун конун бўйигча жавобгарликка тортилиша-ди. Бундан ташқари ўзлаштирилган пул давлат бюджетига кай-тарилиши керак. Мен аввалинг зйблов билан танишиб чиқшишм лозим. Ҳозирча бошқа хеч низма дек сўмайман.

- Сиз аёлимни ҳимоя кила оласизми? Шундан гапиринг.

Қанча сарф-харажат бўлса тўлайман. Илтимос, ёрдам беринг, дўстим. Мен аёлимнинг қамоқда ўтиришини тасаввур ҳам қилолмайман. Агар у қамалиб қолса, мен чидай олмайман. Ундан кўра ўлганим яхши!

– Э, йўқ, ундан деманг. Дилмуроджон. Ўлимдан бошқа ҳам масининг иложи бор, дейиппади. Келинг, биз ҳам ўйлайлик, чора излайлик. Мени ўзингизнинг энг яқинингиз, деб билинг. Пулингиз керакмас, худога шукур, ўзимга тўқман. Сизларнинг гулдай оиласигиз шаънига бир замбил гўнгнинг ағдарилишига мен ҳам бефарқ караб туролмайман.

– Раҳмат, дўстим. Кўнглумни анчагина кўтардингиз. Хўш, айни пайтда нима килишимиз керак, деб ўйлайсиз?

– Ҳим-м. Демак, давлат мулкини ўрнига қўйиш керак бўлади. Шахсий мол-мулкларини сотиб, қарз олиш эвазига, эҳтимол, зиённи коплаш мумкиндири. Лекин бу ерда давлат конуни бузилган. Гурух бўлиб ўзаро жиной тил бириктирилган, деган айблов кўйилган бўлса керак. Мабодо ўша маблағларни ўзлаштириб, легаллаштирилган, яъни шахсий уй-жой куриб олинган бўлса, унда худо урди, деяверинг. Бу уч йидан беш йилгача, мансабдор шахслар учун ундан ҳам кўпроқ. Хуллас, қонунга кўра озодликдан маҳрум этилади, дегани-да.

– Нима?! – деди Дилмурод ва кўз олдига укасининг куриб олган янги уйи келди.

– Энг ёмони, бу ҳолат умумий афвга ҳам тушмаслиги мумкин. Аёлингиз...

– Бўлди бас, гапирманг, – деди Дилмурод ва бошини чанглаб ўтириб қолди.

– Ўзингизни қўлга олинг, Дилмуроджон, буям бир синов-да. Ҳозир хотинингизга ҳам, укангизга ҳам фақат сиз далда бўла оласиз. Бу ёқда қари онангиз, фарзандларингиз бор. Сабрли бўлинг. Бўлар иш бўлибди.

Дилмурод бошини кўтармаган ҳолда оғиз жуфтлади. Лекин энди у анча хотиржам эди.

– Адҳамжон, раҳмат. Сизни тушундим. Оҳ-воҳ қилган билан энди фойдаси йўққа ўхшайди. Бутун бошли боғча биноси қурилмаган, давлат мулки ўзлаштирилган. Буни қай-

тариш керак. Мен бор-будимни сотиб пулини топширишга розиман. Хўш, шунда аёлимни қамоқдан сақлаб қолиш мумкин бўладими, шундан гапиринг. Тўгрисини айтаверинг.

— Опа мансабдор шахслар, олий маълумотли. Бу дегани давлат қонунларини яхши билади. Кейин соғлиги ҳам жойида, яъни руҳий касал эмас, демокчиман. Шунинг учун... — деди Адҳамжон ва оғир хўрсиниб олди.

— Демак, иложи йўқ, денг, — деди Дилмурод ички ҳаяжон билан.

— Бу ишни нуфузли комиссия аъзолари кўзгашган, яъни бу давлатнинг ўзи даъвогар, дегани. Факат судни кутишимизга тўғри келади. Кейин суд ҳукмига қараб, уни қайта кўриш бўйича ўн кун ичида апеляция аризаси берилаверади.

— Барибир қамоқда ўтиради, шунақами?

— Бу суд ҳукми ўқилгандан кейин юз бериши мумкин.

— Унгача-чи?

— Унгача терговчининг ҳаракатига кўра вақтинчалик сақлаш муассасасида ўтириши ёки ҳеч қаёққа кетмаслиги ҳақида эҳтиёт чораси, яъни тилхат ёзиб, гаров тўловини тўлаб, терговга катнашиши мумкин.

— Бунинг иложи бордир?

— Ҳа. Масалан, агар керак бўлса, қария онаси ёки болаларнинг қаровсиз эканлиги ҳақида маҳалла йиғинидан маълумотнома тақдим килинади.

— Бўпти. Мен буни маҳалладан илтимос қиласман.

— Кейин менга ишончнома беришингиз керак. Номингиздан ташкилотимиз ҳисобига бироз тўлов ҳам килиб қўясиз. Менинг номимга Дилоромнинг ҳимоячиси сифатида ордер ёзилади.

— Яхши.

— Бўлмаса, эрталаб аёлингизнинг паспорт нусхаси ва маҳалладан маълумотнома олиб идорага келині. Яна ўйлашамиз. Сикилман! Эҳтимол, бунчалик вахима эмасдир.

— Ҳа, тўғри. Одам ўлдирилмаган-ку.

— Аёлингчз балки хозир уйга қайтгандирлар.

— Ҳа, албагта. Ҳун, бўлмаса. Ўрлагача.

Улар елкаларига мухим масъулиятни олган мардлардек самимий хайрлашдилар.

\* \* \*

Дилмурод уйга келса эшик олдида аёлининг машинаси турарди. Қизил “Матиз” ҳам негадир унинг кўзига кора бўлиб кўринди. Шундай бўлса-да, кўнгли таскин топгандай бўлди. Уйга аста кириб борди. Гулзорга айлантирилган гўзал уйи кўзига вайронадек кўринди. Ҳовлига кирибок “Дилором!” дея кичкирди. Аммо жавоб бўлавермади. Ичкариларни, ётоқхонани кириб кўрди. Болалар ўз жойларида беозор ухлашмоқда эди. Уйда сокинлик ҳукмрон.

Шу маҳал ошхонадан аёлининг пиқиллаган товуши эшилди. Дилором ёш болалардек йигламоқда эди.

- Дилором, бас қилинг. Бўлар иш бўпти.
- Ахир, айбим нима?!
- Ҳеч кандай айбингиз йўқ. Бирор тушумовчилик бўлган бўлса керак.

– Мен ахир, унга нима ёмонлик қилдим? Жўравойни ўз укамдек кўтардим-ку. Ҳеч ишонгим келмаяпти. Юрагим ёниб кетяпти, ёниб!

– Ҳа, аҳмок Жўра. Ҳали мен уни учратай, деганимни дейман.

- Энди фойдаси йўқ.
- Йўқ. Ҳали кеч эмас. Мен адвокат ёлладим. У сизни химоя килади.

Дилором ярқ этиб қаради. Бу аёл учун кутилмаган янгилик эди. Ҳайтовур тинчланди.

- Суд қилишармиш, – дея аста шивирлади жувон.
- Шунака... Жўра қаерда?
- Менимча, у камерада ўтирибди, тергов бераяпти.
- Сизни қўйиб юборишдими, ишқилиб?
- Ҳа, лекин судгача ҳеч қаерга кетмаслик ҳакида тилхат ёздириб олишди. Гаров пули ҳам тўладим. Уйга келиб олиб бориб бердим. Бор йигтанимизни бериб келдим, – деди аёл ва йигисини давом эттирди.

– Яхши. Шунисигаям шукур. Тинчланинг, ўзингизни бо-синг. Йиги-сиги энди ёрдам бермайди. Биз ўзимизни химоя килишимиз керак.

— Агар зиённи тұламасак уй-жойларимизниям мусодара ки-лишармиш.

— Ҳа. Давлат пулини жойига күйиш керак-да. Юринг, кон босимингизни ўлчаб қўяй. шунга қараб дори бераман.

— Э, керакмас, бўларим бўлди! — дея жеркиб берди жувон. — Мен бир нарсадан қайғураман, дадаси. Мободо қамалиб колсам болаларимизнинг келажаги нима бўлади?

— Ундай деманг. Дијором. Тўғри, ўзимизни эҳтиёт қилмасак бўлмайди. шекилли. Эртанги мушкилотларга тайёр туришимиз керак. Кўркманг, ўзингизни химоя килинг, бўш келманг, ҳеч нимани бўйнингизга олманг.

— Барибир фойдаси йўқ, мени қамашади...

— Йўқ! Мен бунга асло йўл қўймайман!

— Сиз нима ҳам қила олардингиз?

Дилмуроднинг асаби таранглашди.

— Мен эркакман, ахир! Сизни химоя киласан, сўз бераман! Керак бўлса, бор-будимизни сотамиз, ойим билан яшаймиз, гушундингизми?! Мулк топилади. Омон бўлсанк бўлгани. Соғ бўлсанк яна ҳаммаси ўз жойига тушиб кетаверади! Худога шукр, акл-хушимиз жойида, орттирган билим-малакамизни, дўстларимизни ҳеч ким биздан тортиб ололмайди. Буям бир синов, тушунинг ахир!

Дилором ўзини Дилмуродниң багрига отди.

— Бахтимизга кўз тегдими, дадаси? Қамалиб кетсан, қийналиб коласиз-ку, — деди аёл ва ҳўнграб йиғлаб юборди.

Дилмурод хотинини бағрига маҳкам босди. Аёлнинг қайнок жуссаси бетўхтов силтанаарди.

— Э, йўқ. Унака бемаъни гапларни гапирманг! “Қамалмайсиз” дедим-ку, вассалом! Мен тирик эканман, бунга асло йўл қўймайман. Чин эркак сўзим!

Шу пайтда аёл ўнг тарафида оғриқли санчикни сезди. У “вой” деди-да, эрини ушлаб букчайиб қолди.

— Ҳа, нима бўлди? Ҳозир мен дори олиб келай. Ўтиринг, бу ерга ўтиринг. Мана, совуқ чой бор экан.

— Менга Маржон табиб айтганди...

— Табиб?! Нима деганди?

— Э, кўяверинг, ўтиб кетади. Огриқ қолдирувчи дори беринг, илтимос.

— Ҳозир “Ношиа” олиб келаман, — деди эри ва дори кутичани апил-тапил титкилай кетди.

— Мана, “Валидол” ҳам бор экан, ичиб олинг.

У аёлининг қўлини тутди ва маънодор қисиб қўйди. Бу “Бардам бўлинг” дегани эди.

— “Энам” деган доридан ҳам ичиб олинг. Кон босимингизни туширади.

— Нима, “Энам” дейсизми?

— Ҳа, дорининг номи шунака.

Дори қофозидаги ёзувни ўқиб аёлнинг чехраси бир оз очилгандай бўлди.

— Тавба, топган номларини қаранг-а. Маржон табиб бирор дамлама буюрган бўлармиди. Масалан, лимонли чойми.

— Яхши, ҳозир лимонли чой қилиб бераман. Унга олча билан кийик ўт ҳам қўшамиз. Улар асабни тинчлантиради, дейишади. Бир дона “Демидрол” ҳам ичиб оласиз, кейин ухлайсиз, хўпми?

— Канийди ухласаму турмасам. Наҳотки, ҳаммаси тамом бўлган бўлса... Лекин турмушимдан, сиз билан ўтказган умримдан мингдан минг розиман. дадаси.

— Унақа деманг. Рухингизни ҳечам туширманг, илтимос. Биз хали бу синовларни, албатта енгамиз, ҳаммаси ўтиб кетади. Сизнинг бегуноҳлигингиз кундай равшан бўлиб турибди-ку!

— Ростданми?

— Ҳа. Сиз менга ишонасизми?

— Ишонаман. — деди аёли пичирлаб.

— Үндай бўлса, фақат айтганимни қиласиз. Мен нима десам шу бўлади. Келишдикми?

— Келишдик, — деб қўйди жувон оҳиста.

Дилором эри тайёрлаб берган дориларни ичиб олди. Овқатдан ҳам бир оз тановул килган бўлди. Иссиқ дамламадан иди-да, ўтирган жойида мизгий бошлади. Дилмурод уни қўтариб жойига олиб кириб ётқизди ва устига меҳр билан кўрпача ташлаб, ўраб қўйди. Сўнгра уйкудаги маликасининг жамолига бир фурсат тикилиб ўтирди.

Аслида аёл ухламаганди. Ахир, шундай ташвиш билан қандай ҳам ухлай оларди. У эрини тинчлантириш учун шундай килди. Атайин кўзларини юмиб олди. Дилмурод ўз олдига “Нима килиш керак?” деган саволни қўйди-да, шахмат доналарини сураётган одамдай фикран турли варианtlар килиб кўрди. Уй ва машиналарни зудлик билан сотиш, дорихонани жияни Сардорбекка топшириш ҳакида ўй сурди. Албатта, уларни тезлик билан арzon-гаровга сотиш мумкин. Хўш, кейин-чи, пулни давлатга топширадими?.. Қамалмаса-ку, майлига эди. Демак, пулни қилиб қаерларгадир қочиб қолган маъкул. “Пулни пул топади” дейдилар. Уни айлантириб фойдасини давлатта топширавераман. Қизиқ, ўзи неча пул бўлар экан-а?.. Демак, адвокат билан маслаҳат қиласман. Уйни сотиш керак, ха, сотиш. Йўкса, боғча маблағи ҳисобига курилган, деб мусодара килишлари турган гап. Лекин пулсиз ҳеч қаёқка кетиб бўлмайди. Мен буни ишнинг иси чиқмай туриб ҳал килишим лозим. Жиянлар, якин дўстларимга бугун тундаёқ учрашиб, “Зудлик билан хорижга ишга кетадиган бўлиб қолдим. Шунга бир оз пул керак дейман. Ҳа, шундай қиласман, Дилоромни олиб қочиб кетаман. Уни қамоққа топширадиган аҳмоқ йўқ!” – деди у қатъий бир қарорга келиб ва шарт ўрнидан туриб кетди.

\* \* \*

Дилмурод то тонгта қадар мижжа қокмади. Бир неча дўстлари, кариндошларини уйқудан “тревога” билан уйғотди. Нагижаси ёмон бўлмади. Уй-жойини кўшниси билан арzon гаровга гаплатиб чиқди. Уйини кўшниси Холматжон оладиган бўлди. Юз минг долларга сотиладиган ховлини олтмиш мингга келишишили. У пулнинг ярмини эрталаб топиб берадиган бўлди. Кейинчалик эса зарур бўлса уйини ўша давр нархида кайтиб сотиб олишга ҳам келишиб олишди. Машиналарини жиянлари “Бош ишончнома” билан ўзлари расмийлаштириб олишадиган бўлишиди. Болаларини бўлса, ойижонисига топшириб кетади. Уй пулининг бир кисмини беради. Кейин бир гап бўлар...

Ана шундай ўйлар билан эрга тонг маҳали уйга кириб келганида Дилором аллақачон уйғонган ва уй ишлари билан банд эди.

— Ассалому алайкум, яхши ётиб турдингизми, хоним? — деди Дилмурод одатдагидай яхши кайфият билан.

— Вой, раҳмат сахарлаб қаёқдан келяпсиз, дадаси?

— Ишларни деярли ҳал қилдим. Бўлинг, сафарга жўнаймиз, — деди эри дабдурустдан.

— Вой! Бу нима деганингиз?

— Кеча келишдик-ку, айтганимни қилинг-да, бошқа ҳеч қандай савол берманг, хўпми? Энг керакли нарсаларни, хужжатларни олинг. Кейин иссиқ кийимларниям.

— Ахир, мен...

— Тилхатингизни ўйламант. Энди сиз учун адвокатингиз жавоб бераверади.

— Ростданми?

— Ҳа.

— Биз унга яхши ҳақ тўлаймиз. Машиналаримизниям сотдим. Ўзимиз оқшом жўнаб кетамиз. Ҳозирча ишингизга бориб ҳеч нима бўлмагандай юраверинг.

— Боғча бугундан бошлаб ишламасмиш, тафтиш қилишармиш.

— Яхши. Тафтиш бўлса, Жўравой ўзи хисобчи билан қатнашаверсин. Ўзи пиширган ош. Тушликкача ишда бўлиб, сўнг калитларни коровулга топширинг-да “Мазам бўлмаяпти, уйда бўламан” деб келаверинг, хўпми?

— Болаларни нима қиласмиш?

— Ойимникига ташлаб келамиз. Бир йилча қараб тураверадилар. Агар ишлар тинчидек кетса, қайтиб келиб яшайверамиз. Қўшни билан гаплашдим у ҳам, Сардор ҳам хабар олиб туришади.

— Ҳа, илоҳим. Ишқилиб, мушкулимиз осон бўлсин-да.

— Айтмоқ-чи, узок йўл. Йўлга ул-бул пишириб оларсиз.

— Ҳа-ҳа, ёғли патир қиласман. Кейин кечга ош дамлайман, — деди аёл ички ҳаяжон билан.

— Майли, жиянлар, кейин анави адвокат дўстимни ҳам таклиф қиласман. У нотариусни бошлаб келади. Уларга ишончнома ёзиб беришимиз керак.

— Хүп бүләди, хүҗайин. Сиз нима десангиз шу-да. Юринг нонушта қылайлик.

— Мен чарчадим, бир оз мизгиб олай.

— Хүп, — деди Дилором итоат билан ва эрининг устки кийимларини ечиб олиб илиб кўйди.

Дилмурод юмшок ўриндикка ўзини таппа ташлади-да, уйкуга кетди. Дилором унинг тепасида бир оз кузатиб, пешонасига тушган, эндигина оқ оралаган соchlарини силаб ўтири. У эрининг қилаётган саъй-харакатларидан жуда мамнун эди. “Мен эркакман, сизнинг камалишингизга асло йўл кўймайман!” деган сўзлари қулоги остида такрор-такрор жарантлар ва бу сўзлар унга руҳан далда бўлмоқда эди.

“Демакки, эrim адвокат билан ҳамжиҳатлиқда нималарнидир режалаштириган, “Эр сўзи – битта” деган гап бор. Шунинг учун у кишига қарши чиқмай айтганини қилишим керак. Нима бўлсаям эrim, оиласиз кемасининг капитани. Қаёққа сузишни ўзи яхши билади”, – деди аёл ва Дилмуроднинг бурнини меҳр билан аста чимдили.

Эри кўзини очмаган ҳолда лабини чўччайтирганди, астагина ўпиб кўйди.

\* \* \*

Дилмурод уйгонгач, режалаштирилганидай хотин ишга, Дилмурод болаларини олиб ойисиникига, сўнгра эса Адҳамжоннинг хузурига жўнади. Маҳалладан маълумотнома олишга зарурат йўқ, деб ўйлади.

— Хуллас, Адҳамжон уйимизни, машиналарни сотдим. Манави сизнинг идорангиз ва яна бошқа харажатларингиз учун бир оз пул, – дея у бир канча пулларни “тап” этказиб кўйди.  
— Кейин оптик-камини гаплаштаверамиз.

— Ие, качон улгурдингиз? – деди адвокат хайрон бўлиб.

— Улгурдим-да... – деди Дилмурод мийигида кулиб.

— Хўп, яхши. Демак, харидорингиз нақд экан-да, а?

— Ҳа, шунинг учун сизга ишончнома ёзиб берамиз. Кейин яна бир ишончномани сизга хотиним номидан ёзиб берсак, суд жараёнларида ҳам ўзингиз қатнаша оласизми?

- Яхши. Бунинг учун алоҳида холатлар бўлиши керак бўлади. Масалан, оғир руҳий хасталик, яқинидан жудолик, кейин баъзи баҳтсиз ҳодисалар, умуман, шунга ўҳшаш.
- Агар айбланувчи судга сабабсиз келмаса-чи?
- Суд мажлиси кейинга қолдирилаверади.
- Зиённи-чи, тўлайвериш мумкинми?
- Ҳа. Лекин очикрок гапираверинг, нима қилмоқчисизлар ўзи?
- Хорижга кетмоқчимиз.
- Ундай қилманглар. Халкаро қидирувга беришлари мумкин. Чегарадан ўтишлар, интерпол дегандай...
- Энди бу ёгини пешонадан кўраверамиз-да.
- Қачон кетмоқчисизлар?
- Шу кунларда. Тафтишчилар укам билан ишлашаверади.
- Ҳим-м, тушунарли. Бўлмаса, менга уй ва машиналарнинг хужжатларини, харидорларнинг паспортларини, хотинингиз номидан мулкни сотишга қарши эмаслиги ҳақидаги тилхатларни нотариус орқали тайёрлаб берасиз. Суд учун аёлингиз номидан ишончномани ўзим тайёрлайман. Аёлингиз ва ўзингизнинг паспорларингизни беринг, нусха кўчириб оламан. Кейин кечки пайт уйингизга нотариусни олиб бораман.
- Келишдик.
- Лекин баъзан биз учрашиб туришимиз керак бўлади.
- Албатта, мен келиб-кетиб турман.
- Сизга бир гапни айтиб кўяй, – деди Адҳамжон аста. – Аёлингиз амнистияга тушиб афв этилиб, жиноий иш ёпилиши ҳам мумкин. Аммо бу дегани давлат мулкини тўлашдан озод қилинади, дегани эмас. Демакки, сизлар пул топиб, ўша пулни давлат газнасига топшириб, чинталарини йигиб юришингиз керак бўлади.
- Ҳа, айтмоқчи. Ўша пулнинг микдори канча экан?
- Прокуратурага кўнгироқ килиб аникладим. Икки юз саксон миллион сўм экан.
- Дилмурод ажабланиб ёқасини ушлади.
- Вой-бў, шунча эканми?! Ҳа майли, бўлар иш бўлди. “Бош омон бўлса, дўппи топилади”. Акл-хушимиз жойида, ҳалолидан берсин. “Пул топилади, хотин ёнга қолади” деганлар.

— Оббо, сиз-ей! Шу ахволдаям ҳазил қиласиз-а? — деди Адҳамжон кулиб. — Бўлмаса, келишдик. Кечки пайт уйингизга ўтаман.

— Ҳа-ҳа, ўзи сизни уйга бир чўқим ошга таклиф килмоқчи эдим.

— Янгамнинг ахволи дурустми?

— Ҳа энди, тақдирга тан берган. Мен унга қамалмайсан, деб сўз бердим.

— Тўғри-ку, аммо қонун-қонун-да. Уни бузиб бўлмайди.

— Майли, шундай қилайликки, сих ҳам, кабоб ҳам куймасин.

— Ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Эҳтимол, бутун айбни аввалги мудира Барнога юкланар. Мен иложи борича шунинг пайидан бўламан. Факат ашёвий далиллар ва гувоҳлар керак бўлади.

— Сиздан илтимос, укам Жўравойниям иложи борича химоя қилинг. Укамга айтинг, менинг унга нисбатан ҳеч қандай хусуматим йўқ. Иш бор жойда камчилик ҳам бўлади-да. Кўнгли тўқ бўлсин.

— Хўп. Бу гапингизни, албатта, етказаман.

\* \* \*

Жўравой тергов давомида вақтингчалик сақлаш муассасидаги қамоқхона камерасида ўтиради. Бўлиб ўтган ишлардан тўғри хулоса чиқариб, терговчига қандай баённома бериш ҳакида ўйлаб, мулоҳаза килиб олиш учун бу бир синов фурсати эди.

Вилоят прокуратурасида мазкур жиноий иш бўйича тергов-суриштирув ишлари қизгин давом этарди. Туман Ҳалк таълими бўлими пурратчи ташкилот раҳбарлари, боғча ходимлари бир-бир терговга чақирилмоқда эди. Жўравойни бўлса маҳкумхонадан соқчилар ҳамроҳлигида, соқчилардан бирининг қўлига бир қўлини кипланланган ҳолда олиб келишар, ва эҳтимол, атайин рухий таъсир кўрсатиш учунми, кун бўйи тор йўлакка кўйилган ўриндиклардан бирига занжирбанд ҳолда, соқчи назоратида ўтқизиб кўйиларди.

У ниҳоят қалтис иш килиб кўйганини англаб етди. Келинойиси Дилоромни ҳимоя қиласай деса, Барно ва никоҳсиз тугилажак бўлгуси фарзанди кўз олдига келар, Барнони деса келинойиси ва туғишган акасига жабр бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб боши котарди. Аммо бўлган ишларни ўз бўйнига олишни ҳам истамас, ҳамма ишни осонлик билан босди-босди килиб юборишга йўл қидирарди.

У ҳам адвокат ёллади. Аммо адвокати Хуррамов ҳовликмарок, тезроқ ишни тугаллаб, ҳакини олишга иштиёқмандрок эканлиги хатти-ҳаракатидан сезилиб турарди. “Жиноятчи аник. У бўйнига олса бўлди-да, чўзиб ўтирадими?” дерди у. Аммо ўша жиноятчи Жўравойнинг ўз келинойиси эканидан дастлаб бехабар эди. Шу туфайли Жўравойга иложи борича ҳеч нарсани бўйнига олмасликка, балки барча айни мудиранинг ўзига юклаб, давлат мулкини талон-тарож килинишида унинг мутлақо хабарсиз эканлиги ҳақида баённома бериш кераклигини қайта-қайта уқтириди.

— Шундай қилинса, “ўзаро жиноий тил бириктириб, қасдан содир этди” деган гап бўлмайди. Яъни гурух бўлиб ўзаро жиноий тил бириктириш билан бир шахснинг ўзи билмасдан жиноят содир этишида кўпгина енгиллик бор. Бундай ҳолда сиз умуман жавоб бермайсиз, — деди у куйиб-пишиб.

— Мудира-чи? Унга нима бўлади? — сўради Жўравой.

— Шунақа бўлса, ишлар тезроқ ёилиб кетиши мумкин. Ҳа энди, оз-моз жарима тўлайди-да. Эҳтимол, биринчи бор, қасдан содир қилмагани, илгари муқаддам судланмагани, иннайкейин, аёл киши бўлгани учун амнистиягаям тўғри келини мумкин. Мен номингиздан прокурор номига “Илтимоснома” тайёрлайман. Сиз бўлса, юқорида айтганимдек килиб “Баённома” ёзив берасиз. Тўғриси, бу қозозни ўзим тайёрлаб келаман. Сиз имзолайсиз, холос. Хўш, розимисиз?

Жўравойнинг кўнглидан “Таваккал қилсаммикин? Аввал ўзимни куткариб, сўнг келинойимни чикариб оламан” деган фикр яшин тезлигига ўтди ва “розиман” дегандек бош силтаб кўйганини ўзи хим англамай қолди.

Эртаси Хуррамов компьютерда ёзилган баённомани камерага олиб келиб имзолатиб кетди. Унда Дилоромнинг устидан яхшигина магзава ағдаришганди.

Шу кунлари Дилором гойиб бўлди. Бу хол айбланувчи аёл шаънига нисбатан хуқук-тартибот ходимлари наздида чиндан ҳам жиноятчи деган холосага келишларига ва кейинрок қидируга берилишига сабаб бўлди.

\* \* \*

Оқшомги ошга барча таклиф килинган яқинлар йигилишиди. Аммо уларнинг шу бугуноқ жўнаб кетишлиари хақида ҳеч кимга чурқ этилмади. Дорихона ва машинасининг калитини Дилмурод жияни Сардорбекка топширди. “Болалардан, бувингдан тез-тез хабар олиб тургин, хўпми? – деди у аста шивирлаб. – Тунги соат ўнларда чиқиб кетамиз. Бизни Ғовасойга ташлаб келасан. Ҳеч ким билмасин. Ким сўраса хорижга кетишди, деб айт. Кейин дориларни ҳисобчи киз билан ўтириб қолдигини аниклаб олинглар. Сен билан ҳисоб-китобни кейин қиласми, бўптими?”

– Хўп бўлади, – деди Сардорбек итоат билан. Лекин унинг ҳам кўнгли хижил эди. Келинойиси билан боғлик воқеалардан шу бугун кисман хабардор бўлганди.

Дилмурод икки фарзандини кари онасиликига элтиб кўяркан, аҳволини жуда хижолатлик билан тушунтирди. Чунки ёлғон гапиришни ўзига эп кўрмаётганди.

– Ойижон, бизни хорижга малакамизни ошириш учун ўкишга юборишмоқда. – деди Дилмурод ва ёлғонини яшириш учун атайин ерга караб олди.

– Бўйларингдан айланай, болам. Буни кара-я, акли, эсли-хушли бўлганинг учун амалингни кўтаришадими-а? – сўради аёл соддалик билан.

– Ҳа, шунака. Лекин биргина ўзим эмас, келинингиз ҳам мен билан кетади.

– Нима, униям малакасини оширишармишми?

— Ҳа. Дилором ҳам қайтиб келгач, каттароқ ишга ўтаркан.

Аммо сўзлари калтираб дагалроқ чиқди. Шу туфайли сохта йўталиб олди.

Муслима аянинг кўнгли бир нимани туйдими, ўғлига қараб бир оз ўйланиб қолди ва Дилмуроднинг бошини ўзига қаратди, кўзларига тикилди.

— Авзойинг бошқачароқми, болам? Бирор гап бўлдими-а? Тўгрисини айтавер.

— Йўқ, онажон, ҳаммаси жойида. Кеча ухлай олмагандим. Бир оз чарчаганман.

— Кечада менинг ҳам тушимга алламбалолар кириб чиқди. Негадир кўнглим нотинч.

— Тушга нималар кирмайди, дейсиз.

— Илоҳим, бошларинг тошдан бўлсин. Мартабаларинг бундан ҳам улуғ бўлсин, болам. Майли, невараларимга ўзим қараб тураман, ҳеч хавотир бўлманглар.

— Манави сизга, — деди ўғли ва бир мунча пулни онанинг кўлига тутқазиб кўйди.

— Вой, бу нима, болам?

— Пул. Болаларга яхши қаранг. Доим яхши таомлар пишириб енглар. Мева-чеваларни канда қилманглар. Уларни эҳтиёт килинг, касал бўлиб колишмасин. Витаминалардан кўп-кўп ичириб гуринг.

— Бу пулингни ўзинг ишлатавер, болам. Менинг нафака пулим етарли.

— Биз хорижда узокроқ қолишимиз ҳам мумкин. Зарур бўлса болаларгаям, ўзингизгаям кийим-кечакларни бемалол сотиб олаверинг, онажон.

— Кийимларим етарли, болам. Керак бўлса, Жўравойга айтаман, олиб беради. Лекин охирги пайтларда уканг ҳам жуда камнамо бўлиб қолди.

— Ҳа. Униям ишлари кўп. Ишхонасига комиссия келганмиш. Хотинига тайнинладим, жияним Сардоргаям. Улар сиздан тез-тез хабар олиб туришади. Келин болаларни вактида чўмилтириб турсин, хўпми?

— Хўп, болам. Мана шу келиним барака топкур жа яхши

чиқди-да. Яхши тарбия кўрган қиз экан. Жўравой ичиб келиб жанжал қиласям, урсаям миқ этмайди, бечора.

— Хўп, ойи. Ўзингиз энди бир дуо килинг. Узок сафарга кетяпмиз, ахир.

— Вой, Дилоромнинг ўзи қани?

— Йўлга тайёргарлик кўряпти. Кейинроқ сиз билан хайрлашиб кетади. Менинг ҳам зарур ишларим бор.

— Майли, болам. Илоё, сафарларинг бехатар бўлсин, — деди она дуо қилиб ва кўзларига ёш олди. — Нима режа қилган бўлсанглар, худойим сизларга мададкор бўлсин. Ой бориб, омон қайтинглар. Соғ-омон учрашиш насиб қиласин.

— Болаларни сизга, сизни худога топширдик, она. Чарчаманг, соғ-омон бўлинг. Нима камчилик бўлса бемалол Сардорга айтаверинг, хўпми?

— Бўпти, болам...

Аёл хаёлан мамнун эди. Эри баравакт ўтиб кетган бўлса-да, болаларни қийинчилик билан олий ўкув юртларида ўқитди. Ҳаммаси ўз йўлини топиб кетди. Уйли-жойли бўлишиди. “Мана энди катта ўғлим Дилмурод хорижда малакасини ошириб келармиш. Эр-хотин энди бундан-да обрўлироқ ишларда ишлашади. Қандай яхши”, деб кўйди она ўғлининг ортидан узок караб қоларкан. “Бўйларингдан ўзим ўргилай”, деб кўйди у ич-ичидан қувониб, кўз ёшларини артганича, халтадағи пулни олиб ичкарига кириб кетди.

Эски уй ичкарисида болалар бекинмачок ўйнашмоқда эди. Дадаларининг кетганини сезмай ҳам қолишиди.

\* \* \*

Уша тунда эр-хотин кишлокни тарк этишиди. Аммо Дилоромга фарзандларини ташлаб кетаётгани жуда оғир кечди. Эрининг галига кўниб тақдирга тан беришдан бошқа иложи йўқ эди. Шунинг учун у ўзини тутиб олилига мажбур бўлди. Ҳозир нолишу эҳтиросларнииг ўрни эмаслигини сезиб туради.

— Ростданам хорижга кетаяпмизми-а, дадаси? — сўради у эрининг қулогига аста шивирлаб.

- Йўқ. Чегарада паспортни рўйхатга олишади. Бу мумкин эмас.
- Қаёкка борамиз, бўлмаса?
- Эсингда борми. ўтган йили бир хафта дам олиб келгандим-ку. Ўша тоғдаги хизматдош дўстимниги.
- Худойдод аками?
- Ҳа-ҳа, чўпон. Ўшаникига борамиз.
- Нима иш қиласиз?
- Кўрамиз-да, шароитга караймиз. Эҳтимол, бизлар ҳам кўй-эчки бокармиз.
- Вой, қанака қилиб? – ҳайратланиб сўради аёл.
- “Мехнат қилган мой ошар” дейдилар.
- Маржон табиб ҳам ўша томонлардаги тоғларда яшайди, деб эшигувдим.
- Нима? – деб сўради Дилмурод ҳайрон бўлиб. – Ким айтди?
- Ўзи.
- Ўҳ-ҳӯ, анчагина яқиндан танишиб олибсизлар, шекилли-а?
- Ўшанда борсак тушлик қилиб ўтиришган экан. Бизниям дастурхонга таклиф қилишди. Кейин сухбатларидан билиб олдим-да.
- Кўриниши қанақа эди?
- Тогнинг одами. Қораҷадан келган, соқолига оқ оралаган, истарали чол. Сочининг чеккасига маржон тақиб олибди. Кўпни кўрган, жудаям билимдон кишига ўхшайди.
- Шунаками? Медицинадан хабардор эканми?
- Ҳа, урушда ҳарбий шифокор бўлганмиш. Кейин дунё ке-зибди, халқ табобатини чукур ўрганишга ҳаракат қилибди.
- Эҳ-хе, унда чиндан ҳам яхши мутахассисга ўхшайди-ку. Эсиз, ўшанда мен у киши билан учрашиб, бир сухбатини ол-сам бўларкан, – деди Дилмурод армон билан.
- Билсангиз, мен ҳам уни дастлаб бирор фирибгарлардан деб ўйлаб, ишонмагандим. У киши асосан табиатда учрайди-ган гиёҳ, мўмиё, асал, зулук ва шунга ўхшашлардан фойдаланиб одамларни даволаркан. Кейин кортик ҳам киларкан.
- Кортик? Бу нима дегани?
- Кон оларкан. Касаллик турига караб ҳар кимнинг ҳар хил жойидан оларкан-да.

— Қанака килиб?

— Аввал банка кўяркан. Терининг ҳавоси сўрилганда қон тўпланиб корайиб қолган жойни тилиб-тилиб оларкан-да, сўнг устидан яна банка кўйиб харом конни бутунлай олиб ташларкан. Зулук кўп конни ололмасмиш, тез тўйиб қолармиш.

— Ўх-хў, бу кизик-ку!

— Бу усул қадимдан табобатда кўлланиб келинаркан. Ҳатто ибн Сино ҳам шундай қилганмиш. Қонини олдирган аёл билан гаплашдим. Унинг кон босими жуда баланд эмиш. “Дўхтири ёзиб берган, ичмаган дорим қолмади” дейди. Кон олдирганидан сўнг бутунлай яхши бўлиб қолибди.

— Ҳа, бу ҳакида мен ҳам эшитгандим. Кон босими жуда юкори бўлса, кон олдириш тавсия қилинган. Лекин буни қасалхонада ҳар кимга ҳам кўллайверишимайди. Қон босимини туширувчи укол-дориларнинг тури кўп. Лекин улар даволамайди. вақтингча туширади, холос.

Шундай килиб Дилмуроднинг Маржон табибга ихлоси янала ортди. Табиб билан бир бор учрашиш унинг орзусига айланди.

Ҳадемай туғилиб ўсган қиплокни тарк этишди. Улар ихтиёрий равишда одил суд ҳукмилан воз кечган оилавий қочоклар эдилар.

## II БОБ ЯНГИЧА ТУРМУШ

Худойдоднинг оиласи Дилмуродларни илиқ кутиб олишди. Ҳизматдош дўстлар сой сохилидаги кўм-кўк майсалар устига жой килиб оилавий давра куришди. Мехмонлар шарафига кўй сўйилиб, бешбармоқ пиширилти. Дастурхон бошида кизгин сухбат куришди. Аммо Дилмурод ҳам. Дилором ҳам ўз бошлирига тушган мушикилог тўғрисида ҳозирча миқ этишмади. Биринчи кун ўзларини гўё дам олгани келган меҳмондай тутишди. Бегубор тог ҳавосида мириқиб ҳордик чиқаришди. Эртаси тонг-саҳарда Дилмурод дўсти билан кўй-кўзиларни

ҳайдаб тепаликлар сари йўл олишди. Дилором Мухаррам билан уйда қолди.

Лекин “Дўст оғир кунда билинади” деганларидай Худойдод Дилмуродниң юз-кўзларида аллақандай ташвиш аломати борлигини зимдан пайқади.

— Дилмуроджон, сўраганинг айби йўқ. Бу дейман камгапрок кўринасан, соғлиғинг жойидами ўзи?

— Жойида, — деб кўйди курук килиб ва бир чуқур хўрсиниб олди. “Айтмасам бўлмайди, шекилли” деди хаёлан ва дардини тўкиб солди:

— Шу десанг, ошна, сал анавиндайроқ иш бўлиб қолди-да, — деди у айтгиси келмагандай салмоқланиб.

— Қанақа иш?

— Нима десам экан, нохушрок-да.

Чўпоннинг кўнгли алланечук бўлиб кетди ва “Курей!” деся итлар томон “Сурувга каранглар!” дегандай каттиқ кийкириб кўйди-да, “Қани ўтирайлик”, дегандай улкан харсанг тошларга ишора қилди. Бу унинг “Хўш, гапир, нима бўлди?” деб сўрагани эди.

— Ёмон бўлди, — деди Дилмурод жавобан.

— Очикрок гапиравер, — деди чўпон қўлидаги таёгини ёнидаги тош устига асабий тақиллатиб уриб кўяркан.

— Тўғрисини айтсам, биз бу ерга заруратдан келдик.

— Тушунмадим.

— Хуллас, қишлоқдан бир муддат кетишимизгага тўғри келди-да.

Худойдод дўстининг кўзларига яхшилаб бокди ва бир оз ўйланиб қолди.

— Ҳим-м, бирор жиноят қилдингми-а?

— Э, йўқ, унчалик эмас. Лекин шунга ўхшашрок десаям бўлаверади, — деди мужмалроқ килиб.

— Қидиувдамисан? — дабдурустдан сўради дўсти.

— Ҳа. Лекин мен эмас, хотиним.

— Нима?! — Ажабланди чўпон.

— Шунақа бўлиб қолди-да, — деди Дилмурод ва чуқур хўрсиниб олди.

— Қанақасига?

— У боғча мудираси эди. Ҳозирда давлатнинг катта маблаги-



ни талон-тарож килинганиңда айбланмокда. Лекин Дилором бир тийин ҳам олмаган. Үлай агар, ишон!

– Эх-хе, ёмон бүлти-ку, – деди чўпон ва таёгини харсанг устига яна бир-икки асабий уриб қўяркан, хавотирланиб сўради: – Нима, катта суммами?

– Икки юз саксон миллион.

– Ўх-хў! – деб қўиди чўпон ҳаяжон билан.

– Энг ёмони, бу тўланса-тўланмаса қамаб қўйишлари мумкинмиш, – деди Дилмурод аламдан ва бир тошни товони билан тепиб юборди.

Тош пастилик томон думалаб бошқа тошларга урилиб тақирилаган садо чикарди. Итлар ва қўй-эчкилар бир он ҳушёр тортишди.

Шундан сўнг Дилмурод мезбон дўстига бўлган ишлар ҳакида батафсил гапириб берди.

– Демак, қочиб келибсизлар-да, а? – сўради дўсти.

– Ҳа, хорижга ўтиб кетмокчи эдик, лекин...

– Тушунарли. Майли, ҳозирча меҳмонимсизлар, бирор чорасини ўйлаб қўрармиз. Бу ерлар чегара ҳудуд хисобланади. Янги пайдо бўлганларнинг албатта, хужжатини текширишади. Айникса, манавинака “пўрим” бўлиб юрганларни, – деди чўпон дўстининг спортча кийими ва оқ красовкасига ишора килиб. – Хуллас, биринчи навбатда, сизларни “одамбашара” килишга тўғри келади.

– Бу нима деганинг?

– Яъни менга ўхшаб кийиниб, офтобда қорайиб-котиб, дегандек. Кейин Дилоромнинг ҳам шаҳарликлардан фарки қолмабди. Сочиям калта, бўялган. Хуллас, униям маҳаллий аёлларга ўхшатиб кийинтириб қўйиш керак. Сигир соғсин, татпи килсин...

– Айттанингни қиласиз, дўстим. Биласан-ку, ҳозир сенинг ёрдаминга жудаям мухтожмиз.

Лекин бу ерда яшашларнинг тўғри бўлмайди. Участка нозири Коравой жуда ҳушёр йигит. Майли, бирор чорасини қўрармиз, – деди дўсти ва суруви томон яна қаттиқ кийкириб қўйди.

Аммо чўпон ҳам энди анчагина тунд бўлиб колди. У дўстининг қочоқ аёли ҳакида хаёлан қайгураётганди. Ички хавотирлик унинг юз-кўзи, юриш-туришидан маълум эди.

Сурувни қайтариб келишса, аёллар апок-чапок нон ёпиб, палов пиширишаётган экан. Дилором ўзи бир фаргонача килиб палов тайёрлаб беришни кўзлаган бўлса керак, ўчокхонада уймаланаарди.

– Яхши келдингизларми, дадаси? Бирпасда офтоб таъсир килдими, дейман-а, юзларингиз қизарип кетибди-ку.

– Тогнинг қуёши, шамоли, ҳавоси бўлакча бўлади-да, синглим, – деди чўпон Дилмуроднинг ўрнига. “Энди кўниинглар, қорайнинглар, сизларниям тақдир-пешоналаринг менга аён” деган маънода илмокли гап қилди.

– Худойдод тўғри айтяпти, пода боқишиниям гашти бошқача экан, – деб кўйди Дилмурод ҳам дўстининг гапини маъқуллаб.

– Бориб ювиниб чиқинг, дадаси, ошни дамлайпман, – деди Дилором.

– Секин-секин ювинмай юришгаям кўнишиб кетасизлар хали, – деди чўпон пичинг килиб.

– Э, йўғ-а. Ювинмай бўларканми?

– Бир чўпон иккинчи чўпонни тогу тошда учратиб қолибди, – деди Худойдод латифага оғиз жуфтлаган бўлиб. – Кейин сўраганмиш “Ошна, сен бир йилда неча марта ювинасан?” Иккинчи чўпон жавоб берибди: “Бир ёки икки марта”, деса. “Эҳ-хе, балик бўп кет-е!” дебди биринчиси.

Улар кулишиб олишди. Кайфиятлари бир оз кўтарилиди, сўнгра Худойдод кўй-эчкиларни кўрасига қамагани, Дилмурод бўлса, хотини узатган сочиқ-совунни олиб ювишишга кетди. Аммо Дилором ош устидаги иссик товокни шундок кўтарган ҳам эдики, ошга пашша тушгандек, тўсатдан “Хой, ким бор?!?” дея кичкириб бир шопмўйловли, хўппасемиз ички ишлар ходими дабдурустдан кириб келди.

Дилором кўркиб кетиб кўлидаги товокни ерга тушириб юбораётди. Юраги гупирлаб ўзини каёкка кўйишини билолмай каловланиб қолди.

– Ўҳ-хў, меҳмонлар борми, дейман-а? – деди ходим ва қозон тарафга бир бор сувланиб қараб кўйди.

Паловнинг иштаҳани очувчи бетакрор ҳиди унинг нафсини чуккиллатаёттани кундай равшан эди. У Дилоромга нимадир демокчи эди, яхшики, Мұхаррам шошиб чиқиб келиб қолди. Қўлида янги узилган иссиқкина кулча бор эди.

– Вой келинг, ука. Насибангиз бор экан-да, каранг. Ҳозиргина узгандим.

Корни оч эканми, аёлнинг қўлидаги нонни олиб чекладаги сувга бўктириб ея бошлади.

– Хўш, тинчмисизлар. янга? – салмоқланиб сўради у ва Дилором томон “Ким бу?” дегандай маъноли қараб кўйди.

– Булар меҳмон. Фарғонадаги қариндошларимиз.

– Э, шунақами, яхши. Хўжайнин қанилар?

– Ҳозир, кўйхонада эди.

– Хў, анави киши ким?

– Бу кишининг хўжайнинлари-да.

– Ҳим-м, хужжатлари жойидамикин?

Дилоромнинг юраги шув этиб кетди. Қўлидаги капгирини каёқка кўйишини билолмай ўчок бошида каловланди. “Наҳотки, буларга мен ҳакимда хабар келган?” деди аёл фикран ва “Вой, мен ўлай”, дея тўнка устига беҳол ўтириб қолди.

Юзини сочикка артганича Дилмурод ҳам, қўранинг эшигини ёпиб шу томон келаётган чўпон ҳам шу тобда бир лаҳза хавотирлик билан қотиб туришди.

– Вой ана, хўжайнин ўзлари келяптилар. Ўтиринг, ука, овқатимиз ҳам тайёр бўлиб қолди. Қайнонангиз суркан, – деди чўпоннинг аёли довдирағанча.

– Майли, раҳмат. Хизматчилик-да, узр.

Худойдод тез ўзини ўнглаб олди ва ўша участка нозирини таниди. “Коравой-ку. Унга бир илтифот килиб кўйсам кейин меҳмонлар билан иши бўлмас”, деган гапни кўнглидан ўтказди.

Жавонда саклаб кўйган очилмаган арги бор эди. Ҳаёлидан “Шуни қўйиб берсан, ҳархолда хавфнинг олдини олган бўламан” деган фикрга келди ва кўпдан бери кўрмаган қадрденини учратиб колгандай узокдан “Ие-ие, қандай шамол учирди, Коравой??!” дея сохта мулозамат килиб кела бошлади.

Икковлари кучок очиб кўришишди.

– Чорвани күпайтириб-а?! – деди нозир нимагадир шаъма килган бўлиб.

Унинг таом сийшга бўлган истаги билан Худойдоднинг уни меҳмон қилиш истаги ўзаро мос келганиданми участка нозирини дарҳол сўрига таклиф килди. “Гўёки Ҳаммаси “жойида” деган маънода “Ҳой, Дилмуроджон, тез кел!” дея дўстини чакирмокқа тутинди. “Ҳа, мана ҳозир!” деди дўсти ҳам уни тушуниб.

– Мехмон бу, хизматдошим бўлади, – деб қўйди чўпон гурурланиб.

– Унда байрам экан-да-а?

– Ҳа-ҳа, мен ҳозир.

– Қаёкқа?

– Атаганим бор-да. Ҳой, хогин!

– Ҳув-в!

– Жиндай газак тайёрланглар. Коравой ошнам келиб колибди-ку.

– Мана ҳозир-да, дадаси, – деди аёл ва ўчоқ бошига келди.

У ерда Дилором титраб-қакшаб ўтиради. Инчунун, у ҳали ўз ташвиши ҳақида Мұхаррамга лом-лим демаганди.

– Ҳой, сизга нима бўлди, ўртокжон?

– Сал мазам қочди шекилли, кон босимим бор-да.

– Сизга маслаҳатим. Маржон табибга, албатта кўринини; хўтми?

– Вой, у кишини қаёқдан биласиз?

– Йилда бир бор қишлоғимизга қўниб ўтадилар. Ўзиям аллақайси тоғда яшайди, дейишади. Эркакларга газак қилиб берайлик-а?

Участка нозири билан тил топиша олишаётгани ва Маржон табиб ҳақидаги ҳабар Дилоромнинг кўнглини жйла кўтарди. Шу туфайли ҳам шарт ўрнидан туриб кўзи ачиписа-да, пиёзни тўграй кетди. Эркаклар аввало. озгина қиттай-қиттай қилишадиган, сўнгра ош сузиладиган бўлди.

Улфатчилик узоқ давом этди. Дилмурод ҳам сумкасига солиб қўйган битта ичкиликни олиб келди ва хотини томон “Хотиржам бўлинг, ҳаммаси жойида” дегаңдай бир-икки бор маъноли нигоҳ ташлаб қўйди.

Қоравой кетаркан Дилмурод билан худди эски қадрдонлардек кучоклашиб хайрлаши.

— Дўстимнинг дўсти, хикқ... мениям дўстим бўлади, тушунарлими?

— Есть, ўртоқ командир, — деди Дилмурод ҳарбийлардек гоз туриб.

— Б-биров гиринг деса, менга айтасиз. Мен ўзим, хик... қиласман, хўпми?

— Хўп.

— Энди хизматдош дўстим бир кеп қопти, бу ерда бир-икки ой юради-да. Аёлининг зикнафас касали бор экан, ҳавомиз ёкиб қолганмиш, — деди Худойдод жилмайиб.

— Э шунақами? Бўлди, гап йўқ. Но проблем, — деди милиционер яна бир бор хиқкиллаб сўнг мотоциклини ўт олдири.

Унга бугун “кулок”лардан бири “Худойдод чўпонникига шаҳардан шубҳали меҳмон келибди”, деб етказганди. “Шубҳали эмас, хизматдоши, кейин гаплашадиган яхши инсон экан”, дея кўнглидан ўтказди у ва техникасини вариллатиб, “Хайр бўлмаса”, дея жўнаб кетди. Оқшомги ой шодланиб яраклаб кулиб тураг, юлдузлар ҳам жуда чарогон кўринарди.

— Раҳмат сенга, дўстим, — деди Дилмурод ва хурсанд бўлиб Худойдоднинг елкасига қўлини ташлади.

— Ҳечкиси йўқ, қизик экансан-у. Нима бўлсаям, бу ерда бирор ой туришларинг керак бўлади. Участка нозири бошка хитланмайдиган бўлди.

— Хўш, кейин-чи?

— У чегарачиларга маълумот бериб турари-да. Шунинг учун сизларни бошка бирор тинчроқ жойга кўчиришимиз керак. Мақсад бир-икки йил... — деди-ю, кўнглидан кечган гапларини ошкор қилмай қўя қолди.

Дилмурод тушунди. Улар учун дўсти қайғурмоқда. Униям ташвишга қўйганидан хижолат чекди. Шу туфайли ўз миннагдорчилигини изхор қилди.

— Сен нима десанг шу-да, оғайни. Ихтиёр ўзингда.

— Бўлмаса, менинг бир кичик режам бор.

— Хўш-хўш?

— Хуванави куюк булатли жойни күрятсанми? — деди у осмонни күрсатиб.

— Ҳа-ҳа, — деди Дилмурод ва ой нурида ўзгача жило таратиб шаклланган жануб томондаги оқ булатларга назар ташлади.

— Ўша булатлар остида бепоён тоғлар, иссик булоқли күл, улкан шаршара бор. Тоғ даралари кимсасиз, ғорлар ҳам күп. Ғорларда бемалол яшаш учун шароит бор. Сурув бокишгаям имконият мўл. Фақат кишида совуги қаттиқроқ. Лекин ёзда табиати шунака гўзал бўладики, айтсан ишонмайсан. Булбуллар, қушлар бири қўйиб, бири сайрайверишиади.

— Ўх-хў, жаннатмакон, де?!

— Ҳа. Эҳ, қани энди мен ҳам ўша ёқларга бориб бир умр яшай олсайдим.

— Бўлмаса бирга кета колайлик.

— Йўқ, уйимни энди ташлаб кетолмайман. Лекин баъзан олдинга меҳмон бўлиб бориб туришим мумкин.

— Бўпти. Унда келишдик.

— Қийналиб қолмасмикансизлар-а? Қаттиқ меҳнат қилишга тўғри келади-ку.

— Меҳнат билан хали ҳеч ким ўлмагап, дўс гим.

— Яхши. Бўлмаса сизларни сафарга тайёрлашим керак. Бунинг учун аввало бизга ўхшаб кийиниб, корайиб-картайган ҳолатга келишларинг лозим. Бугундан эътиборан соколингни камрок оласан. Жуда ўстиворсанг шубҳали кўриниб қоласан.

— Умуман чўмилмаганим бўлсин!

— Йўқ, ундей эмас. Уст-бошингдан оз-моз табиий чорва хиди келиб гурсин. Ўт-ўланлар остида бемалол ётиб-юмалайвер, демокчиман, холос.

— Бўлди, гап йўқ. Буни боплайман.

— Кейин ўша ёқдаги шаршарада истаганингча чўмилаверасан.

— Яхши. Мен розиман, оғайки. Лекин бунака “маҳсус кийим” дўконда сотилмайди-ку, — деди Дилмурод ҳазил килиб ва дўстининг могори чиқиб кетған костюмини меҳр билан силаб қўйди.

— Мана мен сотаман-да.

— Келишдик, — деди Диљмурод ва дўстини маҳкам кучиб олди.

Уйга кира солиб Дилмурод хотинини чақиртирди-да, дўсти билан эски-туски уст-бошларини титкилаб чиқишиди. Увада-си чикаёзган пахталик чопон, ўрисча кепкаю фуфайка ҳам, тоғу тошларда кийишга мўлжалланган эски кирза этик, аёли учун ҳам “махсус кийимлар” бисёр: кийилган енги узун кенг кўйлаклар, катта ва кичик кора, кизил камзуллар, оддий ва жун рўмоллар, аёллар учун пахтали тўн, жунли маҳси-кавушлар бир тугун бўлди.

Уларнинг ичидан эр-хотин ўзларига ёкканини танлаб-танлаб олишиди-да, устларига кийишиди ва бир лаҳзада бутунлай бошқа дунё одамига айланиб қолишиди.

Сўрида чойни майдалаб ичиб ўтирган Худойдод ичкаридан худди кўргазма залида ўтиргандек уларнинг бирин-кетин “янги либосда” чиқиб келишларини кўриб тоза завқланди.

– Буни кара, хотин, дугонанг ўзимизнинг одам экан-ку, а? Бўларкан-у! – дея хитоб килди у.

– Вой-бў, ўртогингиз ҳам чаккимас, худди анави пиёниста Йўлдош коровулнинг ўзи бўпти-копти-я, қаранг.

– Ким у Йўлдош коровул? – сўради Дилмурод.

– Бир дўконнинг коровули-да, ўрисмизож, ароқхўр нусха.

– Ростдан мен ўша ароқхўрга ўхшайманми?

– Йўқ, сен умуман ичишни билмайсан. У бўлса кунига тўрт шиша винони кўрдим демайди.

– Мен-чи, мен кимга ўхшайман – деди Дилором нозланиб.

У бошига кизил дурра ўраб, эгнига узун қизил гулли кўйлак ва узун камзул кийиб олган, бўйнига йирик тошли маржон тақишини ҳам унутмаганди.

– Ўх-хў, сизга бирам ярашибдики! – деди чўпоннинг аёли.

– Сарполар муборак бўлсин! – деди Дилмурод ҳар доимгидай ҳазил килиб.

– Куллук, ўзингизгаям буюриб, насиб килсин, – деди у ҳам ҳазилига жавобан.

– Менинг бир эжам бор. Татар аёл. Сиз худди ўшпанга ўхшаб момақаймок бўлиб қолибсиз.

– Тамара холани айтяпсизми? – сўради Мухаррам ранжиган бўлиб.

– Ҳа-ҳа, Тамарочка. Пойдем, купит семичка... Ий-й-ху! – дея кийкириб кўйди Худойдод.

Мастлиги учунми, меҳмонларнинг худди театр артистларида ихтиёрий равишда бошқа қиёфага кириб олганиданми, унинг кайфияти чоғ эди. Аёллар ҳам эркаклардаги бу хушнудликни бузгилари келмади, аксинча, магнитофонни баралла кўйиб раксга тушиб кетишиди ва эрларини ҳам даврага тортқилашди.

Ўша оқшом Дилмурод ва унинг аёли гўёки бошқа олам, ўзгача турмуш тарзига кириб келишди. Ўйин-кулги, хурсандчилик то улар чарчагунча давом этди. Сўнгра жойларига кириб, шу алфозда қотиб ухлаб қолишиди. Дилором ҳам, Дилмурод ҳам кийимларини анча вактгача алмаштиришмади. Шу тариқа янгича ҳаёт тарзига аста-аста мослаша боришли.

“Момакаймок” хола бу ерда ўн кун ичида аввало сигир-эчки согиши, мустакил равишда нон ёпишни ва бешбармок, кулчатой, қуртоб, норин каби баъзи миллӣ таомларни тайёрлашни ўрганди.

Ўша “янгиланиш” кунлариниг бирида мол тезагидан лойкилиб, уни сутдек оппок нозик оёғи билан чайиб, ок билак кўллари билан деворга ёпишириш ва бу жараён провардида сачраганларини, қолаверса, пешона терларини артиб олиш унга “хузурбахш” этди.

Ҳакикий чўпонлардай бир каттакон таёкни кўлига олиб ҳориб-чарчаб қайтган эр дастлаб ўз хотинини бу ҳолатда таний олмади ва улар бир-бирларига қараб узок қулишиди.

– Мен сизни ким экан десам, ўзимизнинг маймунча экансиз-ку, ҳоним.

– Ажаб бўпти! Кирзавой этикли, рўдопо чўпоннинг хотини шунака бўлади-да. Келинг, ундан қўра менга ёрдамлашоворинг.

– Э, хотин, шу таппингизни қурак билан олиб ёпсаям бўлади-ку, ё хидита маест бўляяпсизми, а?

– Ҳа, – деди аёл кесатиб. – Маза киласибман.

– Шуни ёпиш шартмикни?

– Кўмирга ўхшаб каттик бўларкан-да, кейин узок ёнармиш.

Бунинг лойига, шунинг учун оёқ билан ишлов бериларкан, билдингизми?

- Э-ха, гап бу ёқда денг. Унда майли, яхшилаб тепкилайверинг.
- Сиз-чи?
- Мен кўйларнинг тагидагини чим қилиб кесиб олишни машқ киламан. Ҳархолда маданиятлироқ юмуш.
- Билсангиз, ҳайвоннинг янги тезагиям давомиши.
- Нима? – дея ажабланиб каради Дилмурод.

Аёл оёги остидагини лойга ўхшатиб тепкиларкан, сўзида давом этди.

- Қўлига оқ доғ тушганлар бўлади-ку. Ўшалар кўлларини янги тезакка кўмиб ўтиришлари керак экан-да.
  - Буниям Маржон табиб айтдими?
  - Йўқ, бир газетада ўкувдим.
  - Аёлларнинг юз косметикасигаям фойдали, дейишади.
- Тириш туширмасмиш.

- Э, кўйсангиз-чи, – деди Дилором ва юзини терс ўтириб олди.
- Бу кунлар ҳам ўтиб кетар, – деди аёли пешонасидаги терни билагининг тоза жойи билан артиб оларкан.

Аммо чаккасида яна янги лой изи пайдо бўлганини сезмади.

– Албатта, онаси, – деди Дилмурод ва юзидаги ташвишни аёлидан яшириш учун кўра томонга тез кета бошлади. Бирдан тўхтаб уни кузатиб турган меҳрибон аёли томон яна гап котди:

- Ўзингизни кўп уринтирманг, онаси. Бунақа ишларга дарров кўникиб бўлмайди. Мана кўрасиз, ҳали ҳаммаси яхши бўп кетади.

– Илоҳим, айтганингиз келсин, дадаси.

Аёл панжаларини катта-катта очиб, гўнг-лойга ижирганиб қараб олди-да, “Эх, нималар бўляпти ўзи?” дегандай бошини унсиз сарак-сарак қилиб кўйди. Сўнг Маржон табибдан эшитган ҳайвон гўнгининг шифобахш хусусияти ҳакидаги сўзлари ёдига тушиб, эри томон кичкирди:

- Ҳой, дадаси!
- Ҳа, нима?

— Маржон табиб шу ерга ҳам келиб турармиш. Бир суриштирмайсизми?

— Ие, шунақами? — дея Дилмурод қўлига оғир белқуракни олди.

Эр хотин ишга тушиб кетиши. Бу жараён тог шароитида қишлиш ва танҳоликда яшаш учун курашнинг бошлангич сабокларидан бири эди.

\* \* \*

Дилмурод адирлик тепаликларда дўсти иккиси қўй-эчки боқиб, чўпонлик қилиб юраркан у билан жилдираб оқиб турган бир булок бўйида ўтириб. тогда одамлардан нарида, ёлғизликда яшаш учун зарур бўладиган нарсалар ва анжомлар рўйхатини бир бошдан тузиб чикишди. Унда гугуртдан тортиб тузгача, тошфонардан тортиб, мотоцикл аккумуляторигача бор эди.

Худойдоднинг кайнотасиники бир довон тог ортида, ўша бориши мўлжалланган шаршарали дарапанинг йўлидаги қишлоқда эди.

— Бўтмаса биз дастлаб Шўрданакка бориб, у ерда икки-уч кун турдимиз. Аёлнинг қайнонам билан қолади. Кейин мен сени Шокир деган овчи ошнамникига олиб бораман. Шокир мени илгари ўша дарага олиб борганди. Учовимиз бориб, иложи бўлса, сизларга қўноқ бўлиш учун жой излаймиз. У ерларда горлар кўп. Энди мақсад тирикчилик қилиб, чорва кўпайтириш бўлса, уларни йирткичлардан саклаш лозим бўладиган жой ҳам керак.

— Нима, у ерда йиртқич ҳайвонлар ҳам борми?

— Албатта, уларсиз тог тог бўлармиди.

— Унда бир милтиқ зарур экан-да.

— Тўғри. лекин ундан фойдаланиш учун рухсатнома ҳам керак. Сенда шунақа ҳужжаг берми?

— Йўқ.

— Паспорт режимини бузиш бир хисса бўлса, ноконуний курол олиб юриш уч хисса яъни жиноят хисобланади. Кейин тогда ҳар хил одамлар ҳам учрайди. Масадан, сизларга ўхшаган заруратдан юрганлар, жиноятчилар, саёҳатчилар, альпи-

нистлар, аскарлар, кўпроқ овчилар учраши мумкин. Уларга дуч келиб қолсанг ўзингни, албатта, маҳаллий одамдек тут. Хотинимнинг астма касали бор, дўхтири шунақа жойларда яшашни буюрган, деб айтавер. “Шўрданаклик Тожибой отанинг жияни бўламан” дейсан.

- Ким у Тожибой ота?
- Қайнотам-да, гаранг. Раҳматлининг ўтганига уч йил бўлди. Ҳар икковлари юзларига баравар фотиха тортишди.
- Яхиси, говасойлик катта куёви Худойдоднинг укасиман десам-чи?
- Бўлаверади. Исмингни бошқача айт. Элмуродми, Кулмуродми, ўзинг биласан. Аёлингни ҳеч кимга таништирмай қўя қол. Жуда бўлмаса, Ойсулув деб чақир. У ерларда шунақа исмлар кўп учрайди.
- “Пошибоҳон” деб чақира қоламан.
- Ўҳ-ҳӯ, майли, ошна. Лекин у ерларда яшаш осон бўлмайди. Одам ҳар хил шароитларга тушиб қолиши мумкин. Масалан, шамоллаб касал бўлиш, йикилиб тушиб... Хуллас, жуда эҳтиёт бўлишларинг керак.
- Керакли дориларни олволганман. Уколниям ўзим қиласевраман, Ҳархолда медикман-ку.
- Яхши. Аммо бирдан кутилмаган ҳолатлар бўлиб қолиши мумкин-да. Шунда одам ўзини кўлга олиб, вазиятдан чиқиб кетиш чорасини кўриш керак бўлади.
- Албатта, – деди Дилмурод ва бир чукур хўрсишиб олди. “Бошга тушганини кўз кўраверади”. Кейин чорвадан бўлак яна нима билан машгул бўлишимиз мумкин?
- Хўш... – деди Худойдод жиддий ўй суриб. – Майли, мен бир сигиримни бераман. Бир кун ўрнига ўрин қайтариб берарсан. Пулинг бўлса...
- Пулим бор. Айтдим-ку, уйни сотдим, деб.
- Ҳа-ҳа. Унда яна бир сигир, кўй-эчкилар, от, уч-тўртта эшак сотиб оласан. Сигир, эчки сутидан сузма, сузмадан курут тайёрлайверасизлар. Ундан ташқари тоғларда ёнгоқ, дўлана, тоғолча, ёввойи олма, зирк каби мевалар кўп. Уларни териб куритиш керак. Кейин турли доривор гиёҳлар ҳам мўл.

Уларният салқында қуришиб йигиб бориш мүмкін. Сүнгра бозорга элтиб, улгуржи сотиб юбораверасан.

- Лескин мен гиёхларни фарқлай олмайман да.
- Эх, яна медикман, дейсан а.
- Бизга гиёхлар, халқ табобати бүйича фақатгина умумий түшунчалар берилген, холос.

— Ай-яй-яй, яхши бўлмабди. Бу қандай гап ахир?! Юртимизда, табиатимизда минглаб шифобаҳаш гиёхлар бўлсаю, дўхтирлар уларни фарқлай олишмай ҳадеб сохта кимёвий дориларни буюраверишса, — деди Худойдод куюнган бўлиб.

— Тўгри, кўпчилик шундай фикрла. Қани эиди ўша гиёхларни ва улардан дори тайёрлашни яхши биладиган инсонни учратиб колсайдим, у кишидан сабок беришини илтимос қилган бўлардим.

- Унака инсон бор, — деди чўпон дабдурустдан.
- Ким?
- Маржон табиб да. Уни шу атрофдаги тогларда яшайди, дейишади.

Дилмурод бир сония ҳайратланиб туриб қолди.

- Рости биланми?
- Ҳа. У бизнинг қишлоққаям тез-тез келиб, беморларни қабул қиласди. Ҳали ҳеч ким ундан шикоят қилган эмас.
- У кишини қаердан топсам бўларкин а? Бир учрашиб сухбатини олмокчи эдим.
- Суриштирамиз. Эҳтимол, овчи ошналарим билишар.
- Яхши бўларди. Лекин нима учун у кишини “Маржон табиб” дейишади. Бу исмми ёки лакаб?

— Тахаллуси бўлса керак. Аниқ билмайман у, лескин айтишларича, унинг Маржона исмли бир севган кизи бўлганмиш. Улар нима сабабданadir токқа кочиб кетиб бир горда яшай бошлишган. Табиб зарурат билан бозорга келганида НКВД ходимлари уни тутиб олиб Сибирга суроун қилишган. Киз бўлса бундан бехабар горда ёлгиз колиб кетган. Орадан кўп йиллар ўтиб қайтиб келса, горда фақат кизнинг сужклари қолганмиш. Унинг кокилига йигит маржон такиб кўйган экан. Шундан таниб қолибди. Эшишишмча, кизнинг ўша кокилини ҳамон чаккасига тақиб юрармиш. Кейин уйланмабди

ҳам. Тогда, горда танҳоликда яшармиш. Қолган умрини энди факат беморларни даволашга аҳд қилибди.

— Эҳ-хе, ана мухаббату мана мухаббат. Бизнинг тақдиримиз холва экан-ку. Худога шукур, Ҳархолда севикли ёрим ўзим билан бирга, — деди Дилмурод таъсирланиб.

— Ҳа, тўғри. Илгариги замонларда яшаш жуда оғир бўлган. Арзимаган гапга ҳам қамаб юборишаверган.

— Бечора қиз уни роса кутгандир-а?

— Ҳа. Касал бўлиб ётиб қолган бўлса, бўрилар таппа босишиган-да.

Дилмуроднинг юраги шув этиб кетди. Улар билан ҳам шунга ўхшаш вазият юз берса-чи, унда нима бўлади? “Йўқ-йўқ. Мен Дилоромдан бир қадам ҳам нари кетмайман”, — деб кўйди у фикран ва ўз хаёлларини чалғитиши мақсадида Худойдодни яна гапга тутди.

— НКВДчилар табибни нега таъқиб қилишган экан?

— У урушда ҳарбий шифокор бўлган дейишади. Фашистларга асир тушган экан. Кейин ўша меҳнат лагерида бошлиқларидан бири бўлган немис зобитларини даволаган, дейишади. Бу хақида НКВДга маълумот келган экан.

— Хим-м... — деб кўйди Дилмурод тасаввур қилиб ва ачинган бўлди. — Ахир, шифокор Гиппократ касамини ичган бўлса, унга ҳамма баробар эмасми? Дўстми, душманми, ҳаммани бирдек даволаш унинг бурчи хисобланади-ку. Э, йўқ. Бу ерда яна бошқа гап бўлган бўлса керак.

— Ўз касбини ардоклагани, керак бўлса, душманниям даволагани учун бир шифокор инсоннинг ҳаёти, тақдирни бутунлай изидан чикиб кетган-да. Унинг ҳам бошқалар қатори баҳтири ҳаёт кечиришга ҳақки бор эди, — деди чўпон ва чуқур хўрсиниб олди.

— Ноинсофлар! — деб кўйди Дилмурод ва ўз оиласининг бошига тушган кулфатни эслаб чуқур ўйга толди. “Энди бу ёғи нима бўлади? Наҳотки, биз ҳам Маржон табиб каби ёлғизликка маҳкуммиз? Лекин ҳархолда гўзал табиат кўйинида бўламиз. Тоғларга бир йилда бир бор аранг уч-тўрт кунга келиб кетардик. Энди бўлса, шуника гўзал жойларда яшашга мажбурмиз. Аммо йиরткич ҳайвонлар хавфи бор экан...”

- Худойдод, – деди у бир оз сукутдан сүнг.
- Ҳа, ошна.
- Менга барибир битта милтиқ керак бўлади, шекилли.
- Майли. Қайнотамники бўлса керак. Эҳтимол, хужожатиям бордир. Фақат “Исминг нима?” деб сўрашса, Тожибой дейсан.
- Сотиб ола қоламан.
- Майли, овчилардан ҳам суриштириб кўраман.
- Яна нима чора кўришимиз мумкин?
- Атрофга кўп қопқонлар кўйиб чиқилади. Ўралар кавланиди. Факат унга ўзинг тушиб қолмагин тагин. Кейин яна бир йўли бор.
- Қанака?
- Мободо бўрилар кўп бўлса, биттасини отиб, терисини шилиб, ичига сомон тикилади ва кўринадиган жойга кўйиб кўйилади. Уни кўриб бошқа бирортаям бўри якинлашмайди.
- Э, осон экан-ку. Маржон табиб, наҳотки, шу усулни кўлламаган бўлса?
- Менимча, у урушдан қайтиб келганида бу ерда қидиувда бўлган. Қизни олгану қочган. Лекин горда яшаш учун шароит қўлиш зарур. У ҳам бизга ўхшаб манавинака рўйхат қилган бўлса ажабмас, – деди Худойдод рўйхатни дўстининг олдига ташлаб. – Ана шунда таппа кўлга тушган-да, азamat. Билдинг?!
- Наҳотки, унинг сендеқ кўллайдиган дўсти ё бирор якини бўлмаган бўлса?
- У даврда вазият бошқача эди. Ҳозир бўлса, худога шукур, тинчлик, осойишталик. Қаерга борсанг корнинг тўяди, кўчада қолмайсан.
- Тўгри, – деди Дилмурод ва кулиб қўйди-да, сўзини мамнун давом эттирди: – Демак, бизга кўп қопқон керак. Шунда ҳам хавфсизлик таъминланади, ҳам кора қозон қайнайверади.
- Э, баракалла! Бўлмаса, бундай киламиз. Шокир овчи деган қалин ошнам бор. Унинг овлок дарада кулбасиям бор. Тирикчилиги фақат ов билан. Одамлар унга буюртма беришади. У хайвонлар териси, ёғи ва бошқа доривор жойларини сотади.
- Нима, хайвонларнинг ҳам доривор жойлари бўладими?
- Ие, сен ўзи қанака дорихоначисан-а? Жониворлар, ахир, инсон халоскори-ку. Ана отними, эшакними эгарсиз, беиштон

миниб юр, кўрасан, эркаклигингнинг, кучайганини.

— Простата безини даволайди, демоқчимисан?

— Ҳа. Кейин чот орасидаги қон айланишиниям яхшилайди дейишади.

— Ўҳ-ҳӯ, синаб кўрганмисан, дейман-а?

— Биз болалигимиздан кўп мингандиз. Ҳайвонни миниш аёлларгаям фойдали. Ҳайвонларнинг ҳар бир организдан қандайдир бир дори тайёрлаш мумкин. Эҳ-хе, қани энди буларни ўрганиб, бир китоб килиб бўлсайди.

— Албатта, яхши бўларди. Эҳтимол, Маржон табиб булар ҳақидаям яхши билимга эгадир.

— У кўп нарсани билади. Айтишларича. Хитойда, Тибетда ҳам яшаганиш. Хитойликларни биласан, ҳар қандай жониворларни ейишаверади. Шунинг учун доим соғлом, ақлли. Узок умр кўришади. Ёлғизликда яшайдиган ҳар қандай одам, аввало, жониворлар гўштини фарклаб ейишдан ва ундан керакли доривор сифатида фойдаланишдан ўзини чекламаслиги керак. Билсанг, ўша Шокир овчиям ови юрмай корни очиб қолса ҳашаротми, илонми, чаёнми тап тортмай яхшилаб чайнаб паккос тушиверади. Шунинг учун илон, чаён чакса унга таъсир қилмайди.

Дилмуроднинг афти буришган бўлса-да, ўз фикрини маълум килди:

— Демак, унинг танасида заҳарларга қарши акс таъсир, яъни иммунитет пайдо бўлган. Бу яхши-ку. Лекин яхши эслатдинг, шунақа чакишларга қарши эмлайдиган дориларни ҳам олволишим керакка ўхшайди.

— Хуллас, Шокирга шогирд тушасан. У ҳар бир жониворни миридан сиригача билади. Териларни тиф теккизмай шилиб олишдаям гап кўп. Чунки уларнинг сифатига караб савдо қилишади. Демак, чорвачилик, овчилик, сут маҳсулотлари, гиёҳу жониворлардан дори-дармонлар тайёрлаш билан машғул бўласизлар. Ҳўш, келишдикми?

— Келишдик.

— Кел, бўлмаса рўйхатни яна бир кўриб чикамиз.

— Булар жуда кўп-ку. Уларни қачон ва қаердан сотиб оламиз?

— Шўрданакда ҳар чоршанба кунлари катта бозор бўлади. Уларни сотиб олиб қайнотамикига жойлаймиз-да, кейин ўзимиз Шокирникига жўнаймиз. У билан янги жойни кўриб, тайёрлаб келамиз.

— У Шокир деганинг кўнармикан?

— Албаттa, сен унга айтган маҳсулотларини етказиб турасан. Турадиган жойларингда у ўзигаям бир қўноқ куриб олади. У сизлардан тез-тез хабар олиб туради. Эҳтимол, аёлини-ям олиб борар. Гаплашамиз-да.

Шундай қилиб, тоғни забт этиш бўйича икки ошна пухта режа тузишди. Рўйхатга игна-ипдан тортиб арқонгача, пи-чоқдан ойболтагача бўлгаян асбоб-анжомлар киритилди. У ерларда электр энергияси, телефон алоқаси йўқ, шу туфайли батареяли радиотранзистор ҳам олиб дунё воқеаларидан бехабар колмасликлари таъминланадиган бўлди. Айниқса, бадий китоблар Дилоромнинг жони дили эди. Уларни ҳам ёддан чиқаришмади.

Эртаси тонг маҳали йўлга отланишди. Бир юк машинали киракаш уларни ташлаб қўядиган бўлди. Машина бортига барча нарсалар қаторида сигир ва Худойдод совга қилган икки эшакни ҳам ортиб олишди. Дилором қизил гулли дурра рўмолини бошига ўраб, бурнигача тўсиб олди. Дилмурод ҳам устига эски чакмон, бошига униқкан шляпа кийди. Соколи ўсиб кетган, бу аҳволда уларни ҳатто оналари ҳам танимасди

Дилором кабинада, эркаклар тепада кетишли. Худойдоднинг аёли уларнинг ортидан ачиниб кузатиб қолди. Чунки у меҳмонларнинг бошига тушган ташвишдан куни кеча хабар топди. Эри унга “Бу ҳакида ҳеч кимга “ғик” этмайсан, хўпми? Бўлмаса, Дилоромни қамаб қўйишармиш” деб кўркиттанди. Дилором замонавий кийимларипо, тилла гакинчокларини “Яна қайтиб кийиш насиб килсин” деб шу ерга ташлаб кетди. Худойдоднинг уйи яна Дилмурод учун жиянидан ҳат-хабар келиб турадигая манзил бўлиб хизмат қиласидиган бўлди. У жияни Сардорбекка “Биз каерда яшашимиз ҳали номаълум. Бирор янгилик ёки хабар бўлса Худойдод акангта тайинлаб айтиб кетаверасан”, деганди.

### III БОБ ТАНҲОЛИК САРИ

Ишлар режага мувофиқ кечарди. Улар Дилоромни кекса қайнонаси билан қолдириб ўзлари отда тоғ чўқкилари сари Шокир овчиникига караб равона бўлишди. Адирликлар тугаб, қоятошли тоглар оралаб кетиши. Ўсимлик дунёси ҳам тобора хилма-хиллашиб, яшилланиб борарди. Дўланазорлар оралаб, жилғаларни кечиб ўтишди.

– “Дўланана-дўланана, тоғда ўсган дўланана!” – дея баралла қўшиқ ҳиргойи қила бошлади Худойдод ва тўхтаб жоноворларга “чух” деб кўйди-да, гапга тушиб кетди. – “Тоққа чикмасанг дўлона қайда, жафо чекмасанг жанона қайда?” деганлари шу бўлса керак-да, а? Нима дейсан, дўстим?!“

– Тўгри, – деб кўйди Дилмурод, ҳамрохи нимага шаъма қиласётганини тушуниб ва гапнинг мавзусини бошқа ёкка буриб юбормоқчи бўлди.

У эндиғина куртаклаб барг чиқара бошлаган дўланана бутогидан синдириб олди-да, хидлаб кўриб деди:

– Билсанг, медицинада буни ибн Сино ичкетарни тўхтатувчи дори деб ёзган.

– Лекин кўпроқ бунинг мевалари асосан юрак касалликларини даволашда ишлатилади. Масалан, кон босимини туширади, юракка кувват бўлади, тушундингми? – деди Дилмурод.

– Меваси шундай ейилаверадими?

– Йўқ. Ундан настойка тайёрланади. Яъни спиртга ёки арокқа солиб кўйилади.

– Э, газаги ўзи билан экан-да, а? – деди чўпон хоҳолаб кулиб.

– Билсанг, дўланана мевасидан “Кордиовален” деган дори олинади.

– Қанақа касалликка даво ўзи?

– Бу дори юрак мушакларининг қискаришини яхшилайди, кон таркибидаги холестеринни камайтиради. Юрак бозовтаганидаям шу доридан тавсия қилишади. Билишимча, у

аёлларнинг сут безларини яхшилармиш. Уйқусизлик, аклий чарчокдаям фойдалимиш.

— Ўх-хў, — деди чўпон дўлана шохларини меҳр билан сила-гандай ушлаб кўраркан, — жуда шифобахш дарахт эканми, а? Биз бўлса, кадрига етмаймиз. Кузда мевалари ерга тўкилиб увол бўлиб ётади. Уни кушлар, жониворлар териб ейиша-ди. Ҳатто кийиклар ҳам қишида қорни кавлаб олишади.

— Шунинг учун ҳам улар қуёнюрак экан-да, — деди Дил-мурод кулиб.

— Йўқ, аксинча, юраклари бақувватлигидан, доимо хушёр. Чунки бўри ёки сиртлон уни кувиб етолмайди. Юраги қув-ватсиз бўлганлари йиртқичларга ем бўлишади.

— Демак, дўланадан кўп-кўп ейиш керак экан-да, а?

— Ҳа, уни куритиб олиб доим чой ўрнида дамлаб ичилса-ям, қиём тайёрласаям бўлаверади.

— Яхши. Бўлмаса, шундай қиласиз. Гулини куритиб, ме-васидан қиём килиб оламиз. Қарабсанки, юрагимиз бақув-ват, қон босимимиз меъёрида бўлади.

— Шунака, — деб кўйди чўпон ва ўз одатига кўра бир қий-кириб кўйди.

Сўқмок энди калин ёнгоқзорлар оралаб борарди. Қизгин сухбат мавзуси энди ёнгоққа кўчди.

— Эҳ-хе, бу ёнгокларни қара, — деб кўйди Дилмурод теварак-атрофдаги поёnsиз улкан ёнгоқ дарахтларига назар ташлаб.

— Ҳа. Буларнинг турган-битғани “хазина”.

— Нега?

— Масалан, мағзи шифобахш, худли одамнинг миясига ухшайди. Шундан бўлса керакки, инсон аклий фаолиятини яхшилайди, дейишади. Ўрасида йод моддаси кўп бўлармиш. Эсимда, болалигимиизда онамиз ҳар баҳор жимжилокдай ёнгоқ гўраларидан чучвара пишириб берардилар.

— Ие, кизик-ку. Жуда тахир бўлса керак-а?

— Уни чайнамай ютиш осон бўлиши учун ҳам чучвара ки-линади-да. Кейин ошқозонга тушгач, ўзи ҳазм бўлиб кетаве-ради.

— Шунаками? — деб кўйди чўпон тепадаги дарахт шохларига ҳайрат билан кааркан. — Неча дона чучвара ейиш керак ўзи?

— Ўн тўрт дона. Бу меъёр болалар учун, албатта. Бу бир йиллик йодга бўлган талабни қондираркан. Йодни биласан инсон учун жуда муҳим модда. У етишмаса бўкоқ пайдо бўлади. Болаларнинг бўйи ўсмай қолармиш, ҳам жисмоний, ҳам аклий ривожланишлари сустлашармиш. Йод танада “тироксин” деган моддани ишлаб чиқарап экан. Кургур бу модда инсон танасида захарга, турли касалликларга карши восита экан-да. Хуллас, жудаям фойдали дори бу.

— Эҳ-хе, — деб кўйди чўпон ҳайратланиб. — Ҳарҳолда, билимингга гап йўқ. Раҳмат, дўстим!

Тог тепалиги томон киялаб кетган сўқмоқ йўлларда дастлаб отлар кийинчиликсиз йўл босишли. Кейинроқ тошлар кўпайиб юриш мушкуллашиб борди ва отларни стаклаб олишга тўғри келди. Ок булувлар коплаган манзилга ҳали анча бор, гира-шира кўриниб турган түянинг ўркачига ўхшаш чўқкилар гўё ўзига чорламоқда эди.

Узок йўл юриши. Нихоят, тушлик маҳали бир тош кулбага етиб олиши. Кулба калин ўрмонзор ичидаги баландликка курилган бўлиб, ёнида кичик жилға шаршараси шариллаб окиб ётарди. Ғирчиллаб овоз чиқарадиган кулба эшиги кулфланмаган экан. Лекин ҳеч ким кўринмасди. Ҳужра ичida инсон яшаши учун зарур бўлган деярли барча нарса мавжуд эди. Деворларда турли хайвон терилари ва шохлари илиб ташланганди.

— Мана шу кулба Шокирники бўлади, — деди Худойдод теварак-атрофни зымдан кузатаркан.

— Ўзи канийкин?

— Ов қилиб юргандир-да.

— Келмаса-чи?

— Нима бўлсаям бугун шу ерда тураймиз. Отлар ҳам чарчашли.

— Ҳа. Бу ерлар дам олиш учун жуда яхши жой экан. Ишқилиб йиртқичлар йўқмикин? — сўради Дилмурод хавотирланниб.

— Овчининг уйига кузғун ҳам яқинлашмайди. Бир оз ёнбошлаб дам олайлик. Кейин айланиб келамиз, хўпми?

- Нарсаларни отдан туширайлик бўлмаса.
- Кечга овқат ҳам пиширамиз. Анави флягада ковурилган гўшт бўлиши керак, – деди Худойдод ва идишнинг қопқогини очиб “оҳ-оҳ” деб хидлаб кўрди. – Ажойиб шўрва бўлади-да, бу...
- Бу ниманинг гўшти?
- Менимча, бу қўйники ёки тўнғизники. Қовуриб ўз ёғига босиб қўйилган.
- Бу ерда тўнғизлар ҳам борми?
- Албатта. Улардан жуда эҳтиёт бўлиш керак. Жуда ахмок ҳайвон. Одамга караб тўғри чопиб келаверади. Ўзингни четга олсанг, ёнингдан шитоб билан ўтиб кетади.

Дилмуроднинг юзидағи мамнунлик ўрнини энди тундлик қоплади. Чунки тасаввурида гўё аёли тўнғизга дуч келгану қаёққа қочишни билолмай додлаёттандай туюлди. Юраги сикилди. “Оббо, терговдан кутулиб энди тўнғизга тутилмасайди” деган ноxуш ўйга борди.

- Тўнғиз аёл кишигаям хужум килиши мумкинми? – деб сўради у дабдурустдан.

Худойдод тушунди ва гап нимадалигини ўйлаб кулиб қўйди.

– Қўлида доим таёк бўлсин. Ўрмон, тўқайзор ичидаги юрганида таёкни уриб тақиллатиб, тунда бўлса олов ёки тошфонар кўтариб юрилса жониворлар яқинлашмайди. Масалан, илонга озор бермасанг, ёнингдан жимгина ўтиб кетаверади. Шунинг учун таёк билан йўлни очиб эҳтиётлик билан юриш керак. Умуман чўчимаслик лозим. “Кўркканга кўш кўринади”, дейишади-ку.

- Аёл кишини тушунасан-ку.
- Нима, кишлоқдаги уйинчларда илон ёки чаён йўқмиди? Албатта бор, тўгрими?

– Тўғри.

– Бу ерда сал кўпроқ, холос. Лекин хавфли эмас. Чунки уларга емиш кўп. Айиклар сал хавфлироқ, каерга бўлса бурнини тиқаверишади. Одамни кўрса қочишади. Жониворларда “Одамлар ҳаёт учун хавфли” деган инстинкт пайдо бўлган. Айниқса, милтиқ кўтарганни кўришса, қочиб яширинишига ҳаракат килишади. Ҳаммасига кўнишиб кетасизлар ҳали.

— Ҳа, албатта, бундан ҳам баттаридан худонинг ўзи асрасин.

— Танхоликни ўзларингга раво кўрганларингдан кейин кўнкасизлар-да. Шуни унутмагинки, бу ерларга беркиниш, пул топиш учун келдинглар. Кўй-эчкилар жуда тез кўпаяди. Уларнинг ортигини бозорда сотиб пул қиласизлар, қарзалингизни узасизлар. Сўнгра хотининг амнистияга тушгач, ёргу юз билан уйларингта қайтаверасизлар.

— Илоҳим, айтганинг келсин, дўстим, — деб кўйди Дилмурод кўнгли хотиржам тортиб.

Худойдод айтганича бор экан. Шокир овчи табиатан жуда хушфеъл ва чакқон киши бўлиб чиқди. Уни тог дараларини кезиб юришганда учратиши. Кўлида тўртта каклик ва бир ёввойи куён бор эди. Ошналар кучок очиб кўришиши. Дилмуродни ҳам у эски кадрдондай кабул килди. Ошналар бўлиб ўтган ишларни эслаб, бир дўлана соясида қизгин гурунг беришди. Дилмурод бўлса бу маҳалда атрофда гуркираб ўсиб ётган мўл-кўл доривор ўсимликларнинг тароватидан баҳра олиб кезиб кетди. “Ўзим дорифуруш бўла туриб, наҳотки, гиёҳларни фарклай олмасам?” дея фикран афсусланган бўлди. Гиёҳлар ифори илиа тўйинган тог ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олди. Турли-туман кушлар парвозиу овози, асалари ва ҳашаротларнинг гингиллаши, Дилмуродни аллалагандай бўларди. Бел бўйи ўт-ўланларни кечиб анча вакт юрди ва бир жойга бориб қўлларини кенг ёзиб, ўзини майсалар устига таппа ташлади-да, ўзгача фараҳбахш оромни хис этди.

Гулларнинг хушбўй хиди, турли хилдаги чирқиллашлару гўнгиллашлар Дилмуроднинг чарчаган асабларини тинчлантириди ва у шу ондаёқ пинакка кетди. Туш кўрди. Тушида севгилиси Дилором билан мана шу гўзал табиат қўйнида кувалашиб юрганиши. Шу маҳал хотини тўхтаб, “Ҳой, Дилмурод!” дея эркакча овозда чакирди-да, ўзи кочиб кетди. Каттик уйку элитган эканми, факат якин масофадан туриб ўз исмини элас-элас эшиттанидан сўнгтина чўчиб ўзига келди, Худойдод чакираётганди. Сўнг ўрнидан туриб “Ҳов, мен шу ердаман!” дея жавоб қайтарди.

— Э, ошна бормисан? Сени бир соатдан буён қидирамиз-а,  
— деди Худойдод хавотирли оҳангда.

— Кўзим илиниби.

— Бу ерларда ёлғиз ётиб бўлмайди. Гуллар хиди сени маст  
килиб қўяди. Карабсанки, йиртқичларга тайёр емишсан.  
Бошқа бундай ухлаб қолмагин, хўпми?

— Хўп. Овчи ошнанг қани?

— У сени қидириб нариги тарафга кетди. Тавба, гап билан  
бўлиб қаёққа кеттанингниам сезмай қолибмиз. Бирор зару-  
ратдан кетдингми, деб эътибор бермабман.

— Ажойиб жойлар экан. Менга ёқди.

— Шаршара томонлар бундан ҳам гўзал. Худо хоҳласа, эрта-  
га саҳар йўлга отланамиз. Мўлжалланган манзилга тушга қадар  
етиб борамиз. Мен Шокирга сен ҳакингда айтдим. Хотини ка-  
сал, дўхтирлар “тоғли жойларда бир-икки йил яшаб кўринилар,  
деганмиш”, дедим. Хуллас, биз билан бирга кетадиган ва ёнла-  
рингиздан ўзигаям бир бошпана куриб оладиган бўлди. Унга  
шогирд тушасан. У сенга копкон қўйинши, ов қилиши, ўлжаларни  
каңдай сўйинш, терисини шилиш, булардан қанақанги таомлар  
тайёрлашни ўргатади. Бу сизлар учун жудаям муҳим. Чунки  
одам ҳар доим, гўштли таом истеъмол килиб туриши керак. Бу  
ердаги ҳар бир жониворлар. гиёҳлар каби доривор. Кейин гор-  
ларда мўмиё кўп. Унинг нималигини тушунсанг керак?

— Албатта. Мўмиё, ахир, бу табиий дори-ку! Наҳотки, шу  
ерлардан уларни топиб бўлса?

— Мўмиёни факатгина одам қадами етмайдиган тик кояли  
жойларда учратиш мумкин. Овчилар милтиқ ёрдамида улар-  
ни отиб туширишади.

— Ўх-хў. — деб қўйди Дилмурод ажаблатиб.

— Тағин бу ерларда табиий асал кўп. Факат ёввойи асалари  
тўдаларидан эҳтиёт бўласизлар.

— Нима, одамга хужум килишиям мумкинми?

— Ҳа. Уларни билиб-бilmай безовта қилиб қўйсанг, албатта.  
Овчилар уларнинг асалинин йигитшади. Айнкларни ҳам асосан  
шунака жойларда учрагиши мумкин.

— Уларни арилар чакмайдими?

- Чақсаям таъсир қилмайди. Ўзларини атайн чактиришади.
- Демак, таналари ари заҳарига қарши кураша олади, шунақами?
- Шунақа десаям бўлаверади. Билсанг, Маржон табиб ўз bemорларини асаларига чактириб ҳам даволаркан. Бу муолажани асосан қон босими ортган, уйқусизликка чалинган, қон айланиши бузилган bemорларга кўлларкан.
- У қаерда яшаркан-а?
- Билмадим. Шунака тоғлар орасида дейишади. Унинг уйини ҳеч ким кўрмаган.
- Овчи Шокир билар?
- Эҳтимол. Кетдик, уни қидирайлик. Кейин бугун каклик шўрва билан қуён кабоб еяр эканмиз. Булар ажойиб шифобахш таомлар ҳисобланади.
- Ҳа, бу ҳакида ибн Сино ёзганларини ўқигандим. “Айниқса, хаста bemорлар учун кони фойда, кувват берувчи таом” дейилган.
- Тағин янги уйланган куёвлар учун ҳам, – дея қўшиб қўйди Худойдод ва бир нималар ёдига тушган чоги, кулимсиради.
- Кајлик, умуман, кушларнинг ҳаммаси эрликка кувватбахш этувчилар ҳисобланади. Айниқса, чумчукни жоннинг хузури, дейишади.
- Фарзандталаб ёш оилалар учун Маржон табиб ёввойи кушлардан алоҳида муолажалар буюраётгани ҳакида эшигандим. Масалан, нариги маҳаллада яшайдиган Шодмон деган йигиттга шунақа ташхис қўйиб, уни маҳсус таомлар билан даволаганмиш.
- Улар бел бўйи келадиган гиёҳ ўсимликлар оралаб дарахт буталаридан энкайиб ўтиб боришаркан, Худойдод ўша фарзанд кўрмаган йигит ҳақидаги ҳикоясини берилиб айтиб борарди.
- Табиб унга қанақа таом буюрибди?
- Аввало эр-хотинларнинг мизожларини аниклабди. Конларини таҳлил қилирибди. Сўнг уларнинг таналарини тўлиқ тозалатибди. Ана ундан кейин доривор кушлар ва жониворларни тутиб келтириб, улардан фақат бир ой маҳсус пиширилган таомлар истеъмол қилишларини буюрибди.

- Ҳўш-хўш, кейин фарзандли бўлишдими?
- Албатта. Ҳозир уларнинг бир ўғил ва бир қизлари бор. Ӯзлариям накд саккиз йил фарзандсиз юришди-да. Ажрашайлик дейишса, бир-бирларини жуда ёқтиришаркан. Бахтларига уларга худо Маржон табибни йўликтарибди. Жуда зўр бўпти-да лекин, тўғрими?

– Ҳа. Инсон учун баҳт, бу – аввало зурриёд қолдириш.  
Улар қизғин сұхбат қуриб бораётгандаридан лоп этиб Шокир чиқиб қолди. Сўнгра улар гурунг бериб овчининг кулбасига етиб келишди. Овчи Ҳудойдодга арчилиши керак бўлган сабзавотларни бериб, ўзи тутилган ўлжаларни тозалашга уннаб кетди.

– Маржон табибни биламан, – деди Шокир. – У киши билан кишлекда танишганман. Табиб менга беморлар ёки уларнинг одамларини юбориб туришини, айтганларини тайёрлаб беришимни илтимос килувди.

– Масалан, нималарни? – сўради Дилмурод кизиқиб.  
– Сувсарнинг ёги, териси, айқ ёги, бўрининг ўти, ҳар жил кушлар, гиёҳлар ва шунга ўхшаш дориворларни-да.

– Мўмиё ҳам отасизми?

– Ҳа, албатта.

– Ҳозир сизда борми?

– Бор.

– Уни бир кўрсам бўладими?

– Бўлмасам-чи, – деди Шокир ва ҳужрасига кириб кетди-да, кўл ўтмай бир бўлак кўмирга ўхшаш мўмиё парчасини олиб чиқди.

– Үх-хў, бунақасини ҳеч кўрмагандим. Табиийси шунака бўларкан-да, а?

– Бу яна қайта ишланади, тозаланади, кейин таблетка ҳолига келтирилиб, дорихоналаргаям чиқарилади.

– Бу табиий малҳам. Унинг инсон ҳаёги учун фойдаси кўп. Масалан, суяқ шикастлашганда тикланиш жараёнини тезлаштиради. Одамга қувват багишлайди. Айтмоқчи, аёлингизда астма касали бор экан. Мўмиёни сут ёки сувда эритиб, чой кошикда кунига икки маҳал нахорда ва ётишдан олдин бир ой давомида ичиб турсин, хўпми?

– Хўп, раҳмат, – деб қўйди Дилмурод ҳаммасини тушуниб ва гапни бошқа ёққа бурмокчи бўлди. – Кейин жинсий қувватингиз кам бўлса, тухумга кўшиб истеъмол килсангиз, тез кучини кўрсатармиш, тўғрими?

Улар кулиб олишди.

– Тўғри. Ундаи бўлса манг, олинг. Бу сизга совға, ўзингизга дориликка ишлатарсиз.

– Раҳмат, – деди Дилмурод севиниб. – Умуман олганда, биз сиз билан бундан бўён бизнес ҳамкорлик қилсак ҳам бўларкан.

Шокир “Қандай қилиб?” дегандай самимий нигоҳи билан бокди. Дилмурод гўё унинг саволига жавоб қайтара кетди:

– Масалан, менинг дорихонам бор. Ҳозир уни жияним юритаяпти. Мен унга дорихонанинг бир четига “Табиат инъомлари” деган бўлим очтираман. У ерда турли гиёхлар, малҳамлардан ташқари сизнинг етказиб берадиган маҳсулотларингиз ҳам сотилаверади.

– Яхши бўларди. Лекин одамларнинг табобат борасидаги билимлари етарли эмас-да. Шунинг учун уни сотиб олишлари кийин, – деб қўйди Шокир афсус чекиб.

– Қани энди шифокорларимиз Маржон табибдай табиблардан ҳам билим-малякаларини оширасалар, беморлар маҳаллий ва арzon дорилар билан таъминлансалар эди. Мана масалан, мўмиё қайта йишланиб таблетка тарзида сотилаяпти-ку. Нега энди сугур ёгини ҳам тозалаб шишачаларга қўйиб, кўлланмасини бир парча когозга ёзиб кутичаларда сотилмайди? Демак, ҳозирги фармацевтика саноатимиз маҳаллий хом ашёларга кам эътибор қаратаяпти. Хом ашёни асосан чет элдан валюта ҳисобига сотиб олаяпмиз. Бепоён тогларимизда бўлса, маҳаллий хом ашё тўлиб ётибди, – деди Дилмурод куюнган бўлиб.

– Яхши фикр, – деб қўйди овчи козоннинг тагига оловни ёкаркан. – Сиз, ошна, Маржон табиб билан, албатта, учрашишингиз керак экан. У кўпни кўрган жуда мулоҳазали инсон. Мен у билан бўлган биргина сухбатдаёқ буни сезганман. У даволаш ишларини ҳам медицинадан, ҳам табобатдан фойдаланиб амалга оширади.

– Дориларни ўзи тайёрлайдими?

– Ҳа. Биргина гиёҳ ёки ҳайвоннинг қайсиdir аъзоси дori бўлавермайди. Уни касаллик тури, беморнинг ҳолати, мизожига қараб бир нечтасини маълум миқдорда аралаштириб, табиий асал билан кориштириб ёки бўлмасам ичиладиган малҳамларни тоза спирт ёки арок билан тайёрлайди. Масалан, бир аёлга камқонликни даволаш учун ёзib берган рецептини шахсан ўқигандим. Унда икки юз граммдан писта, бодом, ёнгок, туршак мағзи билан кора майизни гўшт майдалагичдан ўткизив, шунча миқдордаги тоза асал билан аралаштириб хамир килгач, ҳосил бўлган бир ярим килограмм масалликни қурутга ўхшатиб қўл билан юмалоклаб тайёрлашни буюрди. Уларни овқатдан ярим соат аввал шу таом тугагунига қадар истеъмол қилиб борилса, камқонликдан бутунлай фориғ бўлармиш. Карап, оддий дori-ку, бу. Энди шунинг нархини хисоблаб кўринг-у, шифокорлар камқонликка қарши ёзib берадиган, томирга юбориладиган, хориждан келтириладиган дориларпинг нархини хисоблаб кўринг.

Дилмурод Шокир овчининг билимдонлигига таап берди. У содла гил билзи кучониб тушунтиради.

– Масалан, кора зиркни олайлик. Тогда улар гикилиб ётибди. Табиблар унинг меваси, барги, илдизидан ноёб дori ва малҳамлар тайёрлашади.

– Ошна, ўзинг ҳам табиб бўлиб қолибсан-ку. а? – дея гапга аралашши Худойдод арчиғтан сабзавотларни олиб келиб кўяркан. – Ундан кўра ўша кора зиркнинг мевасидан бизгаям олиб кел-чи, шўрвамизга ташлаб кўрайлик, кандай бўларкин!?

– Бўлди, гап йўқ. Билсангизлар, зирк иштаҳани очади, кувватни оширади, асабни тинчлантириб, конни тозалайди, айникса, жигар учун жудаёт фойдали. Бўпти. мен кетдим. Сизлар бўлмаса какликни тозалаб туринглар... – деди Шокир ва аллақасекка қараб кетди.

– Майли, бир йўла тоғ раҳонидан ҳам ола кел!

– Бу ерда зираям кўп! Ҳали ҳом-у, лекин жуда хуягъам, иштаҳани очади!

Ўша оқшом уч оғайнини Худойдод олиб келган бир шиша

ароқни майдалаб, турли гиёхлар билан тайёрланган каклик ва қуён гўшти таомдан тановул қилиб, овчининг меҳмони бўлишди. Бораёттан сұхбатнинг асосий мавзуси табиат ва табобат бўлиб, Дилмуроднинг айнан кўнглидаги гаплар эди.

\* \* \*

Эрта тонгданоқ учовлон тулпорларига миниб, Шарқиратма шаршарасини мўлжалга олиб йўлга отланишди. Шокир осмондаги баланд чўқкилар узра кўриниб турган бир тўда окиш-қора булутлар томон “Ўша ёққа” дегандай ишора қилди. Сўнгра факат қўй-эчкилар юрган сўқмок бўйлаб кетишди.

Сўқмок дўланазор, бутазорлар оралаб бир жилга бўйлаб goho қайрилиб, goho чўзилиб борарди. Ҳадемай улкан харсанѓтошлар ҳам учрай бошлади. Бир оз юрилгач, киррали ва силлиқ тошли катта қояларга ҳам рўпара бўлишди. Сўқмок қоялар орасига сингиб кетди. Осмонда бир жуфт бургут сокин парвоз қилар, гўёки, тепадан туриб уч бегона йўловчиларнинг ўз маконларига кириб келаётганини зимдан кузатишарди. Бир соатлар чамаси йўл юришгач, ниҳоят шарқираб оқаётган сой бўйидан чикиб қолишиди ва бу ёғига сой ёқалаб, гоҳида уни кечиб, goho қирғоқ бўйлаб кетаверишди. Сой сохилида этни жунжиктирадиган салқин шабода эсади. Улар худди ўша пага булутлар сари яқинлашиб, унинг бағрига сингиб боришарди.

Дилмурод жуда совқота бошлади. У юпқа эски костюмда бўлиб, Худойдод берган иссиқ кийимлар отга боғлаб қўйилганди.

— Бирор жойда тўхтаб дам олсак бўлармиди, — деди у шерикларига карата.

— Шаршарага оз қолди. Ўша срда тўхтаб чўмиламиз, — деди Шокир кулиб.

— Шу совукда-я?

— Шуям совукми?! Мақсадингиз шу ерларда яшаш бўлса, унда танангизни чиниктиришингиз керак бўлади. Масалан, мен қишда кордаям, музламадаям чўмилишга одатланганман.

— Морж бўлиб кет-е, — деди Худойдод кулиб.

— Денгиз флотида хизмат килганман да. “Моржлар клуб” иға айзо эдим. Яхши бўлган экан. Баъзан ўлжани пойлаб ёмгиру изгирин совуклардаям узоқ қолиб кетишимга тўгри кела-диган пайтлар кўп бўлади. Ана ўшандаги бунинг фойдасини сезаман. Шу ерларга келганимда, албатта, шаршарада чўми-ламан. Кейин ҳов анави оралиқдаги чўккини кўряпсизларми?

— сўради у узоқдаги корли кичик чўккини кўрсатиб. — Ўша чўккининг ортида қайнок булок бор. Тошлар устида худди атайлаб қилингандай силлик табиий ванналар ҳам кўп. Тайёр табиий санатория. Сувини жуда шифобахш дейишади.

— Ҳа, юртимизда шифобахш булоклар кўп. Табиат инсон дардига шифо бўладиган ҳамма омилларни яратиб қўйган. Факат биз улардан оқилона фойдаланишни билмаймиз, холос — деди Худойдод отини бир никтаб қўяркан.

Дилмурод шифобахш маъданли сувлар ва уларнинг хусусиятлари тўғрисида ҳам маълумот йигишини кўнглига тушиб кўйди.

— Борадиган манзилимиз ҳали узоқми? — сўради у совуқдан дилдираб.

— Ҳа. Шарқиртмалан ўтгач, ўнга бурилиб яна ўн чакиримча йўл босамиз. У ерларга деярли инсон кадами стмаган. Ҳар хил жониворлар, ҳатто кийиклар ҳам бор. Ажойиб, гўзал жойлар! Афсуски, одамлардан йирокда. Инсон у ерда факат табиат берган инъомлардан фойдаланибина ҳаёт кечириши мумкин.

— Нега одамлар у жойларга боришмайди?

— Йўли оғир. Улкан қояли тогни ошиб ўтишга тўғри келади. Отларни етаклаб аранг ўтасан, жудаям хавфли. Айтишларича, бир неча одам кулаб побуд бўлганмиш. У сени “Шайтонкоя” дейишади. Шайтонкоядан ўтиб олсан, калин ғряззор бошли-нади. Ўша дарадан чикиб бораверамиз. Кейин катта булокка дуч келамигз, суви жудаям ширин, ҳатто кимклар ҳам шу сувдан ичишади. Шу атрофда ғорлаш жуда кўн, бирини сизларга бошпана киламиз-да, — деди Шокир куллаб.

Сойнинг салкин шабодаси янада кучайди. Аллақаёқдан яхдек намлиқ зарралари юз-кўни а уриларди.

— Бу нима? Ёмирими? — сўради Дилмурод ва бир жунёхиб оғли.

— Йўқ, шаршарага якин қолдик. Бу ўшанинг “чангি”.

- Ўҳ-ҳў, “чанг” шунчалик бўлса...
- Бир километрча қолди. Шаршара уч юз метр баландликдан тошлардан тошларга урилиб тушади.

Улар тобора оқиш, аммо совук туманлик ичра кириб боришарди. Нихоят, узоқдан оппоқ шаршара кўринди. У жуда баланддан салобат билан шовуллаб оқиб тушар ва силлик улкан тошлардан тошларга беармон урилиб сув зарраларига айланарди. Дилмурод унинг маҳобатидан лол қолди. Совук котаётганини ҳам унутди. Ич-ичидан қувониб кетди, беихтиёр худди ёш болалар каби қийкириб юборди. Улар отларни яёв қўйиб ўзлари шаршара томон чопишиди. Шокир овчи шарт ечинди-да, “Оҳ-оҳ” деб шаршаранинг яхдек сувларига яланғоч бағрини тутди. Дилмурод билан Худойдод бўлса бунга журъат қилиша олмади.

– Морж бўп кет-е, – деб қўйди Худойдод кулиб.

Ўша ерда табиат яратиб қўйган гўзалликка маҳлиё бўлиб бир оз дам олишиди. Иссиқроқ уст-бошларини кийиб, олов ёкишиди. Тушлик қилишди.

– Ҳа-а, бола-чақа билан келиб яшайдиган жойлар экан, – деди Дилмурод завқ билан.

У бундай жойларни илгари ўз кўзи билан кўрмаганди. Тўғри, телевизорда дунёнинг машҳур шаршараларини кўрган. Лекин экранда кўриш бошқа, ўз кўзи билан кўриб, бутун вужуди или хис қилиш ўртасида жуда катта фарқ борлигига икror бўлди.

– Тикилиб тураверсанг, асабингни тинчлантиради, кайфиятингниям кўтаради, – деди Худойдод.

– Айникса, бошига кулфат тушиб караҳт бўлиб қолганларга жуда фойдали, – дея қўшиб қўйди Шокир.

Дилмурод алланечук бўлиб кетди ва Худойдодга ярқ этиб караб олди-да. “Бирор нима деганимидинг?” дегандай томогити маъноли кириб қўйди. У бўлса бошини ликиллатиб, “Йўқ” дегандай ишора қилди. Сўнгра гап ўзанини бошқа ёкка буриб юборди.

– Кетдик. Кеч тушмасдан манзилимизга этиб олайлик. Йўлнинг огири энди бошланади.

– Ҳа, егулик учун ҳали ов ҳам қилишимиз керак, – деб қўйди Шокир.

- Кийик овласак ҳам бўладими? – кизиқиб сўради Дилмурод.
- Йўқ. Кийик, архар, айқулар “Қизил китоб”га киритилган. Уларни овлаш мумкин эмас.
- Бирор билиб ўтирибдими? – атайн сўрали Худойдор.
- Улар шундок ҳам кирилиб кетяпти. Эркин кўпайишлари-га йўл беришимиз керак.
- Ҳа. Қани энди ҳамма овчиям сенга ўхшаб ўйласа.
- Ҳақиқий овчининг виждони тоза бўлади. “Қизил китоб”-га киритилган жониворларнинг факат эркагини овлайди. Масалан, тузогимизга ургочи жонивор тушиб колса, уни албатта кўйиб юборамиз.
- Бўриларниямми?
- Ҳа, бўриларниям. Чунки улар ўрмон санитарлари ҳисобланади. Касалванд жониворларни тутиб сийшади.
- Кўйларнинг киронини келтиришади-ку.
- Факат оч колишса. Бўри тўдаси кўпайиб кетса овқат етмай қолади. Уларнинг сонини камайтириб, меъёрида ушлаб туришимиз ҳам керак-да.
- Эҳ-ҳе, бўриларниям меъёри бўлади, денг?
- Албатта. Айтмоқчи, бу ерларда кўй-ечки кўпайтирмоқчи бўлсангиз, кўрани мустаҳкам қилиш керак. Кейин яхши итлар ҳам зарур. Мен сизга наслдор кучуклардан келтириб бераман. Ўзингиз бокиб, ўргатасиз.
- Яна Дилмуродга одобли бир эчкиям керак, – деди Худойдор кулиб.
- Серсоқол, лекин пичма бўлсин, – дея қўшиб кўйди Дилмурод.
- Улар кўтаринки кайфият билан йўлга тушиши.
- Шундай эчки бўлсинки. Қўйларга ашула ҳам айтиб берсин, – деди Шокир хохолаб.
- Нима бўлгандаям, оми кўйлар унинг ортигин эргашсин-да, а?
- Нима дейсизлар?
- Тўгри, – деди Дилмурод. – Болалигимизда мен адирларда кўй-кўзи бокардим. Бир кўса серкайм бор эди. Ўша серка каёқка юрса ортидан сурув эргалпиб юришарди.
- Демак, серкалар кўй тилини билишаркан-да, а?

- Буни табиий инстинкт, дейишади.
- Йўқ, телепат. У юборган сигнални кўй-эчкиларнинг мияси сезади.
- Кўйсанглар-чи, олим бўлиб кетинглар-е. Бу ҳали ўрганилмаган-ку, – дея эътиroz билдириди Худойдод.

Ана шундай кизгин сухбатлар билан бўлиб Шайтонқояга ҳам етиб келишди. Отларини етаклаб қирра тошли тепалик сари чикиб боришди бир неча жойда ўтириб дам олишди, ва ниҳоят, баландликлардан бирига чикишди. Энди сўқмок бир тараф жарлик бўлган қоятошлар бўйлаб бораради.

- Эҳтиёт бўлинглар, йўл жуда хавфли, – деди Шокир.
- Ё отларни ташлаб кетайликми, а?
- Унда кимдир уларни кўриқлаши керак бўлади.
- Нега?
- Бу ерларда айигу бўрилар кўп-да.
- Унда нима қиласиз?
- Туёкларига латта боғлаб оламиз. Кейин эҳтиётлик билан ўтаверамиз.
- Фақат жарликка қарамайсизлар.

Шундай қилишди. Аммо етаклаб олинган отлар ҳам чўчишдими, ҳархолда, кўрка-писа, пишқира-пишқира охиста одимлашарди.

\* \* \*

Шайтонқоядан тушиб келиб, қалин ёнгоқзор дарага кириб боришди. Айрим жойларда бақатераклар, қайнилар ва улар билан ёнма-ён Крим арчалари ҳам викор билан бўй чўзганди. Даранинг ёnlари улкан шаклдор тошлар билан копланган бўлиб, бу ерларда турлича горларни ҳам учратиш мумкин эди. Дараҳтзор орасидан сой тўла зилол сув шовуллаб окар, хилма-хил сайроқи кушлар овозидан кўнгил яйради.

- Мана етиб келдик, бу ерлар ўша жойлар, а? – сўради Худойдод Шокирдан.
- Ҳа. Шу атрофда каттарок бир гор бор эди. Ўша ерда тунаймиз. Бугунча дам олиб, эртадан ишга киришамиз.

– Булок бошига бормаймизми?

– Ўх-хў, у ерга ҳали анча бор.

Улар дараҳтзорлар четидаги улкан тошлар оралиғидан ўтиб боришиб бир гор оғзига дуч келишди ва энкайиб ичкарига кириб боришли. Гор ичи чоғрок бир хужрадек эди.

– Қалай? – сўради Шокир.

– Яхши, – деб кўйди Дилмурод олазарак бўлиб.

– Бўлмаса, сизлар ўтин териб жой ҳозирланглар. Мен бориб бирор жонлик тутиб келай, – деди Шокир ва отининг олдига бориб ов милтигини қўйла га олди.

– Тагимизга курук ҳашаклардан ҳам тўплаб олайлик, – деди Худойдод.

– Бўпти, мен ҳашак йигаман, сен ўтин тер, – деди Дилмурод.

– Шокир ҳеч нарса отолмаса-чи?

– “Сухой поёк”-да. Консервалар бор, амаллаймиз. Аммо кўп ўтмай милтиқнинг кетма-кет икки маротаба пакиллаган овози эшишилди. Бир оз вакт ўтиб Шокир овчи хурсанд бўлиб иккита тустовуқ кўтариб келди.

– Манавини шўрва килиб ичилса, шол одамини ҳам оёқка турғизади. Лекин биз буни кабоб киламиз, – деди кела солиб ва ўзи уларни сўйиб тозалашга уннаб кетди. Сўнгра кушларнинг гўштини кабобга мослаб майдалади.

– Бу нимага даво ўзи? – сўради Дилмурод.

– Совукдан бўладиган асаб ҳасталикларига. Баданда пайдо бўлган ҳар хил нуксонларниям йўқотади.

Оқшом чўка боплади.

– Яна ўтин терайлик. Олов ўчиб колмаслиги керак. Бўлмаса, ҳар хил жоноворлар хидланиб тўғри кириб келаверишади. Чунки кон, гўшт хиди уларнинг нафсини қўзгаб кўяди-да.

– Ҳа, тўғри, – деди Худойдод тасдиклаб.

– Гор оғзини шоҳ-шаббалар билан ҳам тўсиб оламиз, кейин навбатчилик қиласиз. Милтикни шайлаб кўяман.

– Мабодо келиб қолса отаверассанми?

– Йўқ. Аввал афт-ангорига қараб яхшиликча “гаплашиб” кўраман.

– Бўри бўлса-чи?

– Бўри бўлса отаман. Аммо бўри тўдаси бўлса ахволимиз чатоқ бўлади. Шунинг учун ҳам оловни ўчирмаслик керак. Улар оловдан кўркишади.

Биргалашиб шоҳ-шаббаларни олиб келиб гор оғзини тўсишиди ва ўзларига олов атрофида жой ҳозирлаб пинакка кетишиди. Тунда бир-икки шарғалар сезилди, ёник жуфт кўзлар кўринди. Аммо ҳеч кайсиси одамларга якинлашишга ботина олишмади.

Дилмурод эрта тонгда навбатчилик қилди. Булбуллар ноласи уни маст қилди. Бирин кўйиб бири сайрарди. “Ажойиб!.. Бу жойлар хотинимга, албатта, маъқул бўлади. Биз энди шу ерларни ватан киламиз. Яшаш учун ўзимизга шароит яратамиз. Энг муҳими, биз ёлғиз эмасмиз. Яхши дўстларимиз бор. Худойдодга раҳмат. Мени тўгри тушунди. Ҳақиқий дўст у. Шокир ҳам яхши йигит экан. Бизга дурустгина ҳамроҳ бўлади”, – деб кўйди хаёлан хуррак отиб ётган Шокир томон нигоҳ ташлаб кўяркан. Худойдод ҳам сочиқ билан бошини ўраб олганича пишиллаб ухларди.

Тонг ёришди. Дилмурод қумгонга сув куйиб олов олдига кўйди ва ўзи ариққа бориб юз-кўлини роҳатланиб ювди. Ҳаво жуда мусаффо эди. Дараҳтзорлар оралаб бир оз айланди. Оёғининг таги ҳазонлар тўқилаверганидан билкилларди. Кўзикоринлар ҳам кўп экан. Улар ари уясига ўхшаш чўтирир катаксимон катта-катта ҳақиқий егулик эди. Кўзикоринлардан анчагина териб кўйди. Бу эрталабки нонушта учун тўйимли ҳам фойдали озиқа эди.

Нонуштадан сўнг ишга киришишди. Ариқ ёқалаб булокбоши томон кетишиди. Бирин-кетин горларни кўздан кечиришиди. Лекин ҳеч кайси бири ҳалиги тунаганларига ўхшамасди.

– Ўша жойнинг ўзи маъқул эмасмиди? – деди Дилмурод бир горга эмаклаб кириб кўргач, кўлларини аста қоқиб кўяркан.

– Ундан яхшилариям бор, албатта. Фақат сал баландроқда-да, ариқдан узокроқ, – деди Шокир.

– Бирор булоғи бори топилар, – деди Худойдод.

– Ҳа, ҳам хавфсиз, ҳам кўзга ташланмайдиган жой бўлгани жуда соз бўлади. Тепадан ким келаётганини кузатиб тураверрасан, у бўлса сени кўрмайди, – деди Дилмурод.

- Лекин ит хуриб барибир билдириб күяди-ку.
- Худойдоднинг гапи маъқулга ўхшайди. — деди Дилмурод жиддий, “Ўшанака жой кидирайлик”, деган маънода.

Шундай килиб, энди коя, тепаликларни ҳам кўздан кечира бошлиашди. Узок излашди. Чарчашиб коя устидан окиб тушаётган мўъжаз шаршара олдидаги бир арча соясига тушлик килгани ўтиришди. Шокир одатдагидек шарт ечиндию ўзини сув оқимиға тутиб кийқириб чўмилишга тушди. Дилмурод ҳам ечинди, юравериб терлаб кетганди. Аввалига тоғ ҳавосига мослашиб бир оз ўтириди. Сўнгра арча ортига зарурат билан ўтди, аммо тезда “Ҳой йигитлар!” дея изига қайтди. Унинг кўзлари қувончдан порламоқда эди.

- Ҳа, нима гап?! — сўради Худойдод.
- Фор! Зўр фор бор экан, накд уйнинг ўзи!

Шокир ҳам эшишиб ҳайрон қолди ва ўзича “Йўғ-е!” деб кўйди. Чунки у шунча ов килиб юриб, бир сафар мана шу шаршарада ҳам чўмилиб арча ортида фор бор эканлигини сезмаган экан.

Улар чопиб бориб форни кўздан кечиришди. Ичкари томон бир оз юришди. Фонар керак бўлди. Аммо барча керакли нарсалари пастликда, анча нарида хуржунида қолганди. Шу туфайли гугурт чақиб, ичкарирокқа киришди.

- Катта экан, бемалол яшаса бўлади, — деб кўйди Шокир.
- Бирор ниманинг уяси эмасмикин?
- Бўлиши мумкин.
- Гап бундай. Тушликни килайлик-да, тошфонарни олиб келиб ичкарини кўрайлик.
- Маъқул, — деди Шокир. — Кетдик, бу ер совуқ экан.
- Хих, совуқмиш, “морж” бўп кет-е.

Тушликдан сўнг улар фор ичи ва ташкари томонларини ўрганишди ҳамда шу ерда қароргоҳ ташкил килишга карор қилишди. Карши тепаликда тошлар кам, атроф яйлов бўлиб, кўй-эчкиларни бокишга жуда қулай жой эди. Бу ерларга келиш сўқмокларини ҳам ўрганиб у ерларга шоҳдан тўсиклар ва қўлаки ёғоч эшиклар куриб чиқишини мўлжаллашди. Қўра учун ҳам жилга ёнидан жой куришадиган бўлишди.

— Бу ерга чўмилиш учун бассейн курсаям бўлади, — деди Шокир кулиб. Эр-хотин кувишиб юриб чўмилаверасизлар.

— Э, йўғ-е. Хотиним жуда нозик. Тезда шамоллаб қолади. Ундан кўра резина ичак олиб келаман-да, сувни горнинг ичи-га олиб кириб оламан.

— О-о, унда ҳаммом, ҳожатхона ҳам ичкарида бўларкан-да, а?

— Курса бўлади. Сувни офтобда иситиб берадиган қилиш мумкин.

— Куёш батареяси ҳам ўрнатиб олавер. Шунда чирок ҳам бўлади, — деб қўйди Худойдод.

— Яхши фикр. Қани энди ўшанинг кичикроғидан олиб кела олсайдим.

— Ҳа, ойналари нозик бўлади. Бирор жойи тирналса ишламаслиги мумкин. Лекин бу ерда бошқа электр манбаалари кўп. Масалан, сув, шамол дегандай.

— Ҳа. Бу ҳақда кейинрок ўйлаб кўраман. Лекин чирокни ҳал килса бўлади, — деди Дилемурод ўзини ҳали замондан ортда колмаётганини кўрсатиш учун.

Шундай қилиб, улуғвор режалар тузилди. Одамтолмас, аммо мафтункор жойларда қочок оила учун ажойиб ошён барпо этилди.

\* \* \*

Дилором әрининг тоғдан қайтишини интиклик билан кутди. Нималар қилишаётгани ва бу ерларга нима мақсадда келиб қолишганини эслаб яна бир бор қайгурди. Болаларини кўз олдига келтириб энтикиб олди. Кўзлари ёшлиланди. Ўғли Давлатёр мактабга, кизчаси Лола боғчага боришаётганди. “Улар қай ахволда экан? Ишқилиб касал бўлиб қолишмадимикан? Қайнонам уларга қандай қараётган экан? Уларни, яххиси, Фаргонага, ойимникига олиб бориб кўйсам яхши бўлармиди. Ҳарҳолда шаҳарда, домда туришади. Исик-совуклари жойида бўлади. Эсиз, шошилибмиз-да. Шу ҳақда ўйлаб кўрмабмиз. Ҳалиям кечмасдир. Ойимга шу хабарни етказишим керак. Аммо нима дейман? Қаңдай баҳона топаман?.. Лекин, нима бўлсаям, худойимга шукр, озодликдаман. Суюкли ёrim

ёнимда. Келсалар маслаҳат қиласиз”, деб кўйди у хаёлан.

Сўнгра негадир кадрдон мактаби, бир-биридан ёкимтой ўкувчиларини эслади. “Мен нотавон опаларингни кечи-ринглар, болаларим. Нафсим курсин! Амал учун шундай килишим керакми? Сизларни тарк этганим, эхтимол, Яратганга ҳам хуш келмагандир. Сизларни тарбиялаш, билим бериш менинг вазифам эди. Афсус, адашдим, каттиқ адашдим. Амаллари қуриб кетсин. Қаерданам ўша Жўранинг гапига кўндим-а...” дея у ўзини койиди.

Бешинчи кун хўжайнин икки ошнаси билан кириб келишди. Худойдод билан Шокир овчи ичкарида эканида Дилмурод аста ошхонага мўралади. У яхши кайфиятда эди.

– Пошшохон, қалайсиз?! Зерикмаяпсизми? Яшаш учун шундай жой топдикки, нак жаннат дейсиз, жаннат! Эҳ-хе, у ердаги табиат гўзаллигини бир кўрсангиз эди.

– Узок эканми? – сўради Дилором сабзининг пўстлогини аста арчаркан.

– Ҳа. Деярли одам қадами етмаган, – деди эри бир сабзини олиб қарс этиб тишларкан.

– Ёввойи жойларми?

– Шунака десаям бўлаверади. Ҳархолда, ҳайвонот, ўсимликлар олами яхши сакланиб колибди. Шаршарани бир кўрсангиз эди, эҳ-хе! Шунака жойларни кўриш менинг бир умр орзуим эди.

– Хих, орзунгизга етишибсиз-да, бўлмаса, – деди Дилором истехゾ билан.

– Йўқ, ундин деманг. Буям бир тақдир ўйини-да. Биз ватанимизнинг шундай гўзалари борлигини бир умр билмай, кўрмай ўтиб кетаверардик. Эхтимол, буларнинг барчаси яхшиликкадир. Энди табиат гўзаллигидан завқланиб яшаймиз. Мана кўрасиз, у ерлар сизгаям маъқул бўлади. Ундин жойларда яшаш ҳар кимга ҳам насиб килавермайди. Яхшиям, Худойдоддек, Шокирдек дўстларим бор экан, биз учун қайгуришмоқда. Биз, худо хоҳласа, у ерда ҳам меҳнат киламиз, ҳам биргаликда ҳаёт гаштини сурнимиз.

– Болаларимиз менга ҳаёт гаштининг кизиги йўқ, – деди аёл гундлашиб.

– Ёзги таътилда, албатта, уларни олиб келамиз. Маза килишади.

Дилоромнинг чехраси бир оз очилди.

– Вой, ростданми? – деди у ва болаларини шаршара олдида чопқиллаб югуришларини кўз олдига келтирди.

Дилмурод хотинини бағрига босди.

– Ҳа. Мана кўрасиз, ҳали ҳаммаси яхши бўлади.

Аёл бошини эрининг кўксига қўйди ва баданида тер хиди уникканлигини туйди. Ҳаёлидан “Бечора эрим, узок йўл босган, чарчаган кўринади, ювиниб олсалар бўларди” деган фикр ўтди.

– Сув иситиб бераман. Ҳаммомга кириб ювиниб оласиз, хўтми?

– Ҳа. Ибн Сино инсон саломатлигини асрашда ҳаммомнинг кўп афзалликлари ҳакида ёзган дейишади. Айниқса, сафардан қайтгандан сўнг; – деб қўйди Дилмурод кулиб.

– Майли, дадаси. Лекин сизда бир гапим бор.

– Қанака гап?

– Болаларни ойимникига, шаҳарга элтиб қўйсак, дегандим. Лекин...

– Нима? Лекин...

– Жияннингизга хат ёзасиз. У ойимга хабар беради. Кейин болаларни элтиб қўяди.

– Тўгри-ку, аммо қандай бўларкин?..

– Хатни Ҳудойдод акага берасиз. У почтага ташлайди.

– Хўп, яхши. Ойингиз-чи, бу ишга қандай қарайдилар? Ахир, дабдурустдан...

– Мен у кишига мактуб ёзиб бераман. “Вактинчалик хорижга ишга кетадиган бўлиб қолдик” дейман. Ҳархолда онангиз карилар, кийналмасинлар... – деди аёл ва бошини хам килди.

– Маъкул, – деди Дилмурод. – Майли, шундай қила коламиз. Ҳархолда, улардан bemalol хабар олишимиз мумкин. Шаҳарликлар бизни танишмайди.

– Ҳа албатта, – деди Дилором ва қувониб кетиб эрининг шўртаъм юзидан бир ўпиб олди.

\* \* \*

Эртасига уч ошна бозорга чикишди ва рўйхат бўйича зарур бўлган озуқаю анжомларни сотиб ола бошлишди. Улар орасида иссик уст-бош, кўрпа-тўшак, оёқ остига кигиз, болта, пичоқ, ўроқ, козон-товоқ ва бошиқалар бор эди. Мол бозоридан ўнга кўй, шундан саккизтаси ургочи. Ўнта эчки, биттаси серка. Тўртта эшак ва бир от сотиб олиши.

— Хозирча шуларни эплаб турасизлар. Керак бўлса кейин яна сотиб олаверасизлар, — дея жавоб қилди Худойдод жониворларни бир-бир силаб кўяркан. — Борибок кўранинг ҳаракатини қилинглар. Икки ўрам симтўр хам олинглар.

— Албатта, — деди Дилмурод.

— У ерда товук, курка, гоз ҳам боқиш мумкин. Кейин цеплофан пленкадан юз метрча олиш керак.

— Мен иккита ит топиб бераман, — деди Шокир. — Улар овчи итлар, бўриларни якинлаштирумайди.

— Бир милтиқ бўлсаям ёмон бўлмасди, — деди Дилмурод.

— Майли. Униям суриштириб кўраман.

— “Бир товукка ҳам сув керак, ҳам дон”, деганлар. Энди бир коп ун, гуруч, бир идишда ёғ, туз, шакар, гугурт шунга ўхаш бўлган рўзғор учун керак бўладиган барча нарсаларни сотиб олайлик.

— Бир кути консерваем.

— Битта қўйни сўйиб ўз ёғига ковуриб фляга идишга солиб олсанглар, зўр бўларди. Бир қисмини осиб, қуритиб сур гўшт киласизлар.

— Хозирча тирик ҳайдаб борган маъкул. Эшакка юк бўлмайди.

— Бирор қопда макарон олиши ҳам унутманглар. — деди Шокир гапга кўшилиб.

— Демак, сигир бор — сут бор. Товук бокилса тухум, ов қилинса гўшт бўлиб туради. Теварак-атрофда доривор гиёхлар мўл. Дамламалар тайёрлаб ичаверасизлар. Ҳа, айтмоқчи, уларни гуллагандан кейин териб салкинда қуритиб осиб кўйинглар. — дея таъкидлари Худойдод.

- Яхши. Раҳмат, дўстим.
- Ҳечқиси йўқ, хотининг согайиб кетса бўлгани, — деди Шокир кулиб.

Аслида бўлиб ўтган ишлардан унинг хабар йўқ эди.

Дилором ҳам Худойдоднинг қайнонаси Ҳури холадан тоғ шароитида қандай тириклик килиш ҳакида йўл-йўриклар олди. Нонни то тандир бўлгунига қадар козонни тескари килиб киздириб ёпиб турадиган ёки ёғли қотирма килиб пишириш мумкинлигини билиб олди. Сигир ва эчки сутидан қатик, қатикдан сузма тайёрлаб, сузмани бўлса курут килиб гамлаб борадиган бўлди. Айтишларича, тоғ мевалари, гиёҳлар, уларнинг барги, илдизи ва гулларидан териб салқинда куритиб йиғиб борилса, улар ҳам яхшигина пул бўлармиш. Аммо бунинг учун уларни ажратса билиш, бир оз билим ва хаётий тажриба етишмасди.

Эртаси эрталаб улар узок чўккилар, ўша оқ булатлар момикдай ўюлиб турган орзудаги гўзал манзил сари йўл олишди. Юклар оту эшакларга юкланди. Дилоромни отга миндириб кўйиншди. У дастлаб кўркди, озрок юргач, кўнишиб қолди. Дилмурод дўсти Худойдод билан хайрлашди ва мактубни жи янинга албатта етказишни илтимос килди.

— Бирор сўраса, бизнинг каердалигимизни... ҳалиги айтгандай-а, — дея Дилмурод Худойдоднинг кулогига шипшитиб кўйди.

— Хотиржам бўл, ошна. Сизларга оқ йўл! Фурсат бўлганда сизлардан ўзим хабар оламан.

Шокир икки жиянчаларини бошлаб келди. Улар ҳамроҳлигидан олдинда серка, орқада итлар, эшаклардан иборат карвон йўлга тушди.

#### **IV БОБ ТОҒ АСИРАСИ**

Тоғнинг гўзал табиати, яшаш учун танланган жой ҳақиқатдан ҳам Дилоромга маъқул бўлди. Айниқса, шаршара тагида у ёқ-бу ёққа чопиб завқланиб кийқирди. Кейинги манзаралар арчазору дўланазорлар, тиник ва зилол сувлар, қушларнинг бетўхтов хониши аёлнинг кайфиятини бир мунча кўтарди.

Янги манзилда ишни дастлаб гор ёнида чорвалар учун инишоат қуришдан бошлишди. Чунки аввало уларни йирткичлардан асрамок керак. Фор оғзига ҳам симтүр ҳамда целлофан пленка тортиб мустахкам эшик ясацди. Юмушлари шундай кўп эдики, эр-хотин улар билан овуниб бор ташвишларини унтишди.

Тоғларда қиши совуклари эрта бошланади. Шунинг учун қишига ўтин-чўп, чорвага хашак ғамлаш зарур эди. Ишга чунонам берилиб кетишидик, ҳатто кун қандай ўттани ҳам билинмай қоларди. Ҳадемай куз келиб, дараҳтлар ранг-баранг тусга кира бошлади. Бўш қолди дегунча тог меваларидан ҳам териб куритиб олишга шошилишарди.

Бир куни Дилором мева териб юриб тўсатдан олови тутаб турган жойга дуч келиб қолди. Бу эрининг иши эмасди. Чунки унинг бу пайтда бошқа жойда чорва билан овора эканини яхши биларди. Баъзи буталарнинг илдизлари кавлаб олиниб, шоҳчалари ташлаб кетилганини кўрди. Кесилган бутоклар янги, барглари ҳали сўлимаганди. Аёл негадир кўркиб кетди ва теварак-атрофни кузатди. Ҳеч ким кўринмасди. Улкан коя устида бир тўда қушлар гувилаб парвоз этипди. Дилором тезла изига қайтди ва бундан эрини зудлик билан ҳабардор килмокчи бўлди. У шошганча у ёк-бу ёкни кузатиб бораркан, “Ишқилиб органнинг одами эмасмикан? Бизни кузатаётган бўлса-я”, деган ноxуш фикрга борди. Бу ерга келгандарига икки-уч ойгина бўлган бўлса, шу вакт мобайнида Шокир овчидан бошқа ҳали ҳеч кимни учратишмаганди.

Бу ҳабар, албагта, Дилмуродни ҳам ўллантириб кўйди.

- Бирор овчиидир-да, – деди у хотинини тинчлантириб.
- Синган шоҳлар сочилиб ётибди.
- Кабоб килгандир, ахир тирик жон.
- Нега унда олдимизга келмади?
- Бегонасираган-да. Бўлти, сиз чорвани қараб туринг, мен анави қоянинг устита чиқиб қараб кўраман. Эҳ, бир дона дурбин олмаган эканмиз-да, – дея афсус чекди ва бир таёкни асо килиб чўчки сари йўналди.

– Ҳой дадаси, тезроқ келинг. Мен кўрқаман-а.

- Э, нимадан кўркасиз. Бўлмаса подани камаб, уйдан ташкарига чиқмай ўтиринг, хўтми?

– Хўп.

Дилмурод қоя устига чиқиб узок-узокларни синчиклаб кузатди, лекин ҳеч кимга кўзи тушмади. Нариги арчазор тарафда кўнғир айик болалари билан хотиржам юришарди. Бу томонда бўлса, кийик тўдаси ўтламоқда. Чўққилардан бирида арҳарлар беозор ўтлаб юришибди. Улардан бири бирор шарпани сездими, кулокларини динг қилиб ўша томонга қараб кўйди.

Шундан сўнг Дилмурод хотини айтган тарафга бориб келишга қарор килди. Чунки у одамни кўриш истаги пайдо бўлганди. “Ким экан у? Ҳакиқатан ҳам бирор овчими ёки бизга ўхшаган қочокларданми?” деган савол миясига ўрнашиб олди. “Бирор қамоқдан қочган жиноятчилардан бўлса-чи? Унда эхтиёт бўлишимиз керак. Эҳ, Шокир бир милтиқ топиб бермади-да”, – деб кўйди ўзича.


Кўп ўтмай у ҳам ўша номаълум одам олов ёккан жойни топди. Чўғни пайпаслаб кўрди. У деярли сўнган, кабоб нишонаси сезилмаётганди. Зирк дарахтининг илдизи кавланибди. Қирқилган буталаридан барглари сидириб олинибди. Ерга тўкилган меваларидан уларнинг ҳам терилгани сезилиб турарди.

Дилмурод “Бу ким бўлди экан?” деган ўй билан яқин атрофдаги дарахтзору бутазорлар оралаб кезиб чиқди. Лекин ҳеч зоғ учрамади. Сўнгра “Хотиним кўркиб ўтиргандир”, деб тез изига қайтди.

– Ким экан, дадаси? – сўради аёл эри қайтгани ҳамоно.

– Билмасам. Бирор сайёҳдир-да, – деди Дилмурод.

Аммо унинг хаёлидан қўра ва гор эшиклари устидан яшил шоҳ-шаббаларни ташлаб иложи борича кўринмайдиган қилиш ҳақидаги ўйлар кечарди. У бир-икки буталарни кесиб қўра олдидаги симтўр устидан тўсган бўлди. Лекин фикридан тез қайтди. “Кизик, мен қачондан бўён одамлардан бундай яширинаидиган бўлиб қолдим-а?” дея ўзига савол берди. “Қўрани минг тўсмайин барибир кўй-эчкилар маъраши ва итнинг хуриши айнан бу ерда кимдир яшаёттанидан далолат бериб тураверади-ку. Бундан ташқари у одам келиб-кетган жой



бу ердан унча узокда эмас, бу ерда бизнинг яшаётганимизни, албатта, сезган бўлиши табиий” деб ўйлади.

Бирор хафталардан сўнг бу ходиса бутунлай унут бўлаёзди. Дилмурод ов қилиш учун Шокирдан ўрганган усуллар билан тузоклар кўйиб чиқканди. Бундай тузокларга ҳарҳолда ёввойи қуён, сугур илиниб турарди. Бир гал тулки боласи ҳам илинибди. Дилмурод уни куткариб, эркалаб силаб-сийпаб, сўнгра кўйиб юборди.

Бир куни бошқача услубдаги бегона тузокка дуч келиб қолди. Унинг янги кўйилгани сезилиб турарди. “Демак, бу ерда бизга қўшини бор” деб кўйди Дилмурод. Лекин бу ҳақда хотинига айтмай кўя қолди. Чунки кўркиб, тунлари ухламай чиқиши мумкин эди.

Шундай қилиб, гўзал табиат кўйнида, одамлардан нарида эр-хотин ёввойи ҳаёт кечира бошлишди. Улар ҳар қандай ахборот манбаидан узилган хотиржам, кундалик юмушлари билан банд эдилар. Аммо бундай тотли дамлар узокка чўзилмади. Ҳадемай қорлар ёғиб аёзли, тўфонли қиши кириб келди. Жилга музлади. Тоғларда изғирин шамол увиллаб кезарди. Бунинг устига Дилоромнинг мазаси кочди. У иситмалаб ётиб қолди. Дилмурод олиб келган антибиотик дори-дармонларнинг захираси билан аёлинни оёкка турганишга уринди. Бу ёги чорвага ҳам караши керак. Уларни иложи борича дарахтзорлар орасига ҳайдаб озиқлантиришга ҳаракат қилди. Чунки тўплаган хашакларининг аксариятини шамол қуюнлари кўтариб кетганди. Чорва ва ўзлари учун сувни пастдаги усти музлаган ариқдан ташиб келишга тўғри келарди. Энг ёмони, оч қолган бўрилар ва шоқоллар хитланиб шу атрофда изғиб юришни одат қилишди. Улар ҳатто тунлари симтўр ёнига келиб олишар ва емиш атрофида алам билан ириллашарди.

Дилмурод тунлари бўшаган консерва идишлардан “шакиллатма” ясад ил билан торғиб-торғиб турадиган, йиртқичлар эса шакир-шукурдан чўчиб кочадиган бўлишди. Кундузи улар кавлашга уринган чуқурчаларни тош билан тўлдириб, тўсикнинг атрофини бир қатор кўздан кечириб кўярди. Лекин бир куни эшаклардан бири бефаросатлиги туфайли симтўрга суюниб мизгиб қолгани учун уни тишлаб ташлашди. Дилмурод болтани олиб чиқиб келганида эшакнинг баданидан қон оқиб, ихраб

туарди. Унинг яраларига кул сепди. Кўй-эчкилар ҳам ниҳоятда безовта эди. Дилмуроднинг боши котди. Бир ёқда хотини касал. Бунинг устига ҳомилали ҳам бўлганди. Тинмай кўнгли айнириди. Деярли овқат емай қўйди, озиб-тўзиб кетди. У болаларини кўргиси келиб ичникмоқда ҳам эди. “Шокирдан негадир дарак йўк. Тез-тез келиб тураман, сизлар билан яшаб ов киламан деганди-ку”, – деб қўйди у ўз-ўзига. Аммо гирт бегона одамдан бекорга умидвор бўлаётгани учун ўз устидан кулди. “Унинг ҳам рўзгори бор, юргандир-да, ов килиб”.

Ташқаридан какликларнинг сайраган овози эшишилди. Дилмурод қувониб кетди. Шокир унга какликларни қандай овлаш мумкинлигини ўргаттани ёдига тушди. Бир сиким жўхори донидан олдида ташқарига отланди.

– Ҳа, дадаси, қаёққа? – деб сўради аёли олдидағи оловга яна бир ўтинни жойлаштиаркан.

– Сизга каклик шўрва килиб бераман, кувват бўлади.

– Вой, қандай овлайсиз? Милтиғингиз йўк-ку.

– Мени кутинг ва мен қайтарман, кўлтиғимни тўлдириб күшга! – деди у баралла.

– Гезроқ келинг; дадаси, кўрқаман-а...

– Хўп. Тутаману келаман! Чин эркак сўзим!

Аёл бир хўрсиниб олди. Озука захираларининг чўғи камайиб қолгани уни хавотирга солмокда эди. Яхшиямки, согин сигиру эчкилари бор. Лекин жониворлар совуқда колди. Тўғри, жойи целлофан билан ўралган. Аммо бу ерларда қиши қандай бўлади, худо билади. У ташқарига чикиб говмишининг олдига борди. Сигир “Ҳа, нима гап?” дегандай кавш қайтарган ҳолда оҳиста мўраган бўлди.

– Бечора, совқотдингми-а? – деб сўради аёл жонивордан. Сигир “йўк” дегандай бошини силтаб, думини қимирлатиб пишиллаб қўйди.

– Жуда совқотсанг айт, уйимизга олиб кириб кетаман, хўпми? Тунда бирга оловда исиниб ётасан. Эрталаб яна олиб чикиб қўямиз. – дея Дилором ҳайвонни меҳр билан алқаб бўйниларидан силаб-сийнаб қўйди.

Дилмуроднинг каклик ови ҳадеганда бароридан келавермади. У қўйган тузоклар жуда содда кўринишда эди. Жум-

ладан, каклик изларига дуч келган жойни аниқлаб, аввало бир оз дон сепиб кўйилади. Сўнгра ўша жойларга оёқ билан босиб-босиб тизза бўйли чукурчалар ясалиб уларнинг тубига ҳам дон сепилади. Дон териб келган кушлар чукурча ичидағи донларга ҳам эгалик килишни истайди ва чукурчага сакраб тушиб чиқа олмай қолишади. Бундай содда тузоклар туфайли кўплаб какликлар овчиларнинг асирига айланишади.

Дилмурод кечга яқин аранг икки дона каклик тутиб келди. Кушларнинг бирини сўйиб шўрва ташлаб кўйишиди. Картошканинг ҳам охирги доналарини ишлатишиди. Сабзи тугаганига бир ҳафта бўлганди. Бозорлик қилиб келиш керак. Лекин Дилоромни қандай ташлаб кетади? Кейин сўқмокларни кор босиб қолган. Юриш жуда хавфли. Табиатнинг гўзал гўша-си чиройини иссик кунлари эртакдаги маликалардай кўз-кўз қилган манзаралар, қишида гўё қаҳрини сочаётган ялмоғиз кампирга айланганди.

Каклик шўрва Дилоромга ёқди. У терлади. Қачондан бери бундай мазали таом истеъмол қилмаганди. Кўрпага ўраниб ётди. Дилмурод чиқиб, жониворлардан хабар олди. Улар маърашганича олдига чотиб келишиди. Хашак захирасини чамалаб кўрди. “Бир ойга етиши мумкин. Баҳоргача етиб олишимиш керак. Унгача ўрмонда боқиб туришга тўғри келади, шекилли. Нима қилсан экан? Бу ёғи бозорлик ҳам зарур”, деб ўйланиб хашак олиб, қўй охурларига солиб чиқди. Бир эчки тўдага кўшилмай ётарди. Дилмурод бориб уни ўрнидан тургизди. Эчки ҳолсиз ҳолатда маъраб кўйди ва бир қадам ташлаб яна йикилди. Оёғида кон изи бор эди. Нимадир тишлиғанга ўхшарди. Бундай калин қорда тошлар устида юриш эчкilar учун ҳам хавфли.

Шу маҳал шамол турди. Унинг эпкини энди кор учқунларини айлантириб-айлантириб учира кетди. Целлофан лоппилаб овоз чикарап, гўё танҳолиқдаги ҳаётидан зерикиб “дод” деб ёрилиб йиртилиб кеттиси келарди.

Дилмурод ўз ахволидан ачинди. “Бозорга бориб келишим керак. Бўлмаса, ҳолимиз янада оғирлашадиганга ўхшайди. Ҳозироқ Шокирникига жўнасам-чи? Э, йўқ. Коронгида йўл юриш хавфли. Айниқса, Шайтонқоядан ўтиш мушкул. Ях-

шиси, тонг-сахарда жүнайман. Унгача, эхтимол, шамол ҳам тиниб қолар” деган ўйга борди. Сүнгра хотинини уйготиб юбормаслик учун ғор ичкарисига охиста кирди ва озуқалар захирасини бир-бир текшириб күрмокчи бўлди. Флягадаги қовурилган қўй гўшти деярли тугабди. Окёф солинган идишнинг ҳам таги кўриниб қолибди. Тўрт дона кўкариб униб колган пиёз, бир коса гуруч, икки килоча ўрик туршаги, бир мунча куритилган тог мевалари, ярим кути гугурт қолибди, холос. Калласига бир фикр келди ва пичокни олди-да, пиёланинг орқасига ишқаб уни ўткирлай бошлади. Дијором кўзларини аста очиб эрининг ишини жимгина кузатиб ётаркан, унинг ҳам хаёлидан минг хил нохуш ўйлар кечарди. “Камоқда ўтирганим яхшимиди ёки оч-наҳор бўлсаям мана шу ахволда яшаганимиз маъқулми?” дея савол берди ўз-ўзига. “Энг мухими, болаларимиз тўқ ва сог. Барибир ойим уларга яхши қарайдилар. Ишқилиб бахтимга эрим сог бўлсин. У нима килиб бўлсаям бир йўлини топади. Мендан ажралишни асло хоҳламайди. Бошқа эр бўлганида қамалиб кетишинга зътибор бермаган бўлармиди?”

Дилмурод оқсок эчкини сўйиб, гузлаб, чий устига ёйиб, кечаси халтага солиб осиб кўйди. Ичак-чавогини итларга берди. Улар ҳам бир яйраб олишди. Шамол туни билан гувиллаб, плекани лопиллатиб чиқди. Дилмурод “Ишқилиб ёрилиб кетмасайди” дея хавотир олдими ёки бу ердан кетганидан кейин бирор нохуш воеа юз бермасмикан, дея ўйлаб туни билан ухлай олмай, у ёқдан бу ёққа юмалаб чиқди.

Ҳаво жуда ҳам совиб кетди. Факат бурун очиқ бўлса-да, олинасттган нафас томокларни кичишигиради. Бурунниям берқитиб ётишга тўгри келди. Аммо кўп ётолмади. Нафаси қайтди. Яхиси, туриб олов ёқиб юборишга ва тонгни илик каршилашга карор килди. Ўгин олиб келмок учун ташқарига чиқди. Қор гупшиллаб ёғар ва шамол билан юз-кўзга аёвсиз уриларди. Қалинлиги тизза бўйидан ҳам ошибди. Устига хашак ташлаб кўйилган ўтиннинг ҳам таги кўриниб қолибди. “Ўтинни-ку, эплаймиз. Нима кўп, дараҳлар, куриган шоҳлар кўп, лекин озиқ-овқат масаласи мухимроқ” деган ўйга борди у.

Дилмурод ўтии-чўпларни олиб кирди-да, олов ёқиб юборди. Олдига қумгонни кўйди ва гулханни “чарс-чурс” ёниб, гўёки раккосалардай ракс тушишини бир оз томоша килиб ўтириди. Шу маҳал елкасида аёлининг қайноқ кўлларини туйди. Аёли бўйнига аста осилди. Мехр билан елкаларини силади. Кўпдан буён хотини касал ётавериб бундай эркалик килмай кўйганди. “Яшанг, жоним” деб кўйди у кулоғига шивирлаб. Унинг овози аввалгидай назокатли ва эхтиросли эди.

- Тузумисиз? – сўради Дилмурод.
- Ҳа. Каклик шўрвангиздан танам бирам яйрадики.
- Совқотмадингизми?
- Сиз борсиз-ку.

Аёл эрини кучиб олди. У Дилмуроднинг сафарга кетаётганини аллақачон сезган ва ўзини билмаганга олаётганди. Шунинг учун уни сафар олдидан хурсанд килиб кузатиб кўйишни ихтиёр қилди. Чогроккина гор тезда илиди ва уларнинг эхтирослари билан қизигандан қизиди...

Ташкарида қор бўрони увиллар, целлофан пленка ёрилгудай лопилларди.

- Ҳеч бўлмаса, шамол тинишини кутсангиз бўлармиди, дадаси. – деди Дилором сафарга отланган эрига қаратади.
- Йўқ, жоним. Ҳар бир дақика ганимат. Ё мен бориб келишим ёки иккимиз ҳам бу ерни тарк этишимиз керакка ўхшайди.
- Жониворлар-чи?

– Ҳамма гап шунда-да. То баҳоргача бир илож килиб кишлиганимиз маъқул. Бўпти, сиз ҳеч нарсадан кўркманг. Мен тез қайтаман.

- Майли, ўзингизни эхтиёт килнинг. Худо ўз паноҳида асрасин.
- Сизни ҳам.

Дилмурод оти, бир ити ва уч эшакни олиб йўлга тушди.

Кор тинган бўлса-да, изгирин шамол юз-кўзни чимлиб-чимдид оларди. Шамолдан қочиб дараҳтзор оралаб кетди. Бу ерларда ҳам қор унчалик қалин эмасди, лекин от устида шоҳ-шаббага дуч келавериш жонига тегди ва ерга тушшиб, кор кечиб отини етаклаб олди. Уни олдинда машакқатли Шайтонқоя кутарди. Ўзи-ку, бир амаллар, бирок жониворлар

туёғи сирғалиб кетиши мумкин. Яхшики, юклари йўқ. Уларни бир қатор килиб аркон билан боғлаб олинганлиги ёрдам бериш ўрнига панд берди. Буни устига олган латтаси факат отнинг туёғигагина етарли эди. Эшакларнинг туёғига боғланмади.

Даслабки хавфли сўқмокдаёқ охирги эшакнинг оёғи тўсатдан сирғалиб кетди ва бошқа жониворларнинг ҳам ҳаётига хавф солди. Дилмурод отни аранг тутиб, тортиб қолди. Эшак бўлса кояга осилиб қолган, кўзлари чиқиб кеттудай ихрас, аммо инсонларга ўхшаб тошга тармасиб чиқиб олиш “кўлидан келмаслигини” намойиш қиласади.

“Карвонбоши” отнинг арконини бир кояга илиб қўйишга муваффак бўлди. Аммо келиб қанча уринмасин, эшакни тортиб чиқара олмади.

Узок уринди. Ҳансироқ овоз чикараётган эшакнинг кўзларига нигоҳ ташлади. Улар бир нима демоқчидек мунгли бокарди.

Дилмурод унинг кўзларида ўз аксини кўрди ва кўнглида “Мени кечир, жонивор”, деб кўйди. Аркон қоятош кирғогига ишқаланиб, тобора юпкалашиб, титилиб борарди. Нихоят, у ингичкалашиб, узилиб кетди. Унинг жуссаси жарлик каърида гарқ бўлди.

Икки эшакни қайтиб олиб тушиб дарахтзор ичига қўйиб юборишга тўғри келди.

— Майли, яхши қолинглар. Бўрилардан эҳтиёт бўлинглар, хўпми? — деди Дилмурод ўзича гўлдираб оғир хўрсиниб олди-да, отини етаклаб жўнади.

Коядаги сўқмокни бир кўлидаги шоҳ-шабба билан супириб-сиририб йул очиб борди. От кўркиб баъзан пишқириб кўярди. Қор тўзони увилиб, юз-кўзни очиргани қўймасди.

— Юравер жонивор, кўркма! Ана, Олапарни қара! — деди отга итни кўрсатиб.

Ит эса олдинги оёқларини эҳтиётлик билан босиб деярли судралиб, тирмашарди.

Шундай килиб, минг азоб билан хавфли сўқмокдан ўтиб олишди. Эпди бу ёғи унчалик кийин эмас, эгри-буғри бўлса-

ям ҳархолда чидаса бўладиган йўл эди. Кўп ўтмай мафтункор шаршарага ҳам етиб олишди. Лекин энди у шаршарага ўхшамас, балки маҳобатли музсимон бинони эслатарди. Дилмурод унинг салобатига бир фурсат мафтун бўлиб туриб қолди. Сой ҳам музлаган. Унинг тагидан сувнинг шалдираши барадла эштиларди.

Дилмурод Шокир овчининг тогдаги уйига тушликка қадар етиб олди. Лекин уйда ҳеч ким кўринмас ва кўпдан буён бу ерда инсон қадам изи бўлмагани сезиларди. Кўнглидан “Демак, унга бир гап бўлган. Бўлмаса, биздан хабар олгани борарди” деган ўй кечди. Бир талай ёнғок, туршак ва олма коки бор экан. Улардан олиб тамадди қилди, Шўрданак томон от сурди. Тезрок етиб бориши ва шу бугуноқ изига қайтмоғи керак эди. Йўқса суюкли хотини ёлғизликда оғир ахволда қолиши мумкин эди.

Пастлик томон тушгани сайин қорнинг қалинлиги камайиб борарди. “Эҳтимол, жиянимдан бирор ҳат-хабар бордир” деб кўйди у хаёлан. Кўз ўнгига болалари келди. Үгилчasi Давлатёр “Дадажон, қачон келасиз?” дея сўроклагандай туюлди. “Баҳор келса, албатта, бораман, ўғлим”, деди у ўз-ўзига. Кўз олдига “Дадажон!” дея чопқилаб келаётган қизчасини ҳам келтирди.

Бутазорлар тугаб текисрок, лекин қорда изи кўринмас пастқам сўқмок бошланди. Тезрок манзилга бориб қайтиш иштиёки янада ошди ва отга қамчини босди. Ипакдек юмшоқ кор, майин ҳаво отга ҳам ўзгача шукуҳ бағишларди. От шундай чопдики, ҳатто ортидан келаётган ит ҳарсиллаб, тили осилиб қолди. Аммо бир маҳал кутилмаган ҳодиса юз берди. Кузда ёккан қучли жала оқибатида ҳосил бўлган сел оқими йўлнинг бир кисмини оқизиб каттагина жарсимон ўйик пайдо килганди. Йўргиб келаётган от бирдан ўйиқقا дуч келиб такқа тўхтади ва ёнламасига туриб қолди. Дилмурод от устидан жарликнинг кирғотига учиб бориб кирғок тепалигига ва чукурлик тубидаги тошга боши билан урилди. Каттиқ йиқилган чоги ўзидан кетди. От ҳам сирпалиб кетиб жарликка орқаси би-

лан кулади ва бетиним пишқириб типирчилади. Үнинг ҳам қаттиқ шикаст егани, ўрнидан тура олмаслиги аён эди.

Ит ғингшиб пастлик томон тушишга йўл қидирди. От бўлса пишиллаб, хириллаб ётаверди. Баъзан ёрдамга чакиргандаи аранг кишина бўярди. Сўнгра ит бир амаллаб пастга тушиб борди ва йигитнинг юз-кўзини исказ, ялаб кўрди. Аллақа-ёкларга қаратга гўё ёрдам сўраб, бор овози билан вовиллади.

\* \* \*

Дилмурод шифохонада ўзига келди. Аввалига “туш кўряпман, шекилли” деб ҳайрон бўлди. Ғалати аппаратураларга на-зар ташлаб, нима бўлганини, бу ерга қандай келиб қолганини эслай олмади.

– Ҳой, ким бор! – дея кичкирди у.  
 Бир ҳамшира киз чопиб кириб келди.  
 – Вой, ўзингизга келдингизми, акажон? – деди севиниб.  
 Қизнинг юзида кулгичлари яйраб турарди.  
 – Мен каердаман?  
 – Шифохонадасиз.  
 – Нима?! Қанака шифохона?  
 – Шаҳарники-да. Энг чиройли, энг кўркам...  
 – Нима?! Қанакасига?  
 – Сизни олиб келишганида ахволингиз жудаям оғир эди.  
 Мана етти кунда ўзингизга келдингиз. Мен ҳозир даволовчи шифокорни чакираман, – деди-да, киз шошиб чиқиб кетди.

“Нима?! “Етти кун” дейдими? Қанакасига?” деди у энди ўз-ўзига савол бериб ва бошининг чап ёнида оғир оғрикни хис килди. Ушлаб кўрди. Бинт билан ўраб ташлашибди. Чап қўлини бўлса гипслаб қўйишибди. Бармогини ишлатиб кўрганди, хиёл кимирлади.

– Ассалому алайкум! – дея бир норғул шифокор йигит шо-дон кириб келди. – Э ҳайрят-е, кўрқитиб юбордингиз-ку, ака! Тузукмисиз?

– Раҳмат. Мени бу ерга қандай келиб қолдим?  
 – Бир чўпон кўнгирок қилган экан. Сизни “Тез ёрдам” ма-

шинасида Шўрданакдан олиб келишди. Лекин сизни ҳеч ким танимабди. Исл-фамилиянгиз нима?

Дилмурод бир оз ўйланиб қолди. “Нима эди-я?! Ҳа, ҳалиги...” деди у ва бир оз иккиланиб қолди.

– Дилмурод, тўгрими?

– Ҳа, шунака эди, шекилли.

– Костюмингиздаги паспортиңгиздан аниқладик. Сиз отдан йикилибсиз. Бош миянгизнинг чап ёни бир оз шикаст еган, хотирангизга таъсир қилган кўринади. Кўлингиз синган. Ҳечкиси йўқ, тузалиб кетасиз.

– Отдан дейсизми?

– Билмадим. Бизга шунақа дейишди. Сиз Фарғонанинг Тошлок туманидан экансиз, шундайми? Тоққа нима учун боргандингиз?

Дилмурод эслолмади, елкасини кисди.

– Овгами?

– Эҳтимол.

– Унда ёнингизда ов милтиғингиз ҳам бормиди?

– Эсимда йўқ.

– Чунки сиздан ички ишлар ходими шу ҳақида суриштириши мумкин. Яхшилаб эслаб кўринг, хўпми? Кимникига боргандингиз ўзи?.. Майли ҳозир сизга тинчлантирувчи укол қилишади, дори беришади. Кейин умумий палатага ўтказишади. Яқинларингиз қаерда?.. Телефон ракамини берсангиз, чакиртирадик.

Дилмурод ҳайрон бўлиб жим тураверди.

– Масалан, хотинингиз ёки бошқа бирор яқинингизми?

Дилмурод янада иккиланиб довдираб қолди. “Хотиним ким эди?” деб кўйди у хаёлан ва йигитнинг саволига “Билмасам” дегандек елкасини кисиб жавоб қайтарди.

Ўша куни ички ишлар ходими келиб уни сўроқ-саволга тутди. Лекин маънилик жавоб ололмади ва “Аниқлаймиз” деб паспортини олиб кетди. Албатта, бу унинг оиласи учун хавфли ҳолат эди. Чунки беморнинг шахсини аниқлаш ва яқинларига хабар бериш учун, албатта, Тошлок туман ички ишлар бўлимига чиқишилари мумкин. Лекин бу хавфни Дил-

мурод англаб етадиган холатда эмасди.

Факат орадан бир хафта ўтгандан сўнгтина жияни Сардорбек Худойдод билан кириб келишиди. Шифокорнинг айтишича, Дилмурод хотирасини етмиш фоизга йўқотган ва бу миясидаги жароҳат битишига кўра аста-секинлик билан тикланармиш. Унга асабийлашиш мумкин эмаслиги ва факат хотиржамлик кераклигини тушунтиришиди.

Худойдод тахликага тушиб қолди ва дўстининг қулогига аста шивирлаб сўради:

— Ҳой, Дилмурод! Хотининг ҳозир қаерда? Ўша жойдами ёки бошқа ердами?..

Дилмурод эслолмади, одатдагидек елкасини қисди. Худойдоднинг хуноби ошиб, “Оббо, энди шунисиям бормиди?” деб норози бўлиб гудраниб кўйди ва кўнглида “Тез ёрдам” чакиртирган ўша чўпонни топишга аҳд килди. “Шўрданак кичкина қишлоқ. Ҳамма бир-бирини танийди. Отдан йикилган бегона одам ҳакида, албатта, эшлишган бўлиши керак”, – деб кўйди у хаёлан хотиржам бўлиб.

Яхшики. Сардорбекнинг ишхонаси ички ишлар бўлими идорасининг ёнида жойлашган ва уни ходимлар яхши билишарди. Бир синфдош дўсти ҳам шу ерда ишлайди. Ўша йигит дорихонага чикиб мазкур нохуш хабарни етказди. У аввалига келинайиси қўлга тушган шекилли, деган ўйга борганди. Лекин ҳолат ўйлаганидан бутунлай бошқача бўлиб чиқди. Шундай килиб, Дилоромнинг қидирувда экани маълум бўлмай қолаверди.

\* \* \*

Дилором бўлса, шу кунларда олисда, коялар орасида чиндан ҳам ёрдамга муҳтоҷ, оч ва ночор, камок азобидан минг чандон оғир кунларни бошидан кечирар, ҳакиқий тоғ асирасига айланганди. Озиқ-овқат, ўтиң захираси деярли тугаган, табиатнинг оғир синоатлари билан юзма-юз курашарди. Беш кундан сўнг у ҳам эрининг бирор фалокатга учраганига ишона бошлади ва тамоман руҳий тушкунлик гирдобида қолди.

Үша кунлари яна қаттиқ шамол ва кор бўрони турди. Фор оғзидаги целлофан лопиллайвериб охири йиртилиб кетди ва тешикдан гувиллаб совук кираверди. Уни ёпиш учун юнгли кигизни айрига аранг тираб кўйди. Аммо ташқариде жониворлар оғир аҳволда қолди. Дилором уларни саклаб қолишни ўйлаб боши котди ва охири бир қарорга келди: энди жониворларни ҳам фор ичига олиб кириб олади, вассалом!

У, авввало, ўчокни девор четига мослаб оловнинг ўчиб қолмаслигини таъминлади ва кумғонга сув куйиб кўйди. Сўнгра ётиб, ўтирадиган жойини ҳам бир четга олов яқинига кўчирди. Ёғоч калтакларни бир-бирига боғлаб ҳайвонларга чогрок кўра қурди ва ўша куниёқ уларни “янги уялари”га олиб кирди.

Кўй-эчкилар аввалига оловдан ҳуркиб туришиди. Гулхан тафти уларга ҳам ёқкан шекилли, тез кўнишиб қолишди. Ди-лором ҳам уларнинг маъюс кўзларида милт-милт олов акси-ни кўриб хотиржам тортди. “Бечоралар энди совқотишмайди. Худо хоҳласа, баҳорга етиб олсак, уларга янги, мустаҳкамрок иншоот қуриб берамиз. Ишқилиб дадаси сог-омон келсалар бўлгани. Эҳ, қандай кунларга қолдик-а?!” – деди у ўз-ўзига. “Ўтин оз қолди. Олов ўчиб қолмаслиги керак. Гугурт ҳам тамом бўляяпти”, дея аёл иссиқ кийимларга ўралиб ташкарига чиқди.

Шамол кучи бир оз пасайган, аммо кор бетўхтов, бир текис ёгарди. Қорни кечиб дараҳтзорлар томонга интилди. У ерларда кор пастроқ, кейин қуруқ ўтинг кўп эди. Факат уларни синдириб, судраб олиб келолса бўлгани. Қор босилиб сўқмок ҳам ҳосил бўлади. Сўнг шу йўлдан эҳтимол жониворларни бокқани олиб тушар. Дараҳтзорларда ҳарҳолда емиш топиш мумкин эди.

Шундай ўйлар билан Дилором узок юрди ва ортидан чукурчукур излар қолаверди. Иккинчи ит ортидан ҳамроҳлик килиб келарди. Эри кетган Шайтонқоя томон бораркан, уни учратиб қолиш илинжи ҳам йўқ эмасди. Аммо бир маҳал ит тўсатдан каттиқ ҳурди. Узоқдан бир нима қорайиб кўринди ва худди қимирлагандек туюлди. Дилором аввалига ҳайрон бўлиб бир оз тикилиб қолди. Ити зўр бериб аккиллашни давом эттирди.

Не кўз билан кўрсинки, икки бўри бир нимани юлқиб, тортиб емокда эди. “Ие, бўрилар-ку!” – деб юборди Дилором ва хаёлига гўё бўрилар “Ярадор эримни емоқда, шекилли” деган нохуш ўй келди-да, “Вой-вой, дадаси!” дея қичкириб, ховлиқиб кор кечиб чопди.

– Ҳа, оғзингдан конинг келгурлар, қоч! – дея қичкирди аёл қаҳр билан.

Аёлнинг важоҳати шундай эдики, уни кўрган ҳар қандай ёвуз ҳайвоннинг ҳам қочиб колиши табиий эди. Бўрилар шошилмай бир оз нари кетишди-да, худудда гўё янги хўжайн пайдо бўланидан норозидек қонли тилларини ялаб, ҳайратланиб узоқдан хушёр қараб туришди. Аёл бўлса, бор билган ёмон сўзларини уларга қаратса қаторлаштириб айтиб, ўзи ўша корайиб ётган нарса томонга жон-жаҳди билан кор кечиб интилди. Ниҳоят, етиб ҳам келди. Келди-ю, ичак-чавоклари ағдариб ташланган эшакни кўриб эси оғаёзди. Бўйнидаги арқонини кўриб таниди.

– Вой ўлмасам!.. Ахир, бу эшак бизники-ку! Бу ерда нима килиб ётибди? Дилмурод акам қасрдалар? У кишига нима бўлди?! – деди аёл ва теварак-атрофга аланг-жаланг қараб “Дилмурод aka!” дея чакира бошлади. “Хой, ергина ютгурлар! Эшакни нима қилдинглар?! Дилмурод акам қанилар?!?” дея бўрилар томон ҳайкирди.

Аёл шу тобда шундай дарғазаб эдики, бўриларни гўё ёш кучук болаларидай кўтар, кўркиш тугул уларни менсимай оғиздан боди кириб, шоди чикарди. Унинг назаридаги ҳамма нохушликларга мана шу икки ёввойи жониворлар сабабчидек эди. Ит ҳам аёлнинг кетидан пусиб туриб, “Мендан кўрасанлар ҳали!” дегандай мақтаниб, думини кисиб тинимсиз вовилларди. Бўрилар бўлса, “Биз ҳеч нима қилмадик” дегандай ҳайрат ила қараб туришарди

Дилоромнинг бир жихатдан кўнгли тасқин топғандек бўлди. Ҳайриятки, бўрилар эрини таъзамаган экан. У шунисигаям шукур қилди ва таҳдир уларни шундай ахволга солиб кўйганидан куюниб йиглаб юборди. Йиглай-йиглай ўтин излаб кетди. Бўрилар аввалига бир оз иккиланишиди. Сўнгра шерикларини ёрдамга чакиришни ихтиёр килишдими, ҳар калай овозлари-

ни баралла қилиб увиллашди. Ҳадемай теварак-атроф, даралар орасидан ҳам жавоб овозлар кела бошлади. Бу ўзаро сұхбатнинг мазмуни, бу ерда ётғал тайёр емишни биргалашиб баҳам күришга чорлов эди. Бир оздан сүңг жар солишини бас қилиб изларига қайтишди-да, “Эшакнинг эгаси” томон ола қараши қилиб олиб, яна эшак гүштини пакқос тушира кетишиди. Осмондан эса тоғ хўжайнлари бир жуфт бургут ҳам пайдо бўлди. Улар сокин парвоз қилишарди. Ит норози қиёфада ғингший-ғингший олдинга тушиб дарахтзор ичкариси томон чопиб борар ва баъзан ортига қараб бетайин хуриб кўярди. Шу маҳал қалин дарахтзор тарафга қаратса ҳам маъноли вовиллаб кўйди. У ерда бир жуфт кўёнлар тўкилган ёввойи олмаларни еб туришарди, ит овозини эшишиб қочиб қолишиди.

Дилором у ерга боргач, дарахт шохидаги колган, тўкилган кичик-кичик ёввойи олмаларга кўзи тушди ва шоша-пиша териб ея бошлади.

Нарироқда яна дўлана, тоғ олча каби меваларга ҳам дуч келди. Мевалари майизакка айланиб қолибди. “Демак, тоғда мевалар ҳали мўл экан, худо хоҳласа, оч колмаймиз”, деб кўйди аёл улардан еб-еб оларкан. Ўтиналарни хотиржам теришга тушган ҳам эдики, тўсатдан бир эшакнинг ҳанграган овози эшитилди. Эри олиб кетган эшакнинг бири озод юарди. “Дилмурод ака!” – дея яна қичқира кетди аёл. Бўрилар бақирган овоздан сергакланишиди. Ит вовиллади. Эшак эгасини танидими, худди қувониб кетгандай арқонини судраб аёл томон кела бошлади. Унинг дарахтзор оралаб юришидан бўрилардан ўзини асрай билгани сезиларди.

– Вой, менинг акклигим, – деди Дилором ва эркалаб унинг бўйинини силаб-сийпаб кўйган бўлди. – Дилмурод акам сизларни ташлаб кетувдими-а? Ё Шайтонқоядан ўтолмадингларми? Ҳай майли, бўлмаса энди менга ёрдам берасан, хўпми? Ўтиналарни ташишворасан.

Эшак худди “Мен розиман” дегандай бошини сарак-сарак килди.

Шундай қилиб, Дилором кундузлари ўтин-чўп, катта дарахтлар тагида колган ҳашакларни, колган-куттган меваларни териб яшаш захираларини тўлдира борди. Бир дара ёнғоқзор экан.

Корни юмалоклаб тозалаган сари хўл барглар тагидан чунонам кўп ёнгоклар териб олдики, бу бемалол баҳоргача етарди.

...Бир кўй тинимсиз йўтала бошлиди, овқат емай кўйди. Аёл унинг ўлиб колишидан қўркди. Аммо уни қандай килиб сўйишни билмасди. Тўгри, маросимларда тўрт оёги боғланган кўйга кўзи тушган, лекин уни қонини оқизиб сўйиш?..

...Кўйни гор оғзи олдига олиб чикиб бир гўла устига бошини кўйди, сўнгра эса бошини танасидан жудо килмоқчи бўлди, аммо бунга журъат киполмади. Лекин ҳали-вери эри қайтмайдиган бўлса кўйни бир ёкли килиб, гўштини бир идишга ковуриб жойлаб кўйиши керак эди. Оддинда ҳали кишининг қаҳратон совуғи турганлигини ўйлаб беихтиёр кўлига болтани олди-да, “Бисмиллоҳ... Мени кечир, эй кўзичоқ!” дea кўзларини чирт юмиб, болтани бор кучи билан урди. Узилган бўйнидан сачраган кон уст-боши ва юз-кўзини бежади. Кўзини очиб, килиб кўйган ишини кўриб қўркиб кетиб ўзидан кетаёзди. Кўлидаги болтани бир четта улоктирди-да, қочмокчи бўлганди, қоқилиб йикилиб тушди. Гор оғзидаги оппок корказил конга бўялди.

Нихоят, боши осилиб қолган кўйни аёл судраб ичкарига олиб кириб олди. Кўрадаги жониворлар хуркиб ўзларини бир четта олишди. Энди кўйнинг терисини шилмоги ва гўштини бўлакламоги зарур эди. Аммо умрида кўй тугул товуқ ҳам сўймаган аёл учун бу вазифа жуда мушкул туюлди. Пичокни олиб билганича уннай кетди. Ичак-чавокларини ташкарига, гор оғзига олиб чикиб ташлади. Бироқ кон ҳиди бу ерга йиртқичларни жалб қилиши мумкинлигидан бехабар эди. Кўп ўтмай кон исидан бўрилар галаси пайдо бўлишди ва улар симтўр ҳамда цеплофан плёнка билан тўсилган гор ичидаги мўл емиш борлигининг гувоҳи бўлишди. Ит бетўхтов хуарди.

Дилором дастлаб итнинг куюнишига эътибор бермади. Жуда ҳам очикканди. У гўштнинг бир лахм жойини кесди-да, унга бир чимдим туз сепиб оловга тоблаб қўйди. Кабоб ҳиди хонани тутиб кетди. Кабоб иси ташкарига ҳам чикиб йиртқичларнинг иштаҳаларини баттар қитиқлади. Жониворлар безовта бўла бошлашди. Аммо аёл бепарво, иштаҳа билан овқатланиб оловга яна ўтиналардан ташлаб қўярди.

Бўрилар галаси кутилмаганда хужум бошлишди. Ит қашкирлар галаси томон қаттиқ ҳурир, йиртқичларнинг ириллашларию увиллашлари яққол эшитилиб турарди. Улар симтўр эшикни очмок учун тумшуқлари ва олд оёклари билан тинимсиз уринишар ёки ичкарига кириб олиш мақсадида тумшуқларини тикиб, оёклари билан пайпаслашарди.

Ўткир тирноклари цеплофан плёнкани титиб юборди. Жониворлар хуркиб, бесаранжом бўлиб ўзларини у ёқдан-бу ёққа ураверишди, ва ҳатто, ўртадаги тўсиқ ёғочни ҳам бузиб юбориб, кўрпа-тўшагу териси шилинаётган қўй гўштини ҳам тепалаб ташлашди. Бир эчки орқаси билан келиб Дилоромга қаттиқ урилди. Бу пайтда аёл эндигина иштаҳа билан кабобни паккос тушираётганди, оловга томон мункиб кетай деди ва хавфнинг жиддий эканини англаб етди. Кўлидаги гўшт парчаси оловга тушиб куя бошлади. Қўй-эчкилар тўдалашиб ўзларини ҳар ёнга уришни давом эттиришарди. Аёлнинг жаҳли жунбушга келди ва йиртқичлар кабоб исига интиқ бўлаётганини сезиб, куйган гўштни бир чўпга сукди-да, “Хе, тикилиб ўлгурлар! Ма!” дей ташкарига отди. Бўрилар ўзларини қайнок гўштга уришди ва галалашиб талаша кетишли.

— Тур йўкол, ярамаслар! Хе, оғзингдан конинг келгурлар! — дей кичкирди аёл ҳамда бир таёкни олиб симтўрни қарсилатиб ура кетди.

Эри ясаган консерва идишли шаракловчи кўнгирок эса шамолда узилиб аллақаёққа учиб кетганди. Аммо сур хайвонлар шундай текин емишни ташлаб кетишини исташмасди. Аксинча, Дилоромга қарат “Эшикни оч”, дегандай оғзиларини катта очиб, сўйлок тишлигини кўрсатиб ириллаб таҳдид килишда давом этишиди.

Бўрилардан бири эшик тагини оёклари билан кавлашга, бошқа бирори бўлса, кўзларини ола-кула қилиб, тумшуғини тикишга тутинди. Таёқ зарбига ҳам парво қилишмади. Шундан сўнг аёл болтани кўлига одди ва келса-келмаса асабий чопа бошлади. Бир бўрининг тирноклари чопилди, иккинчи сининг тумшуғи шикастланиб, гингшиб нари кетди. Аммо унинг ўрнига бошқаси ўз билганича хужумни давом эттира-

верди. Шунда Дилором юнг хидини тыйди. Бир күй күркканидан олов устига чиқиб кеттанди. Аёл чопиб келиб уни гулхандан тортиб олиб куяёттан юнгларини ўчирди ва хаёлига ёнаёттан ўтинни олиб бўриларга ҳамла қилиш фикри келиб қолди. Бу тадбир яхши иш берди. Йиртқичлар оловдан чўчишди ва ҳуркиб гор оғзини тарқ этишди. Лекин сал нарига бориб, яна тўдалашиб тураверишди.

— Кет, ҳамманг! Бор уйингга жўна, деяпман! Ҳе, оғзинг очилмай ўлларинг! — дея тинмай кичкиравериб Дилоромнинг оғзи толди.

Аёлнинг асаблари жуда ҳам таранг эди. Аммо унда кўркув хисси бутунлай йўқолган, бўриларга бўлган қаҳри унда аёлларга хос бўлмаган кутилмаган жасорат пайдо килганди.

Олов ва таёк зарбидан цеплофан куйиб батамом илма-тешик бўлиб кетди. Энди изгирин совук “хужум”га ўтди. Лекин бунинг иложи бор – кўрпа-тўшак билан беркитиб олиш мумкин эди. Бирок бошка муаммо пайдо бўлди: олов ўчиб қолди!

Жониворлар гулхан чўгини ҳам тепалаб титиб юборишибди. Бу ёғи гугурт тамом бўлган, уни ҳали олдинда жуда кўп аёзли кунлар ва тунлар кутарди.

...Дилором жудаям ҳолдан тойди. Бўрилар галаси нари кетишиди. Лекин уларнинг қайтиб келмаслигига ҳеч қандай кафолат йўқ эди. Чунки бу ерда улар излаган емиш – “улкан хазина” бор.

Аёл шу фикрларни кўнглидан ўтказаркан, “Дилмурод ака, каердасиз? Нега келмаяпсиз?” – дея бошини симтўрга тираб ҳўнграб йиглаб юборди. Итнинг раҳми келдими, судралиб келиб унинг кавушини ялади. Кўй-эчкилар ҳам ҳамдардлик билдиргандай атрофига тўпланиб олишди. Улар аҳён-аҳёнда мунгли маъраб қўйишарди.

Дилором тиззалаб ўтириб қолди ва бир қўйни қучоклаб юмшок юнгларини силаб юзига босди-да, ўксисб-ўксисб йиглади. Жониворда ҳали қўркинч хисси тугамаган, юраги тез-тез, гурс-гурс уради.

Шу зайл қўйнинг қайнок бағрини туйиб анча вақт чўқкалаб ўтиреди. Эшикдан кираёттан аёз шамолидан оёқлари музлади. Олов ёқиб тоблагиси ва оёғини сандалга солиб иситтиси

келди. Аммо калласига “Мен нима қилиб ўтирибман? Ахир, ўт ўчиб қолган, гугурт бўлса, тамом бўлган-ку! – деган даҳшатли фикр келди ва ўрнидан салчиб туриб кетди. Тепаланганд ӯчоқ олдига шошиб борди. Олов батамом ўчиб бўлганди. Қўлига чўп олиб тезлик билан кулни титкилаб кўрди. Хайрият, бош бармоқдек келадиган чўғ топилди. Дархол хас-хашак тўплашга тутинди ва чўғни жон-жаҳди билан пуфлай кетди. Олов ҳадеганда ёнавермади. Аччик тутун гор ичини коплади. Аёл тутундан бўғилиб тинимсиз йўталар, аммо олов ёкиш умидида тинимсиз ҳаракатланарди. Йирткичлар билан олишув бир бўлган бўлса, олов учун саъй-харакат ҳам шу онда ҳайёт-мамот кураши эди.

Ниҳоят, олов ёкишга эришди ва унинг қархисида бир эчкининг жуссасига бошини қўйганча пинакка кетди. Аммо тонгта якин бўриларнинг хужуми яна қайтарилди. Энди бу сафар улар кўплашиб нариги даралардаги бўриларни ҳам ёрдамга чакириб келишган кўринарди. Яхшиямки, гулхан ёкиб олганди. Оташ яна иш берди. Бирок ўтин ҳам охирлаб қолганди...

\* \* \*

Шокир овчи, ўша, Дилмуродларнинг жойлашиб олишига ёрдам бериб кеттанидан сўнг кишлокқа келиб томи ёпилмай колган янги иморатини битириб олишга уннаб кетди. Ёмғирли кунлар бошлангунига қадар унинг устини тезроқ ёпиб олмоги зарур эди. Чунки курилган пахса девор ёғингарчиликда ивиб, килган меҳнатига путур етиши мумкин. Жиянлари унга ёрдамлашишди. Улар тўсинларини пастдан узатиб беришар, Шокир бўлса аркон билан уларни юкорига зўр бериб тортиб оларди. Аммо шу пайт белида каттиқ оғрикни сезди. Аввалига парво қилмади ва навбатдаги ходани тортган ҳам эдик, боши айланиб пастга йиқилиб тушаёзди. Сўнгра тепадан аранг тушиб олди. “Ўтиб кетар” деб белига сугур ёғини суртиб, терисини этак билан бояглаб бир оз ётди. Аммо оғрик кучаяверди. “Тез ёрдам” чақиришга тўғри келди. Умуртқасида чурра пайдо бўлганмиш, уни касалхонада операция қилиш кераклигини айтишди.

Хуллас, Шокир овчи овга ҳам яроқсиз бўлиб шифохонага ётқизилди ва тогдаги горга жойлашган Дилмуроднинг оиласидан хабар олиш ғояси амалга ошмай қолди. Янги иморати бўлса, бу йил ҳам чала қоладиган бўлди. Уни операция килишди. Шифокорларнинг айтишича, энди унга оғир юк кўта-риш, ҳатто отда юриш ҳам мумкин эмасмиш. Бу дегани энди унинг тогдаги уйи ҳам ҳувиллаб қолади. Овниям тушларида кўради. Уни пастга каратиб қорни билан ётқизиб қўйишиди. Ётавериб юраги сикилиб кетди. Баъзан ёстикни муштлаб “дод” деб юборгиси келарди.

Уч ойлардан сўнг оз-оз қаддини тиклаб кўлтиқ таёқ билан юришга руҳсат беришиди. Бу даврда кеч куз кириб келган ва се-рёмғир кунлар бошланган, тогда бўлса кор бўронлари авжида эди. У ошхонага ҳам мустакил ўзи бора оладиган бўлди. Аммо кунларнинг бирида ошхонада бир таниш чехрани учратди. Аввалига бу боши боғланган, соқоли ўсиб кетган одамни қаерда учраттанини эслай олмади. “Мени кўриб турибди, таниш бўлганида аллақачон саломлашган ёки бўлмаса олдимга келган бўларди. Демак, ўхшаш чехра, кўзлари таниш. Лекин ким у?”

Ён столдаги беморнинг боши боғланган, худди “томи кет-гандай” бир нуктага узок тикилиб ўтирас, овқатни еяётганини ҳам гўёки таъмни ҳис этмаётгандек эди. Шокир уни зимдан кузатди ва эслаб бирдан чехраси ёришиди. “Эҳ, бу ахир анави фаргоналик Дилмуродга ўхшар экан-ку. Ё бирор кариндошимикан-а? Сўраб кўрсаммикан?” деб қўйди у ўзига-ўзи. Сўнгра унинг атайин овқатини еб бўлишини кутиб, чой ичиб ўтиради. Ошхона деярли бўшаб колса ҳамки, у ҳамон чайналиб ўтиради.

Шокир чойини олиб аста унинг олдига борди.

– Ассалому алайкум, – деди у секин.

Аммо бемор зътиборсиз, анграйиб қараб тураверди.

– Сиз мабодо Дилмуроднинг қариндоши эмасмисиз?

Бемор яна жим тураверди ва билинг-билинмас “Билмасам” дегандай елкасини кисиб қўйди.

– Унга жудаям ўхшар экансиз. Қаерликсиз ўзи?

Бемор унга ола қараш килиб қўйди-да, яна жимгина нон чайнаб тураверди.

- Менинг исмим Шокир, овчиман. Сизники-чи?
- Э, қўяверинг, бу киши сизга ҳамсухбат бўлолмайди, – деди шу маҳал столларни йигиштирастган ошпаз аёл.
- Нега энди?
- Отдан йиқилиб хотирасини йўқотганмиш.
- Ие, шунақами? Қаерда?
- Билмасам, шунақа дейишди-ку.
- Наҳотки, бу ўша Дилмурод бўлса??!
- Нима? Сиз бу кишини танирмидингиз?
- Ҳа.
- Бўлмаса, шифокорга учраша қолинг. Бу бемор йигирма саккизинчи палатада ётибди. Аҳволи оғирмиш. Айтишларича, мияси шикастланганмиш.

Шокир ҳайрон бўлди ва яна беморга юзланди.

- Ҳой, мени танияпсизми?! Мен Шокирман, овчи. Эсингиздами, менинг тоғдаги уйимда қўён пишириб егандик. Кейин сизларга тогда жой қилдик. Аёлингиз билан сизни, ҳалиги Худойдод бор-ку, ошнангиз, ғовасойлик ўша иккимиз элтиб кўйгандик...

Бемор яна сукут сақлаб оз-оз овқат чайнади. Ошпаз аёл ҳам бирпас уни қузатиб турди-да, “фойдаси йўқ” дегандай “Тавба”, дея нари кетди. Шокир энди тутакиб кетди. Нима қилишини билолмай бир оз гарантсида ва Дилмуроднинг кўз олдига якин келиб чапак чалди.

– Ау! Мен Шокирман, эсладингизми?! – дея кичкирди у.

Аммо бемор миқ этмагач, чиндан ҳам фойдасиз эканини хис қилди. “Қизик, унинг бу ерда эканини хотини билдимикин? Ҳозир у аёл қаерда экан-а? Эҳтимол, уни Худойдод уйига олиб кетгандир? Олиб кетган бўлса-ку, яхши, аммо...” дея ўйланиб колди у ва калласига нохуш фикр келганидан бир сапчиб тушди. Чунки у ерда йирткич ҳайвонлар кўплигини яхши биларди.

“Касалхонадан тезроқ кетиб у ердан хабар олишим керак. Лекин ярмиканман? Ҳозир у томонларда кор жуда қалин бўлса керак. Кейин Шайтонқоядан ўтиб олиш-чи?”

Шундай хаёлларга берилиб ўтирганди ортидан ҳамшира кизнинг кувнок овози келди:

— Вой, ҳалиям овқатланиб бўлмадингизми-а, Дилмурод ака? Улфат топиб олибсиз-ку! – деди у кулиб.

— Демак, бу кишининг Дилмуродлиги аник-а? – тўсатдан сўради Шокир.

— Ҳа.

— Ўзи айтдими?

— Йўқ. “Касаллик тарихи”да шунаقا ёзилган. Мияси қаттиқ лат еган.

— Хотираси сусайган, тўғрими?

— Нима сиз бу кишини танийсизми?

— Албатта, лекин у мени эслолмаяпти.

— Ана кўрдингизми? – деди киз ва ўзи ҳам ўтириб беморнинг колган бўтқасини худди ёш болалардай қошик билан овқатлантириб қўя бошлади.

— Қани олинг-чи, оғзингизни каттароқ очинг... Ҳа, ана!

— Айтинг-чи, бу кишининг олдига бирор яқинлари келишдими?

— Навбатчилигимда келишмади. Лекин қизлардан сўраб кўраман. Нима эди?

— Бу жуда муҳим. Унинг аёли бор эди. Лекин у жуда узок тог орасида яшайди. Агар бу киши қайтиб бормаган бўлса, аёлига жабр бўлади-да.

— Вой, нега?! – деди қиз ажабланиб.

— У ёлғиз колган бўлади. У ерни мен ва яна бир одам топиб бора оламиз, холос. Агар менга жавоб беришса уриниб кўрардим.

— Лекин сизга ҳозир мумкин эмас. Яна бир-икки ой даволанишингиз керак-ку.

— У аёлга бир гап бўлса-чи?

— Йўт-е, колиб кетмагандир. Майли, мен бўлмаса суриштириб сизга айтаман, хўпми?

— Уй манзилиниям билиб берсангиз. Ҳеч бўлмаса, Фарғонага бориб хабар оламан.

— Майли, акажон. Қани, Дилмурод ака, туринг-чи, уколингизни оладиган вакт бўлди, – деди киз жилмайиб ва Дилмуроднинг кўлтиғидан олиб палатасига бошлади.

Шокир ҳам ўрнидан туриб уларнинг ортидан хомуш эргашди.

Кечки пайт ҳамшира киз Шокирнинг олдига ҳар галгидай чиройли табассум билан кириб келди.

— Келишибди, — деди у. — Қизларнинг айтишича, бири жияни эмиш, иккинчи, ёши каттароги чўпон экан.

— Фовасойликми?

— Билмасам.

— Худойдод эмасми?

— Шунақа, шекилли. Мана беморнинг манзили.

— Демак, уларнинг хабари бор. Раҳмат сизга, синглим. Мени анча хотиржам килдингиз. Энди унинг олдига ким келса менга хабар беринглар, майлими? Улар билан гаплашишим керак?

— Хўп бўлади. Тезроқ согайиб кетинг.

— Раҳмат, синглим. Илоҳим, баҳтингиз очилсин, — деди Шоқир ва чукур ўйга чўмди:

“Ҳим-м, демак, Худойдоднинг хабари бор. Кейин унинг жиянини чакиртирган. Сўнг Дилоромни олиб кетишган. Ундаи бўлса нега Дилором эридан хабар олмади? Ҳа айтмоқчи, кўй-эчкilarга унда ким қараётган экан?..”

\* \* \*

Худойдод билан Сардорбек Шўрданакка бирга етиб келишди ва “Тез ёрдам”га хабар берган чўпонни суриштириб кўришди. Ҳеч ким тайнли жавоб бермади. Қайнотасиникига бориб қайнингилларини ҳам ишга солишди, Дилором ҳақида сўрашди. Аммо ҳеч қандай ижобий жавоб олишмади.

— Сардорбек, келинайингдан хабар олмасак бўлмайди, шекилли. Тогангнинг бу ахволда эканидан бехабар бўлса керак. Ёлғиз ўзи тоғда хароб бўлади у.

— Майли, амаки. Машина борадими?

— Э, нималар деяпсан, қанақа машина? У ерларга отнинг боришиям мушкул.

— Унда қандай боргансизлар?

— Биз борган пайтда куз энди бошланганди. Отда, эшакда кетганимиз. Ҳозир бўлса тоғ тепасида қаҳратон қиши. Бечора келин Дилмуроднинг йўлига кўзи тўрт бўлиб дилдираб ўтиргандир. Биздан бошқа ҳеч ким уни кутқара олмайди. Шоқир

деган овчи огайним бор. Даастлаб унинг уйига етиб олиб ту-  
наб қоламиз. Кейин учовлашиб кетамиз. Келинойингни олди-  
га, албатта, етиб боришимиш шарт.

- “МЧС”га хабар берсак-чи?
- Нима? Эсинг жойидами ўзи?
- Вертолётда боришади-да.
- Тўгри. Лекин келинойингни бошига тушган савдодан ва  
бу ёкларга нима сабабдан келганидан хабаринг бордир?

– Ҳа, бор.

– “МЧС” деганинг, бу ҳукумат. Яъни уни тутиб бериш де-  
гани-ку. Ҳай-ҳай, агар тогангта бу таклифни айтсанг борми,  
юзингга бир тарсаки туширган бўларди. У Дилоромни жуда-  
ям яхши кўради. Аёлинни темир панжара ортида кўриш, унинг  
учун ўлим билан тенг. Буни тақдир деб қўйибдилар, тушун-  
дингми?

- Ҳа, албатта.
- Мана шундай оғир кунда тогангта биз далда бўлмасак,  
бошқа ким ёрдам бера олади?
- Пиёда кетамизми?
- Йўқ. От топамиз.
- Мен хечам от минмаганман.
- Ҳечкиси йўқ, ўрганиб оласан. Факат чотинг бир-икки кун  
огриб юради, холос. Қицда токқа борганимисан?
- Йўқ. Умуман ёздаям бормаганман.
- Эҳ-хе, унда жудаям гўр экансан-ку, а? Ёшинг нечада?
- Йигирма тўртда.
- Уйланганимисан?
- Йўқ.
- Бир мартаям-а?
- Йўқ...
- Унда уйланма.
- Нега?
- Кўяпсан-ку, тогангнинг аҳволини. Хотинини деб шу  
ёкларда сарсон-саргардон юрибди. Худди хотин зоти куриб  
кеттандай.
- Улар бир-бирини қаттиқ севишади-да, ахир.

— Ўҳ-ҳў, севишният биламан, де. Яхши кўрганинг бордир?  
— Йўқ ҳали.

— Баракалла. Мабодо кимнидир севсанг, сен ҳам уни худди тоғангга ўхшаб қадрлагин, ҳўпми? Билсанг инсон жуфти билан яралган. Шундай жуфтлар бўладики, жони битта бўлади. Бири бирисиз яшолмайди. Дилмурод билан Дилором ана шундайлардан.

— Сиз ҳам холамни яхши кўтарсиз?

Худойдод “хех” деб кулиб кўйди ва бир нималар ёдига тушдими, “Ҳа” дегандай бошини сарак-сарак килиб кўйди.

— Кўп гапирмай йўлга тайёргарлигимизни кўрайлик. Йўлда холанг билан қандай танишганимизни айтиб бераман, ҳўпми?

— Ҳўп, — деди Сардорбек ва мамнун жилмайиб кўйди.

Улар бир хуржун ва халтачада озука ва иссик кийимлар, ҳар эҳтимолга карши дори-дармонлар ҳам олишди. Уларни Сардорбек дорихонасидан олиб машинага ташлаб кўйганди.

Худойдоднинг қайноаси бир ов милтиги ва ўқларни олиб чишиб берди.

— Манави раҳматли чолимники эди. Яшириб қўйгандим. Тоғда аскотиб қолиши мумкин, олволинглар, — деди аёл йўл олдидан.

— Э, раҳмат, энажон, соғ бўлинг. Лекин жа акллисиз-да, зўр иш килдингиз! — деб кўйди Худойдод қайноасини алқаб.

Кампир дуога кўл очди:

— Илоҳим, сафарларинг бехатар бўлсин. Дилоромхонни худонинг ўзи асрасин. Уни эсон-омон олиб келинглар.

— Уни-ку, худо хоҳласа, олиб келамиз. Кўй-эчкilarни нима киламиз, ҳайронман.

— Секин ҳайдаб келаверасизлар-да. Ана бизниги кўшиб қўясизлар. Кейин баҳорда яна олиб кетишаверади.

— Ҳай, майли, биз кетдик, бўлмаса.

— Яхши қолинг, хола. Раҳмат, — деб кўйди Сардорбек ҳам.

Кампир отликлар ортидан маъюс кузатиб қолди. Сардорбек дастлаб отда юришга кўниколмай йиқилиб тушаётди.

— Тиззангни маҳкам қисиб ол. Мувозанатингни саклашни ўрган. Эгарни ушлаб юр. Ўрганиб оласан, кийин эмас, — деди Худойдод ва ўз отига қаратада “Чух” деб кўйди.

Сардорбек кўп ўтмай кўнишиб қолди, ва ҳатто, бу юриш энди унга завқ бера бошлади.

Улар Шокир овчининг тогдаги уйига оқшом пайти етиб келишди. Дилмурод йиқилган ўйикдан айланиб ўтишга тўғри келди. Фалокат айнан шу ерда рўй берганидан улар хабарсиз эдилар. Шокирнинг хужрасида чирок ўчик, кимсасиз эди. Қорда ҳеч қандай из ҳам кўринмас, овчининг шифохонада эканидан ҳам Худойдод бехабар эди. Эшик қулфланган экан. Сардорбек жуда толиқди. Умрида бундай жойларни кўрмаган, бунчалик узоққа сафар килмаган ва изгирин совук емананди. Совқотди.

– Оббо, ҳеч ким йўқ-ку. Аттанг, уйидан хабар олсак бўларкан. Энди нима қилдик-а?

– Бошқа уй йўкми? – деди Сардорбек дилдираб, кўлини тинимсиз кух-кухларкан.

– Йўқ. Қулфни бузишга тўғри келади. Шу ерда тунаб кейин тонг-саҳар йўлга тушамиз.

– Нима, ҳали узоқми?

– Ҳа. Яна шунча йўл босамиз. Лекин бу ёғига йўл жуда оғир. Юқорилаган сари қор янам қалинлашиб бораверади. Бошқа иложимиз йўқ. – деб кўйди Худойдод чукур хўрсиниб олиб. Сўнгра бир тошни олиб қулфга ура кетди.

Кулф бузилиб эшик очилди. Ҳужрага анча пайтдан бери ҳеч ким кирмаганлиги сезилиб турарди.

– Ҳозир ўчокқа олов ёқамиз. Кейин чой кўйворамиз, – деди Худойдод ва керосинли чирокни ёқиб кўйди. Олов ёниб ёнига кумғонни кўйишди ва пўстак устига ўтириб исинишиди. Кўп ўтмай сув шаққиллаб қайнади. Йўл учун олган тандир гўшти ҳамда сариёғдан кесиб тановул қилишди.

– Ишқилиб келинйинг сог бўлсин-да. Бунақа совуқда ёлғиз тунашнинг ўзи бўлмайди. Тағин жониворлариям бор. Бечора қай аҳволда экан-а? – деб кўйди Худойдод темир идишдаги чойни хўплаб оларкан.

– Аёл кишининг киркта жони бор дейишади. Дијором опам анча бакувватлар, – деб кўйди Сардорбек ҳамроҳини хотиржам килишга уриниб, лекин ич-ичидан ўзи ҳам хавотирда эди.

— Бизнига келишганида шаҳарликларга ўхшаб жуда пўрим эди. Кейин хотиним билан кўшилиб шароитга мослашиб учун уй ишларини ўрганди. Анчагина уқувли экан, мол гўнгидан таппи қилишниям тез ўзлаштириб олди.

— Йўғ-е. Шу келинойим-а? Доим упа-эликни, маникюрни канда килмасдилар-ку.

— Иносон шунаقا. Бошига мушкул иш тушса ҳар қандай вазиятта ҳам мослашиб боради. Мана, сен ҳам вазият тақозоси билан шу ерларда юрибсан-ку.

— Тогамнинг хурмати бор-да. Ишқилиб соғайиб кетсалар бўлгани. Келинойимни кўрсалар, эҳтимол, ўзларига келиб коларлар.

— Ҳа, бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам келинни унинг олдига тезрок олиб боришимиш керак. Ниятимиз холис, худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади. Энди ётиб дам олиб, куч тўплайлик. Саҳар йўлга тушамиш.

Эртасига тонг гира-ширасида йўлга тушиши. Қор тобора қалинлашиб, отларнинг юриши қийинлашиб борарди. Ниҳоят, сой бўйига чиқиб олишди. Сойнинг қирғоклари қалин муз билан қопланган, музнинг ўртасида эса тиник зилол сув бир оз ховур чиқариб, шарқираб оқарди. Қор тинган бўлса-да, изгириш шабода юз-кўзларни чимчилаб оларди. Умрида бундай ҳолатда яна от миниб кўрмаган йигит учун йўл жуда оғирлик киларди. Унинг оёклари зиркираб оғрир, бурни қизариб, кўзлари ёшланиб кетганди. “Эсиз, билганимда шарфимни, кейин кулокчинли телпагимни олган бўлардим. Ким билибди, тогамнинг, келинойимнинг бунақа ахволга тушиб қолишларини. Ишқилиб, янгам соғ бўлсинлар. Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг иложи бор”, — деб кўйди у хаёлан.

Худойдод чўпон бўлса бундай изгиришли совукларга кўникиб қолган, бир кўшиқни ўзича ғингиллаб хиргойи қилиб борарди.

— Қалайсан? — дея сўраб тўсатдан йигитнинг хаёлинин бўлиб юборди.

— Яхши.

— Совқотмадингми?

– Сал-пал.  
 – Шунака де. Хўп. Ҳозир ажойиб бир жойга етиб борамиз.  
 Кейин ўша жойда тўхтаб олов ёкиб, овқатланамиз.

– Қанака жой?  
 – Шаршара. Лекин кишда қанақа бўларкин, ҳечам кўрмаганман. Ёзда бу ерларни кўрсанг эди. Ҳақиқий жаннатмакон дейсан.

– Бўлиши мумкин. Ҳаммасидан ҳам уйимиздаги сандалимиз яхши эди.

Бундай жавобни кутмаган Худойдод хохолаб кулиб юборди. Шундай кулдики, овози тоғ қояларида акс-садо берди. Дарахтзордаги кушлар ҳуркиб учишди.

– Оббо, сен-ей, жа кизиқчи экансан-ку, а?  
 – Оёғимнинг дабдаласи чиқди. Тўхтаб бир оз дам олайлик, амаки.

– Йўқ. “Оз қолди” дедим-ку.  
 – Қанча?  
 – Яна уч километрча, холос. Сен ўша жойни бир кўрсанг эди, ҳамма чарчокларинг эсингдан чикиб кетармиди.  
 – Кейин-чи? У ёғи яқин қоладими?  
 – Ҳа. Унча узок эмас-ку, лекин... Э, қўявер, борганда кўрасан-да.

Кўп ўтмай айтилган манзилга етиб келишди. Сардорбек окиш осмонўпар муз қасрни кўриб ҳайратдан қотиб қолди. Музнинг ҳарир пардаси остидан окиб тушаётган сувнинг майин шаркираши эшитилиб туар. бир оз буг ҳам чикиб, тутин каби тепага кўтариларди.

– Вой-бўй! Нима бу? – сўради йигит анграйиб.  
 – Нима бўларди, ўша мен сенга айтган шаршара-да. Со-вукда атрофини муз қоплаб олган.  
 – Жуда ажойиб экан, – деди йигит ва муздан қурилган улкан ҳайкалсимон шаклларни кузатиб бундай табиат мўъжизасига чиндан ҳам лол қолди. – Бунақасини ҳечам кўрмаганман. Үлай агар, ўртокларимга айтсан ишонишмайди.  
 – Ёз жазирамасида келсанг, совуқ еб, роҳатланиб кетасан.  
 – Худо хоҳласа, келаман, чўмилсаям бўлар?  
 – Албатта, бўлади.

Улар оёкларини ёзиб олов ёкишди ва тамадди қилиб олиши-да, яна йўлга отланишди. Вакт зик, окшом тушмасидан Шайтонқоядан ўтиб олишлари керак эди. Кўп ўтмай текис сўкмоклик тугаб улкан тошқоялар оралаб тепалик сари кўтарилиб боришли. Энди от устида юриш мушкул, уларнинг туёклари тошларда сиргалиб кетиши мумкин эди. Шу туфайли бу ёғига оёқ остида гирчилаб эзилаётган ва тиззадан юкоригача ботиб бораётган қорни кечиб отни етаклаб, пиёда, тошбака юриш ки-лишга тўғри келди. Худойдод ҳар эҳтимолга қарши хуржундан арқон олиб Сардорнинг бўш кўли томон иргитди.

- Буни нима қилай? – сўради йигит.
- Маҳкам ушлаб ол. Қай биримиз сиргалиб кетсак, иккимиз тортиб қоламиз, хўпми?
- Отга боғлаб кўйсам-чи?
- Йўқ. От ҳам тушиб кетиши мумкин.
- Қаёкка?
- Қаёкка бўларди, пастликка-да. Эҳтимол, тоганг бир ўзи бўлгани учун кулаб тушгандир. Кейин уни чўпонлар кутка-риб олган бўлишса керак.
- Нима, бу ёклардаям ҳозир чўпонлар борми?
- Йўқ. Мен ҳам шунга ҳайронман. Баъзан йўқолган молини кимдир қидириб чиқиб келишиям мумкин-да.

Шу маҳал увиллаган овозлар эшитилди. Отлар кишнаб, ку-локларини динг килишди.

- Бу қанақа овоз? – ҳайрон бўлиб сўради Сардорбек.
- Нима, бўларди, ўзимизнинг жондорлар-да, – деб қўйди Худойдод ҳамрохини чўчитгиси келмай.

Бўрилар ҳамон увиллашарди. Отлар сергак тортиб, кулоқларини диккайтириб, маъноли кишнаб, пишкириб олишарди.

- Кўркма. Булар чиябўрилар. Милтиғимни кўришса, ура кочишади, – деди чўпон йигитни тинчлантириб. – Оёғингни эҳтиёт бўлиб бос. Пастликка қарама, хўпми?

- Олдимиздан анавилар чиқиб қолишса-чи?
- Чиқишимайди. Улар одамлардан кўркишади. Овчилар уларни отавериб чарчашган.
- Бўлмаса, милтиғингизни шайлаб олмайсизми?
- Улар милтиқдан эмас, кўлтимиздаги арқондан кўпроқ кўркошади.

— Қанакасига?

— Уларнинг миясига илондан кўркиш инстинкти ёзилган. Кейин оловдан ҳам чўчишади. Овчилар арконни илон қилиб кўрсатиб ёки олов ёкиб кўркитишади. Бу синалган усул.

Йигит юришда давом этаркан, қўлидаги арконини осилтириб илонга ўхшатиб кўрди. “Наҳотки, шундан бўрилар кўрка?” – деб қўйди ўзича.

Йўл янада машакқатли тус ола борди. Улар улкан қоятошлар бўйлаб аста-секинлик билан харсангларни ушлаб, чикиб боришар, чиябўриларнинг чийиллаши эса изгирин овози билан уйғунлашиб ўзгача оҳанг касб этарди.

Бир пайт Сардорбекнинг оёғи остидаги бир тош сиргалиб пастликка қулаб тушди. У тиззалаб ўтириб қолди. Аркон маҳкам тортилди.

– Эҳтиёт бўл! Арконни қўйиб юборма! Маҳкам ушла! – дея қичкирди Худойдод. От бир ҳуркиб, пишқириб олди. – Ҳа, якинрок келавер. Оёғингга ёмон тегмадими?

– Йўқ.

– Кўркма. Бу ёғи оз қолди. Ўтиб олсак марра бизники.

– Бу ердан қўйлар қандай ўтишган? – сўради йигит.

– Унда кунлар иссиқ эди. Кейин уларнинг олдида бошловчи серка бор. У қаёққа бошласа, қолган кўй-эчкилар унинг ортидан эргашаверади.

– Э, койил! – деди Сардорбек ва юришда давом этди.

Нихоят, хавфли сўқмок ортда қолди. Энди қалин дараҳтзорли дара оралаб кета бошлишади. Ҳарҳолда қор камрок эди. Бир оз пиёда юриб яна отга минишди. Қор устида турли ҳайвон излари учар. отларнинг кўзи олазарак, пишқириб-пишқириб боришарди. Худойдод милтиқни ҳар эҳтимолга қарши ўқлаб олди. Бирор нима отса пишириб сийини ҳам кўнглига туғиб қўйди.

\* \* \*

Бу пайтда горда аёл ва бўрилар ўртасида навбатдаги тенгсиз “олишув” давом этарди. Йиртқичлар “Эшигингни яхшиликча оч, жониворларни бизга бер!” дегандай сўйлок тишларини кўрсатиб беўхшов ириллашар, симтўр ортида турган Ди-

лором бўлса, жон-жаҳди билан тутаётган ўтинни уларнинг юз-кўзига тикиб олар даражада никтаб, тўрни шарақлатиб уриб, бўриларни хайдаб солишга уринарди.

– Ҳе, сўйлок тишинг куриб кеткурлар, йўқолларинг бу ердан! Бор уйингта жўна, ҳамманг! Ер юткур, ярамаслар! – дея тинмай кичкиради.

Аммо беакл жониворлар емиш илинжида ҳамлани давом эттиришарди.

Гулханда бўлса, сўнгти ўтинлар чирс-чирс ёнмокда эди. Бўриларни бир илож килиб ҳайдамаса ўтин ҳам, ҳашак ҳам тугаши мумкин. Совукдан, очликдан, сувсизликдан ҳаммалари ҳалок бўлишлари турган гап. Шу туфайли аёл таваккал қилиб охирга чорани кўллади. Тошчироқ ичида бир оз керосин мойи бор эди. Узи ётиб турган тўшагини олди-да, тошчиrokни бўшатиб ёқилғисини кўрпага сепиб ёкиб юборди. Сўнгра уни судраб симтўрли эшик олдига олиб борди. Бўрилар кўркиб бир оз ортга тисланишди.

Аёл сим билан маҳкам боғланган эшикни очиб ёниб тутаётган тўшакни йиркичлар олдига отди. Улар нари кочишли. Олов ёниб қора тутун чикаради. Теварак-атрофни латта ҳиди тутиб кетди. Бу ҳид норози йиртқичларнинг иштаҳасини бўғди.

Ҳавода таралаётган ҳидни йўлдаги Худойодод ҳам туйган-дек бўлди.

– Сезяпсанми, Сардор, куйган латта иси келяптими?

– Ҳа, шунақа шекилли, – деди йигит ва узокда сезилар-сезилмас осмонга кўтарилаётган қора тутунга кўзи тушиб колди. – Тутун! – дея кичкириб юборди у тўсатдан.

– Ҳа-я. Бу ерларда кимдир яшайди шекилли, – деди чўпон ва бир оз ўйланиб туриб бор овозда ҳайкирди:

– Ие, тўхта! Ахир, бу тоганглар яшайдиган тарафда-ку!

Улар отларига қамчи босиб янада жадал юришга чоғланышди. Озрок юришгач, тутун янада яққолроқ кўзга ташлана бошлади.

– Вой, каранг, бўрилар! – дея кичкириди йигит тутун томондан хотиржам келаётган бир гала йиртқичларни кўрсатиб.

Отлар ҳам уларни сезиб каттиқ кишинашди ва тўхтаб олд оёкларини кўтариб юборганди, йигит ерга юз тубан йиқилди.

– Отнинг жиловини маҳкам ушла! Қочиб кетмасин! – дея кичкирди Худойдод.

Йигит жиловни аранг ушлаб қолди.

Худойдод милтиқ билан бир бўрини мўлжалга олди. Аввал биринчи, сўнгра иккинчи бўрини ер тишлатди. Шундан сўнг бошка бўрилар яқинлашишга журъат қилишолмади. Улар бир оз тўхтаб ракибларининг устун эканига ишонч ҳосил кишишдими, нариги дара тарафга қочиб қолишиди.

Милтикнинг иккинчи овозидан сўнг Дилором анча ўзига келиб ўрнидан турди.

– Наҳотки, бу Дилмурод акам?! Шокир оғайниси билан келдилар, шекилли. Эй, Яратган Эгам! Ўзингга шукур, соғ-омон эканлар! – дея қувониб кичкирди ва бир эчки боласини ушлаб, маҳкам кучоклаб олди.

Лекин ҳадеганда овчилар кўринаверишмади.

“Хо-о-ой! Ёрдам беринглар!” – дея кичкирди аёл ва бир таёни олиб кир тогорани тараклата бошлади.

Бўрилар галасининг хужумидан эҳтиёт бўлиб, йўловчилар аста келишарди. Худойдод милтикни ўқлаб, теварак-атрофдаги коя ораларини зимдан кузатиб бораарди.

Йўловчи йигит ҳам хуркак отни етаклаб, орка-олдига тез-тез қараб олар, баъзан кўлидаги арқонини илонга ўхшатиб аланг-буланг қилиб кўярди.

Йўловчилар ниҳоят куяётган тўшак олдига стиб келишиди. Фор олдида пайпасланиб кетган кор ва ундаги қизгиш қон изларини кўриб эсхоналари чиқаёзди.

– Хой! Мен бу срдаман! – деди аёл бор овозда кичкириб.

– Ие, келинойим-ку! – деб кичкирди Сардорбек ва корни кечиб чопди.

Дилором симтўрли эшикни очиб чиқиб келди. Унинг ахволини кўриб Худойдод ҳам “Э, воҳ!” деб юборди. Аёлнинг ок оралаган соchlари тўзғиган, рангида ранг қолмаган, озиб-тўзиз кеттан ва титраётган шилиниб қетган нозик қўлларини олдинга чўзганча “Дилмурод aka!” дея зорланиб турарди.

– Келинойи, бу мен, Сардорман!

– Дилмурод акам қанилар? – сўради аёл титраб-кақшаб.

– Касалхонадалар. Хайрият соғ-омон экансиз!.. – деди йигит ва йиглаб юборганини ўзи ҳам англамай қолди.

– Салом-алайкум. Сизга ҳеч нима қилмадими? Эҳ-хе, ёмон кунларга колибсиз-ку, а, синглим? – деди Худойдод ҳамдардлик билдириб.

– Ўртогингизга нима бўлди?! – шопша-пиша сўради аёл.

– Отдан йикилган экан. Бир оз лат еган, тузалиб кетади. Шунча бўрига бас келибсиз, қойил! – деди у ва гор оғзи ҳамда ичкаридаги ахволни кўриб танг қолди. – Э, худойим, бу ерда нималар бўлди ўзи? Инсон зоти бу ахволда қаңдай яшashi мумкин, а?..

Лекин чўпоннинг саволи жавобсиз қолди. Аёл ўзидан кетиб қор устига йикилди. У бор кувватини “душманга қарши” сарфлаганиданми ёки севикли инсонининг фалокатта учраганидан таъсиранганиданми, билиб бўлмасди. Сардорбек уни кўтариб ичкарига олиб кирди ва уни ётқизгани жой топа олмай гарангсиб қолди.

– Қаерга ётқизай, амаки?

– Ҳайронман. Бу ерда инсон зоти яшай олмайди-ку. Ҳозир мен ҳамма жоноворларни ташқарига ҳайдайман, – деди чўпон ва симтўрли эшикни очиб юборди. Жоноворлар безовталаниб ўзини ҳар ёнга уришарди.

Жоноворлар озодликка чиқкан маҳбуслардай ташқарига чикибок ўзларини хашак томон уришди. Худойдод ҳам шошиб келиб хашакдан бир кўтарим олди-да, гор ичига олиб кириб тўшади. Унга бехуш аёлни ётқизишиди.

– Халтадаги аптечкани тез олиб кел! – буюрди чўпон.

Дилоромни ўзига келтириб сув беришди.

– Корним оч... – дея олди у аранг.

– Манг. Лекин шошилмай енг, – деди Худойдод нондан бир бўлак узатаркан.

Сардорбек тезда бир консервани очди. Пичоги қошикли экан, бўшатиб берди. Аёл уни тез-тез ся бошлади ва корнини бир силаб қўйди. Назарида, ҳомиласи безовта бўлаётганди. Олов ёқиб юборишиди. Қорни тўйган аёлни неча қундан бери бўрилар билан тенгсиз олушув сабабли бедор бўлгани учунми уйқу элтди. Отдан тоза адёл олиб келиб уни ўраб қўйиш-

ди-да, гор ичини тартибга келтиришга түшиб кетиши. Бу ерда бошка яшаб бўлмаслиги кўриниб турарди. Шу туфайли ташкаридаги қўрани гиклашни бас қилиши.

— Бу ердан тезда кетишимиз керак. Бўрилар яна қайтиб келишлари мумкин. Ўқ оз қолди. Гугурт ҳам ҳисобли. Келинойингни шифокорга кўрсатмасак бўлмайди. Юқли экан. Ҳомиласи нобуд бўлмасин тагин.

Сардорбек ҳам энди анча дадиллашди. У вазиятни тушуб ўзини ҳакикий аскарлардек тута бошлиди.

— Бўпти. Бўлмаса, ҳозироқ жўнайлик. Туни билан йўл боссак овчи ошнангизнинг уйига етиб олардик.

— Гўгри айтасан, лекин жониворларни Шайтонқоядан олиб ўтолмаймиз. Айникса, қўйлар эчкиларга ўхшаб қоялардан юра олмайди. Улар жарликка қулашлари мумкин.

— Нима, бошка йўл йўкми?

Худойодд бир оз ўйланиб қолди. Куёвлигида келин ва унинг қариндошлари билан шаршарага дам олгани келиб нариги дараларга кўзиқорин излаб келганлари ёдига тушди. Ўшанда кийикларни кўриб жуда завкланишганди. Аммо айнқ ва бўрилардан кўркиб ура кочишганди.

— Бор, — деди у. — Факат узокрок, айланиб ўтишимиз керак бўлади.

— Қанчалик узоқ?

— Ўн километрча ортиқча юришга тўгри келади.

— Мен келинойимни отга миндириб етаклаб оламан. Сиз жониворларни ҳайдаб йўл бошлайсиз.

— Келишдик. Бўрилардан кўркмайсанми?

— Йўқ. Латта-путталардан машъала тайёрлаб оламиз. Тўхтасак гулхан ёкамиз. Куруқ ўтин мўл экан.

— Яшавор, ота ўғил! Тоғанг хали бу ишингга беш кетади.

Шундай қилиб, улар йўлга тайёргарлик кўриши. Бу ердаги кўлга илинадиган идиш-анжомларни қопга солиб, бир четга яшириб кўйиши. Кигиз ва адёлларни тозалаб ўзлари билан олволиши. Йўлда аскотиши мумкин. Батарейкали фонар ҳам бор эди. Уларнинг баҳтига бугун кор ёғмади. Осмонда ою юлдузлар порлаб турса-да, ҳаво совук ва аёз-

ли, теварак-атроф бўлса, кундузгидай ёруг, оғир сукунат хукмрон эди. Бўрилар тунги карвонни четдан хотиржам кузатиб қолишиди. Йиртқичлар фонар ёғдусидан чўчир, жуфтжуфт кўзлари милт-милт ёнарди. Колаверса, шунча емишдан курук колаётганлари учун ойга қараб норози оҳангда нола килишарди.

Саккизта кўй, тўққиз эчки, икки от, бир эшак ва бир сигирдан иборат карвон йўлга тушди. Улар қўшни дара томон тепаликлар, улкан қоятошлар, арчазору дарахтзорлар оралаб қоқилиб-сукилиб боришар, Дилором отнинг эгарини маҳкам тутиб олган, кўллари совуқни ҳам сезмас, жони омон қолгани учун худога шукрлар қилиб, энди ўзининг эмас, балки эрининг соғлиги ҳақида кайгуриб чуқур ўйга ботиб борарди.

– Эгарни маҳкамроқ ушланг, келин. Йиқилиб тушишингиз мумкин эмас. Тиззаларингизни маҳкам кисиб олинг. – деб кўйди Худойдод. – Сардор сен ҳам келинайингга хушёр бўл.

– Хўп бўлади, амаки.

Улар узок юришиди. Қўшни дарага ўтиш учун бир довонни ошиб ўтишга тўғри келаркан. Тепаликка чиқишидан бошқа илож йўқ эди. Худойдод тажрибали чўпон бўлганилиги туфайли сурувни ёнламасига хайдаб борарди. Ўзи ҳам отдан тупиб олди. Қияликда шамол кучли эсади, гув этиб қорларни учириб келиб юз-кўзларига сочарди. “Эҳтиёт бўлинглар!” – дея қичкирди у. – Пастга қараманглар!

Бир соатлар чамаси машакқатдан сўнг улар ниҳоят тепаликка чикиб олишиди. Шамолниң ҳам тафти пасайди. Бир коя пана-сига келиб дам олишиди ва ўт ёкиб исиниб, тамадди қилишиди.

– Келин тузукмисиз? – сўради карвонбоши.

“Ха”, дегандек жувон базўр бошини қимирлатиб кўйди.

– Кийналмаяпсизми?

“Йўқ”, дея ишора қилди аёл.

– Буям бир синов-да. Ҳечқиси йўқ. Энг муҳими, сог-омон экансиз, минг қатла шукур.

Улар шу зайл сухбатлашиб ўтиришаркан, Сардорбек зарурат учун нарирокка ўтиб кетди. Бирйўла теварак-атрофни ҳам назорат қилиб кўрмокчи бўлди.

Аммо бирдан қордаги янги одам изләрига кўзи тупиб кол-

ди. Бир жихатдан сесканиб юраги гупурлаб чўчиган бўлса, иккинчи томондан ҳаяжонланиб севиниб кетди. “Бу ерларда кимдир бор. Демак, уйи ҳам бордир. Эҳтимол, тунаб қолармиз”, деган ўйга борди у ва чопиб қайтиб келиб бу хабарни Худойдодга етказди. У ҳам ҳайрон бўлди.

– Қизик, бу ерларда инсон зоти яшамасди-ку. Ё бирор қочок жиноятчи... – деди ю, ёнида ўтирган Дилоромга кўзи тушиб гапни бошқа ёқка буриб юборди. – Ҳалиги, овчи ёки саёҳатчи-дир-да. Бу ерларга альпинистлар, қазилма бойликларини изловчи геологлар ҳам келиб туришади. Юр-чи, мен ҳам кўрайин-чи, – деди чўпон ва Сардорбек бошлаган томон ўтиб кетишиди.

Дилором қўлини оловга тутиб “Тезроқ қайтинглар” деб колди. Улар бир қоя устига тирмашиб чиқиб изнинг қайси томон кетганини мўлжаллашди.

– Сен бўлмаса келинайнинг олдига бориб ўтириб тур. Мен изни кузатиб борайин-чи, – деди йўлбошловчи ва коркечиб эҳтиёткорлик билан из бўйлаб кетди.

– Хўп. Милтиғингизни олволинг, амаки.

– Э, қўявер. Тез қайтаман.

– Ҳеч бўлмаса, манави фонарни олинг.

– Хўп.

– Бир гап бўлса чакиравсиз.

– Ҳа, албатта. Бу ерларда овоз барадла эштилади.

Чўпон анча маҳал йўқ бўлиб кетди. Сардорбек хавотирга туша бошлади. Нима киларини билолмай бир қоя устига чиқди ва “Эҳ-хе-хей, қаердасиз?!?” – дея қичқирди. Тоғу тошлар акс-садо берди ва узокдан “Боряпман!” деган овоз келди. Бир оздан сўнг фонар чироги кўринди. У келди-да, қўлларини оловга тутди.

– Хуллас, тахминимча<sup>\*</sup> бу ерда бир одам доимий яшайди. Лекин яшаш жойини топа отмадим. Кундузи излаб кўриш керак.

– Ким бўлиши мумкин?

– Маржон табиб, – деди чўпон киска қилиб.

Дилором ярқ этиб қаради.

– Вой! Ким дедингиз??

– Ҳа, ўша машҳур табиб. Шу томонларда яшашини эшитгандим.

– Қаердан билдингиз? – сўради Сардорбек.  
– Бир жилгага дуч келдим. Унда оқаёттган сув илиқ экан. Эшишишмча, ўша табиб яшайдиган гор ичидан шифобахш иссиқ булок чикади.

Дилоромнинг тунд чеҳраси бирдан ёришиб кетди.

– Вой, ростданми?  
– Ҳа, келин. Табиат мўъжизалару синоатларга бой-да.  
– У кишини мен танийман, қабулида бўлганман. Учратсак яхши бўларди.

– Ҳа, албатта. Лекин манави жониворлар билан уни қандай кидирамиз. Аҳволимиз танг. Кунлар юришиб кетганидан кейин биз, албатта, қайтиб келамиз.

– Дилмурод акамни ҳам бир кўрсатсан бўларди. У киши Маржон табибини учратиб сухбатлашишни орзу килардилар.

– Яхши фикр. Бўлмаса, аввало манзилимизга эсон-омон етиб олайлик. Дилмуроднинг аҳволини бир кўрайлик, дўхтирлар билан гаплашайлик. Кейин бир гап бўлар.

– Сиз факат илиқ жилғани кўриб шундай деяпсизми? – сўради Сардорбек ишонгиси келмай.

– Йўқ. Шокир ҳам уни шу тарафларда яшашини бир-икки бор айтуди. Айтишича, бир улкан форда яшармиш. Ҳар хил гиёҳлар, доривор маъданларни тўплаб, захира килиб ташланмиш. У ҳам табибнинг баъзи буюртмаларини бажариб турарди-да. Табиб билан кўп гаплашган экан.

Улар ана шундай кизгин гурунглашиб йўлда давом этишди. То тонгга қадар юрагириб ҳолдан тойишди ва куёш бош кўтаргани маҳали маҳобатли “муз қаср” олдига етиб келишди.

Куёш нуридан улкан муз ўзгача тобланар, гўё улкан биллур чирок каби ранго-ранг жилваланаарди. Шу ерда олов ёкиб дам олишди. Сардорбек ўзини қорга таппа ташлаб пинакка кетди. Аммо Худойдод уни ухлагани кўймади.

– Ҳой, йигит! Эшакнинг устидаги кигизни олиб кел, устида ётаверасан, – деди йўлбошли.

Шундай қилишди, кигизнинг устида адёлга ўраниб оловда исиниб ўтиришди. Йигитнинг устига ҳам бир чакмонни ёпиб кўйишди. Кўй-эчкиларни ўша ердаги дарахтзорлар тагига кўйиб юборишиди. Улар ул-бул топиб еб юришди.

— Баъзилари бўғоз экан, баҳорда кўпайишади, — деб қўйди чўпон жониворлар томон нигоҳини қаратиб.

Бир оз дам олишгач, яна йўлга тушишди. Энди бу ёғи хар ҳолда енгил, билган, синалган сўқмок эди. Худойдод отни, Сардорбек бўлса, эшакни миниб олишди ва то тушликка қадар овчининг уйига етиб келишди. Ҳужранинг эшиги ўшандай сим билан боғланган ва ҳеч ким келмагани кўриниб турарди.

Яна йўл юришди, йўл юрса ҳам мўл юришди. Худойдод сўқмокни чўрт кесиб сел натижасида хосил бўлган жарлик олдига келиб пастлик томон бир оз караб туриб колди. Сардорбекка “Бирор от суриб келса борми, бу ерда, албатта, фалокатга учрайди” деган фикр ўтди ҳамки, пастлиқда ётган қорамтири нарсага, очикроги, бир ҳайвоннинг ўлигига кўзи тушди. Унинг териси ва суюклари кўришиб турар, бир жуфт ўлаксахўр тасқара уни чўқилашмоқда эди. Боши кор орасига қоришиб кетган бу нарса от экани аниқ эди.

— Ие, бу ахир ўзимизнинг от-ку! — деб юборди чўпон ва Дилмуроднинг айнан шу ерда йиқилганига ишора қилди.  
— Ҳаммаси равшан, — деб қўйди у тезроқ бориб қайтишини ўйлаган ва отни чоптириб келиб шу чукурга кулаб тушган. Кейин уни кимдир бехуш топиб олган. Эҳ, бечора...

Дилоромнинг кўзларига ёш келди. У эрининг не азобда колганини ўйлаб қайғурди.

— Ўзларига келиб қолибдиларми, ишқилиб?

— Ҳа, лекин?.. — деди йигит.

— Бардам бўлинг, келин. Ҳаммаси жойида, тўрт мучаси соғ, факат хотирасини бир оз йўқотган, холос. Дўхтирлар уни аста-секин тикланади, дейишди.

— Вой ўлмасам. Бу қанака кўргилик бўлди?!

— Сизни кўрса, эҳтимол, ҳаммаси ёдига тушар.

— Нима? Сизларни танимадими?

— Ҳа, шунака.

— Шўрлик, энди нима бўлади? — деди аёл йиги аралаш.

— Ҳа, у хозир парваришга муҳтоҷ.

— Вой шўрим курсин, қандай кунларга қолдик-а?!

— Энг мухими, соғ-омон колибди-ку. Бундан баттар хам бўлиши мумкин эди.

— Худойимга шукр. Мана сизлар бор экансизлар, “Дўст мусибатда билинади”, деб шуни айтсалар керак-да.

— Албатта. Сиз ташвишланманг. Биз сизларни ҳеч қачон таңг ахволда ташлаб кўймаймиз. Ўзингизни ва туғилажак болангизни ўйланг. Бизнида бемалол яшаб, эсон-омон фарзаңдингизни дунега келтирасиз. Кўй-эчкиларингизни ўзимизниги кўшиб кўяман. Энди бу ёғига кишида бизниги келиб яшаб, баҳорда яна кетиб кўй-чекиларни бокиб кўтпайтираверасизлар, — деди Худой-дод маъюс.

— Лекин Маржон табибнинг манзилини билганимиз яхши бўлди. У кишига учрашишимиз шарт, — деди Дилором.

Унинг кўзларида умид учқунлари барк ургандай бўлди.

— Эҳ-хе, келин. Ҳали у билан ҳам дўстлашиб кетасизлар.

— Илоҳим, айтганингиз келсин, — деди аёл ва кўнглида “Албатта, у кишига Дилмурод акамни кўрсатаман” деган ният ўтди ва йўл бўйида учраган бир қайрағоч тагида тўхтаб, рўмолчасини дарахт шохига туғиб bogлади.

Чўпон бўлса, унинг ишини кузатиб мийигида кулди. “Уғил кўрай деб ният килди, шекилли” деди у ўзича ва “Чух, жонивор!” деб йўргасига қамчи босди. Улар кечта қадар Шўрданакка етиб олишди.

Кишлоқда ҳаво сокин ва мусаффо эди. Аммо Дилором то эртагача кутиб ўтиришни ўзига эп кўрмади. У уйга кириб ултурмаёк. “Мени Дилмурод акамнинг олдиларига олиб боринглар”, деб туриб олди. Ноилож, Сардорбек машинасини юргизиб, уни шу алфозда касалхонага олиб кетишди.

## V БОБ КОЧОК АЁЛ ТОЛЕИ

Касалхонага окшом пайти етиб келишди. Дилором шошилганидан шошилар, рўмоли чувалашиб ечилиб тушар. кўпдан буён тарок кўрмаган сочлари чулғанарди. Унинг тирналган юз-кўзи, бир неча хафтадан буён сув кўрмаган. тўзгок сочларига чорва бўйи ва тутун исп сингиб кетган-

ди. Бўрилар билан “жанжаллашавериб” йиртилиб, ва ҳатто, таг ҷармлари кўчиб қолган пойабзалини, горнинг захида, жониворлар орасида ётиб тураверганидан чорва тезаги ёпишиб, қасмоқланиб қолган устки пахталик чопони билан касалхонага тўғри кириб келиши унга дуч келган турли тоифадаги одамларни танг қолдирди. Кўрганлар уни ва дуч келган жойларда ётиб юрадиган, “томи кетган” дайди аёл деб ўйлаши табиий ҳол эди.

Навбатчи ҳамшира аввалига Худойдод билан Сардорбекни ўтказиб юборди. Дилоромни кўрдию, “Ҳой хотин, тўхтанг, сиз қаёққа? Бу ер сиз кирадиган жой эмас!” дея ўшқириб, эшикни тез беркитиб олди.

— Эрим шу ерда, илтимос, бир кўриб чиқай, — деди аёл тирқишдан ялиниб.

— Э, боринг-боринг! Фу, аёл кишиям шунаقا юрадими? — деди у ва тирқишни беркитиб кўйди.

Худойдод “Майли, аввал биз ўзимиз Дилмуроддан хабар олайлик-чи. Агар у яхши бўлиб қолган бўлса, бошлаб чиқамиз” дея ойна орқали ишора килиб, оқ ҳалатни елкасига ташлаган ҳолда Сардорбек билан кириб кетишиди.

Дилором шундагина ўзининг қай ахволда эканини, турмуш тарзи кескин ўзгариб кеттанини, ўзига қарамай қўйганини, қолаверса, ёввойи ҳаётга кўнникма ҳосил килганини тушуниб етди. Ойнадаги аксига кўзи тушдию, ўзидан кетиб йикилди.

Дилором бир оздан сўнг ўзига келди. Бир амалиётчи талаба киз келиб қолди. У ҳам барча қатори уни бир дайди, уйсиз аёллардан деб ўйлади.

— Ҳой, опа! Туриңг ўрнингиздан. Бу ерда ётиш мумкин эмас. Жамоат жойи-ку бу ер, — дея уни туришига ёрдам бераркан, бурнини жийириб қўли билан беркитган бўлди. Сўнгра уни етаклаб ташқарига олиб чикиб, ўриндикка ўтиргизиб қўйди-да, изига қайтди.

Дилором ҳароб уст-бошлари ва доимо маникюр-педикюрни канда қилмайдиган, аммо шу тобда корайиб кетган қўлию тирнокларига қараб хўрлиги келди. Утган-кетганлар унга бегонасираб қараб ўтишар, ўриндикнинг ёни бўш бўлса-да, ҳеч ким у ерга ўтиришга журъат қилолмас-

ди. Аёл бу ерга келишдән аввал ўзига караб, уст-бошларини алмаштириб олмаганидан афсусланди. Агар шу тобда бирор киши келиб “Одамлар, бу аёл дайди эмас, обрў-эътиборли аёл, яқинда ясан-тусан қилиб, автомашина ҳайдаб юрарди” деса ҳеч ким ишонмаган бўларди. Такдир уни оддий одамлардан ажратиб қўйганини хис қилиб йиглагиси келди. Эндигина кўзлари ёшга тўлган ҳам эдики, ҳамроҳлари боши ва бир кўли боғланган, озиб-тўзиб соқоли ўсиб кетган Дилмуродни аста етаклаб чикиб колишиди.

— Мана, келин эрингиз анча ўзига келиб қолибди, — деди чўпон курсанд охангда.

— Вой шўрим, дадаси, тузукмисиз? — деди аёл ва нима киларини билолмай довдираб, кўзларидан ёшлари дувиллаб тўкилди.

Эрини маҳкам кучиб олди. Дилмурод бўлса хода ютгандай жим қараб тураверди.

— Дадаси, бу мен, танияпсизми? Сизга нима бўлди?

— Келинойи, дўхтирлар тогамга кўп савол бериб бошини котирманглар, барибир англай олмайди дейишди, — деди Сардорбек маъюс.

— Вой ўлай! Энди нима бўлади?!

— Ўзингизни босинг, келин. Бизниям, сизниям ҳозирча эслай олмасмиш. Такдирга тан беришга тўгри келади.

— Нима, қишлоққа қайтиб кетамизми энди? Ахир мен... Унда бу кишига ким қарайди?

— Қайтиб кетмайсизлар, бизникида яшайверасизлар. Секин-аста ҳаммаси тикланармиш. Сабрли бўлинг. Бошқа иложимиз йўк.

Дилором эрини яна маҳкам қучоклади. У бўлса ҳайрон бўлганча беҳис тураверди.

— Бўйти. Бу кишига энди ўзим қарайман, кейин даволатаман. Ўша Маржон табибни албатта кидириб топаман. Мен ишонаман, у киши эримни даволайдилар, — деди аёл ишонч билан.

Шу маҳал Дилмуроднинг шифокори чиқиб келди.

— Бўлди, акалар. Беморни оптика кийнаманглар, илтимос.

– Эримни олиб кетамиз, – деди Дилором.  
 – Нима? Сиз кимсиз? Қаердан келдингиз? – деди шифокор йигит ҳайрон бўлиб.

– Тоғдан. Бу кишининг хотиниман.  
 – Ҳалиги, эс-хушингиз жойидами, ишқилиб?  
 – Ҳа, албатта.  
 – Ўзига қаролмаган аёл, bemorga қандай карайди? – деди шифокор йигит истеҳзо билан унинг кийим-боши, ахволига бир назар ташлаб оларкан ва жимгина Дилмуродни етаклаб қайтиб олиб кириб кета бошлади.

– Сиз менинг бу ахволимга зътибор берманг, ука. Ундан кўра айтинг, эримга қачон жавоб берасизлар?

– Яна бир ойлар чамаси даволаниши керак бўлади.  
 – Бўпти. Мен эртагаёк яхши кийиниб-тараниб келаман, – деди Дилором ва шерикларига “Кетдик!” дея хитоб килди.  
 – Қаёққа борамиз? – сўради Сардорбек.  
 – Худойдод аканикига. У ерда менинг янги кийимларим бор, – деб кўйди аёл.

Дилором то Ғовасойгача миқ этмай кетди. У эрини кўриб анчагина кўнгли хотиржам тортганди ва келгуси режалари ҳакида фикр юрита бошлади. Эрини даволатиш унинг учун энг муҳим вазифа эди.

У хаёлан яна бир режа тузди ва бу ҳакида ҳозирча ҳамроҳларига ҳам маълум килмасликка қарор қилди.

– Сардорбек, – деди у жиддий.  
 – Лаббай, опажон.  
 – Эртага касалхонага иккимиз келамиз. Сўнг сиз мени ташлаб ўзингиз Фарғонага кетасиз.  
 – Хўп, – деди йигит ва “Кейин-чи?” дегандек савол назари билан қаради.  
 – Кейин болаларни олиб келасиз, – деди аёл ва ўзини тутиб туролмади. – Зора дадалари уларни кўриб ўзини бардам тутиб, қувонсалар...  
 – Майли, лекин ойингизга нима дейман ёки у кишини ҳам ола келайнми-а?

– Ҳа, – деди Дилором бир оз ўйланиб олгач. – Мен ойимга бор гапни айтмасам бўлмайди, шекилли.

– Яххиси, бирга бориб кела қолинглар, – деди Худойдод. – Негаки, Дилмурод уларнинг олдида хижолат бўлиши мумкин.

– Ҳа, майли. Унда аввал тогангизнинг олдида бўлиб, сўнг кечки пайт жўнаймиз. Адвокат билан ҳам учрашиб келаман.

– Тўғри киласиз, – деди Худойдод маъқуллаб.

– Кейин бу ерга келиб қаердадир туришим керак бўлади.

– Бизникида-да.

– Э, йўқ. Ғовасой узок. Дилмурод акам худди ёш боладек бўлиб қолибдилар. У кишига энди ўзим қарашим лозим. Шунда тезроқ тузаладилар. Мен у кишини болаларни ўқит-гандай бошидан бошлайман. Аввало алифбони, тилни, математикани ўргатаман. Сўнгра оилавий суратларимизни кўрсатаман. Хотиралари аста-секин тикланаверади.

– Э қойил, келин! Режангизга гап йўқ. Агар шу иш берса дўхтирнинг, Маржон табибининг ҳам кераги бўлмайди.

– Шунинг учун Дилмурод акамни тезроқ касалхонадан чиқариб олсан, дегандим.

– Бунинг йўли осон “Эримни Тошкентта олиб бораман, катта профессорларга кўрсатаман” дейсиз. – деди Сардорбек сухбатга кўшилиб. – Мухими, ташхис кўйилган. Қанақа дори-дармон қабул килиши аник. Буни уйдаям бажаравериш мумкин.

– Мен уни хар куни сурувим билан тоғу тошларга олиб кетаман. Тоза ҳаводан нафас олиб, иш билан банд бўлади. Масалан, жониворларнинг ўтлаши, сигирнинг кавшанишини узок томоша қилиб туриш асабларни тинчлантиради. Кейин балиқ овигаям борамиз. Ишқилиб табиат уни даволайди-да, – деб кўйди Худойдод ҳам ўзича билимдонлик қилгандай.

Хулласи калом, улар аввал Фарғонага бориб келадиган, сўнгра Дилмуродни касалхонадан олиб чиқиб Ғовасойда қишлийдиган бўлишиди.

\* \* \*

Эртаси Дилором озода бўлиб, ювиниб, “Аёллар салони”да соchlарини турмаклатиб, тирнокларини маникюр-педикюр қилиб олгач, эри туғилган кунида совға қилган пушти кўй-

лаги, "Маориф аълочиси" кўкрак нишони такилган костюми, пошнаси баланд этигини кийиб, бўйин-қулокларига тилла такинчоқларини такиб, хушбўй атирлар сепиб шаҳдам қадамлар билан касалхонага кириб борди. У кўринишидан деярли аввалги ҳолатига қайтганди. Аммо анчагина ориклаган, пешонаси ва юзига тушган ажин чизиклари-ю, сочидаги оқ толалар, характеристидаги кескинлик ва қатъият энди унинг бутунлай бошка аёлга айланганидан далолат берарди.

Кечаги навбатчи ҳамшира уни энди илик қарши олди.

– Мен эрим Дилмурод акани кўргани келувдим.

– Отдан йиқилганми?

– Ҳа.

– Кеча бир дайди аёл ҳам у кишини сўраб келувди.

Дилоромнинг ғаши келди. Гўё олдида бир оқ бўри сўйлок тишини кўрсатиб, ириллаб тургандай туюлди.

– Ҳой, оғзингизга қараб гапиринг! – дея тўсатдан уришиб берди у. – Эрим эркак. Мен учун соғ бўлсалар бўлгани. Хоҳласа, ўнта хотин билан юрсин. Лекин айтиб қўяй. Сиз Гиппократ қасамини ичгансиз. Душманми, гадоми, дайдими хизмат кўрсатишга мажбурсиз. Кечаги менга килган муомалангиз учун раҳбарингизга шикоят киламан!

– Нима?! Сиз?.. Наҳотки! – деди ҳамшира ҳангу манг бўлиб.

– Ҳа, мен ўшаман. Йўлдан қочинг! – деди Дилором ва шашт билан ўтиб кетди.

– Ё тавба, – деб қолди ҳамшира аёл.

Дилором тўхтаб ортига қараб жаҳл билан яна бир ортиқча гап қотди:

– Менинг бошимга тушган фалокат, илоҳим, сизнинг бошингизгаям тушсин! Ана ўшанда одамларга яхши муомала киладиган бўласиз, билдингизми?

Бу гаплар бўлим бошлигининг кулоғига етган шекилли, у шошиб Дилоромга пешвоз чиқди.

– Мен бўлим бошлиги Гулзода Исоковнаман. Нима гап?! Нима шовқин?!

– Анави ходимангиз кеча мени "Дайди" деб ҳақорат қилиб эримнинг олдига киритмади.

- Мен, ҳалиги, ўзлари... — деди навбатчи қиз довдираб.  
Унинг ранг-рўйи бўзариб кетганди.
- Тез хонамга кириб “Тушунтириш хати” ёзиб беринг!..  
Узр! Сиз кимни йўқлаб келдингиз ўзи? — сўради бошлиқ аёл  
хушмуомалалик билан.
- Эримни. У хотирасини йўқотган. Ижозат берсангиз Дил-  
мурод акамни олиб кетсан.
- Қаёқка?
- Бошқа касалхонага-да. Бу ердаги тартиб-интизом, муома-  
ла маданияти менга маъқул эмас! — деди у кескин.
- Э йўқ, ундан деманг, опажон, — деди Гулзода Исоқов-  
на ялинганинамо. — Сизга кўрс муомала килган бу ходимага  
нисбатан албатта маъмурий чора кўлланилади. Кейин эрин-  
гизни шахсан ўзим назоратга оламан.
- Нима, илгарироқ назоратга олмаганимидингиз?!
- Ҳим-м... Биринчидан, у кишининг шахси номаълум эди.  
Иккинчидан, ҳеч ким у киши учун керакли дори-дармон-  
ларни сотиб олиб бермади. Ўзимиз борича эплаб турибмиз.  
Эътиборингиз учун, жойигаям, овқатигаям ҳали ҳеч ким пул  
тўлагани йўқ. Бу ер пулли эканиям хотираларидан чиккан,  
шекилли, — деди бошлиқ аёл бўш келмай.
- Бўпти, — деди Дилором кўп ади-бади айтиш бефойда эка-  
нини хис килиб. — Сиз касаллик хulosаларини, кейин, до-  
ри-дармонлар рўйхатини ёзиб беринг. Мен эртага пулларни  
тўлаб, эримни уйга олиб кетаман. Унга энди ўзим қайраман.
- Майли, ихтиёргиз, — деб кўйди бошлиқ аёл. — Лекин  
эрингизга асабийлик эмас, фактат хотиржамлик кераклигини  
унутманг.

Дилоромнинг онаси Ҳадича ая Фаргона шаҳридаги кўпқа-  
ватли уйлардан бирида истикомат қиласади. У бир корхона-  
нинг бош хисобчиси эди. Кизининг тўсатдан, бемаслаҳат ва  
огоҳлантиришсиз эри билан хорижга кетиб қолганлари, энг  
ёмони, икки норасида боласини қари қайнонаси Муслима

аяга ташлаб кетишганлари унга огир ботди. Шу туфайли қизи ва күёвидан ҳам хафа, ҳам норози бўлди.

— Тавба, бу нима қилганлари-а? — деда сўрок-саволга тутди у Сардорбекни.

Дилором қишлоқни тарк этган кунлари Сардорбекдан уларнинг хорижга кетадиган бўлиб қолганликлари тўғрисидаги хабарни онасига етказиб кўйишни илтимос қилганди. Чунки орган одамлари уни онасидан ҳам сўраб-суриштиришлари мумкин эди.

— Хафа бўлмайсиз-да, куда хола. Шунака вазият бўлиб қолган, шекилли. Келганларида ўзлари тушунтириб беришар, — деган эди ўшанда Сардорбек.

— Тогангиз эсли-хушли эди-ку. Наҳотки, менга бир оғиз айтмай, хайрлашмай... — деди аёл ва ўпкаси тўлиб гапиролмай қолди. Кўзларига ёш келди.

— Мана менга тайинлашди-ку, ҳабар беришар.

— Шўрлик набираларимга кампир канака қилиб қарайди, ахир?

— Бувим ҳали тетиклар, кейин Махлиё келинойим бор.

— Болага қарагиди у. Бўлмаса тўхтант. Мен ҳам сиз билан кетаман. Иложи бўлса болаларни олиб келиб ўзим қарайман. Давлатёр шу ерда ўқийверади. Ишқилиб тинчликмикин, ҳабарингиз бордир?

— Ҳа, тинчлик. Лекин тогам уйлари, кейин машиналариням сотди.

— Нима?! Уйни сотди? Нима бало бўлди экан-а? Мундок қўнгиrok ҳам қилиб кўймайди-я, бу кизи тушмагур. Мен хо-зир тез кийиниб чиқаман.

— Лекин бу ҳакда бувим билмайдилар. Уларга тогам биз хорижга малакамизни оширгани кетяпмиз, деганлар.

— Нима, малакани оширишга? Бу ерда бир ёмон иш бўлган, шекилли. Тўғрисини айтаверинг. Билмайди десам... Демак, сиз ҳаммасини биласиз, — деди аёл ва қайтиб келиб йигитни ўриндикка ўтиргизиб саволга тутди: — Қани гапиринг, нима бўлди ўзи?

— Фақат ҳеч кимга айтмайсиз. Кейин хаяжонланмайсиз, ке-лишдикми?

- Хўп, – деди аёл ва ўзини тутиб олди.
- Ишхоналарида текширув бўлаётганди. Бирор ишқаллик чиқкан, шекилли?
- Дориҳонадами?
- Йўқ, боячада.
- Нима?! Вой ўлмасам, қизим ахир ақлли-ку.
- Ўзингизни босинг, хола. Келинайим вахима қилишмасин.

Ишлар тинчигач, биз тез орада қайтамиз, дейишди.

Хадича ая гўё ўпкасига ҳаво етишмаётгандай у ёк-бу ёкка хансираф бетоқат юра бошлади.

– Демак, бир фалокатга йўлиқишигандай?! Ишқилиб, ўзи соғми? Қочиб кетищдими-а? – дея она тиззаларини шапатилаб йиғлаб юборди. – Вой шўрлик қизим-а, энди нима қиласман! Болаларини кўчага ташлаб кетган қизим-а...

– Унака деманг, хола. Жиянларим яхши, мен улардан хабар олиб турибман.

– Майли. Бўити, Сардорбек. Бўлар иш бўлган, энди дийди-ёга ҳожат йўқ, шекилли. Мен ҳозир кийиниб чиқаман.

Хадича ая ўша куниёқ кудасиникига келиб набираларини олиб кетди.

\* \* \*

Сардорбек Дилоромни ярим тунда Фарғонага олиб келганида ойиси Хадича ая ҳали ётмаган, болалар бўлса ухлаб қолишганди. Она-бала аввалига болаларни уйготиб юбормаслик учун оёқ учиди юриб, шивирлашиб гаплашишди, ун чиқармай йиғлаб олишди. Аммо бу ҳолат узоқ чўзилмади. Хадича ая куёвнинг отдан йиқилиб, хотирасини йўқотиб оғир ётганини эшитгач, “Ё худо! Бу энди қандай кўргулик!” дея фарёд чекиб юборди. Дастлаб қизчаси Лола ва кейин Давлатёрлар уйгониб кетиб анчайин озиб, ўзини олдириб кўйган оналарининг бағрига ўзларини ташлашди.

Дилором уларни жуда ҳам согинганди. Болаларини бағрига босиб, ўзларидан ўпиб-ўпиб олди. Уларни кўриб ҳам кувониб, ҳам хўрлиги келиб йиғлади. Болалар дарров дадаларини сўрашди. Яхшики, Сардорбек уларга шириналик ва ўйин-

чоклар улашиб, буларни дадалари бериб юборганини айтиб юпатган бўлди.

Улар шу зайл алламаҳалгача дийдорлашиб ўтиришди.

– Энди нима қилмоқчисан, қизим? – дея сўради она.

– Дилмурод акамга қарамасам бўлмайди. У кишини эртага касалхонадан олиб чикиб кетамиз. Адвокатимиз Адҳам аканинг идораси шу ерда. Эртага эрталаб учрашаману кетаман.

– Мен ҳам сал суриштирдим, суд колдирилганмиш.

– Нега?

– Нега бўларди. Сенинг келмаганинг, кидирувда бўлганинг учун-да. Яххиси, учрашмай қўя қол. Нима гапинг бўлса ёзib бер. Мен элтиб берай. Бирортанинг кўзи тушиб қолмасин, дейман-да.

– Анави Барно ўлгурни жавобгарликка тортиш керак. Ҳаммаси ўшани деб бўлди. Жўравойни нима қилишибди?

– Уни тергов маҳали бир ой хибсда ушлаб туришибди. Кейин гаров пули тўлабди. Энди суд ҳукмини кутаётгандирда.

– Мен барибир адвокатга учрашишим керак.

– Лекин идорасига бора кўрма.

– Майли. Биз бўлмаса Сардорбек билан унинг уйига бориб келамиз.

– Келинойи сиз хижолат бўлманг. Дамингизни олаверинг. Мен, яххиси, эртага эрталаб Адҳам аканинг ўзини шу ерга олиб келаман.

– Ана бўлди. Бўлмаса, бир йўла уйингиздан ҳам хабар олиб кела қолинг. Сен ётиб дамингни олақол, қизим. Вой шўрлик, қизим-а. Пешонангга шунаقا ишлар ҳам ёзилган экан-да, – деди Хадича ая ва хўрлиги келиб йиглаб юборди.

Эргаси эрталаб Сардорбек Адҳамжонни бошлаб келди. Унинг айтишича, адвокатнинг ўзи улардан хабар бўлавермаганига хавотир олиб, кидириб бормоқчи бўлиб ҳам турган экан.

– Сиз бўлмаганингиз учун суд номаълум муддатта колдирилди. Сизни кидирувга беришган, ва эҳтимол, бу ҳакида интерполга ҳам маълумот берилган бўлиши мумкин. Мен ҳозир Жўравой ва Барно устидан ишни бошқатдан кўзғатиш учун

тайёргарлик кўрятмандарни. Шунинг учун тафтиш хужжатларини яхшилаб ўрганаяпман.

– Нима дейсиз, мени ҳимоя қила оласизми?

– Ҳа. Ҳозир баъзи хужжатларнинг ксеронусхасини олиб келганман. Сиз уларни кўриб чикиб, бундан хабарингиз борми, йўқми, имзолар ҳакиқатдан сизникими, бошқа имзолар айнан ўша шахсларникими, шуларни тасдиклаб беришингиз керак бўлади. Розимисиз?

– Албатта.

Адҳамжон сумкасидан бир неча далолатномалар чиқарди. Улар олтита бўлиб, ундан тўрттаси ҳакиқатан ўзиники эканини тасдиклади. Аммо иккитасида унинг имзоси ўхшатиб кўйилгани кўриниб турарди.

– Яхши, мана шу иккитасини экспертизага бераман. Қарши эмасмисиз?

– Йўқ. Кейин нима бўлади?

– Бу бизга иш беради. Имзолаган шахс аниқланса, у сохта хужжат тайёрлагани учун ҳам жавоб беради ва сиз учун енгиллик бўлади.

– Тўғри, бу Жўравой бўлиб чикиши мумкин. Лекин у камалиб кетса қайнонам, кейин унинг оиласи бокувчисиз қолади-ку. Э, йўқ. Бу ҳакида хўжайним эшитсалар хафа бўладилар.

– Барно кўйган бўлса-чи?

– Қанақасига?..

– Ҳай, майли. Мен бўлмаса Жўравойнинг ўзи билан бир гаплашиб кўраман. Сизнинг айбсиз эканлигингизга ишонаман. Тушунинг, адолат қарор топмоғи лозим. Нима учун энди сизлар ўзларингизни тақдир ҳукмига топшириб, ватанингиз, оиласигизни ташлаб қочиб юришларинг керак? Ахир, бу адолатсизлик-ку!

– Адҳамжон тўғри айтгилар, – дея гапга аралашди Ҳади-ча ая. – Қонунни бузганлар жавобини бераверсин. Қайноганг сенга, ўз акасига юз-хотир килмабдики, нима учун сизлар айбсиз айборд бўлиб азоб чекишларинг керак. Ҳаммасидан

ҳам манави норасида болаларни ўйланглар. Улар, ахир, тоқайгача отасиз, онасиз юришади?

— Майли, Адҳам ака. Иложи бўлса, Жўравойниям химоя килинг, илтимос.

— У ўзига бошка адвокат ёллаган. Ҳозирча ҳамма айбни сизга ағдариб туришибди. Ҳафа бўлмайсиз-да, бу ахир ҳар бир химоячининг вазифаси ҳисобланади.

— Ҳа, ким мусика буюрса, ўша пул тўлайди-да.

Адҳамжон нима деярини билмай бир оз жим қолди.

— Истасангиз, мен суд раисига илтимоснома киритиб унда Барнохонни қайта тергов қилинишини сўрайман. Ҳўш, розимисиз?

— Ҳа. Мен уни асосий айбдор деб ҳисоблайман.

— Келишдик. Сиз Дилмуроджонга салом айтинг. Тузалиб колса ўзлари келиб менга учрашсин. Үнгача бирор янгилик бўлиб колар. Майли, мен ҳозир бир судда иштирок этишим керак эди. Ўзларингни эҳтиёт килинглар, соғ бўлинглар, — деди Адҳамжон ва бир оқ қоғозга Дилоромнинг бир неча имзосидан намуна олиб чиқиб кетди.

Бугун якшанба — дам олиш куни эди. Болаларни уйғотмай қўя қолишди. Дилором уларни бир-бир ўпиди-да, сўнгра Сардорбек билан жўнаб кетди.

\* \* \*

Фаргонага бориб онаси ва болалари, ва ҳатто, адвокат Адҳамжон билан учрашиб кайтган Дилором анчагина хотиржам бўлиб қолди. Энди у бутун эътиборини ҳамда касбий маҳоратини эрининг хотирасини тиклашга қаратди. У ишини ўзи айтганидай “Алифбо”дан бошлади.

— Мана қаранг, Дилмурод ака, манави “A” ҳарфи бўлади. Эсладингизми? “A” денг-чи, қани.

— A...

— Ҳа, яхши. А-нор, яъни мева, ан-ҳор — сув оқаётган арик. Қани қайтаринг-чи — анор, анҳор, — деди аёл “A” ҳарфини кўрсатиб.

- А-нор, ан-хор.
- Энди “Ад-во-кат” дeng-чи. – Адвокат, яъни бизни химоя килувчи киши.
- Ад-во-кат.
- Адвокат Адҳамжон. У ким, эсладингизми?
- Дилмурод бир оз ўйланиб қолди. Эслолмади шекилли, ел-касини қисиб кўйди.
  - Хўп, майли. Энди “Б” ҳарфига ўтамиз. “Б” дeng-чи.
  - Б...
  - Яхши. Бо-ла, бў-ри, ба-қа, бош, – деди у ўз боши ва эрининг бошини ушлаб. – Бу бош. Нима экан?
  - Бош.
  - Ҳа, бошингиз лат еган. Отдан йиқилгансиз, эслаб кўринг. Хўп яна “Бар-но” дeng-чи.
  - Бар-но.
  - У ким?
  - Билмасам.
  - Укангиз Жўравойнинг ўйнаши. Балога гирифтот бўлгур, манжалаки. Биз ўшанинг касофати туфайли бу ерларда юрибмиз, тушундингизми?
- Дилмурод ҳайрон бўлиб тураверди. Дилором давом этди:
  - Энди “В” ҳарфига ўтамиз. Хўш, “В” дeng-чи.
  - В...
  - Яхши. Ва-гон, “Вол-га” автомашинаси, Ва-ли-жон, ҳалиги синфдош ўртоғингиз бор-ку, эсладингизми? Ҳай майли, бўлмасам “Ва-ли-дол” дeng-чи.
  - Ва-ли-дол.
  - Бу нима?
- Дилмурод ўйланиб қолди ва бир оз тургач, билмасам, деб кўйди.
  - Бу дори. Сизнинг дорихонангизда бўлади-ку, эслаб кўринг.
  - Дилмурод индамади.
  - Энди манави “Д” ҳарфи бўлади, – деди у “Д”ни кўрсатиб, яъни сизнинг исмингиз Дил-му-род, меники Ди-ло-ром. Қайтаринг-чи.

— Дил-му-род, Ди-ло-ром...

— Ўх-хў, зўр-ку. Дилмурод, яъни сиз менинг эрим бўласиз. Дил-о-ром, яъни мен сизнинг хотинингизман, эслаб кўрингчи, қани. Иккита фарзандимиз бор. Бири ўғил, бири киз. — деди-да, китоб ичидан уларнинг фотосуратларини олиб кўрсатди. — Манави Дав-лат-ёр бўлади, ўглимиз. Буниси Ло-ла — кизчамиз, тўрт ёшда, боғчага боради.

Дилмурод фотосуратларни кўлига олиб уларга узоқ тикилиб ўтириди. Дилором эса эрининг кўзларига қаради. Аммо нигоҳининг ҳамон ҳиссиз, учқунсиз эканини пайкарагач, кўнглида “Э худо, менга сабр бер!” дея илтижо килди.

— Хўп, ҳозирча етарли. Энди қайтарамиз. Манави ҳарф нима эди? — сўради у “А”ни кўрсатиб.

Дилмурод бир оз ўйланиб турди-да, “А” шекилли, деди. Шунинг ўзиёқ Дилоромни қувонтириб юборди ва “Тўгри! Айланай сиздан!” деб юзидан ўпиб олди.

— Буниси-чи, — деди у энди “Б” ҳарфини кўрсатиб.

— Б...

— Вой, яшанг, асалим! Хўш, “Б” ҳарфи билан нималарни айтамиз?

— Бў-ри.

— Тўгри. Улар тогда кўп бўлади. Менга мана шу ярамаслар ҳамла қилишди-да. Яна-чи?..

— Бар-но.

— Келиб-келиб, ўша ер юткурни эсладингизми-а? Хўп, майли, кейинги ҳарфга ўтамиз. Манави қандай ҳарф? — сўради у “Д”ни кўрсатиб.

— “Д” эди, шекилли.

— Шекиллимас. Бу хақиқатан ҳам “Д” бўлади. Хўш, исмингиз нима эди?

— Дав-лат-ёр.

— Давлатёр ўғлингиз-ку, ахир. Яъни икковимизниям ўғлимиз бўлади. Сизники Дил-му-род, қайтаринг-чи.

— Дил-му-род.

— Демак. Дилмурод aka деб чакирсан, сиз нима дейишингиз керак?

- Билмасам.
- “Ҳа” деб менга қарашиңгиз керак бўлади. Баъзан “Да-да-си” деб ҳам чакираман. Тушундингизми?
- ... Ҳа-ҳа, да-да-си.

Мана шундай машаққатли машгулотлар тунлару кунлар давом этарди. Баъзан эрини чарчатиб кўяётгани учун Дилором Худойдоддан дакки эшитарди ва чўпон уни очик ҳавода айлангани олиб чикиб кетарди.

Шундай қилиб, киш кунлари ўтаверди. Ҳадемай кўклам нафаси уфура бошлади. Дилором сабр-каноат билан ҳарфларни, кундалик асбоб-анжомлар, уй ва ёввойи ҳайвонлар, табиат ҳодисаларини, математикага оид анчагина ҳисоб-китобларни ўргатишга муваффак бўлди. Бу ҳол унга ўзгача завқ багишлиарди. Лекин Дилмурод уларни тез эсидан чиқарар ва барча уринишлар фойдасиз бўлаверарди.

Нихоят, буни англаган Дилоромнинг боши котди. Унинг назарида даволовчи шифокор ёзиб берган дори-дармонлар ҳам кор килмаётганди. Дилмурод турса ҳам, юрса ҳам ўзини гаранг одамдек тутар, бирор ундан гап сўрамаса мутлақо гапирмас ва ҳечам кулмасди. Овқатни эса жим ўтириб, узок чайнарди. “Эримни факат Маржон табибгина даволаши мумкин” деган тўхтамга келди аёл ва баҳор келиши биланоқ чорвани олиб таваккал ўша дарада кўнок топишга қарор килди. Эри ҳарҳолда чорвани боқа олади. “Ўша ерда қора бўлиб юрсалар бас. Қизик, бўрига дуч келиб қолсак эрим нима киларкин?! Унинг йиртқич эканини билармикин?!” деган нохуш ўйга борди аёл. Аммо ҳомиладорлиги ва ўз танасида ҳам қандайдир ички дарди борлигини ўйлаб юраги увишди. “У ёкларда ёлғиз ўзим қандай туғаман? Эримнинг ахволи шу бўлса...” – деб кўйди фикран ва бу фикрини яқин дугона бўлиб қолган Худойдоднинг хотини Мухаррамга тўкиб солди.

– Шу ерда туғиб, бемалол чилласини чиқариб кетганингиз маъкул. Кейин бешик ҳам ола кетасизлар. Чақалоққа ҳозирдан керакли нарсаларни тайёрлаб кўйишимиз лозим.

– Ҳа-я. Каранг ўз ташвишларим билан бўлиб туғиладиган бола ҳакида сирайм ўйламабман.

- Хотиржам бўлинг. Мен доимо ёнингиздаман.
- Токқаям борасизми?
- Қани энди бирга бўлсак. Лекин бунча рўзгорни қандай ташлаб кетамиз?
- Раҳмат сизга. Қилаётган яхшиликларингизни биз ҳам яхшилик билан қайтарайлик, илоҳим.

\* \* \*

Баҳорни интиклик билан кутиб нимадандир умидвор бўлиб юришган кунларнинг бирида тўсатдан Шокир овчи ташриф буюрди. Улар дастурхон атрофида давра қуришди.

— Қанака одамсизлар-ей. Касалхонага борибсизлар-у, менга ғиринг демай, Дилмуродни олиб суриб юборибсизлар-а, — деди у куюқ салом-аликдан сўнг.

— Вой, сиз ҳам ўша касалхонадамидингиз? — Ҳайрон бўлиб сўради Дилором.

— Ҳа. Белимни операция қилишди. Грижа, яъни чурра. Тоза азоб тортдим-да лекин. Пастга қараб нақд уч ой ётдим. Кейин оз-моз юра бошладим. Бир куни ошхонага борсам, мавни кишим овқат чайнаб, сузилиб ўтирибдилар. Мени танимадилар. Мана ҳозиралмик этмаяптилар. Жўрачилик бундай бўлмайди-да, ахир, — деди у ва Дилмуроднинг елкасига бир уриб кўйди.

Албатта, бу гапнинг ҳазил экани барчага аён эди. Аммо Дилмурод парво ҳам қилмади. Бир нуқтага тикилганча миқ этмай ўтираверди.

— Ҳа энди, бир дард ёпишди-да, жўрангизга, — деди Дилором ва оғир хўрсиниб олди.

— Ҳазиллашдим, келин. Ҳаммасини биламан. Касалхонага тушиб колиб сизлардан хабар ололмадим, узр.

— Раҳмат сизга, шунчалик... — дея олди аёл ва кўзлари ёшланди.

— Лекин мен бу хотирасини йўқотганликнинг давоси Борлигини эшигтанман. Менга бу ҳакида Маржон табибининг ўзи айтиб берганди.

– Нима?! – дея хаяжон билан қичкириб юборди Дилором. – Айтинг, қандай даволашган экан?!

– Хотирасини йўқотиш бу ё каттиқ қўрқишдан, ёки бўлмаса, миясининг қаттиқ зарба еб чайкалишидан бўларкан. Қай биридан юз берган бўлса, ўша йўл билан, яъни ё қаттиқ кўркитиб, ёки тасодифан қаттиқ зарба олиб даволанааркан. Маржон табиб худди шундай бир беморни қамчи билан коронги хонада роса савалаб тузатган экан. Калтакни еб-еб кейин “Рахмат” айтиб кетаверибди, бечора, – дея хоҳолаб кулиб юборди.

– Ростдан ҳам тузалибдими?

– Ҳа. Кейин чойхонада ўртоқларига ош ҳам қилиб берибди.

– Йўғ-е! – деб юборди Худойдод. – Бунисини энди ўзингдан кўшдинг.

– Гап гапдан безак олади-да, ошна.

Улар кулишиб олишди. Гурунг қизғин давом этди. Ора-орада Шокир Дилмуроднинг елкасига беихтиёр тап-тап уриб кўяр, гўё бу билан Дилмуроднинг хотираси ярқ этиб тикланниб, “Ассалому алайкум, яхши ўтиrbсизларми?” дейдигандай эди. Аммо собик дорифуруш сухбатни бефарқ кузатиб, сўнгра ўтирган жойидаёқ пинакка кетди. Дилором эрининг бошига ёстиқ кўйиб, устига адёл ёпиб кўйди. Бу харакатни ўтирганлар ички ўкинч билан кузатишди.

– Бечора, – деб кўйди Худойдод ва Шокирга маъноли караб кўяркан, “Маржон табибни топмасак бўлмайди, шекилли” деб аста мингирлади.

Дилоромнинг кўзлари ёшли мўлтиради. Унинг нигоҳидан шутобда “Бир иложини килинглар”, деган илтижони укиш кийин эмасди.

– Биз табибнинг яшаш жойини деярли топдик, Шокир, – деди Худойдод ва унинг чехрасида хушнудлик излари пайдо бўлди.

– Ие, шунаками? Муборак бўлсин! Қаерда экан?

– Ўша, кўшни дарада.

– Горини кўрдингизларми?

– Йўқ. Тун, калин кор эди. Бир илик, буғи чикиб турган

жилғага дуч келдим. Сен ахир ғорнинг ичидан иссиқ булоқ чиқади, дегандинг-ку.

— Ҳа, түгри. Табиб ўзи шундай деганди. Демак, жилга бўйлаб борилса, топсак бўлади демоқчисиз-да, а? — дея ҳовлиқиб сўради Дилором.

— Албатта. Бир уриниб кўрмаймизми? — деди чўпон Шокирга қараб.

— Бўлди. Гап йўқ. Лекин дўхтирлар хозирча менга от ми ниш мумкинмаслигини, оғир кўттармаслигимни тайинлашди.

— Бўлмаса, бирйўла кўй-кўзиларни хайдаб, пиёда бораверамиз. Факат Шайтонқоядан эмас, айланиб ўтамиз-да.

— Маъкул, — деб кўйди Шокир.

Аммо у бўрилар билан бўлган воеалардан ҳали бехабар эди, шу туфайли Дилоромга гап котди.

— Кўй-эчклиарингиз хозир ўша ердадир? Уларга ким қарајпти, жиянингизми?

— Э, — деб кўйди Дилором бошини сарак-сарак килиб. — Кўйинг, сиз сўраманг, мен айтмай. Эсласам шайтонлаб қолай дейман.

— Ие, нима гап бўлди? Очикроқ айтаверинг.

— У ер бўрилар макони экан-ку.

— Йўғ-е, кўпайиб кетишибдими?

— Билмасам. Ишқилиб улардан аранг кутилдим-да.

— Нима, Дилмурод ўша ерда йиқилдими?

— Йўқ, йўлда. Йўлни жала ювиб кетган экан-ку. Нима, хабаринг йўқми? — сўради Худойдор.

— Йўқ. Касалхонадан чиққанимга энди бир ҳафта бўлди.

— Хуллас, бўриларни бир ёқлик килмасанг бўлмайди. Келиннинг айтишича, улар жуда кўпмиш. Иккитасини мен ўзим ер тишлатдим.

— Ҳа. У гомонларга анчадан буён ҳеч ким бормай кўйишган-да. Демак, улар кийикларга хам хужум қўлишаётган бўлса керак.

— Бир эшагимизни гумдон килишди, жонинг чиққурлар, — деди аёл ва бўриларнинг эшакни чаваклаганини кўз олдига келтириб, бир сесканиб олди.

— Маржон табибининг милтиги бормикин, ишқилиб?

— Билмасам. Эҳтимол, бордир, лекин у киши табиат жонзодларига озор бермайдиган оқил инсон.

— Бўри учун нима фарки бор у аклами, беаклми? Улар оч бўлишса сен ҳам, мен ҳам тайёр емиш бўлиб кўринамиз.

— Тўгри. Мен-ку, қалампирни кўп ейман, аччик ва бемазаман. Сизларнинг гўштингиз жуда ширин бўлса керак. — дея ҳазиллашиб қўйди Шокир.

— Айникса, ароқхўрларнинг гўшти жа маза бўлади, дейиншида, — дея Худойдод кулиб юборди

— Эй, айниманглар-е, — деди Дилором. — Ўша эшакхўр йиртқичларни эсласам кўнглим ағдарилади.

— Кабоб қилиб пишириб бермабсиз-да, келин. — деди чўпон асия килиб.

— Ҳаммаси кабобни деб бўлди аслида, — деди аёл беихтиёр.

— Биласанми, Шокир. Дилоромхон зўр қассоб экан. Энди жонлиқ сўйишга қийналмаймиз, — деди Худойдод ва қаттик кулиб юборди. — Қанака қилиб қўй сўйганингизни айтиб беринг, келин.

— Э, кўйинглар, бир бўлди-да.

— Айтиб бераверинг, келин. Ўтирибмиз-да гаплашиб.

Шундан сўнг Дилором кўй сўйиш воқеасини оқизмай-томизмай гапириб берди. Ошналар мирикиб кулишди. Кейин бўрилар ҳамласини ҳам айтганди, Шокир анграйиб қолди.

— Йўт-е, ростдан-а?!

— Кўшиб ўлибманми. Шунака қилиб чорвамизни куткариб колдим-да.

— Э, қойил!

— Агар биз бормаганимизда... — деб қўйди Худойдод бозини сарак-сарак қилиб, келинимизнинг ҳоли жудаям чаток бўларди. Бўриларга тайёр асира бўлиб қолган эканлар.

— Эҳ-хе, ҳали шунақа ишлар бўлди денг, — деди Шокир ва чукур тин олди.

— Ҳа, улар шундай вахшийлашиб кетишдик, симтўр борлиги учунгина омон колдим. Кейин гугурт ва ўтин тугаб колди. Уларни аранг хайдадим.

— Ўзининг ётиб юрган тўшагини ҳам ёқибди. Бораётсак бир вақт куйган латта иси келяпти. Сардорбек “Амаки, бироннинг уйи ёнаяпти” дейди. “Кимнинг уйи экан? Бу ерларда қанақа

ўй бўлиши мумкин?" деб ўйласам, бу келиннинг иши экан. Лекин қойил! Ҳеч кимнинг ақлига келмайдиган ишларни килибди-да.

– Ҳа, худо бир асрабди, – деб кўйди овчи тан бериб.

\* \* \*

Ҳадемай тоғларга ям-яшил гиласам тўшалиб кўклам ўз тароватини кўз-кўз кила бошлади. Шокир, Ҳудойдод ҳамда Дилмурод иккинчи бор биргаликда тоғ сафарига отланишди. Бу сафарги карвон йирикроқ ва мақсадлирок эди. Йўкотилган эшаклар ўрни копланди. Кўй-эчкиларнинг ҳам сонига сон қўшилди. Кўпчилиги бўғоз эди. Шокир овчи ҳам ўз уйидан ўнта кўй олиб келиб қўшиб кўйди.

– Туғилгани сизларники. Менга бир-икки йилдан сўнг сонини қайтарсангизлар бўлгани, – деди у.

Лекин огироёқ Дилоромни вазият такозоси билан Ҳудойдодницида қолдиришга тўғри келди. Ҳар томонлама ўрнашиб, шароит килиб олишгач, сўнг уни ҳам олиб бориб кўядиган бўлишди. Унгача Шокир Дилмурод билан бирга яшаб, овчилик килиб, бўриларнинг киронини келтирадиган бўлди. Асосий максади Маржон табиби топиб бемор дўстини даволатиш эди.

Овчи билан чўпон пиёда. Дилмурод бўлса, бир эшакни мингандан ҳолда сурув кетидан равона бўлишди. Дилором эрини иссик кийинтириб бошига ҳам спортча қалпок, устидан яна бир телпак кийдириб кўйди.

– Бу кишини кўп чарчатиб қўйманглар-а, хўпми? – деди Дилором эрини елкасини меҳр билан силаб қўяркан.

– Айтиб қўйинг, кўп жаврамасин, бўлмаса, – деди Шокир ҳазил қилиб.

– Келин, хижолат чекманг, ҳали эрингиз яхши бўлиб кетади. Мана кўрасиз, эҳтимол, сизга яна қайтадан уйланиб олар, – деди Ҳудойдод ва хохолаб кулиб юборди.

– Майли, мен розиман, – деди Дилором ҳам кулиб. – Кани кўрамиз, сизлар куёвтўрага қанака кошона куриб бераркансизлар.



... Улар мўл юришди ва ниҳоят Дилмурод йиқилган жойга етиб келишди. Улган отнинг суяклари очилиб қолибди. Жарликни айланиб ўтишди.

— Дилмурод қара, қара сен шу ердан йиқилганимидинг-а? Эслаб кўр, — сўради чўпон.

Аммо Дилмуроддан садо чиқавермагач, яна йўлда давом этишди ва кечга яқин овчининг қароргоҳига етиб келишди. Ўчоққа гулхан ёқишидди. Дилмурод бўлса, оловга тикилганича маҳзун ўтираверди.

Кейинги куни улар аввалги йўл билан Шайтонқояни айланаб ўтишга қарор қилишди. Йўл узок, ҳархолда хавфсиз эди. Бу ерда ҳам баҳор нафаси уфириб турса-да, ҳали қорлар тўлиқ эrimаган, куёшга терс жойларда кор уюмлари ва яхмалаклар билан қопланган бўлиб, сиртида турли ҳайвон ва куш излари котиб колганди.

Яна икки жойда тунаб қолишга тўғри келди. Ўзлари билан бу сафар палатка ҳам олишганди. Шу иш берди. Тунда турли ҳайвон шарпалари сезиларди. Шокир овчи билан Ҳудойдод навбатчилик килиб сурувни кўриклаб чиқишиди. Дилмурод бўлса дамини олаверди. Яна ўз манзилларига етиб олиш учун йўл босишиди. Ниҳоят, Сардорбек корда инсон изини учратган жойга етиб келишди.

— Маржон табибининг изларини шу ерда учратдик, — деди Ҳудойдод ва Шокирга деярли қорлари эриб битган коятошлар орлигини кўрсатди. — Иссик жилга ҳов анави ерда экан.

— Яхши. Тахминингиз тўғрига ўхшайди. Аввал жойлашиб олайлик сўнг у кишини излаймиз.

— Ҳа, албатта, — деб кўйди Ҳудойдод ва эшак устида мик этмай келаётган Дилмурод томонга кўз қирини ташлаб кўйди. “Ишқилиб ўзига келармикин? Хотираси тикланмаса-чи? Хотини у билан қандай яшайди? Яна чақалоклари ҳам бўлади-ку. Эҳ, шу ишлар худогаям хуш келмаяпти, шекилли-да. Майли, “чиқмаган жондан умид” деганлар. Шу йил ҳам ка-

райлик-чи, бўлмаса, уйларига қайтиб кетиб пешонадагилари-ни кўраверишади-да” – деган ўйга борди у.

Машақатли ва олис йўл босиб манзилларига ҳам етиб келишди. Ўттан йили кузда қурган кўралари вайрон бўлиб, горуй оғзидағи симтўр тўсик кийшайиб қолибди. Ишни кўрани тиклашдан бошлишди. Яна икки ўрам симтўр олиб келишганди. Уни арчалар ва қоятошларга тортиб ҳовли девори куришди. Унга бир эшикча ҳам ясашди. Фор оғзини мустаҳкамлаб, яна цеплофан пленка тортишди. Булоқ сувини резина ичак билан олиб келиб шилдиратиб оқизиб кўйишди.

## VI БОБ ТОҒДАГИ ҚЎШНИ

Дилмурод ва Дилором учун кўнгилдагидек яшаш шаротлари яратилган кунларнинг бирида Шокир билан Худойдод Маржон табибни излаб топишга отланишди. Дилмурод ҳовлида кўй-қўзиларга қараб, бу ерда қора бўлиб турадиган бўлди.

– Дилмурод, сен кўркма, биз кечгача қайтиб келамиз. Қозондаги овқатни еб оларсан, бўптими? – деди Худойдод.

Дилмурод “тушундим” дегандай ишора килди. Аммо Худойдод бундан қониқмади ва қўлбола ўчоклари томон уни ёш боладай етаклаб олиб борди-да, қозон қопқоғини очиб кўрсатди.

– Қорнинг очса манави овқатни еб ол, дедим, – У худди овқатни егандай қилиб кўрсатди.

Дилмурод кулимсиради.

– Ҳаҳ, хайрият, тушунибди, – деди чўпон қувониб.

– Овқат десанг тушунади-да. Ҳар қандай жониворниям аслида емиш ёрдамида қўлга ўргатилади.

– Тўгри, лекин бу инсон боласи-ку. Кейин биз кетсак, бу ерда яшай оладими, йўқми, хайронман.

– Шунинг учун ҳам табибни топиб, уни тезроқ даволати-

шимиз керак-да. Кетдик, вакт ғанимат, – деди овчи жиддий.

У халтacha ҳамда милтигини елкасига илиб олди.

Худойдод симтур эшикни маҳкам боғлаб кўяркан, эшик ёнидаги тош устига котириб ичига сомон тиқиб кўйилган ириллаб турган бўри кўғирчокка ишора қилди. Бу бўри ўтган сафар Худойдод отган йиртқичлардан бири бўлиб, ҳар иккисини ҳам Шокир кўғирчоқ қилиб бирини шу ерга, иккинчисини қура якинита ўрнатиб кўйди. Буни кўрган ҳар қандай йиртқич якинлаша олмаслигини у яхши биларди. Бундан ташқари овчи бу ерга келадиган сўқмоқларга ҳам темир тузоклар кўйиб чиқди. Бу билан ҳам хавфсизлик таъминланарди.

Улар аввалига қўшни дарадаги иссик жилгани излаб тошиди, сўнгра ўша жилға бўйлаб боришни мўлжаллашиди. Йўл-йўлакай ҳудудни ва бу ердаги ҳайвонот дунёсини ўрганиб боришиди. Шокир коваклар, уялар ва ўша ерлардаги излар, буталарга ёпишиб қолган юнглар, жонивор тезаклари, емак қолдикларига қараб қайси жониворники эканини шарҳлаб борарди. Бир жойда наъматак меваси кизариб котиб колган тезакларга дуч келишди.

– Булар айиқники, – деди у қўлидаги таёқ билан кўрсатиб.  
– Мана у наъматак ебди. Демак, улар уйқудан уйгонишибди.  
– Чорвага хавфи йўқми?

– Йўқ. Улар одам бор жойга яқинлашишмайди. Асосан мева қолдиклари билан озикланишади.

Бир жойда тулки уясига дуч келишди. Шокир инга қулок тутиб кулиб кўйди.

– Ҳа, тинчликми?  
– Тулки болалабди. Чий-чийлаган овозлар эшитиляпти.  
– Ҳа. Баҳор қўзилаш компанияси бошланяпти. Бизнинг кўй-эчкиларимиз ҳам эрта-индин кўпайишади. Дилемурод ишқилиб эплай олармикин?  
– Қўзиларга қарашни ўргатиб кўйиш керак.  
– Эҳтимол, шулар билан овунар.  
– Билмадим. Лекин бу ерда унинг ўзини колдириб бўлмайди.

Улар ниҳоят илиқ жилға бўйинга етиб келишди ва энди жилға бўйлаб юқорига кўтарилиб, тош қоялари ва чангллар-

ни айланиб ўтиб бориши... Анча узок юриши. Йўл-йўлакай Шокир изларни ҳам ўрганиб борди. Нихоят, инсон изига дуч келишиди.

– Бу кавуш излари. Кекса эркак экан.

– Кексалигини қаёқдан билдинг?

– Кўлида асо бор. Манави чукурчалар асо излари бўлади.

– Э, қойил! Изкувар бўлиб кет-е!

Аммо бир уюм тошларга дуч келишгач, жилға ҳам, из ҳам йўқолди.

– Энди нима қиласиз? – сўради чўпон.

– Фор шу атрофда. Жилға йўлини тош кўчкиси босиб қолиди. Лекин бунга кўп бўлмаган.

– Қаёқдан билдинг?

– Эслаб кўрайлик қачон зилзила бўлганди?

– Бир йилча бўлди-ёв.

– Ҳа ана. Демак, бир йил бурун қаттиқ ер силкингани сабабли тош кўчган ва эҳтимол, фор оғзи ҳам беркилиб қолган.

– Ие, унда табиб ичиди қолганми?

– Мумкин, – дея ўланиб қолди Шокир.

– Унда биз кўрган қордаги излар янги эди-ку.

– Ҳа-я... Демак, форнинг бошка оғзи бўлса керак.

Улар улкан тошлар оралари, ва ҳатто, чангальзор, бутазорлар ичидаги ёрикларни ҳам текшира бошлишди. Бундай жойлар жуда ҳам кўп эди.

– Ҳов анави баланд қояни кўряпсанми? – сўраб қолди Шокир баландликка ишора килиб.

– Ҳа, – деди чўпон ва одам бошига ўхшаган улкан тошга кўзи тушди.

Ҳайкалга ўхшаш бу тош гўё узок-узокларга тикилиб турган салобатли инсоннинг бошини эслатарди.

– Ўша бизнинг қўра тепасидан ҳам узокдан кўриниб туради. Чикмаймизми? Эҳтимол, дурбин билан Дилмуродни кўрармиз.

– Ҳа, майли. Лекин аввал табибни топайлик. Дилмурод қаёқаям борарди.

– Демокчиманки, табиб чиндан ҳам шу атрофда яшаса, албатта, биз келганимизни билган, эҳтимол, ўшанда Дилоромнинг кичкиришини эшитган бўларди.

- Балки у бу ерда қишиламас. Бизга ўхшаб баҳорда келар.
- Унда сизлар кўрган из кимниги экан?
- Ҳа-я. Демак, бу ерда кимдир бўлган.
- Эҳтимол, янги овчиидир. Бу ерга баъзан контрабандачилар ҳам келиб, кийик овлаб кетишади.
- Шокир, кел, чалғимайлик. Бирор жойда тамадди қилиб, дам олайлик-да, жилганинг бошини излайлик. Кўнглим сезиб турибди. Табиб шу булокнинг бошида макон қурган.
- Бўлмаса, сен дамингни олиб тур. Мен анави қоя тепасига чиқиб келаман. Ўша ердан табибни чақириб кўраман.
- Маъкул, – деди Худойдод ва қоя сари чиқиб бораётган ҳамроҳига қараб кулиб сўз котди: – Табибни кўрсанг салом айт! Сўра-чи, носи бормикан?!

Чўпон овчининг баланд қояга чаққонлик билан чиқиб боришини кузатиб ўриндиқка ўхашаш тош устига ўтириди. Аммо ҳамроҳи тезда кўздан гойиб бўлди.

Баҳор күёши роҳатбахш нур таратарди. Уни уйқу элтди. Қанча мизғиди, билмади. Бир пайт қулогига димоги билан паст овозда маъраган товушлар эшитилди. Лекин кўй-эчкиларнинг овозига ўхшамасди. Чўпон кўзларини хиёл очди. Очди-ю, кувониб кетди. Сал нарида дараҳтзорлар орасида бир тўда кийиклар теварак-атрофга хушёр қараб, емиш излаб юришарди.

“Нақадар ажойиб!” – деб кўйди Худойдод кўнглида ва уларни завқланиб томоша қила бошлади. Аммо томоша кўпга чўзилмади. Қоя томондан келган ҳайқириқ жониворларни сергаклантириди. Кийиклар хуркиб қочиб колишиди.

– Ҳе-хе-ҳей! Топдим!!! – деда кичкирди Шокир. Унинг овози қоятошларда акс-садо берди.

– Нимани топдинг?! – жавоб кайтарди чўпон бор овози билан.

- Горни!
- Қанақа гор??!
- Табибининг гори!

“Нима? “Табибининг” дейдими?” – деди-да, бирдан юраги гупурлаб кетганини ҳис қилди.

— Мана ҳозир, кетаяпман!!!

У ҳам ўзгача гайрат билан тепалик сари кўтарилиб борди. Пастдан яқин кўрингани билан бу одамнинг бошига ўхшаш улкан коя жуда олисда экан. Шокир унинг тепасига чикиб олиб чўнқайиб ўтирас, теварак-атрофни дурбин билан мирикиб кузатарди. Шу маҳал дурбинини юқорига чикиб келаётган чўпон дўстига қаратди.

— Имилламай тезрок юрсанг-чи, — деб кўйди у ғудраниб.

Аммо у жуда хурсанд эди. Ҳакиқатан ҳам шу тобда одам яшайдиган ғорни топган ва унинг тор оғзидан эмаклаб кириб бош суккан, сўнгра у ердан ғолибона қайтиб чикиб, коя тепасида туриб жар солаётганди.

Фор ичидан чиндан ҳам иссик булоқ суви чикиб турар, ташқарида бир оз жилдираб окиб, сўнгра тошлиар орасига сингиб кетаётганди.

Фор ичи коронги ва у ерда ҳеч ким йўқ экан. Шундай бўлса-да, деворларга илингган турли оқиши халталарга кўзи тушди. Бирини ушлаб кўрди. Унда куритилган аллақаңдай гиёҳ бор эди. Электрфонар Худойдоднинг сумкасида бўлгани учун уни пастдан чакириб олишга тўғри келди ва ташқарига чикиб бирйўла ҳали забт этмаган одамбошсимон ўша улкан қоятош тепасига чикиб борди-да, чордона куриб ўтириб олди.

— Ўша ерда битта ковак бор! — дея қичкирди овчи аста кўтарилиб келаётган ҳамроҳига караб.

— Қаерда? Кўрмаяпман!

— Ёнингда сув чикиб окаяпти. Бу ўша иссик сув!

Худойдод ҳовликиб ён-верини қаради ва чап томондаги тош ортидан жилдираётган сув овозини эшилди. Чақконлик билан чопиб бориб жилгага кўзи тушди-ю, кувониб кетди. Шошганча сувга кўлини тикиб кўрди. Сув илик ва ёқимли эди. Кафтига олиб ичиб кўрди ва роҳатбахш таъмин туйди. Шодлигини яширолмади, чўпонларга хос тарзда қийқириб кўйди-да, юз-кўзи ва бўйинларини ювиб оқ дуррасини белидан ечиб, “Етказганингга шукр”, дея хузур килиб артиниб олди.

— Топдингми?! — қичкирди Шокир.

— Йўқ! Сувни топдим!..

— Ўнг томондан озгина чиқилади!..

Худойдод шундай қилди ва тошлар оралигидаги бир одам эмаклаб сиғадиган ёриққа дуч келди. Ёриқ оғзида уч тарафга кеттган сўқмоқсимон йўлакчалар бўлиб, улар инсон изидан пайдо бўлгани сезилиб турарди.

Чўпоннинг қизикувчанлиги устун келиб фонарни ёқди ва панжара эшикни суриб ғор ичига эмаклаб кириб борди. Бир оз юргач, бир кичик залга рўпара келди-да, қаддини ростлади. Горнинг девор ва шифтларига турли халталар ва куруқ гиёҳ поялари осиглиқ эди. Ичкари жуда ҳам сокин, фақат сувнинг шилдираши ва томчиларнинг чакиллаб томиб туриши эшитилиб турар, ҳавоси майнин ва мусаффо эди. Бу ер киравериш майдони вазифасини бажарувчи жой экан. Кейин яна бир чоғроқ хонага ўтиб борди. Унда турли хилдаги асбоб-анжомлар, уст-бошлар, пўстак тўшамалар ҳамда инсон учун зарурый бўлган майда-чуйдалар калашиб ётарди.

Хона тўридан бу ерга бир оз хира ёргулек тушиб тургандай кўринди. Чўпон ўша тарафга юрди. У ерда эшиксимон фақат бошни эгиб ўтиб бориладиган йўлак бор экан. Ундан ҳам ўтиб борди ва кутилмаганда улкан катта залга чиқиб қолди. Залнинг тепасида тирқиш бўлиб, қуёш нури худди пројектор нурига ўхшаб хона ўртасидаги иссиқ булок сувига тушиб турар, сувнинг буги сезилар-сезилмас ўша тирқиш сари йўналмокда эди. Булок ичидаги бўлса, бир талай хонбаликлар сузиб юрарди.

Булок суви сокин жимирилаб чиқиб турар ва туйнукдан тушаётган куёш нурида биллурдай жилваланарди.

Булок яқинида тошдан ўчок бўлиб, унга кичик бир мискоzon кўйилган, олдида кумғон ҳам бор. Ўчок атрофига кўй ва эчки пўстаклари тўшалган бўлиб, ғор эгаси доимо шу булок ва олов олдида куёш нуридан баҳра олиб дам олишини ва кичик хонтахта устидаги лавҳда китоб мutoала қилиши ҳамда ёзув ишларини бажаришини англаш кийин эмасди.

Чўпон энди фонарини горнинг шифт ва деворларига қаратди. Деворларда аллақандай минерал тузлар ва сумалаклар гўё юлдузлардай милтиллаб кўринарди. Токчасимон жойлар ҳамда тош суппаларда аллақандай китоб ва қўлёзмалар, дори-дармонлар солинган маҳсус идишлар, тажриба ўтказишга

мўлжалланган шиша колбалар ва жониворлар учун қафасчалар жуда кўп эди. Ҳатто, бир микроскоп асбоби ҳам бор экан. Бир шиша идишда қуритилган илону калтакесаклар, курбакаю тошбака ҳам бор.

— Эҳ-хе! — деб юборди Ҳудойдод бир пайт ва ўзининг овозидан ўзи чўчиб тушди. Чунки овози жаранглаб кетганди-да.

Зал тўрида яна бир йўлак борлигини сезди ва ўша ёкка эндинга қадам ташлаган ҳам эдикни, оркадан “Ҳой, ким бор?!” деган янгрок овозни эшишиб бир сапчиб тушди. “Эҳтимол, бу табибdir. Нима бўлғандаям бу ер унинг уйи. Беруҳсат кириб келавердим” деган ўйга борди у. Аммо кенг залда шу маҳал Шокир пайдо бўлди ва “Қалай!” — деб кўйди.

— Гап йўқ, — деди Ҳудойдод. — Эгаси қаёқда экан-а?

— Сафарда бўлса керак-да.

— Шунақага ўхшайди. Демак, бирор қипшлокда bemорларни қабул килаётгандир. Лекин жойи зўр экан. Бу ерни ҳеч ким топа олмайди.

— Баликларни қара, — деди Шокир ва жониворларга маҳлиё бўлиб бир оз туриб қолди.

— Ҳа-а. Бу дейман табиб оловга тикилиб, дардини баликларга айтиб ўтиради, шекилли-да, а? — деди Ҳудойдод.

— Тоза ҳаво, илиқ сув, ташқаридаги гўзал манзара. Инсон учун бундан ортиқ яна нима керак ўзи? Ов қиласман десанг жониворлар тиқилиб ётибди.

— Ҳа, тўгри айтасан. Бу ерда пул ҳам керакмас, ҳеч қанақа ташвиш ҳам йўқ. Юр-чи, анави ердаям йўлак кўринди. Яна хоналари борга ўхшайди.

— Эҳ-ҳа, шунаками? — деди Шокир ва фонарни олиб йўл бошлиди.

Чиндан ҳам гор серхона экан. У хоналарда озик-овкат захиралари, жумладан, сур гўшт, қази-қарта осиб кўйилган, ёник идишларда асал, сариёғ, гуруч, дон ва тоғдан териб майизак қилинган мева маҳсулотлари мўл эди. Қопларда турли хилдаги қуритилган гиёҳ япроги, гул ва илдизлари, шох-шаббалари тахлаб ташланиб рақамлаб кўйилибди. Демак, улар рўйхатта олинган бўлиши мумкин. Яна бир пастрок хонада арраланган,

чопиб тахланган ўтиналар, ва ҳатто, кўмир ҳам бор экан. Бир четдаги қора идишда керосин турарди. Катта залдаги баъзи токчаларга шамлар қўйилган, керосинли тошфонар ҳам бор эди. Шокир уларни бир-бир ёкиб чиқди.

Гор ичи ёришиб кетди ва шам нуридан шифтдаги “юлдузлар” гўё замонавий ракс майдонидагига ўхшаб ўзгача жило-лана бошлади. Чўпон завқланиб кийкириб қўйди, овчи бўлса, “Эҳ-хе, койил-е!” деб юборди.

– Манавини ҳакиқий жаннат деса бўлади! – деб қўйди у.  
– Тўғри факат бу жаннатнинг эшигига эмаклаб кириш ке-рак экан-да.

– Менимча, аввал унинг эшиги кенг бўлган, кейинчалик зилзила бўлибми ё қандайдир бошқа сабаб билан беркилиб колган бўлса керак.

– Бўлиши мумкин. Булок суви ҳам гор ёнидан сизиб чикиб, ўша думалаган тошлар орасидан ўтаяпти.

– Табибининг ёлгиз ўзи гор оғзини катталаштиромаган, шекилли-да.

– Ҳа. Эҳтимол, у кишига шундай бўлгани маъқулдир. Бего-на кўз тушмайди. Ёввойи ҳайвонлар бурнини сукавермайди. Айтмоқчи, бўрилар ва тулкилар bemалол кириб келишавера-ди-ку.

– Йўқ, темир панжара бор экан. Мен уни очиб қўйдим, – деди Шокир.

– Ундаи бўлса яхши. Мен аҳамият бермабман.  
– Энди нима қиласиз? Табиби кутамиزم?  
– Ҳайронман. У качон қайтаркин?  
– Лекин эр-хотин яшаси учун жа боп жой эканми-а?  
– Йўқ, бўлмайди, – дея ҳазил билан эътиroz билдириди Ху-дойдод. – Бу ерда бола-чақанинг кўпайиб кетиш хавфи бор. Кейин уларни каёққа жойлайсан?

– Ҳа-а, бу ер болалар учун жуда қизик. Бекинмачоқ ўйна-шади, балиқ тутишади, кейин ташкарида тошлар орасида “Уруш-уруш” ўйнашади.

– Оббо, тоғдаем тинчлик бузиларкан-да. Қий-чув тўполон-дан кийик тугул бошқа йирткичлар ҳам урра қочишади.

— Улар ҳакиқий абжир йигитлар бўлиб етишишади-да. Бунинг нимаси ёмон?

— Тацки дунёдан бехабар, илмсиз, ёввойи бўлиб-а?

— Тўгри. Лекин бу ерга ҳозирги замон техникасини ўрнатиб олишса-чи. Масалан, қуёш батареяси, параболик антenna, телевизор ва компьютер.

— Яхши фикр.

— Ҳа. Орзуга айб йўқ. Лекин бу гап бирор бойваччанинг кулогига етиб борсами, дарров бу ерни топиб тикошли сим билан ўраб олади. Турли ёмон ишларни бажарадиган маконга айлантириши ям мумкин. Карабсанки, бу ердаги покиза табиат хам булғанади.

— Айниқса, жиноятчи-кочоклар билишса борми?

— Умуман, кўрганимизни ҳеч кимга айтмаслигимиз керак. Сен билан менинг вазифамиз шуки, кўлнимиздан келса табибга кўмак берайлик. Бу одам ҳали неча-неча инсонлар саломатлигини асраш учун хизмат килади.

— Тўгри. Унда катта билим ва тажриба бор экан, — деди Шокир ва табобат ҳакидаги китоблардан бирини қўлига олди.

— Нима дейсан, табиб Дилмуродни даволай олармикин? — сўради Худойдод ҳам суратли, хинд тилида ёзилган тибет табобати ҳакидаги кўлёzmани вараклаб кўраркан, ўзича “Эҳ-хе, суратларини қара, бу ерда инсонни даволашнинг антика усуллари ҳакида ёзилганга ўхшайди. Менимча, Дилмуродни, у албатта даволайди”, деб кўйди ишонч билан.

— Ноёб китоблар экан. Афсуски, сен билан менга ўхшаганлар буни тушунмаймиз. Уларни таржима килиб оммага етказиш керакмикин?

— Ҳа. Буларда сир-синоат жуда кўп шекилли. — деди Худойдод араб ёзуvida битилган ва гиёҳларнинг сурати чизилган бир китобни аста вараклар экан, бошини силтаб қўшиб кўйди. — Бу китоблар аждодларимиздан қолган меросга ўхшайди. Демак, улар ҳалқимиз мулки ҳисобланади. Эҳтимол, буларда давоси топилмаган масалан, саратон, силга ўхшаш касалликларга ҳам шифо ёзилгандир.

— Бўлиши мумкин. Шуниси аёнки, бу одам асосан одам-

нинг умрини узайтириш бўйича иш олиб бораётган кўрина-ди, – деди Шокир кўлидаги ўзбек тилида табибнинг ўз кўли билан ёзган битикларини синчиклаб кўздан кечиравкан.

Икки ҳамроҳ шу зайл ғаройиб ғор ичида, халқ табобатига доир турли тилларда ёзилган адабиётлар ва қўллэзмаларни бир-бир кўлларига олиб ва улардан бош кўтаролмаган ҳолда анча вакт мулоҳаза юритишиди.

– Бўлди, энди борайлик. Барибир “тишимиз ўтмайди”. Дилмуроднинг ҳам қорни очгандир.

– Ҳа. Бу ерга яна келамиз. Энг муҳими, биз у кишининг яшаш манзилини топдик. Бирорта китобини ўкишга олсам бўлармискин?

– Э, йўқ. Эгасининг рухсатисиз ҳеч нимага тегмаганимиз маъкул. Кейин барибир тушунмайсан.

– Унда озгина асалидан олсак-чи?

– Менимча, табиб бизнинг бу ерга кирганимизни билмагани маъкул. Бу хурматсизлик бўлади.

– Яхши. Унда кетдик. Бўлмаса, унинг келишини кутамиз.

– Келганини қаёқдан биламиз?

– Ғор эшигига мактуб ёзив қолдирамиз.

– Майли. Табиб мени танийди, – деди овчи ва бир сарик картон парчасини топди-да, табибнинг қаламдонидан қалам олиб, “*Табиб домла, мен Шокир овчиман. Қўшини дарада чорва боқаямиз. Сизга муҳими штатиосимиз бор. Биз турган манзил бошсимон қоя тенасидан қарасангиз кўринади*” деб ёзди.

Мактубни ғор оғзини беркиттгач, темир панжарага қистириб қўйди.

\* \* \*

Орадан бир хафта ўтса ҳамки, табибдан дарак бўлавермади. Шокир ҳар куни ов қилиб келар, Худойдод бўлса. Дилмурод билан сурувни яйловга олиб чиқарди. Дилмурод хархолда чорвани бокиб қайтишга кўнига бошлади. Бу ҳолатни Худойдод бир-икки бор синаб кўрди. Бу жуда муҳим эди. У кўй-эч-киларнинг янги униб чиқаётган яшил майсаларни чимдиб

еийшини узоқ томоша қиласынан көрді. Жониворларни қорни түйгач, күрага қайтиб келишарди.

Аммо чүпон бир куни ўз оиласини жуда согинган чоги, Шокирга қараб гап қотди:

— Ошна, нима қиламиз? Мен қишлоққа бориб бир хабар олиб келсам дегандым. Кейин алмашармидик. Эхтимол, табиб бизнинг томонлардадир.

— Ҳа, бўлиши мумкин. Майли, мен бирор ой шу ерда овими килиб туравераман, табибни кутаман. Сен кейин, албатта, қайтиб келишинг керак бўлади.

— Агар Дилоромнинг кўзи ёриса, уларни ҳам бирга олиб келсам-чи?

— Ўҳ-ҳӯ, бу иш тахминан қачон бўлиши мумкин?

— Бир, бир ярим ой...

— Майли. Кейин бир гап бўлар. Ҳужрамда яшадим нима-ю, бу ерда турдим нима. Овим бароридан келаяпти-ку.

Шундай қилиб, Худойдод жўнаб кетди. Овчи ундан мижозларига етказиш учун тайёрланган жониворлар териси, ёги, тиши, тирноғи кабиларни бериб юборди.

Шокир табибни деярли ҳар куни кутар, тез-тез дурбин билан ўша одамбошисимон қоя ва унинг теварагига умид билан бокарди. Дилмурод сурувни ўзи боқиб келаверди. Улар кўзилашди ва сони деярли икки баробарга кўпайди, сигир ҳам туғди. Шокир бемор оғайнисига сигир ва эчклиларни қандай согишни ҳамда ичишни ўргатди. Сут кўплигидан улардан қатиқ ивтииш, халталарга солиб зардобини оқизиб кўйиб сузма олишни, сузмадан эса қурут тайёрлаб офтобда куритиш ишлари билан яқиндан таништириди. Бу юмушлар Дилмуродга маъқул бўлди. Бундан ташқари ўзининг ов маҳсулотларидан қандай кабоб ва бошқа таом тайёрлаш сир-асрорларини ҳам ўргатишни бемор ҳамроҳидан аямади. Овчи борлиги учун бўлса, бу ерларга энди бўрилар галаси яқинлашишмасди. Аммо кечалари уларнинг улиши тинмасди. Бир-икки борайик болалари, бир сафар ёввойи эчки хисобланган архарлар ҳам ташриф буюришди.

Кунлар шу зайл ўтаверди. Кўклам майсалари барқ уриб яшнай бошлади. Дарактзорлар турли кушлар хониши, бубуллар

навоси билан тўлиб-тошди. Ёмғирлар ҳам тез-тез ёғаверди. Шокир бир куни халтасини тўлдириб қўзиқорин териб келди ва унинг қаерларда ўсишини Дилмуродга кўрсатиб қўйди. Қовуриб пишириб берди.

– Қалай, мазаси ёқдими? – сўради у атайин.

Дилмурод қўзиқоринларни иштаҳа билан еяркан, “Ҳа” дегандай ишора қилиб қўйди.

– Энди бекор юрмай териб келасан. Кейин пиширишни ўргатаман, хўпми?

Дилмурод индамади. Бундан Шокирнинг ғаши келди. Унинг ким биландир жуда ҳам сухбат қургиси келарди.

– Э, мундок гапирсанг-чи-е! Одамни хит қилиб юбординг-ку, а! Оббо... – деб қўйди у хўрсиниб олиб. – Бу табиб качон келади-ю, сени одам қиласди. Ўқим ҳам тугаб қолди. Энди факат тузоқларимга қарайман, холос, тушуняпсанми?

Дилмурод одатдагидай миқ этмай шошмасдан овқат чайнашда давом этди.

Шокирнинг ҳамсухбат бўлгиси келаётгани унинг юз-кўзida акс этиб тураг, шу гуфайли ҳам ҳамроҳининг тундлиги унинг ғашига тегаётганди. Лекин уни кулдиришга яна бир бор уннаб кўрди.

– Тўғри қиласан, ошна, “Узок чайнасанг, узок яшайсан” деганлар, – деди овчи истехзо қилиб. – Лекин “Тишсиз оғиз – тошсиз тегирмон” деган гап ҳам бор. Билсанг, менинг бир синфдош огайним бор, исми Абдураҳим. Ишонасанми, биттаям тиши йўқ. Нонни ивитиб, олмани кафти орасига олиб пачоклаб ейди, – деда у ўртоғи иягини қандай қилиб бурнига теккизишини ва овқат ейишини кўрсатиб беришга ҳаракат килди.

Максади ҳамроҳининг кайфиятини кўтариш эди. У тишсиз одамнинг қандай овқаг чайнашини кўрсатиб ўзи хохолаб қулиб юборди. Аммо бу ҳаракати ҳам бефойда эди. Дилмурод одатдагидек миқ этмай, хиссиз тураверди. Шундай бўлса-да, овчининг жаги тингиси келмади.

– “Нега тиши кўйдирмайди”, дейсанми?.. Тўғри савол. У бундан ўн беш йил бурун, пули кўпайганида ҳамма тишини тилла қилмоқчи бўлиб тиши дўхтирига борибди. Дўхтири кўп тишиларини сугуриб, қолганини рандалаб, мослаб про-

тез, яъни халиги кийдириб, кейин олиб сувга солиб кўяди-ку, ўшанаقا. Хуллас, қолипини олибди-да, беш кунда тайёр бўлишини айтиби. Лекин фалокат босиб Абдурахимнинг Россияга мева олиб кетган ўгли чув тушиб қолиб тишининг пулниям сарфлашга тўғри келибди. Карабсанки, тайёр бўлган протез тилла тишни сотиб олишга пул тополмабди. Дўхтир “Тиржайиб турган” тишни бир банкага солиб кўйиб “Қачон пул олиб келсангиз, олиб кетаверасиз” деган экан. Аммо у пул тополмабди. Кейинчалик тишсиз юришга кўнишиб кетибди, – деди Шокир ва ўзи тасаввур килиб яна хохолаб кулиб олди. Сўнгра “куляптимикан” дегандай ярқ этиб Дилмуроднинг афт-ангорига каради. Аммо у ўша-ўша қорни тўйиб чумолиларнинг гимирилашини томоша қилиб жим ўтиради.

– Ҳим-м... шунаقا. Сенга гапирмай тошга гапирганимда тарс этиб ёрилиб кетган бўларди. Ҳе, ўргилдим... Шуни айтсалар керак-да, “Касал қулги суймас” деб. Ҳа, майли, кулмасанг қулма. Мен бориб тузоқлардан бир хабар олай. Сен чорвага қара, хўпми? – деди у ва зарда килиб туриб кояли тошлар билан бурканган арчазор сари йўл олди.

Кўй-кўзилар анча нарилаб кетишган, чаккон эчкилар бўлса, тошкояларда сакраб-сакраб юришарди. Дилмуроднинг хам эчкилар чикиб борган қоялар устига чикиб ўтиргиси келдими, ҳар қалай, ўша тарафга дадил одимлади. Сўнгра баланд қоялардан бирини танлаб унга тармасиб чика кетди.

Шу маҳалда агар уни биладиган кимдир бўлганида эди, албатта, “Ҳой, тўхта! Йикилиб тушасан!” деб тергаган бўларди. Уни ҳеч ким тўхтатмади ва натижада баланд бир қоянинг чўккисига чикиб олди. Аммо ортида бургут уяси бўлиб, инида күш полапонлари борлигидан у бехабар эди. Ўша жойдан узоқдаги одамбошисимон коя яққолрок кўзга ташланиб турарди. Бу маҳалда Маржон табиб келган, қолаверса, ўша улкан тош устига чикиб панжарадаги ёзувга мувофиқ дурбиндан караб кўринган одамни Шокир овчи деб ўйлаб, унга карата овоз килмоқни ихтиёр этди:

– Ҳой, Шокир! Ҳе-ҳей!!! Бу сизмисиз?! – дея қичкирди у бор овози билан Дилмуродга караб.

Аммо у миқ этмади.

- Шокир, мен келдим! Нима ишингиз бор эди?!
- Олдимга чиқинг, бўлмаса! Гаплашамиз!.. Нега жимсиз?!
- Ҳой йигит, сиз кимсиз, ўзи?!
- Бўпти, ҳозир, ўзим тушиб бораман!

Дилмурод, албатта, кимнингдир қичқирганини сезди, лекин нима деб жавоб қайтаришни англай олмади.

Совук ел эсарди. Тошда ўтиравериб жунжикди ва ўрнидан туриб пастга тушмокчи бўлди. Аммо чиқсан жойини унугиб кўйди. Нима қилишини билолмай бир оз гарангсиб турди-да, сўнг қоянинг орка томонига ўтиб сирғалиб тушмокчи бўлди. Шу маҳал нигоҳи жажжи полапонларга тушкиди. Улар нима эканлигини эслай олмади ва бирини олмокчи бўлиб кўлини узатган ҳам эдики, бирдан осмону фалакдан шиддат билан она бургут учиб келиб, унга ҳамла қилди. Дилмуроднинг ўтакаси ёрилаёзди ва ўз мувозанатини йўқотиб йиқилди. Буталардан бирини аранг тутиб қолиб бир оз осилиб турди, аммо қанча уринмасин тепага чика олмади. Күш кайта хужумга ўтди. Дилмурод жон-жаҳди билан бақира бошлади. Унинг қичқириги шундай кучли эдики, овози тоғу тошларда акс-садо берди ва бу садо табибининг кулогига ҳам етиб борди. Маржон табиб бу овоздан чўчиб дурбини билан ўша томонга қаради. Унинг тепасида бир жуфт бургут айланга бўлиб учаётганди. Кўнгли бир нохушликни сезиб, “Оббо”, деб кўйди.

Аммо у бир-икки дакиқа ичida етиб кела олмасди. Қушлар энди жуфт бўлиб хужумга ўтишди. Дилмурод иложсиз пастга куллади. Хайриятки, баҳтига бир арча буталари устига тушди ва шохлардан шохларга урилиб дараҳт тагига тап этиб тушкиди. Яхшики, дараҳт таги арча хазонлари тўкилавериб юмшок ҳолга келиб қолган экан. Юз-кўзи, азои бадани тирналди, боши билан урилди ва ўзидан кетди.

\* \* \*

...Қанча ётди, билмади. Күзларини очганида ўзини баланд қоя тепасидаги арча тагида кўрди. Ёнида чаккасига маржон тақиб олган, узун соқолига оқ оралаган, эгнига кулранг чакмон чопон кийиб олган истараси иссиқ бир мўйсафид киши кулиб ўтиради.

– Э, хайрият-е, ўзингизга келдингизми, ўғлим? – сўради у.  
– Мен қаердаман? – дея ҳайрон бўлди Дилмурод тева-рак-атрофни аланг-жаланг кузатиб. Сўнг ўрнидан турмоқчи бўлди.

– Қимирламанг! – деди мўйсафид қатъий буйруқона оҳангда.

– Нега?

– Бошингиз, қулогингиз ва оёгингизга иттия санчиб қўйганман. Ҳис килаяпсизми? Бу муолажапи Хитойда ўргангман.

– Ҳа. Лекин...

– Бу ўзингизга келтириш, тинчлантириш учун. Қўркманг. Сизни худо асрабди. Бундай баландликдан йиқилган одам аслида соғ қолмайди. Сизнинг бўлса, тўрт мучангиз бутун.

– Қаердаман ўзи? – алангалашиб сўради Дилмурод.

– Қаерда бўларди, тоғда-да.

– Қанақа тоғ?

– Ё тавба. Ўзимизнинг тоғда. Нега чақирсан жавоб бермадингиз?

– Қачон?

– Бир соат бурун-да.

– Эсимда йўқ.

– Нима бало, хотирангиз жойидамасми, дейман-а? – деди табиб ва Дилмуроднинг бошидаги телпакни олиб кўрди.

– Эҳ-хе, бирор ишкан бўлганми? Операция килинганга ўхшайсиз-ку... Шокир қани?

– Қайси Шокир?

– Овчи-да.

– Уни кўрмадим. Ҳужрасига кирсан ҳеч ким йўқ экан... Айтмоқчи, отим қани?

– Қанақа от?

– Миниб юрганим-да.  
– Сиз отдан эмас, бир соат бурун манави қоядан йиқилдингиз. Бургутлар билан ҳазиллашиб бўлмайди. Яхшиямки, мана шу арча бор экан, омон қолдингиз. Бирор жойингиз қаттиқ оғримаяптими?

– Билмасам.  
– Кўл-оёкларингизни ишлатинг-чи, қани... Яхши. Энди бўйнингизниям.

Дилмурод табиб айтганидай килганди, бўйнидаги қаттиқ оғриқдан “Вой” деб юборди. Табиб белидаги қийигини ечиб, унинг бўйнини ўраб боғлаб кўйди.

– Ҳечкиси йўқ. Тирналган жойларингизга малҳам кўямиз. Тез битиб кетади. Бошингизга нима қилган ўзи?

– Жарликка қуладим, шекилли.  
– Э, тушунарли. Демак, сиз қаердадир отдан йиқилиб қаттиқ зарба егансиз. Кейин миянгиз чайқалган, хотирангизни йўқотгансиз, тўғрими? Ҳозир бўлса қаттиқ кўркиб кетганинг учун яна хотирангиз жойига келган бўлса кўрак. Табриклиман!

– Сиз ўзи кимсиз?  
– Мени Маржон табиб дейишади. Асли исмим Сафарёр,  
– деди табиб хотиржам ва игналарни бир-бир сугириб ола бошлади.

Дилмурод бу гапдан сўнг ҳайратдан қотиб қолди.  
– Нима? Маржон табиб?! Ўша хотиним айтган-а?  
– Хотинингиз?.. У қаерда ҳозир?

Дилмурод бошини чангаллади.  
– Ҳа-я, хотиним ахир тогда эди-ку.  
– Демак, шу ерда, биргасизлар, тўғрими?  
– Ҳа-ҳа. Э, йўқ...  
– Сиз қаерликсиз?

Дилмурод аввалига унинг бу гапларини илгамади.  
– Ҳой, сиздан сўраяпман. Қаердан келгансиз?!

– Фарғонадан, – деди шоша-пиша Дилмурод.  
– Эҳ-хе, меҳмонман, денг. Исмингиз нима?  
– Дилмурод.  
– Ана танишиб ҳам олдик. Ҳеч ташвишланманг, ҳаммаси

яхши бўлади. Энг мухими, омон қолдингиз. Ўлимдан бошқа ҳамма дарднинг давоси бор, – деди табиб ва қўйган игналарини хитойча ёзувлари бор темир кутичасига солди-да, сўнг киссасига жойлаб, “Тура оласизми?” деб сўради.

– Ҳа.

– Унда аста ўтиринг-чи, қани. Хўш, бошингиз айланмайтими?

– Йўк.

– Кўнглингиз-чи, айнимаятими?

– Йўк.

– Яхши. Энди ўрнимиздан турамиз. Кўлимни ушланг. Аста пастга тушамиз, хўпми? Кўй-кўзилар сизникими?

– Ш-шунақа бўлса керак.

– Ундей бўлса яхши. Чукур нафас олинг, кейин аста чиқаринг. Асло асабийлашманг. Қаранг, табиат қандай гўзал-а, кўряпсизми? Бу ердан янам чиройли кўринар экан, тўғрими? Мен хув анави одамнинг бошига ўшаган коянинг тагида яшайман, – деди табиб ва беморни аста етаклаб туша бошлади. Дилмурод бўш қўли билан оғриётган бўйинин силади.

– Сиз бу ерларга қандай келиб қолгансиз? – дея сўради Дилмурод.

– Эҳ-хе, бунинг тарихи узун, – дея бош чайқаб қўйди мўй-сафид.

– Раҳмат сизга. Мен сиз ҳакингизда кўп эшитганман. Сиз билан учрашишга жуда орзуманд эдим.

– Лекин сиз сираям чўпонга ўхшамайсиз-ку!

– Ҳа. Мен чўпон эмасман. Асли касбим фармацевт, яъни доришунос.

– Ие-ие, деярли касбдош эканмиз-ку!

– Туман марказида дорихонам бор. Кейин... – Дилмурод қадам ташлашдан ҳам, галидан ҳам бир оз тўхтаб қолди.

Ҳаммасига ёдига тушди. “Ҳозир каердаман ўзи? Дилором қани? Бугун қайси кун?” деган саволлар хаёлидан шиддат билан ўтди.

– Кечирасиз, бугун қайси кун?

– Бугун йигирма бешинчи апрель, нима эди?

— Нима? Мен ахир ўнинчи январда... — деди Дилмурод ва яна тўхтаб қолди.

Унинг кўзларида қаттиқ хавотирлик нишонаси акс этарди.

— Тавба, қорлар ҳам эриб кетибди-ку, — деб қўйди у тева-рак-атрофни ҳайрат билан кузатаркан.

— Ҳов анави янги кўра сизларникими? — деб сўради мўйса-фид унинг хаёлида кечётган хавотирликни англамай.

Дилмуроднинг кўзи кўй-эчкилар қайтаётган кўрага тушди ва чехраси очилиб севиниб кетди.

— Ҳа-ҳа, ҳаммасини эсладим. Бу бизнинг кўра!

— Шокир сизлардан хабар олгани келган, тўгрими?

— У хизматдош дўстимнинг оғайниси экан.

— Ҳаммаси тушунарли. Демак, сизни даволаш учун у мени қидирган бўлиши мумкин. Чунки бундай хасталик кам учрайди ва асосан бирор фалокат туфайли ё зарбдан, ё қаттиқ кўркишдан содир бўлади. Ҳечкиси йўқ сиз тузалдим, деб хисоблайверинг. Энди ўзингизни эҳтиёт қилинг. Миянгизни кўп зўриктирманг. Ўзим сизни даволайман. Лекин қизиқ, сизлар ўзи бу томонларга нима сабабдан келиб яшаяпсизлар? Чамамда, ўтган йили кузда келдинглар, шекилли. Кейин шу ерда қишлоғинглар, тўгрими? — деди мўйсафид ва Дилмуроднинг қўлидан ушлаб, улкан харсангтош устидан тушишига ёрдамлашибди.

— Мен қўйилган бегона тузоқларни кўргандим. Булар сизни кими? Кейин баъзи жойларда гиёхлар илдизи ҳам кавланган эди.

— Тўгри. Сизларни бир-икки бор кузатдим. Кейин киш соvuғида бу ерда турмай қишлоққа кетдим. Беморларимдан хабар олдим. Мана бугун яна қайтиб келдим. Энди яна гиёхлар гамлашим, дорилар тайёрлашим керак. Баъзи bemорларга маҳсус малҳамлар тайёрлайман. Беморларга ёрдам беришни бурчим деб биламан. Ҳаётимда тўплаган билим, тажрибам инсонларга нафи тегса дейман. Токи улар дард кўришмасин, умрлари узок бўлсин. Мен бир тарки дунё қилган дарвеш одамман. Лекин тиббиёт ва табобат йўлида оз мунча тажрибам борми. Нима, бу билимларимни гўримга олиб кетармидим... — деди табиб ва аста кадам ташларкан, оғир хўрсиниб қўйди.

Бу хүрсиниш тубида олам-олам алам ва күнгил дарди борлигини хис этиш кийин эмасди.

\* \* \*

Маржон табиб Дилмуродлар күналға килган жойни күздан кечираркан, беҳад хурсанд бўлди.

– Ҳа, кўриниб турибди, анча-мунча меҳнат килибсизлар, чаккимас. Симтўрлар, целлофан пленкалар, тоза сув, гўзал манзара. Лекин бу ахволда кишилаб бўлмайди. Бунинг учун тошдан бўлсаям бино қуриш керак. Қаттиқроқ ер силкинса, горлар бардош беролмаслиги мумкин. Масалан, мен ҳамorda яшайман. Лекин бир куни ғор оғзи беркилиб қолди. Яхшиямки, тепада туйнук бор эди. Ўша ердан аранг чиқиб бир тиркиш очдим. Ўз уйимга хозир худди тулкилардай эмаклаб кираман, – деди мўйсафид ва кулиб қўйди.

– Кўплашиб ғор оғзини очиб бўлмайдими?

– Бунинг учун ўядиган, кўтарадиган техника керак бўлади. Бу жуда кийин масала. Кейин менга хозирги шу ахволи маъқулпроқ. Мабодо ўлиб-нетиб колсам жойим тайёр сагана. У ерда севган маҳбубамнинг ҳам кабри бор... – деди чол ва бир оз тин олди. Сўнгра яна гапини давом эттириди: – Факат йикқан китобларим, илмий қўлёзмаларимга ачинаман, холос. Мен деярли бутун умримни инсон саломатлигини тиклаш, умрини узайтиришу дардларни даволашга багишладим, жаҳонгашталик қилдим.

– Халқ орасида сиз ҳақингизда яхши гаплар юради. Айтишларича, сиз хозирги медицинани ҳам инкор қилмас эмишсиз. Баъзи табиблар бўлса факат ўзлариникини маъқуллашади.

– Тўғри. Тан олиш керак, хозирги замон медицинаси жуда-ям тараккий этиб кетди. Аммо тиббиёт билан халқ табобатининг асл максади бир – инсон саломатлигини асраш. Шундай экан, улар бир-бирини инкор қилмай, ўзаро ҳамкор бўлишлари керак. Иккинчидан, мен ҳам аслида ҳарбий шифокорман.

– Эҳ-хе, демак, мутахассис экансиз-да.

– Ҳа. Сизга ўхшаб.

– Сиз билан танишганимдан. билсангиз, жудаим хурсандман.

– Мен ҳам энди дардлашадиган одамни топиб олдим, деб ўйлайман.

— Хотиним сиз ҳақингизда кўп гапиради. Ёдингизда бўлса, у беморлар қатори қабулингизда бўлган экан.

— Йўғ-е! Қаерда?

— Тошлокда. Буғдойчи маҳалласида. Эслайсизми?

— Исли нима эди?

— Дилором. Ҳузурингизга ўғлим билан бирга боришганди.

— Э, ха, ёдимга тушди. Ҳалиги сийғоқ бола-а? Гижжасиям бормиди-ей.

— Ҳа-ҳа, худди ўша.

— Аёлингизда бўлса, кўкрак саратонининг аломати бор эди, менимча.

Дилмуроднинг юраги шув-в этиб кетди. Аммо бу гапни қабул килолмай кескин рад этди.

— Э, йўғ-е! Нималар деяпсиз, отахон?! — деди Дилмурод ва “Хотиним ҳозир қаёқда юрибди экан-а” дегандек хавотир билан теварак-атрофга аланглаб олди.

Табиб ножӯя гап айтиб қўйганидан хижолат чекиб уни ҷалғитмокчи бўлди ва сухбат мавзусини бошка томонга ўзгартириди.

— Узр, карилигим курсин. У кишини бошка бир аёл билан адаштиридим чоғи. Улар ўшандада бирга келишганди.

— Э, отахон, шунака демайсизми, чўчитиб юбордингиз-ку.

— Ҳа айтмокчи, ўша аёлга ва умуман саратон касали бошланаётган беморларга бир гапни етказиб қўйишингиз мумкин, бунинг давоси осон.

— Йўғ-е! Саратоннинг-а?! Бу ахир, дунёдаги энг ярамас қасаллик-ку!

— Ҳа, шундай. Шунинг учун ҳам бошланишини тўхтатиш, олдини олиш ҳақида гапиряпман-да.

— Илтимос, айтиб беринг. Жуда кизикка ўхшайди.

— Ҳай, майли, манави ерга ўтириб бир оз дам олайлик-чи, — деди мўйсафид бир ағанаб тушган дараҳтни кўрсатиб, жойлашиб ўтириб оларкан, “Тошбақани биласиз-а?” деб сўради.

— Ҳа, биламан.

— Ўшанинг биттасини тутиб келиб, қорни ёрилади-да, ичидаги ичак-чавоқлари олиб ташланади. Кейин уни оловга тутиб то оқаргунча тобланади. Сўнг мол ёғини суртиб, бўз

латтага бир қават килиб ўраб, ўша томирга айланаётган сарaton жойига боғлаб кўйилади. Чала пишган тошбака гўшти касалланган жойни ифлос моддалардан, ёмон микроблардан тозалайди ва яранинг оғзини қўзғалмайдиган даражага келтириб кўяди, тушундингизми? – деди мўйсафид ва жилмайиб кулиб кўйди.

– Э, қойил! – деди Дилмурод ажабланиб. – Мўъжизани қаранг-а. Мен бўлса, бунинг давоси йўк, кўкракни факат кесиб ташлаш керак деб билардим.

– Ҳар бир дарднинг табиатда, албатта, ўз шифоси бўлади. Факат изланиш, билим-малакани ошириб бориш билан шифокор ҳар бир дарднинг даволаш усулини топа билади. Энг муҳими, беморни ўз муолажасига ишонтириш ва ихлос пайдо кила билиш керак. Айтмоқчи, аёлингиз ҳозир шу ердами?

Дилмурод нима деярини билолмай каловланди. Теварак-атрофга довдираб қараб оларкан, “Ҳа, шу ерда бўлиши керак. Лекин ҳайронман...” дегандай пешонасини тириштирди.

– Хотирангиз чиндан ҳам чатокрок бўлганга ўхшайди-ку. Бу ерда ким билан турибсиз ўзи? Қачон келдинглар? Сигир-эчкиларни ким согаяпти?

– Ҳайронман, – деди Дилмурод иккиланиб.

Табиб “Тавба” дегандай таажжубланиб ок-кора аралаш соколини оҳиста силаб кўйди-да, Дилмуродга қаратади “Қани, менга бир қаранг-чи”, деди. Сўнг унинг кўз қорачикларини текширди. Бош бармогига нигохини қаратиб, корачигини уён бу ёнга юргизиб кўрди.

– Асабингиз толикибли. Тинчлантирувчи малҳамлар ичишингиз керак. Тоғ райхонининг барги билан эрмон баргини аралаштириб дамлаб ичинт. Тоғолчаям бўлаверади-ку, лекин у ҳозир пишмаган, – деб кўйди табиб ва Дилмуроддан аста сўради:

– Сизлар ўзи бу ерларга нима мақсадда келдинглар? Ҳозир тинчлик замони бўлса...

– Ҳа, – деди Дилмурод кутилмаган бу саводдан бир оз довдираб ва ерга қараб жавоб берди. – Аёлимнинг дарди бор, дўхтирилар унга шунака жойларга келиб бир муддат яшаб кўришни маслаҳат беришган экан.

Табибнинг кўнгли йигит ниманидир айтгиси келмаёттанини ҳис қилди ва хижолат чекмаслиги учун унинг елкасини қокиб хотиржам қилди.

— “Тоза ҳаво – дардга даво” дейдилар. Демак, аёлингизнинг нафаси кисади, шунақами?

— Ҳа, шундай. Сурункали бронхит, – деб кўйди Дилмурод.

Дилмурод негадир хотини билан бу ерга келиб қолишларининг асл сабабини ҳозирча сир тутишга жазм қилди. Аммо кейинчалик касалликни яширсанг иситмаси ошкор килиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади.

— Бўлмаса, мен борай. Сизнинг шилинган, тилинган жойларингизга суртиш учун ўзим тайёрлаган малҳамдан олиб кела-ман. Мободо, Шокир овчини кўрсангиз, унга менинг сўраганимни айтинг, ҳўпми?

— Ҳўп бўлади, устоз. Раҳмат сизга!

— Мени устоз дейишингизга ҳали анча эрта. Бунинг учун шогирдликка лойик эканингизни исботлашингиз керак бўла-ди. Ҳечкиси йўқ, билимларингизни текшириб кўраман, билмаганингизни кўлимдан келганича ўргатаман. Гапнинг очиги, мен учун сизга ўхшаган бир ёрдамчи бўлса, ёмон бўлмасди. Бу ёги шартим кетиб, партим қолди.

Табибнинг гагларидан Дилмурод анча дадилашди ва кўнглидагини очди:

— Қани энди, агар мумкин бўлса, сиздан жон деб сабок олишни истардим.

— Ҳим-м, яхши. Тиббиёт ҳақида нималарни биласиз ўзи?

— Одам анатомияси ва физиологияси, яъни тана аъзоларининг вазифаларини. Кейин турли касалликлар, уларга қарши кўлланиладиган дориларни яхши ўзлаштирганман.

— Яхши. Унда айтинг-чи, “антибиотик” нима дегани?

— Касалликка қарши восита.

— Йўқ. Юононча “анти” – “қарши”, “био” – “хаёт” дегани, яъни “хаётга қарши восита” дегани. Сиз бунга қандай қарайсиз? – деди табиб синовчан бокиб.

Дилмурод бир оз тараддулланиб қолди. Бундай саволни кутмаганди. Ёш боладай қизариб-бўзарди ва аста “Бактерияларни ўлдиради-да”, – деб кўйди.

– Э, ўлманг! – деб юборди табиб. – Жавобингиз тўғри, лекин инсон танасида заарли бактериялар билан бирга фойдали бактериялар ҳам бор, тўғрими?

– Тўғри.

– Антибиотиклар ўша заарли бактериялар билан бирга фойдалариниёндай ўлдириб юборади. Табобат йўли билан даволангандай бўлса, ўша фойдали бактериялар сакланиб қолади. Кейин жигар ҳам зўриқмайди.

– Э, шунақами? – деб кўйди у чиндан ҳам хайратланиб.

– Билсангиз, ҳозирги замон тиббиётининг асосан учта асосий кусури бор. Бу ўша антибиотикларни ноўрин кўллашдан келиб чиқади.

– Ие, кизик-ку, тушунтириброк гапиринг, устоз.

Табиб кулиб Дилмуроднинг елкасини қоқиб кўйди. Бу билан “Хотиржам бўлинг, ҳаммасини билиб оласиз” деган маъно бор эди.

– Билсангиз, ҳозирги замон илмий медицинасида касалликни эмас, аввало унинг аломатларини йўқотишга ҳаракат қилинади. Яъни, масалан, agar тана ҳарорати кўтарилса – иссикни туширувчи, кон босими ошса – пасайтирувчи, инфекция тушса уни йўқотувчи антибиотиклар кўлланилади, тўғрими?

– Ҳа, албатта, – деди Дилмурод ўта кизикиш билан.

– Лекин бу чора касалликни даволаш дегани эмас, вактинчалик танаҳимоя тизимини бўйсндириш дегани, холос. Аслида инсон танасининг ўзи касалликларга қарши курашмоги керак. Аммо антибиотик каби сунъий дорилар берила бошланганидан кейин инсон танаси уларга кўнишиб қарши курашмай кўяди, яъни дангасаликка ўтади. Бу дегани химоя тизими бузилади. У ёғи энди ўзингизга маълум...

– Нима, шунинг учун ҳам табобат тиббиётни инкор қиласдими?

– Йўқ, асло, антибиотиклар ўрнига табиий дори воситаларидан фойдаланишни таклиф қиласди, холос. Бўпти, мен кетдим бўлмаса. Сиз билан бу мавзуда ҳали кўп гаплашамиз. Айтмокчи, ибн Синонинг мизожлар таълимотидан хабарингиз бордир?

– Йўқ, – деди Дилмурод чиндан ҳам тан олиб.

– Эх, афсус! Нималарни ўқитишади ўзи-а? – деб кўйди чол норози кўл силтаб.

Сўнгра табиб Дилмуродга синчилаб разм солди. Унинг нигоҳидан билимга чанқоқ экани сезилиб турарди. Шу маҳал унинг эътиборини Дилмурод беихтиёр эзиз турган оёғи остидаги бир ўсимликка қаратди. Бу шифобахш саналувчи гиёҳлардан бири эди. У табибга ўтмишида бўлган бир мудхиш вoke-ани эслатди. Шунингдек, шогирд бўлишга орзуманд бўлган бу мутахассис йигитнинг билимини яна бир бора синааб кўрмокчи бўлди.

– Ҳим-м, дуруст-дуруст, – деб кўйди табиб гиёҳдан кўз узмай. – Айтинг-чи, кон кетишини тўхтатиш учун асосан қанақа гиёҳлардан фойдаланилади?

Дилмурод тайёр эмасди. Бир оз довдираб турди-да, жавоб берди:

– Аввало жабрланувчига тез ёрдам кўрсатилади. Жгутни олиб, стерилланган...

Табиб унинг сўзини кескин бўлиб кўйди:

– Тўхтант-тўхтант! Мен сиздан гиёҳ хакида сўрадим, шекилти.

Дилмурод бир муддат жим турди ва теварак-атрофдаги майин елларда бош тебратиб ястаниб ётган ям-яшил майсалардан гўё најот излади.

– Демак, билмайсиз, – деди табиб ва Дилмурод оёғи билан босган япроқлари кумушсимон, шохлари патсимон ажралган, сертук бир ўсимлик бутасини синдириб олди. – Буни эрмон дейишади. Билсангиз, эрмон ширасидан қонни тўхтатишда фойдаланилади. Чунки бу гиёҳда дизенфекциялаш хусусияти бор, тушундингизми?

– Ҳа-ҳа, тушундим, – деди у шоша-пиша.

– Кейин эт узилганда, бирор жой чикқанида барглари янчилиб боғлаб қўйилса, оғрикни колдиради, кесилган жой тез битиб кетади. Мант, ушланг, – дея табиб Дилмурод учун мўъжизадек туюлаётган ўсимлик бўлагини унинг қўлига тутқазди.

Бундай ўт-ўлан, яъни эрмонлар оёқ ости-ю, теварак-атрофда гуж-гуж ўсиб-униб ётар, улар тоғ эпкинида шувиллаган овоз

чиқариб мавжланишарди. Шу пайтта қадар Дилмурод уларга эътибор бермаганидан ва билимсизлигидан ўзини жуда хижолат сезди.

– Э, койил! – деди у тан олиб. – Демак, баданимнинг шиллинган жойларига суртсам бўлар экан-да, а?

– Албатта. Уни тош билан эзғилаб, янчиб қўйсангиз яхши бўлади. Чайнаш ҳам мумкин-у, лекин жуда тахир-да, – деди табиб ва бир нималар ёдига тушган чоги бир сония ўйланиб қолди. – Бу менга уруш маҳали асирикдаги бир воқеани эслатади.

– Нима, сиз асир ҳам тушганмисиз?

– Ҳа. Мехнат лагерида бизни катта тошларни йўниб ташиб учун тош конига олиб боришарди. Иш жуда ҳам оғир эди. Фашистлар махбусларни доим калтаклашар, бехол ётиб қолганлар, йикилиб ўзидан кетганларни аямай отиб ташлашарди. Бизни “Тирик мурдалар” дейишарди. Алексей исмли бир рус йигит менга ҳамроҳ эди. Биз бир-бири мизга кўмак берардик. Ўшандай оғир кунларнинг бирида у кўтариб олган тоши билан тўсатдан йикилиб тушди. Елкаси қиррали тошга урилиб қон оқа бошлади. Бир унтер-офицер бу ҳолни кўриб тўппончасини шайлади. Мени унинг отиб қўйишидан кўрқдим. Қарасам, ҳамроҳим ётган жойда мана шундай эрмон ўсиб турган экан. Мен уни шарт юлиб олдим-у тош орасига қўйиб тез-тез янчдим-да, Алексейнинг кесилган жойига қўйиб боғлай бошладим. Унтер-офицер тепамда пайдо бўлди ва ўзининг совук тўппончасини қок пешонамга тиради. Лекин мен ундан асло кўрқмадим. Мен тўппончага эмас, ўша зобитнинг кўзларига тик боқдим ва жигари хаста эканини хис қилдим. У “Нима қиляпсан?!” дея русчалаб ўшқириб берди. Мен эса унинг сарғиш кўзларига қараб, “Сенинг жигаринг хаста экан. Агар даволанмансанг кўп яшамайсан” дедим. “Сен кимсан?!” – деб сўради у. “Табибман”, дедим. Шунда у тўппончасини тушириб нари кетди-да, ортига совук нигоҳ билан қараб қўйди. Мен унга “Истасанг, сени даволайман!” дедим. Ана шунақа гаплар...

– Кейин-чи, кейин нима бўлди?

— Қўяверинг, бунинг тарихи узун. Бирор кун айтиб берарман, — деди табиб ва Дилмуроднинг елкасига уриб, кулиб кўйди-да, макони томон жўнади. Унинг бу ҳаракатида “Сиз билан ҳали кўп сухбат қурамиз” деган маъно бор эди.

У бир оз юргач, ортига боқди ва кичкириб деди: “Эрмок ўрнига жағ-жаг ҳам бўлади. Улардан юлиб ўзингизга малҳам тайёрлайверинг, хўпми? Конни тўхтатиб, тилингган жойларни тез битиради!” — деб кўйди.

Дилмурод бир тоза тош устила гиёҳни янчаркан, табибнинг ортидан ҳайрат ила узок қараб қолди. “Қойил!” — деб кўйди у ўзича. — “Бу одамни табиб десам, медицинани ҳам яхши билар экан-у. Қизиқ, неча ёшга кирган экан-а? Олтмишмикин ё етмиш?..”

Табиб шу тобда Дилмуроднинг кўз ўнгида худди эчкилардай тошлардан тошларга сакраб тепалик сари чақонлик билан кўтарилиб борарди. Дилмурод янглишаётганди. Мўйсафид аслида юзни коралаб қолган, кекса, аммо ёшамол кариялардан эди.

\* \* \*

Дилмурод ўз масканини синчиклаб кўздан кечирди. Катта ўзгаришлар бўлганини кўриб ҳайронда қолди. Фор ичкариси тартибга келтирилиб бир четига янги ўчоқ қурилибди. Ҳархолда эски ўчоқнинг ўрни ўртада экани ёдига тушди. Бироқ янги ўчоқ ҳам негадир унга таниш, қадрдондек туюлди. Чунки ҳар куни шу ўчоқ олдида пўстак устига ўтириб исинар, овқатланар, аланг рақсини узок-узоқ томоша килишга одатланганди. Лекин ёнида ким бўларди, эслай олмади.

“Қизик, мен бу ерга қачон келдим? Дијором қаёқда юрибди экан?” дея ўзи савол берди ва ташкарида бир тепалик устига чиқиб хотинини излаб чакирмокчи бўлди. Баланд қоялардан бирига тирмашди. Анчагина кўтарилиб қолган ҳам эдики, пастдаги дарахтлар орасидан “Ҳой, қаёққа?! Қайтинг, йикилиб тушасиз!” деган овозни эшигди. Таниди. Бу Шокир овчи эди. Дилмурод севиниб кетди ва шоша-пиша пастга тушиб келди.

— Ие-ие, Шокиржонмисиз?!! Келинг!.. Биз томонларга қай-

си шамоллар учирди? – деб сўради у ҳовликиб етиб келаркан.

– Нима?.. Қанака шамол? – ажабланиб сўради овчи.

Дилмурод у билан шошиб кўл олишди. Ҳамрохининг очик ва самимий чесрасини кўрган Шокирнинг кўнгли алланечук бўлиб кетди ва гўё узок кўришмаган яқинини учратиб қолгандай бағрини кенг очди.

– Э, муборак бўлсиян, оғайни! Бўлар экан-у! Одамни кўркитиб юбордингиз-да лекин.

– Яхши юрибсизми? Қишлоқдагилар, уйдагилар тинчми? Овлар қалай, овлар?

– Михдай, – деди овчи қувониб ва елкасидаги қопни олди.

– Мана бир қуёну бир сугур тузогимга илинибди.

– Э, қойил! Жуда ажойибсиз-да.

– Сизга қойил! Қандок қилиб, сиз, ҳалиги...

– Ха, менми, хотинимни чакирайин-чи, деб кетаётувдим, мободо кўрмадингизми?

– Нима, аёлингиз келдими? Худойдод билан-а? Фарзандингиз туғилибдими?!

Дилмурод сесканиб елкасини кисди. Овчининг хуноби ошиб яна тундлашди.

– Оббо, ҳалиям тўлик тузалмадингизми?.. Шунисигаям шукур, ҳарҳолда мени танидингиз, унинг устига кулиб галиришни ўрганиб олибсиз. Хайрият, энди менга гаплашадиган одам топилди. Билсангиз, жудаям зерикиб кетдим.

– Сизни Маржон табиб сўрадилар.

– Нима? Нима дедингиз?.. Қ-қаерда у?

– У киши шу ерда эдилар. Яқиндагина кетдилар.

– Ростдан-а?! Наҳотки, у сизни даволаган бўлса? Дарров-а? Ё тавба! Бу зўр иш бўлти-ку, а! Оббо, табиб тушмагур-сй. Қойил-е! – деб кўйди овчи қувониб.

– Йўқ. Мен ҳув анави гепаликдан йиқилиб тушибман. Ҳушимга келиб қарасам тепамда турибдилар.

– Эҳ-хе-ҳе! – дея шодланиб кичкирди Шокир ва ҳамрохи ни яна маҳкам кучоқлаб олди. – Демак, у келибди, сизни даволабди, дўстим! Тузалиб колганингиз билан табриклайман! Хотинингиз, Худойдод жуда хурсанд бўладиган бўлди-да.

Мен улардан суюнчи олишим қерак!

– Қанака суюнчи?

– Отдан йиқилиб хотирангизни йўқотгандингиз. Анча вакт касалхонада ётдингиз. Мен ҳам ўша ерда даволанаётгандим, лекин танимадингиз.

– Э, шунақами? Унда отим қани?

– У ўлган. Ҳозир сүяклари қолган, холос.

– Хотиним-чи, у қаерда?

– Фовасойда. У меҳмон кутаяпти. Сиз кеттандан кейин бошидан ўтганларини ўзи гапириб беради ҳали. Лекин гап йўқ. У кўркмас, сабрли аёл экан. Бошқа аёл бўлганида, билмадим, нима бўларди. Аммо униям танимадингиз. Аёлингиз бечора сизни даволайман деб кўп уринди, фойдаси бўлмади, – деди овчи афсус билан.

Дилмурод чукур тин олди ва ўйга толди.

– Эҳ-хе, ёмон бўлибди-ку.

– Ҳа, ёмон бўлди. Бўпти, мен бўлмаса, тез табибнинг олдига бориб келаман. Сиз сигирни согиб кўйинг, кейин анави иккита оқ эчкиниям, хўпми? – деди Шокир.

– Нима?! Соғишни билмайман-ку.

– Ие! Ахир, ўзим ўргатгандим-ку. Чиройли чикаётганди.

– Ёдимдан кўтарилибди.

Шокир тўхтаб ҳайрон бўлиб қаради ва унинг бўйнидаги бегона бўйинбогини ушлаб кўрди.

– Қанакасига?

– Билмасам.

– Бир уриниб кўринг-чи. Табиба зарур ишим бор эди-да.

– Унинг ўзи ҳозир келиб қолади. Менга малҳам олиб келмокчи эди.

– Шунақами?.. Унда юринг, сигирни биргалашиб соғамиз.

Шокир сигирни шовуллатиб соғган маҳали чиндан ҳам кўлида бир халта билан Маржон табиб жилмайиб пайдо бўлди.

– Э, ҳорманглар, кўшнилар! – деди у хурсанд ва Шокир билан қучоқ очиб кўришди.

– Табиб ота, бормисиз? Яхши юрибсизми?

– Ҳа, раҳмат. Мактубингизни олдим-у кояга чиқиб сизни

чакирдим. Манави укам бўлса бир коя тепасига чиқиб ўтирган экан. Чакирсам мік этмайди, уни сиз деб ўйлабман. Аввалига жаҳлим чиқди. Кейин кар-соқов бўлса керак деб ўзим тушиб келсам, бир арчани кучоқлаб бехуш ётибдилар. “Куф-суғ” десам кўзини очди.

Улар хохолаб кулишиб олишди.

- Қани, Дилмурод. Сигирни энди сиз ҳам согиб кўринг-чи.
- Э йўқ, билмайман, дедим-ку.
- Қаранг, табиб ота, согишини ўзим ўргатгандим. Ҳар куни дурустгина бу ишни бажараётувди. Энди бўлса ёдимда йўқ, дейди. Бу қанака гап, тушунмадим?

– Ҳечқиси йўқ, ўрганиб олади. Аёли йўқ эркакка ҳаётнинг ўзи йўл кўрсатади-да. Ҳа айтмоқчи, бу кишининг аёли қаерда ўзи?

– У киши юкли бўлган экан. ҳозирда меҳмон кутяпти. Фо-васойдаги бир чўпон ошнамизникида. Исми Худойдод. Дилмуроджон унинг хизматдоши экан.

– Э, шунақами? Бўлмаса, бундай қилсак. Манави халтада гуруч бор. Мен якинда Қўкон тарафларга борганимда Ҳазиний домланинг қабрларини зиёрат қилгани Кенагас қишлоғига ўтувдим. У ердаги Мухаммадали деган ошнам бор. Гуручни ўша киши бериб юборувди. Шуни налов қилсак, нима дейсинълар? Бир ўзимга палов қилиб юрмайман-ку. Сабзи бордир?

– Албатта бор. Бу улуғларни ҳам зиёрат қилиб турасизми, дейман-а, отахон?

– Ҳа. Улар инсон рухиятини мукаммал биладиган, ҳаётнинг аччик-чучугини кўрган, ватан тупрогини кўзига тўтиё қилган тарихий шахслар ҳисобланади. Мен Ҳазиний домланинг “Фарғона тонг отгунча” шеърини доим хиргойи қилиб юраман. Қайсиdir маънода бизлар тақдирлошмиз, – деди табиб ва кўйнидан бир асбобни чиқарди.

Бу ишлатилавериб ялтираб кетган кўшнай эди.

– Манави асбоб менинг доимий ҳамроҳим. Бўлмаса бир олов ёқайлик. Ўчок теварагига жой қилинглар. Мен сизларга “Фарғона тонг отгунчаниям”, “Чўли ирокниям” чалиб бераман.

– Ўҳ-ҳӯ, биз сизни табиб десак, бунака хунарингиз ҳам борми?

– Аслида бу ҳам даволашнинг бир тури ҳисобланади. Чал-

сам, кўшик айтсам кўнглим таскин топади. Ӯзимни руҳан тетик ҳис этаман. Ҳужрамга кирган бўлсангиз гор шифтла-рида овоз ўзгача акс-садо беради. Бу ҳол менга янада завқ бағишлади.

— Яъни стерео товуш, — деб қўшиб кўйди Дилмурод.

— Э, балли! Товушларни ажратяпсизки, демак, ҳаммаси жойида.

— Ҳа, — деб кўйди Шокир ҳам кулиб. — Энди бу кишиям бемалол “Эй ёр, қайдасан?” деган ашуласини айтиб юраверса бўлади. Чунки кишлогини соғинган, хотиниги-ку, бутунлай ёдидан чиқарган. Кўйиб берсангиз бошқасигаям уйланиб олаверади. Баҳонаси бор. “Хотирамни йўқотганман. Сени унугибман, хотин” дейди, тамом-вассалом.

Улар қотиб кулишди. Кулги овозидан тошлар юмалагандай туюлди.

Сигир ҳам соғиб бўлинди. Челакни айлантириб бир хўпламдан “Ох-ох!” деб ичиб олишди.

— Агар мана шундай янги соғилган сутдан ичиб турсангизлар юракларингиз доимо бақувват бўлади. Бу ғам-ташвиши қувади. Вос-вос, ўпка дарди, ҳатто сил касаллигига шифо бўлади. Айниқса, сиз Дилмуроджон, мана шу янги соғилган сутдан ҳар куни ичиб туриңг, хўпми?

— Хўп бўлади, — деди Дилмурод ва яна бир хўплаб олди.

Булок суви шалдираб оқиб тушаётган жилға бўйига пўстак тўшакларни олиб чиқиб жой қилишди. Осма қозонни ўрнатиб, олов олдига кумғонни кўйишиди. Шокир тузлаб куритилган сур гўштидан олиб чиқди. Қозонга сариёғ солди. Дилмурод сабзини кертди.

Таомнинг зирваги жизилларкан, табиб қўшнайини қўлга олди ва ваъда қилган кўшик ва куйини чалиб берди. Қўзлари ёшланди. Шокир ҳам, Дилмурод ҳам руҳан эзилиб, чукур хўрсиниб олишди. Ош ҳам дамланди.

Дастурхон устидаги кизгин сұхбат узок давом этди. Унинг мавзуси инсон саломатлигини асраш ва касалланишнинг асосий сабаблари ҳакида эди.

— Билсангизлар, барча касалликларнинг асл сабаби овқатланишдандир, — деди табиб қозонга ишора килиб.

– Нега энди? Овқат, аксинча, даволайды, инсонга кувват беради-ку, – деда эътиroz билдириди Дилмурод.

– Ҳа, тўғри. Факат у меъёрида бўлса, – деб қўйди табиб ва ёниб бўлиб четга сурилиб қолган бир чўгни кумгон олдига ўрнаштириб қўяркан. – Истасангизлар, бу гални тушунарлироқ килиб сўзлаб бераман.

– Яхши бўларди, – деди Шокир.

– Дилмуроджон, мана сиз дипломли дорифурушсиз. Сафро суюклиги нима эканини тушунтириб беринг-чи, қани?

– Ҳим-м... Бу ошқозонда бўладиган модда. Унинг вазифаси овқатни ҳазм килиш.

– Э, яшаворинг, ука. Яна томи кетганмиш. Каллангиз яхши ишлайти-ку.

Улар кулиб олишди.

– Ҳа, энди, сизнинг сухбатингизу ҳурматингиздан кейин ишламаган каллалар ҳам ишлаб кетяпти-да, устоз.

Улар яна барадла кулиб олишди.

– Кулдиришгаям анча уста экансиз.

– Мен асқиянинг ватаниданман. Кейин онам ҳам кулиб туқкан бўлсалар керак-да.

– Э, яхши, – деб қўйди табиб култидан соқолини селкиллатиб.

– Билсангизлар, кулги бу қанд қасалининг асл давоси ҳисобланади. Унга ҳеч қанақа дориниям, гиёхниям кераги йўк.

– Йўғ-е. Шунақа деб дорихонамга ёзиб қўйсаммикан-а? – деди Дилмурод ажабланиб.

– Унда bemорлар дори сотиб олмай, “эшак” десаем, “тўнка” десаем кулаверишади. Чунки бепул-да, – деди Шокир кулиб.

Табиб ҳам бошини қимирлатиб мириқиб кулди.

– Яхши. Ҳалиги гапимизга қайтайлик. Нима деяётгандим?

– Ҳазми таом ҳақида.

– Бўлди, энди кулиш йўқ. Лекин савол берипларинг мумкин, – деди табиб ва салмоланиб жиддий гап бошлади. – Билсангизлар, соглом киши учун бир марталик овқат меъёри бир косани, яъни икки юз – икки юз эллик мисқолни ташкил этади. Бу овқат уч-тўрут соат ичидаги ҳазм бўлади. Бу ҳолатда юрак зўриқмайди. Аммо овқатни икки баробар сийлса-чи, унинг ортиқчасини ташқарига чиқариб юбориш керак

бўлади. Бунинг учун юрак зўриқиши билан ишлашига тўғри келади. Кейин бошқа ички аъзоларни ҳам қийнайди. Юрак зўриқиши оқибатида худди автомашинанинг мотори каби тез ишдан чикади. Шуни ҳеч қачон унутмангларки, инсон юрагининг зарбалари унинг умрини ташкил қилади ва бу зарбаларнинг чеки бор ва улар саноклидир.

Дилмурод билан Шокир бир-бирларига маъноли боқишиди ва табибнинг бундай оқилона фикрларини ҳайрат билан тинглашда давом этишди.

— Ортиқча озиқа-ю ёғлар инсон танасининг бўш жойларига, яъни бўғинларига, ичакларига, ва ҳатто мия суютигача етиб боради. Кейин улар асаб толаларини кисиб қўяди, натижада оғриклар бошланади.

Шу орада Шокир гап қотди:

— Айтайлик, сиз ҳақсиз. Лекин мен таниган-билган ошпазлар, қассобу сомсалазлар тинимсиз овқат еяверишади, ҳаммаси қориндор, доимо хурсанд юришади.

— Тўғри, лекин ўша танишларингизнинг ҳаммаси аслида касал. Улар асло узок умр кўришмайди.

— Нега энди?! — ажабланиб сўради овчи.

— Инсон кирк ёшларигача танаси бакувват бўлгани учун кўп овқатни кийинчиликсиз ҳазм қила олади. Ана дейлик, ортиғиниям бемалол ташқарига чиқара олади. Аммо кўп ейиш доимий одат тусига кириб борса, яъни юрагини аямай зўриклиши давом эттираверса, юрак куввати тобора камайиб, ортиқча моддаларни ташқарига кам чиқарадиган бўлиб қолади. Натижада, тананинг барча қисмлари секин-аста ўша моддалар билан тўла бошлайди. Масалан, қорин ва ичакларда ортиқча ёғлар, бўғимларда кераксиз тузлар, сувлар дегандек. Энг ёмони, бу моддалар қонга аралашади ва қон ҳам оғирлашиб боради. Шунинг учун қоннинг айланиши секинлашади. Қондаги ортиқча моддалар худди печ қувурининг ичига курум тўлганидек қон томирларига ёпишади, колаверса, қон айланиш йўлинниям торайтириб боради. Оқибатда юракка қон меъёрида етиб бора олмай қолади. Қон етарли бормаётган бошқа тана аъзолариям “жанжал кўтариб” орка мияга “Бизга яна овқат керак!” деб хабар юбораверишади. Қарабисигларки, тана

күп озука талаб килади ва инсон күп овкат ейишни одат килади. Еяверади, еяверади... Демакки, қондаги ортиқча моддалар күпа-яверади, очлик хисси кучаяверади. Қон күюклешади. Касаллик деган душман инсон аъзоларини забт этади ва кон босимини ошириш билан тантана килади.

– Хўп, устоз, айтайлик күп овқат натижасида касаллик пайдо бўлади, деяпсиз. Бу асосан қанақа аломатларда, яъни симптомларда сезилади? – дея кизикиб сўради Дилмурод ҳам.

– Биринчидан, танада қон айланниши бузилади. Иккинчидан, инсоннинг фикрлаши, яъни фикр-хотирасини бир жойга жамлаш, теваракни англаш қобилияти камаяди. Кейин тана аъзолари бир-бир ўз фаолиятларини тўхтата бошлашади. Ўша ерларда кучли оғриқлар пайдо бўлади. Инсон энди соглом, чакқон эмас, касалванд, ундаги жисмоний етуклик ўрнини мечкайлик эгаллайди. Сўнг қарабсизки, бор йиккан-терган маблагини ўша орттириб олган касалликларини даволаш учун бадал сифатида сарфлайверади-да.

– Э, койил, устоз! – деб юборди Дилмурод эхтирос билан.

– Сиз асли талабаларга дарс беришингиз керак экан. Шундай осон тушунтираяпсизки.

– Оддий халк орасида юрганимда уларни соддароқ тил билан тушунтирилмаса бўлмайди-да... Ҳуллас, ҳазм бўлмаган ортиқча егулик ошқозон ва ичакларда чирийди, ачиыйди, газ тўпланади, қорин дамланади, ҳазм қилишга хизмат кила-диган суюқликларни яхши ишлаб чиқармай кўяди. Бунинг оқибатида қонда заҳарли моддалар кўпаяди, ичакларда тикилмалар пайдо бўлади. Шунинг учун йиллар давомида ичаклар ҳам оғирлашиб боради. Тикилмалар метиндек қаттиқ тошларга айланади. Қабзият юзага келади ва тана ўз чидамлилигини, яъни ҳимоясини йўқотади. Ачиған таомлар ичакларни заҳарлайди. Заҳарлар бўлса, қонга ўтиб турли касалликларга кенг йўл очиб беради. Ана сизларга сабаб! Тушунарлимис?

“Ҳа!”, дейишиди иккиси ҳам бараварига.

– Сизларга яна бир маслаҳатим шуки, таомни эринмай узок чайнаб енглар. Чайнагандаям ҳадеб сув, чой ичавермасдан ўз сўлагингиз билан чайнашга одатланинглар. Етарлича чайналмаган овқат яхши ҳазм бўлмайди. Суюқлик билан ара-

лаштириб егулик есангиз яхши чайналмайди. Аввалига бир култум сув ёки чой ичиб оласиз, сўнг мева ёки салат ейшингиз мумкин. Ана ундан кейингина таом ейилади. Бунинг акси бўлса, салатлар, мевалар ошқозон ва ичакларда чирийди ва газ хосил қиласи. Афсуски, бизнинг аксарият маҳаллий ахолимиз шунга одатланишган ва касалликларга ўзлари шароит яратиб беришади. Энг ёмони, ейилган таом ҳазм бўлмасдан туриб устидан яна бир таомни истеъмол қиласверишади. Билсангизлар, касалликлар бошланишининг асл сабаби ҳам мана шунда. Хуллас, яхши чайналмаган, тез ейилган таом катта бўлаклар холатида ошқозонга кириб боради. Улар яхши ҳазм бўлмайди. Бунинг оқибатида ичак деворларида яралар хосил бўлади. Яралар туфайли фойдали моддалар билан бирга заҳарли моддалар ҳам конга ўтиб кетади. Бундай заҳарлар тўпланган кон тўғридан-тўғри жигарга боради. Жигар бўлса, зўриқиб конни тозалаб бир кисмини буйракларга, бир кисми ни юракка юборади. Жигарда колган заҳарли моддалар унинг ўзини яллиглантиради. Бу ҳол бечора жигарнинг ўз вазифасини бажара олмаслигига олиб келади, яъни энди у конни яхши тозалай олмай қолади. Ўз навбатида инсон тана ҳимоя тизими оғирлашиб колган конни тезлаштириш, чиқиндиларни та- надан тезрок ташқарига чиқариб юбориш учун томирларни торайтиришга ва қон босимини кўтаришга мажбур бўлади. Ана сизларга гипертониянинг сабаби каерда?!

Дилмурод мулоҳазага энди жиддийрок кўшилди.

– Демак, қон босимини туширувчи дориларни қабул килишдан аввал ошқозон-ичакни, сўнг кон ва жигарни тозалаш чорасини кўришимиз керак экан-да. Тўғрими, устоз?

– Ҳа, ўлманг! – деди табиб ўзини тушунаётганларидан завкланиб. – Ҳаларни аввал тозалаб, кейин даволашга ўтилмоғи лозим. Иложи бўлса, антибиотик эмас, табиий гиёҳли дамламалар истеъмол килиниши керак. Машхур табиблар сурги дорилар ёки қустуриш орқали бемор ичини тозалаганлар. Мени тўғри тушунганингиз учун раҳмат сизга, укам.

– Қон олинсаям қон босими тушади, дейишади, шу гал ростми? – сўради Шокир.

– Қон олингани, демакки, унинг тозалантанидир. Чунки та-

нанинг ўзи йўқотилган кон ўрнига янгисини ишлаб чиқараверади. Шу туфайли кон босимининг тушиши – бу табиий ҳол.

– Жигарниям тозалаш керакми?

– Албаттга. Бугунги инсоннинг жигарини ахлат челягига, танасини касаллик қопига ўхшатиш мумкин. Тарихнинг хеч бир даврида бизнинг замондагидек тўкин дастурхон, мўл-кўл таом бўлмаган. Одамлар ўз нафсларининг қурбонига айланиб бошлимоқда. Мана, чойхоналарда качон қарасангиз паловхўрлик қилишади, овқатларни устма-уст еяверишиди. Ўтиришларда-чи, ким кўп овқат ейиш мусобақасини ўтказишиди. Инсон соглиги унинг тўғри овқатланишига боғлиқлигини, меъёр ва мезонни унутамиз. Кейин фалончининг кон босими ошиб кетибди. Ёки бўлмаса, жигари ёки буйраги оғриб касалхонага тушиб қолибди, дейишса, “туппа-тузук юрувди-ку”, деб хайрон бўламиз.

– Ҳатто касалхонага кўргани яна бир-икки хил таом кўтариб борамиз, – дея кулиб кўшиб кўйди Дилмурод.

– Манави маставани ичиб, сомсани еб ол, терлатади. Кейин от гўштида бўлган казиниям е. қувват бўлади, кабобдан ол, кабобдан, – деди Шокир ўзини тўё бир касални шифохонага кўргани борган одамдек тасвирлаб кўрсатиб.

Улар завкланиб кулиб олишди.

– Емасаям мажбуран, дўхтир билиб қолмасин, деб тез-тез егизамиз, паловни емаса ошатамиз, – деди Дилмурод ҳам бoshини силтаб хохолаб кулиб юборди.

– Ҳа. Афсуски, бу ҳолни ўлганнинг устига чиқиб тепган дейиш мумкин, – деди табиб жиддий. – Овқат аксинча одамларни емокда, аввал касалликларга дучор килиб, сўнг умрига зомин бўлмоқда... – деб табиб ўз мулоҳазасига нукта кўйган бўлди ва пиёлани олиб булок сувидан мириқиб ичиб олди-да, “Оҳ-оҳ, қандай яхши! Ҳакиқий соглом сув бу” деб кўйди ва унга томон савол назарида қизикиб қараб турган икки шогирдга қаратада ўгитини давом эттириди:

– Билсангизлар, тоғ музларидан, эриган қорлардан оқкан сув тоза сув хисобланади. Тўхтамай доимо ҳаракатда бўлган сувларнинг саломатлик учун фойдаси кўп.

– Булок суви ёки манавинаقا соглом суви бўлмаганларга нима маслаҳат берасиз? – деб сўради Дилмурод.

– Муздан эриган сув. Буни тайёрлаш қийин эмас. Қишининг совуқ кунларида эмалли идишга сув қўйиб кўйсак у музлайди, тўгрими? Аммо эътибор берсангиз, унинг тепаси ва пасти музлайди. Сувнинг тепасига енгил моддалар чикса, пастига оғир моддалар чўкиб қолади. Агар тепаси-ю, пастидаги музларни олиб ташлаб юборсак, ўртасида қолган сув ҳакиқий тоза, шифобахш сув ҳисобланади.

– Ў-ў, бу жуда осон экан-ку!

– Ҳа, албатта.

– Мабодо ариқ суви ёки ифлосрок сув бўлсаям, шу усул билан тозалаб олсак бўлаверадими?

– Йўқ. Уни аввало қайнатиб олиб, кейин совитиб музлатиш керак. Аждодларимиз ҳовуз сувини тозалаб туриш учун атайин сувга курбака ташлаб кўйишаркан. Курбака зарарли микробларни ейди-да.

– Шу сувни тозаланган, яъни дистилланган дейишимиз мумкинми?

– Асло йўқ. Бу сув бошка, чунки бутунлай тозаланмаган бўлади. Үндан фойдали моддалар ва микроблар бўлади. Энди сиз айтган дистилланган тоза сувдан бўлса, очлик билан даволанишда фойдаланиш мумкин. Инсон ўзи учун ҳафтанинг бир кунини “очлик куни” деб атаса, ўша куни факат ана шундай тозаланган сув ёки мева шарбати ичиб юриши керак бўлади. Шунда баданинг бўш жойларига жойлашиб олган ортиқча овқатлар, яъни таркибида тузи кўп бўлган суюкликлар, ёѓлар яна ошқозонга қайтиб боради-да, ортиғи ташқарига чиқиб кетаверади. Масалан, тия бир ойгача сувсизлик, очликда юра олади. Чунки унинг ўркачидаги овқати бўлади. Афсуски, одамнинг ўркачи йўқ. Шунинг учун тана-нинг бўш жойлари омбор вазифасини бажаради. Ҳатто оёқ бўғинлари-ю, калла бўшликлариниям эгаллаб олиб, кейин ўз хукмини ўтказаверади.

– Жуда қизиқ экан. Бўлди, мен энди ҳафтанинг бир кунини рўза куни деб эълон қиласман! – деди Шокир.

– Очлик факат хафтада бир кун эмас, ҳар ойда кетма-кет уч кун, ҳатто ўн кун ҳам давом этиши мумкин. Шундагина тана тўлиқ тозаланади. Факат овқатланиш қоидаларига қатъий

амал қилиш шарт бўлади. Истасангизлар, буниям ўргатаман. Тибетликлар доимо узок вакт очлик усулини кўллашади. Шунинг учун бўлса керак узок умр кўришади. Бу ҳолатга аввало ўзларини рухан тайёрлай билишади. Кейин доимо таналари ни тўлиқ тозалаб юришга одатланишган.

– Тўлиқ тозалаш? Буни қандай амалга ошириш мумкин?

– Бу ошқозон-ичакларини, қонни, буйрак, жигар, кон томирларини тозалаши дегани. Агар беморга танаси тўлиқ тозаланганидан кейингина мақсадли муолажалар кўлланилса, сўнгра касаллик ташхисига кўра таомни алоҳида маҳсус тайёрлаб, едириб, ана шундан кейин керакли дори-дармонлар бериб борилса, улар танага яхшироқ таъсири этади. Бу дегани, бемор тез соғайиб кетади-да.

– Демак, сиз молажаларингизда шу усулдан фойдаланар экансиз-да, а?

– Ҳа. Бу усулни устозимиз Абу Али иби Сино доимо кўллаб келгандар. Билсаларинг, танани тўлиқ тозалаб даволаш даволанишнинг энг маъқул йўлидир. Кейин ўзини соглом деб биладигандар ҳам йилда бир бор таналарини тўлиқ тозалаб юришни одат қилишса, ёмон бўлмасди. Чунки “Соглом ганда соғ акл” деган хикмат бор.

– Табиб ота, айтинг-чи, касалликлариниң келиб чикишига яна нималар сабаб бўлиши мумкин? – деб сўради Шокир ўга кизиқиши билан.

– Сабаб жудаям кўп. Юқорида айтиб ўтганимиздек овқатланиш қоидаларига амал қилмаслик, бу биринчи сабаб, – деди табиб ва бир оз ўйланиб олди-да, бармоклари билан санай кетди: – Нафас олишининг бузилиши, нотўгри яшаш тарзи, атроф-мухитнинг бузилиши, чанг-губор, танада дармондорилар ва маъданлар етишмаслиги, кейин ҳар хил касалликларга қарши курашишга инсон танасининг тайёр эмаслиги, яъни танаҳимоя тизимини бузилиши, зарарли одатлар, яъни арокхўрлик, гиёхвандлик, сигарета, нос чекиши дегандек. Яна қўшимча йил фаслларига қараб кийинмаслик, танасини озода тутмаслик, ўзини ҳар хил юқумли касалликлардан эҳтиёт қилмаслик. Хуллас, мен булар ҳакида сизларга бошка

сафар батафсилрок гапириб беришга ҳаракат қиласан, хўпми? Ёулмаса, энди ошни сузинглар. Гап билан бўлиб, хурматли ошқозонни унудибмиз-ку, – деди табиб ҳазил қилиб.

– Сизнинг бундай мулоҳазангиздан кейин одам овқатла-нишдан ҳам чўчиб қоларкан, – деди Шокир кулиб.

– Мана ҳозир учовимизнинг танамиз очликни хис қила-япти, тўгрими? Демакки, ҳаммаси жойида. Энди овқатлансанк танамиз яйрайди, дилимиз завқ олади, рухиятимиз тетикла-шади. Қани, олға!

Улар кўтаринки рух билан ўрниларидан туриб кўлларини ювишди. Шокир ичкаридан бир товокни олиб чикиб ошни сузди. Дилмурод чой дамлади. Табиб унга янги кийик ўт ва далачойдан солиб дамлашни буюрди. Ошни иштаҳа билан ейишди. Табиб ҳар бир лукмани узоқ чайнаш керак эканлигини ва ўраб, дамлаб кўйилган чойни кейинроқ ичишни яна бир бор эслатиб ўтди. Даастлаб булоқ сувидан бир хўпламдан ичига олишиди.

Табиб ота ҳар сафар қўлини таомга узатганида унинг ўнг чаккасидаги маржонлари сарак-сарак килиб тебранар ва се-зилар-сезилмас шикирлагандек сирли овоз чиқарарди.

Шу маҳал мўйсафиДилмуродга эътиборини қаратди. Маржонлари одатдагидек шикирлади.

– Дилмуроджон, сўраганинг айби йўқ. Сиз ҳозир ўзингизни қандай хис килаяпсиз? Факат тўгрисини айтинг, – сўради та-биб қўлидаги гуруч қолдикларини завқ билан танавул қиласан.

– Яхши, устоз.

– Бошингиз айланмаяптими?

– Йўқ.

– Нега бўлмаса овқатни кам еяпсиз?

– Угитларингизга амал қиляпман-да. устоз.

– Тез-тез олинг. Факат кўп чайнанг. Хўш, унда айтинг-чи, бўлиб ўтган ишларни гўлиқ эсладингизми?

– Ҳа. Лекин, менимча, ҳаммасини эмас.

– Уйланганингиз, кейин бола-чақалар борлиги-чи? – сўра-ди Шокир ҳам ҳазил қилиб.

– Ёдимда. Бир ўғил, бир кизим бор.

- Ислами нима? Ёшлари нечада? – жиддий сўради табиб.
- Уғлим саккизда, исми Давлатёр, кизим тўртда. Унинг исми Лола.
- Яхши. Синфдошларингизни ҳам эслайсизми?
- Дилмурод ўйланиб қолди ва “Ҳаммасинимас” деб қўйди.
- Бўлмаса, Шокирбек сизга бир юмуш бор.
- Бемалол, табиб ота.
- Жўрангиз учун бир хизмат қиласиз-да.
- Маъкул, отахон. Буюраверинг.
- Сиз сассикюпишакни тута оласизми? Отсангиз ҳам майлига.
- Албатта. Шуям саволми?
- Дилмуроджон шу қушнинг юрагини иссиқ ҳолида ютиши керак бўлади. Бу унинг хотирасига қувват беради. Кейин ўша қушнинг миясини кунжут ёги билан қовуриб берасиз. Қарабизки, хотираси тўлиқ тикланиб кетади.
- Э, шу холосми?! Иши осон экан-ку! – дея қийкириб қўйди Шокир.
- Раҳмат, устоз. Илоҳим, сог бўлинг. Бизгаем яхшиликпариғизни қайтариш насиб қилсин, – деб қўйди Дилмурод таъсирланиб.
- Менга яхши, содик шогирд бўлсангиз бас. Сизга ишонаман. Қани, ош тагида қолмасин, олинглар.
- Дилмурод ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди.
- Устоз, – дея оғиз жуфтлади у бир пайт ва табиб унинг чаккасида осилиб турган маржон шодасига ишора қилди. – Сизни нега “Маржон табиб” дейишади?
- Саволингиз ўринли, – деб қўйди табиб ош еб бўлган қўлларини бир-бирига ишқаб, ёгини юзи ва кошларига аста суртиб оларкан. – Бунинг ўз тарихи бор. Раҳматли севганимнинг исми Маржона эди. Биз у билан урушдан аввал аҳду паймон килгандик, ва ҳатто, унаштириб ҳам қўйилгандик.
- Мўйсафид гулханга ўтини-чўп ташлаб қўяркан, бир оз ўйга берилгач, салмокланиб гап бошлади:
- Кейин 1939 йил уруш бошланди. Мен Андижондаги гиббиёт институтини тамомлаб келиб Чустдаги касалхонада ишлаётгандим. Ҳарбий шифокор сифатида хизматга олиб кетишиди. Маржона мени кутадиган бўлди. Кутдиям... – деб қўйди у ва “Эҳ...” дея чукур хўрсиниб олди.

Дилмурод билан Шокир уни дикқат билан тинглашарди.

– Мен урушдан 1947 йили қайтдим. Асирга тушиб қолгандым. У ерда мен бир каттакон немис зобитини даволагандим.

– Шифокор учун дүстми, душманми, ким бўлишидан катъи назар ҳаммани даволаши шарт. Лекин мен bemорларим тезрок согайсин деб ўша пайтда янги яратилган, давлат сири хисобланган бир малҳам дорини кўллаб, уни янада такомиллаштириб, амалда синаб кўргандим. Яхши натижа берганди. Мен бу дорини номини “Ҳаёт эликсири” деб атаганман. Бу дори билан бир каттарок немис офицери ва унинг оиласини даволагандим. У мени кочириб юборди. Аммо кейин билсан, бу хабар Ўзбекистонга ҳам етиб келган экан. Бу ҳақида келишим биланоқ бир амакиваччам “Тезрок бу ердан кет. Сени НКВДнинг одамлари кидириб келишди”, деб айтди. Мен ундан Маржона ҳақида сўрадим. Маржона уйларидан мени кутаётган экан. Кизни олдиму мана шу ерга. яъни ҳов анави яшаб турган горимга олиб келдим. Унда гор оғзи катта, ҳозиргидек тошлар билан тўсилмаганди.

– Бу горни қандай топгансиз? – сўради Шокир.

– Болалигимда отам билан гиёҳ тергани келиб шу ерда тунаб қолардик. Билсангизлар, отам ҳам, бобом ҳам табиб бўлишган. Бу гор оиласиз учун муқаддас, қадимдан кўнок жойи тариқасида хизмат қилиб келади.

– Кейин-чи, бирга яшайвердингларми? – қизикиб сўради Дилмурод ҳам.

– Мен ўша кезлари дунёдаги энг бахтиёр инсон эдим. Чунки уруш, ўлим лагеридан sog-омон келиб, ниҳоят маҳбубамга етишгандим. Аммо, афсус, у билан яшаш насиб килмади.

– Нима, кўлга тушиб қолдингизми?

– Ҳа, лекин бу ерда эмас, Шўрданақда, бозорда. Хуллас, биз бир оз бирга яшадик. Кейин мен қизни горга ёлгиз қолдириб кишлокқа кайтдим. Чунки яшашимиз учун баъзи зарурый нарсаларни сотиб олипшум керак эди. Ҳали-ҳали уни ортимдан ҳув анави бошсимон коя тепасидан туриб рўмолини силтаб кузатиб қолгани кўз ўнгимдан кетмайди... Хуллас, НКВД одамлари мени бозорда ушлаб олишди ва маҳкамага олиб кетишли. Сон-саноқсиз тергов-сўроқларидан кейин ҳарбий трибунал мени йигирма беш йилга Сибирга сургун

килди. Уч йилдан кейин биз тўрт киши қамоқхонадан қочдик. Лекин ватанга қайтиб келиш хавфли эди. Мен тоғлар орқали юриб Маржонанинг ҳузурига боришга ошиқардим. Негадир Маржонани қишлоғимизга аллақачон қайтиб кетган ва бошқа эрга тегиб олган деб ўйлардим. Йўл топиш учун аввалига Олтойда, сўнг Қашқарда яшаб у ерларнинг табобати билан яқиндан танишдим. Сўнгра Тибетга бордим ва у ердаги инсон саломатлиги борасида амалга оширилаётган ишлар мени жудаям қизиктириб қолди. Хуллас, Тибетда беш йил қолиб кетдим. Ватанга қайтгач, албатта, юртдошларимни даволашга “Ҳаёт эликсири”ни қайта яратиш билан гўё ўзими оклашга аҳд қилдим. Аммо мени душман сифатида қабул қилишларини ўйлаб, қайтишга иккиландим. Чунки мени қочоқ сифатида яна сургун қилишлар ёки қамаб қўйишлари мумкин деб ўйладим. Шундан сўнг Осиё табиий харитасини сотиб олдим-да, ўша ҳарита асосида тоғлар орқали шу ерга етиб келиш режасини туздим. Хитойдан Ҳиндиқуш, Помир. Олой тоғлари орқали не-не азоб-укубатларни бошимдан кечириб ниҳоят мана шу Чотқол тоғларига етиб келдим. Аммо горимизга кириб келсам, у ерда бир одамнинг белидан тела суюги қумга кўмилиб ётарди. Буни қарангларки, инсон эти йўқ бўлиб кетсаям сочи, тирноклари сакланиб қоларкан. Мен суюкларни олиб қабрга кўмиб кўймокчи бўлдим. Уни кўтартганимда сочидаги мана шу маржонларга кўзим тушди. Бу холатдан даҳшатга тушдим. Чунки бу маржонларни ўзим бир вактлар севгилиминг соchlарига тақиб кўйгандим. Бу жасад Маржонанини экан... Суякни силаб бағримга босиб, ўтиб дод деб йигладим. У мени кута-кута ўлиб кеттан экан. Ярми йўқ, бўриларга ем бўлган шекилли, – деди Маржон табиб ва йиглаб юборди.

Бу воқеаларни тинглаб ҳар икки тингловчи ҳам ҳайратга, ҳам даҳшатга тушишди. Бу жуда ҳам оғир кисмат эди.

Дилмуродни “Ҳаёт эликсири” қизиктириб қолди. Сўрамоқчи бўлиб ўғиз жуфтлаганди, аммо табибининг руҳий ахволини кўриб фикридан қайтди ва бошқа фурсат албатта сўрашини кўнглига туғиб қўйди.

Мўйсафид бир оз йиглаб, кўз ёшлигини рўмолчаси билан артди-да, ютоказиб, титроқ овозда аранг давом этди:

— ...Сўнг унинг сунбул соchlарини бош суягидан секин ажратиб олдим. Фор ичида қабр казидим. Суякларини тўплаб, тиловат қилиб, қабр ичига авайлаб қўйиб, кўмдим. Суюкли маҳбубам қабри устида мана шу маржонлар такилган соchlарини бошимга ўраб унинг садоқати, беғубор муҳаббати ҳакки мана шу ерда яшаб бир умр ток ўтишга онт ичдим. Кейинчалик унинг қабри ёнига ўзимгаям қабр кавлаб қўйганман. Баъзан ўша чуқурча ичига гушиб ётаман. Севгилим билан руҳан дардлашаман. Унга атаб ёзган ашъорларимдан ўқиб ёки манави кўшнайимни чалиб бераман... Бир куни ўша ўзим учун кавлаб қўйган қабр ичида ёттанимда туйнукдан тушиб турадиган ёргуллик чап томонимдаги гор деворида акс этди. Мен деворда аллақандай чизиклар борлигини кўрдим. Уларга синчиклаб қарасам ёзувлар экан.

— Қанака ёзув? — сўради Дилмурод шоша-ниша.

— Маржонанинг менга ёзган мактуби экан. Унинг қийинчилик билан ёзилгани кўриниб турарди. Охирги жумласини тугаллай олмай ҳам қолибди.

— Сиз унинг мактуби эканлигини қаердан билдингиз? — сўради Шокир овчи ҳам хайратланиб.

— Макгубни ётган ҳолатда ёзганини билиш қийин эмасди. Демак, у оғир бетоб бўлган ва ёзиб улгурмай жони узилган бўлса керак.

— Нима деб ёзган экан?

— "Азизим С. Бизнинг қизимиз бор. У эмаклаб чиқиб кетиб, қайтиб келмади. Уни топинг, илтинос. Билагида тумори..." деб чала қолибди. Шунинг учун ҳам Маржонага ўхшаш аёлни одамлар орасидан ахтарганим-ахтарган. Умиц билан яшапман. Зурриёдимни бир кўрсам эди. Бу дунёда армоним қолмасди, — деди мўйсафид ва оғир хўрсиниб олди ва яназ сўзида давом этди:

— Эҳ... Дунё шунақа бешафқат экан-да. Маржона жудаям беғубор қиз эди. Негадир хув анави бопсисмон қояда унини киёфасини кўравсераман. Баъзан чўкични олиб унинг ҳайкалани ўйиб ясагим келади. Афсус, бу иш кўлимдан келмайди, — деди табиб ва чаккасидаги маржон шодасини меҳр билан

силаб күйди-да, күшнайини олиб, “Ахтародурман сени” деб аталган күшикни хиргойи қилиб айта бошлади. Ора-орада басталаган күйни ҳам дард ила чалиб қўярди. Нолалар тогу тошларни тутиб кетди.

*Ахтородурман сени,*  
 ҳар даму ҳар ондаман,  
*Топмайин ҳайрондаман,*  
 бер хабар қай ёндасан?!  
*Ёки мен осмондаман,*  
 ёки сен осмондасан?!  
*Гул юзинг кўрмоқ учун*  
 топсам эрди бир бор иложи,  
*Мулки ҳуснинг маҳрига*  
 жисму жон бўлсин хироҷ.  
*Бер хабар, қай ёндасан,*  
 ёки дийн, иймондасан?!  
*Дер эмишсан: ишқ – ҳижрон,*  
 мен демишман: ишқ – висол,  
*Менга иқбол – баҳт эрур, не сир:*  
 сенга баҳтдир – завол?!  
*Ёки мен майдондаман,*  
 ёки сен майдондасан?!  
*Изларинг ҳар заррада,*  
 ҳар қатрада аксинг аён,  
*Сўзларинг – ҳар пардада –*  
 ҳақ ийлини айлар баён.  
*Тилдасан, иймондасан,*  
 ҳам шеъру достондасан  
*Гул юзинг кўрмай туриб,*  
 пайқадим мен нурини,  
*Сен ўзинг кўрсат менга,*  
 васлингга етмоқ сиррини,  
*Ёки мен пайҳондаман,*  
 ёки сен пайкондасан?!  
*Ахтородурман сени...\**

\*Гулом Фатҳиддин шеъри

Шокир кўзларини юмди. Унинг назарида бу мунгли оҳанглар қоялару дараҳтзорлар оралаб кўкка томон парвоз қиласар, Маржонанинг фариштасимон руҳи билан учрашиб уни раксга чорларди. Дилмуроднинг кўз ўнгида бўлса, “Дадажон!” дея чопқиллаб келаётган ўғли ва қизчаси, қўлида чақалогини кўтариб олган суюкли хотини намоён бўлишди. Улар ўша – Тошлоқдаги шинам уйларида эмиш. Шу маҳал ичкаридан “Вой келдингми, болам?” дея қари онаси Муслима ая чикиб келиб уни бағрига босди...

Оташин муҳаббат оҳанглари сехридан Дилмурод ҳам, Шокир овчи ҳам сел бўлиб оқишли. Шу тобда баланд-баланд тошқояларнинг бошлари ҳам эгик ва маҳзун кўринарди.

\* \* \*

Орадан бир ой ўтди. Тоғларда чақалок овози янгради...

### I кисм тугади

*Дўрмон, 2015–2016 й*

## АСАРНИНГ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИДАН

2010 йилнинг сентябрь ойи эди. Қишлоқдаги ҳовлимга бордим. Богимда мевалар гарқ пишибди, айниқса, Олтиариқнинг машхур навларидан саралаб экилган узум ишкомлари кўзни яйратарди. Богни айланиб узум доналаридан бир-бир татиб кўрдим. Менга кўпроқ “Мерседес” нави ёқади. Чунки унинг ширин-нордон таъми дилни равшан тортиради. Нарирокда бўлса, гарқ пишган тотли шафтолилар ўзига чорлайди. Раҳматли онам – Ҳафиза Иброҳим қизининг болалигимизда ҳар йили бизга шафтоли гулларидан чучвара пишириб беришлари ёдимга тушди. Кейинчалик билсак, бунинг ҳам ўз шифобахш таъбири бор экан.

Шуларни хотирлаб турганимда бирдан кўл телефоним жиринглаб қолди. Олсам Нельмат акам экан. У туман марказида китоб дўконида ишлайди. Саломлашиб “Ҳа, ака, тинчликми?” – деб сўрадим.

– Сени бир одам йўклаб келибди. Жудаям муҳим гапи бормиш.

– Ким экан у?

– Узокдан келганга ўхшайди. Кўлида “Ёввойи келин” деган китобинг ҳам бор.

– Мухлислардандир-да.

– Йўқ. Унинг айтишича, Маржон табиб билан учрашиб турармиш.

Кутилмаган бу гапдан бир сапчиб тушдим.

– Йўғ-е, қанақасига?! – дедим ҳаяжонимни яшиrolмай. Чунки, гапнинг тўғриси, Маржон табибининг ҳақиқатан ҳам ҳаётда мавжудлигига шубҳам бор эди.

– Тезрок келавер. У кишининг вақти тигизроқ экан. “Узокка кетишим керак”, деяпти.

– Хўп, хозир етиб бораман, – дедим мен ва шафтолизор томонга интиқ қараб кўйдим-да, машинамга ўтириб туманимиз маркази сари йўл олдим.

Умуман олганда, ёзган асарларим ичидаги “Ёввойи келин” номли детектив жанрдаги воқеий-саргузашт романим китобхонлар ўртасида анчагина шов-шув бўлаётганди. Мухлис-

лардан кўплаб хатлар олдим, телефон қўнғирокларига ҳам жавоб беришимга тўғри келди. Қизиги шундаки, фикр-мулоҳазаларнинг деярли барчаси бош қаҳрамон – Сабоҳат исмли ўғирланган келинга эмас, балки иккинчи даражали Маржон табиб образига қаратилаётганди.

“Ростдан ҳам у киши ҳётда бор одамми?”, “Телефон рақамини беринг; илтимос”, “Қанча сарф бўлса ҳам уни излаб томоқчиман”, “Хўжайним гиёхванд бўлиб қолган, Маржон табиб чиндан ҳам уни тузатармикин?”, “Менда саратон касали бошланганмиш, илтимос, манзилини айтинг” ва ҳоказолар.

Шулардан хulosа килдимки, Маржон табиб сиймосида китобхонлар ҳар кандай хасталикни ҳалқ табобати йўлида даволовчи, моҳир шифокор, фидойи инсонни тасаввур килишмоқда экан. Жумладан, “Сарой жавоҳири” номли корейс телесериалидаги Тангем образини ҳам телетомошабинлар чиндан ёқтириб қолишган, десам муболага бўлмайди. Фильмда воқеалар ҳам, даволаш жараёнлари билан биргаликда кечади. Тангем қадимги Корея иқлимига мос ва ўша даврга хос билим имкониятлари, ўз иқтидори, амалий изланишлари натижасида, аввало, шоҳни, навбати билан сарой аъёнларини ва оддий фуқароларини ҳам даволайди. Ҳасалгўй фитначиларга карши курашиб уларнинг қурбони бўлган онасининг, устозининг номларини оклади. Касалликларнинг олдини олиш учун тўғри овқатланиш лозим, деган фикрни олға суради. Оммани турли юқумли касалликлар, айникса, ўлат балоси тарқалишидан асраб қолади.

Мен ҳам дунё медицинасига асос солган улуғ ҳозиқ ҳаким ва олим Абу Али ибн Синодек бизнинг она тупроғимизда етишиб чиқкан ҳамда буюк даражага эришган табиблар ҳақида бир асар ёзишни истардим. Шу туфайли ҳам акамнинг “Маржон табибни билган одам сени кутиб турибди”, дейиши менга қанот бағишлиди. Менда Маржон табиб, унинг ҳаёти, кўрган-кечиргандар, ўзига хос даволаш муолажалари ҳақида ёзишғояси пайдо бўлди. Бу китоб бадиийлиги билан бирга инсоният саломатлигини асраш, колаверса, умрни узайтириш борасида кимматли маълумотлар берувчи илмий йўналишдаги асар сифатида ҳам адабий меросимиздан мухим ўрин эгалласа ажабмас, деб ўйладим.

\* \* \*

Мени йўқлаётган одам тасавуримда ўқимишли, зиёли, яхши кийинган, замонавий киши эди. Аммо ўйлаганларимнинг мутлақо тескариси, юзлари офтоб нурида қорайган, сочларига ок оралаган, уст-боши униккан ва унга чорва ҳайвонларининг бадбўй хиди сингиб кетган бир нотаниш кимса экан. У акам қўйиб берган пастаккина тахта ўриндиқда омонатгина ўтиради. Кўлида саҳифалари саргайиб кетган бир китоб бор.

Мехмон билан илиқ салом-алик қилишгач, у шошиб сўради:

– Манави китобни ростданам сиз ёзганмисиз? – деди у деярли яроқсиз ҳолга келиб қолган “Ёввойи келин” номли асаримни кўлимга тутқазаркан.

Муаллиф сифатида китобимнинг бунчалар хор бўлганини кўриб ачиниб кетдим. “Наҳотки, нашр қилинганига атиги икки йил бўлган бу китобни шунчалар хароб килишди, фаросатсизлар!” деб кўйдим ичимда ва у кишидан норози оҳангда сўрадим:

– Буни нима бало килдинглар?! Китобни китоб дейдиган ҳоли қолмабди-ку?!

– Минг бор узр. Асарингизни хотиним ўн етти маротаба ўкиб чиқди. Мен бўлсан атиги беш марта... Аёлим ҳар ўқиганида тинмай йиглайверади, кўз ёшлари китобга томаверади. Шунинг учун ҳам... – деди у киши ва минг хижолат билан ерга караб олди.

Бу ҳолатни мен тасаввур килиб кўрдим ва танам жимиirlаб кетди. Ўша нотаниш муҳлиса аёлга меҳрим жўшди. Асарим унга рухан таъсир кўрсата олганидан фикран хурсанд бўлдим.

– Ҳа... – деб кўйди меҳмон киши. – Аёлим “Ёзувчи ака ҳамюртимиз экан. У кишига учрашиб, албатта раҳмат айтиб кўйинг”, деб тайинлаганди. Шунинг учун...

- Қаерда турасизлар ўзи?
- Жуда узокда. Тогда, ҳалиги... нима десам экан, чоғроқ ғорда яшаймиз.
- Форда дейсизми? Наҳотки?! Қайси тогда?
- Афсуски буни айта олмайман, узр.
- Нега?

— Ҳа, энди, шунака бўлиб колганда... – деди у ўсмокчилааб ва худди айбдор одамдек кўзини олиб қочди.

— Нима, аёлингизни олиб қочиб кетганмисиз? – дея дабдурустдан сўрадим.

— Шунака десаям бўлаверади, – деди у ва теварак-атрофга олазарак нигоҳ ташлаб олди. – Набижон ака, иложи бўлса, ҳолирок жойда гаплашсак, нима дейсиз?

— Ҳа, майли, – дедим унинг меҳмон экани ёдимга тушиб.

— Юринг, боғ ичидаги чойхонага борамиз. Бирйўла тушлик киламиз.

Неъмат акам ҳам дўконини ёпди ва бир дона янги асаримдан олиб чиқиб менга мурожаат килди.

— Меҳмонга манави китобингга дастхат ёзиб берсанг яхши бўларди.

— Ҳа-ҳа, – дея меҳмон киши севиниб кетди. – Факат дастхатни аёлимнинг номига ёзиб берсангиз, илгимос!

— Аёлингизнинг исми нима?

— Дијором.

— Сизники-чи?

— Ие, ўзимни таништирмабман-ку. Меникими, ҳалиги, Диљурод.

— Асли қаерликсиз, Диљурод ака?

— Ака деманг. Сиздан анча ёш бўлсам керак. Тошлок туманиданман.

Дијоромхоннинг номига дастхат ёзиб бердим. Диљуроднинг боши кўкка етди.

— Хотиним жуда хурсанд бўладиган бўлди-да, – деди у ва сарғиш тишлигини кўрсатиб жилмайиб кўйди.

Чойхона сари борар эканмиз, Диљуродни саволга тутдим:

— Сиз Маржон табибни қаердан танийсиз?

— Биз у киши билан бир тоғда яшаймиз. Табиб кўшни дара-да турардилар.

— Э, тоғдошман денг, – дедим негадир ишонгим келмай.

— Ҳа, албатта. Мен у кишига шогирд тушдим. Ўзим фармацевтика институтини тамомлаганмай. Яқиндагина менинг ўздориҳонам, бизнесим, дангиллама участкам, охирги русумда-

ги машиналарим бор эди. Ҳатто хотиним ҳам ўз машинасида юради. “Тақдирнинг балоси кўп, сакласа паноси кўп” экан. Афсуски, тақдир-насибамиз шунаقا экан-да. Энди ёввойи ҳаёт қўйнида, одамлардан нарида кўй-эчки боқиб, гиёх териб юрибмиз. Бизга факат бадиий китобларгина ҳамроҳ, холос, – леб чукур хўрсиниб олди.

Шундан сўнг акам иккимиз бир пиёла чой устида меҳмоннинг бошига тушган ишлар ва кўрган-кечиргандарини ҳайрат билан тингладик. Сўнгра уни то жиянининг машинасигача кузатиб қўйдик.

– Мободо керак бўлиб қолсангиз? – сўрадим беихтиёр...

Дилмурод бир оз иккиланиб туриб колди. Уни ҳукумат одамларига сотиб қўймаслигимизга ишонди чоги, жанубий тарафнинг узок осмонида хиёл кўриниб турган бир тутам оқ булутта ишора килди.

– Ҳов анави булутларни кўряпсизми? – деди у ва менинг “Ҳа, кўряпман” деганимни эшигтгач, давом этди: – Билсангиз, у ерда жуда катта шаршара, кейин иссик булоқти кўл бор. осмон доим булутланиб турари. Ўша шаршарадан ўтилгандан сўнг Шайтонқоя келади. Биз ўшацдан кейинги дарада яшаймиз.

Сўнг у мени бир четга тортди-да, охиста шивирлади:

– “Сир сақлаганга бало йўқ, сақламаганга даво” деганлар. Факат бу ҳақда ҳеч кимга айтмайсизлар-да, хўпми? Тушунасиз-ку, хотиним қидирувда. Худо хохласа, окланиб кетса, биз, албатта, қайтиб келамиз.

Шундай деди-ю, меҳмон қўйнидан бир цеплофан халтacha чикарди. Унда айблов хулосаси ва давлат газнасига тўланганилик ҳақидаги бир талай саргайган чипталар бор эди.

– Ҳечкиси йўқ, қўй-кўзиларимиз якинда яна қўзилайди. “Бош омон бўлса, дўппи топилади”, дейишади-ку, – деб қўйди у кулиб.

– Сизларга “Дўппи тор келса, тоғу тошлар бир кадам” эканда, а? – дедим мен ҳам бўш келмай.

Дилмурод хохолаб кулиб юборди ва бир нима ёдига тушган чоги, жиянидан машинанинг юкхонасини очишини буюрди.

– Набижон ака, устозим Маржон табиб иккимизнинг сиздан бир илтимосимиз бор эди.

— Қанака илтимос?

— Устозимнинг инсон саломатлигини асраш борасидаги тиббий тажриба хulosалари ва дунё халқ табобатига умр бўйи йиккан-терган кўлёзма битиклари бор экан. Устозим сиздан шу даволаш муолажалари билан танишиб чикиб, иложи бўлса, китоб ҳолида нашр қилинингизни илтимос қилдилар. Агар халқимизга нафи тегса савоб бўларди.

Мен ва акам иккимиз ҳайрат билан юхонадаги тугун-тугун қилиб боғланган кўлёзмаларни бир-бир қўлга олиб кўрдик. Улар турли тилларда, жумладан, рус, араб, хинд ва хитой ёзувларида эди.

Вой-бў! – деб юборди акам чиндан ҳам ҳайратини яшира олмай.

Мен ҳам таажжубландим ва хеч иккиланмай Дилмуродга жавобимни айтдим:

— Яхши. Лекин булар турли тилларда, ёзувларда экан. Кейин буларни тушуниш учун мутахассислар бўлиши керак.

— Ҳа энди, мутахассисларни ўзингиз жалб қиласиз-да. Булар жуда ноёб кўлёзмалар. Табиб ста буларни сизга шунлай тортиқ қилмоқдалар, чунки сизга ишонадилар. Ўзингиз бир танишиб чиқинг, илтимос.

— Хўп, майли. Шунчалик ишонч билдирибдилар, раҳмат. Биз буларни, албатта, мутахассислар билан ўрганамиз. Кўнгилдагидек бўлса, нашрга тайёрлаганимиз бўлсин, – дедим мен қатъият билан.

— Ростданми? Нашр қиласизми? – сўради у кўзлари ёниб.

— Ҳа, – дедим ва қўлимни ташладим.

Биз самимий хайларашдик ва насиб қилса яна кўришишликни Яратгандан тилаб қолдик.

— Сизларга сабр тилаймиз. Аёлингизга биздан салом айтинг, – дедим мен хайларашарканман.

— Албатта, “Сабр таги сариқ олтин” деганлар. – деди меҳмон кулиб.

— Табиб отага биздан салом айтинг, – дея кўшиб қўйди акам.

Машина ғизиллааб жўнаб кетди. Бизнинг кўлларимизда эса бир уюм кўлёзмалар қолди.

\* \* \*

Тоғлик кочок мухлиснинг ташрифи акам иккимизда кагта таассурот қолдирди. Биз буни кутмагандик. Ўй-хаёлимизда янги режалар пайдо бўлди. Дўконни ёпиб, кўлёзмаларни олиб уйга жўнадик.

— Демак, бу одам оркали табиби топа олар эканмиз-да. — деди акам узоклардаги ўша бир тутам булутдан кўзини ололмай. — Қани энди мен ҳам ўша Маржон табибга шогирд тушсам эди.

— Нима, табобатга қизикасизми? — сўрадим.

— Ҳа, жудаям. Кўлимдаги габобатга оид китобларни синчилаб ўқиб чиқаяпман. Улар жудаям қизиқарли экан. Бу соҳага онд алоҳида кутубхона ташкил қилаяпман.

Калламга ажойиб бир фикр келиб қолди ва уни дангал айтдим:

— Келинг бўлмаса бир иш қиласиз!

— Қанақа иш?

— Биргалишиб бир асар яратамиз. Бу Маржон табиб ҳақида бўлади. Фақат бадиий кисмини, воқеалар ривожини мен хикоя қиласан. Табобат, даволаш жараёнини сиз тайёрлайсиз.

Акамга маъкул бўлди.

— Ўх-хў. бу зўр таклиф-ку! Демак, даволовчи китоб яратар эканмиз-да-а?

— Ҳа, шунака десаям бўлаверади. Ўкувчи бадиий асар ўқиёттанида воқеалар замирига рухан кириб боради ва турли касалликларга карши қандай чора кўриши ҳақида маълумотларга эга бўлаверади. Агар унинг танасида бирор дард бўлса, унда ёзилганларга амал қилса, эҳтимол, шифо топиб кетишиям ҳеч гапмас.

— Тўғри айтасан. Энг мухими, унда ихлос пайдо бўлади. Бу асар, худо хоҳласа, инсоният учун нафи тегадиган жуда яхши китоб бўлади, — деди акам ишонч билан.

— Мана, Дилемуроднинг ўзи фармацевт экан, ҳам Маржон табибга шогирд тушибди. Демакки, бугунги кундаги амалдаги медицина билан қадимги ҳалқ табобати ўргасида боғликлек бор. Менимча, бу асар мана шу вазифани бажариши керак.

— Ҳа. Назаримда, бугунги кунда медицина тобора бизнесга айланиб бораётганга ўхшайди. Афсуски, одамларимиз ўз юртимиизда ўсиб-унаётган ва даволашда юкори самара берадиган гиёху маъданлар ҳақида қониқарли билимга эга эмас, — деди акам.

— Шунинг учун ҳам бу китоб мана шу маънавий бўшлиқниям тўлдиришга хизмат қилиши керак-да. — дедим мен ўз фикримдан тўлқинланиб.

— Тўғри айтасан. Ҳаётий эҳтиёж бу.

Шундай қилиб, акам иккимиз бирғаликда боғимизда шафтолихўрлик қилиб ўтириб, Маржон табибнинг битиклари билан танишиб, табибнинг ҳаёти, кўрган-кечиргандари, даволашдаги анъанавий ва ноанъанавий муолажа усуллари ҳақида ҳамкорликда асар ёзишга аҳд қилдик.

Акам ўз ишига қаттиқ берилиб кетди. “Интилганга толе ёр” деганларидек тиббиётга оид китобларни тинмай мутолаа қилишга, “Маржон табиб битикларини” ўрганишга, уларни амалда синаб кўришга, тогу даштлардаги гиёхларни бир-бираидан фарқлашга ва улардан малҳамлар тайёрлашга киришди.

У тинимиз изланди, ўкиб, ўрганиб ўз мақсадига эришиб, бугунги кунда малакали табибга айлангани ҳақиқат. У тегишли ташкилотлардан мазкур соҳа бўйича руҳсатнома (лицензия) ҳам олишга эришиди.

Маълумки, инсоният асрлар давомида ҳалқ табобати воситалари билан даволаниб келган. Илмий тиббиёт энг юкори даражада ривожланган ҳозирги даврда ҳам ўша анъаналар давом этмоқда. Бу тарихий жараён бўлиб, чин маънодаги яшаш учун курашдир. Ҳозирда саноат миқёсида ишлаб чиқарилаётган дори-дармонларнинг кариб қирк беш фоизи ўсимлик дунёси ва бошқа табиий воситалар асосида тайёрланади. Табиий маҳсулотлардан олинган дори-дармонлар хавфсиз бўлиб, инсон танасида асорат қолдирмайди. Улар арzon ва юкори самаралидир.

Маълум бўлишича, одамлар орасида кўп учрайдиган иккюз элликка яқин касаллик ва хасталик бўлиб, юртимиизда уларни даволаш мумкин бўлган тўрт мингдан зиёд гиёху малҳамлар тайёрлашга имконият бор экан.

“Барча дунё неъмати согликка тенг келмайди” дейди доно халқимиз. Ҳакиқатан ҳам ҳаётнинг гўзалиги ва қадр-қиммати тан сихатлиkdir. Инсон соғ-саломат экан, кўнгли шод, ҳамма нарсадан мамнун, иши унумли бўлади. Дард келганида дармон кетишини ҳар биримиз хис киламиз, касалликка асосан нималар сабаб бўлишини билиш эса барча учун керак. Буюк ҳозик ҳаким, ватандошимиз Абу Али ибн Сино айтганларидек, “Тан соғлик одамнинг бошидаги шарафли олтин тозидир. Фақат бу тожни касал одамдан бошқа одамлар кўра олмайдилар”.

Мухтарам китобхонлар!

Адаб ва табиб ҳамкорлигига яратилган мазкур асарнинг сизларга амалий ва назарий жиҳатдан ёрдами тегса биз бундан жуда мамнун бўламиз. “Маржон табиб битиклари” деб номланган илмий-оммабоп тўпламни ҳам шу китобнинг ўзида ёритиб боришни мақсадга мувофиқ деб билдик.

*Мустаҳкам соглик ва руҳан тетиклик Сизларга ҳамиша ёр бўлсин, азизлар!*

## МУАЛЛИФ

*Эслатма: Асарда қайд этилган даволаш муолажатарини ани这个时代的 қўллаб кўришдан аввал шифокор билан албатта маслаҳатлашинг!*

### Хурматли китобхонлар!

Асар ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни куйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

100054. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,

Чўпон ота кўчаси, 28а-үй


«Dizayn-print» МЧЖ ЎИЧК қошидаги

«Ijod-Press» нашриёти.

Тел.: 0-371-273-19-51

+998-93-506-65-05

Email: [dizayn-print@mail.ru](mailto:dizayn-print@mail.ru)



# Маржон табиб бимуклари

## I БОБ. ТИРИКЛИКНИНГ ТҮРТ УНСУРИ

## 1. Олов (Қуёш нури)

*Шуни билингларки, ҳар бир митти кўқат барги, ҳар бир дөв-дараҳт, гул, мева ва сабзавотлар ўз ҳаётлари учун қуёш нурига муҳтож бўладилар. Сеҳрт қуёши нури Еримизни ўз нурлари билан ёритмасанды ер юзида ҳаёт мавжуд бўлмасди. Қуёш нури бизга фақат ёргулек беригина қолмай, одамзод учун керакли энергияни ҳам беради. Қуёш нури кам тегидиган одамлар рангпар бўлишади. Бизнинг баданимиз териси қуёш нуридан баҳра олиб туриши шарт. Кўп касалликлар қуёш нуридан етартича фойдаланмаганимиз туфайли юзага келади. Қуёш нури ёмон бактерияларни ўлдиради.*

*Ўсимликлар қуёш энергиясини ўзида тўплаш мўъжизасига эга бўлиб, уни одамларга, жониворларга ўтказиш хусусиятига эга. Баданингизни вақти-вақти билан қуёши нурига солсангиз ҳамда истеъмол қилинадиган озиқ-овқатларининг 60 фоизини мева ва сабзавотлар ташкил этса, сўзсиз сиз ўз саломатигингизни яхшилаган бўласиз.*

*Бадани қуёш нурига тоблашни дастлаб оз-оздан ўргатиб борилади. Акс ҳолда тери кўп миқдордаги қуёши нуридан куйиб қолиши мумкин. Эрта тонг офтобда тобланishi учун энг яхши вақт 5 дақиқадан 10 дақиқагачадир. Лекин соат 11<sup>oo</sup>–15<sup>oo</sup> лар орасида қуёши энг иссиқ нурини юбораётган пайт бўлганидан, бу вақтда тобланмаган маъқул.*

*Мева, сабзавотлар, кўкатлар иссиқхонада пишганидан кўра очиқ ҳавода – даяда қуёши нурини ўзига сингдириб пишгани фойдаси бўлади.*

*Олов (куёш нури) иссиқ, рангсиз, энг енгизт моддадир. Оловнинг вазни жуда енгизт бўлганидан юқори кўтаришади. Курраи заминни қоплаган ҳаво қатлами устидаги туради. Олов (куёш) тўрт фасл ва кечасиу кундуз дунёни иссиқтик билан таъминлайди. У жуда ҳам қизитиш, жисмларга ҳаво ўтказиши, таркибларга ажратиш, пишириш, сув ҳамда тупроқнинг ҳароратини тенглаштириши, қаттиқ жисмларни эритиб, ўзгартириши ва моддаларга ранг бериши каби хусусиятларга эга. Олов ўрин жиҳатидан энг юқорида туради. Кайфияти – табиати куруқ-иссиқ бўлади.*

## 2. Ҳаво

Дунёга келар эканмиз илк бор чуқур нафас оламиз. Ҳаётдан күз юмар эканмиз, нафас түхтайды. То умримизнинг охиригача нафас оламиз, лекин түгри нафас олишини биламизми? Агар сиз чуқур, түгри нафас олишдек оддий кўрсатмаларга амал қиласангиз, нафасга ҳаётбахши кислород олаётганингизга ишонч ҳосил қиласиз.

Баъзи одамлар соғ ҳавода кўп юришмайди. Ўзларининг соглигини ўйлашмайди, ўз соглигини асрар ҳақидаги кўрсатмаларни назар-писанд қилишмайди.

Нафас олиш тартиби ҳақида қисқача тушунтириш берамиз. Биринчидан, нафас олиш бу кўзга кўринмайдиган озиқ. У шундай озиқки, сиз 5–7 дақиқадан ортиқ яшай олмайсиз. Биз ҳаводан танамизнинг ҳар бир тўқиуси ҳужайраси учун зарур маҳсулот – кислородни оламиз, ҳаво билан кирган кислород ўткага қон орқали тарқатади.

Биз ўз ҳаётимиз жариёнида заҳарларни ютамиш ва таъбир жоиз бўлса ичимизда заҳарлар тўпланади. Қон углерод оксидни ўткага бераман деганда, кислород кириши билан бу заҳарлар ўткана чиқади.

Одам чиқаётган углерод оксидига тенг миқдорда кислород олмас экан, демак, у аъзоларининг заҳарланишига ишон янратгин бўлади. Бу ўз навбатида кўпгина касалликларга сабаб бўлади. Кислород фақат аъзоларимизни тозараб қолмай, балки улар энергия етказиб ҳам беради. Биз ҳаво босими остида ишловчи машиналармиз. Мен узоқ умр кўрувчиларни ўрганиб шундай холосага келдим. Узоқ яшовчиларнинг барчаси секин-аста нафас олувлчилар экан. Тез-тез нафас олувлчилар эса қисқа умр кўрадилар. Ҳайвонот оламида бу ўз исботини топган. Күён ва сичқон каби кемирувчилар бир дақиқада кўп марта нафас олиб-чиқарадишлар. Шу боис мен бир неча йилдан бери секин-аста, чуқур нафас олиш ва чиқариш машқини ўзимда қўллаб келяйман. Бир кунда мунтазам равишда бир неча бор тақрорлайман.

Тибетда бўлганимда мен юксак руҳий ҳолат учун баданларини хилват жойларда шакллантираётган руҳонийларни учратдим. Улар ҳар куни кўплаб вақтларини ритмик, астасекин ва чуқур нафас олиш машқларига сарфлар эдилар. Улар

ҳаддан ташқари жисмонан баркимол бўлиб, соф ҳаво ва чуқур нафас олишлари туғайни уларга табиат ўз ҳукмини ўткази олмаган эди. Мен улардан бирини Ҳимолай тоги этагида учратганимда, 126 ёшда эканлигини айтди. У ёлгон гапира олмасди, чунки у бутун умрини Яратганга хизмат қилишига багишлаган инсон эди. У менга кенг тарқалган “тозатовчи чуқур нафас олиш” усулини ўргатди.

Мен учратган бу одамнинг тан согириги аъло даражада бўлиб, бошида биронта ҳам оқ сочи йўқ эди. Унинг барча тишлари бут, ўзи бақувват эди. Етти тилда бемалол гаплашарди. Мен ундан қандай қитиб ҳам жисмонан, ҳам ақлан баркимолликни сақлаб қолганини сўраганимда: “Менда чуқур нафас олиш бўйича катта тажриба бор ва мен мунтазам равишда зарур нафас олиш машқларини бажариб келаман”, деди.

Мен аёллар ёшини сўрашини ёқтирумайман. Бир куни 50 ёшилар чамасидаги бир аёлни учратдим. У ўзини 86 ёшда эканлигини айтганда таажжусубдан лол қолдим. Чунки уни юзларига ҳам, гивдасига ҳам қартик из солмаган, гўзат аёл эди. Мен ундан бу гўзатик ва баркимоллик сирини сўрагандим, у менги руҳоний айтган жисобни айтди. Бу аёл ҳам чуқур нафас олиш хосиятини тушуниб етган экан. Велосипед минаётгаш, иргишилаб югуриб ўйнаётган болалирга эътибор беринг. Улар биз ўйлагандан ҳам ортиқроқ кислород ютадилар. Биз ҳаракатчанлигимизни сақлаб қолишимиз, жуда кўп пиёда юришимиз керак. Биз ҳавоси ниҳоятда кўп бузилган дунёда яшаемиз, шу боисдан ҳам чуқур нафас олишига одатланишимиз керак. Жисмоний машқлар билан шугулланмай, турмуши тарзини фақат ўтириши билан ўтиказаётгандарни кўрар эканман, улар онгли равишда ўз ҳаётларини ўзлари қисқартираётгандарини жуда яхши биламиз.

Ҳаво ваннаси тан сиҳатлиги учун ниҳоятда фойдалы. Ҳаво яхши айланаб туриши учун деразатарни очиб қўйиб ухлаганингиз маъкул. Агар сиз кечқурунлари устингизни ёпмай ётсангиз эрталаб уйқуга тўйиб уйғонасиз. Устимизни ёпгандан танамиз эркин нафас оламайди. Агар ҳаётингизнинг кўп қисми ўтириши билан боғлиқ бўлса, унинг ўрнини соф ҳавода

сайр қилиши, жисимоний машқлар бажарыш билан түлдириш керак. Сиз мунтазам равишда уч-бені километр пиёда юриш билан күп муаммоларингизни ҳајт этасиз. Кечки пайтда узоқ спир қылсангиз чарчогингиз ёзилади. Кечки овқатдан кейин уч километр пиёда сайр қилиши ниҳоятда зарур.

Биз бугунги кунда ўтирувчилар тоифасидаги одамлармиз. Биз соғ ҳаво ва кислород етиши маслигини сезаяпмиз. Аъзоларимиздаги барча зарапларни чиқарып юбора олмаётганимиз туфайти оғриқ ва изоб билан эрта қарияпмиз. Буларнинг барчаси бизни ўта дангаси ва ҳеч нарсағи қизиқмайдиган одам эканлигимиздадир. Кўчаларда рангпар, бужсмайган юзли одамларни күп учратамиз. Бу ҳаво бузилганлигининг маҳсулни. Фаол бўлишига ҳаракат қўлиниг. Бу дегани, соғ ҳавода сайр қилиш, югуршиш, сувда чўмилиши, сузиш, рақсга тушиши демакдир. Энг муҳими, танамиз учун ўта хавфли бўлган углерод оксиднинг тўпланиб қолишига йўл қўймаслигингиз керак.

Шундай қилиб, сиз очиқиб даволаши дастурига риоя қилган ҳолда, кунда 2–3 километр пиёда юришини одат тусига киритишингиз керак. Пиёда юраётуб, сиз аста-секин ва чуқур нафас олишини ёдда тутинг, қанча секин ва чуқур нафас олсангиз, шунча узоқ умр кўрасиз. Чуқур нафас олишини оч қолиб даволаши билан бирга олиб борсангиз умрингизга яна күп йиллар умр қўшиган бўласиз.

Ҳаво – вазни нисбатан енгиз, оловдан оғир, сувдан енгил. Қўёшнинг сув ва тупроққа бўлган ортиқча ҳароратини пасайтиради, бўйликларни тўлдиради.

### 3. Сув

Инсон вужуди ўзининг барча фаолиятларини ягона эритувчи бўлган сув воситасида амалга оширади. Бадан намлигининг мувозанатда сақланниши, таомларнинг ҳазм қилинниши, озиқ моддаларнинг сўришиши ва ҳужайратарга етказитиши, ортиқча ва зарарли моддаларнинг эритилуб, ташқарига чиқарып юборилиши шулар жумласидандир.

Фақат манбасидан олинган сувгина тоза бўлади. Тог музларидан ва эриган қорлардан дарёларга оққан сувлар соглом сувлардир. Ҳусусан, тепа булоқлардин, пастга, тошлирга

түшгән, тез ва күп оққан, тұхтамай ҳаракатда бүлган енгиллашынан сувлар соглиқ учун фойдалы ҳисобланади.

Әмгир суви ҳам енгил сувлардан дір. Аммо әмгир сувини әмгир ёғишини бошлаганидан 15-20 дақықа кейин олии керак бүләди. Чунки бошдаги томчылар билан ҳаводаги кирлар тозаланади. Әмгир суви ич кетишини тұхтатади, жигар ва бүйрак касалыкларини енгиллаштиради.

Булоқ сувини топиш имкони бүлмаганлар учун эңг енгил, эңг фойдалы ва таъми шириң сув – муздан әритилген сувдир. Эмалты идишларга сув тұлдырыб, музхонада музлатылғы, сұнгра әритилади. Тәгіга түшгән ва устіга тұптанған муз ҳолатыда қолдуктар ташлаб юборшлади. Сув әриганидан 10-12 соат жонли қолади, кейин эса оғирлаша боштайди ва таъми ўзгаратади.

Катиқ суви, мева ва сабзавот сувлари енгил, жонли ва шифоли сувлар ҳисобланади. (Янги мева, сабзавот, тарвуз ва қовут егап кишининг сувга әхтиёжы қолмайды). Юқори сифатлы сув бүлмаган жойларда мева, сабзавот, тарвуз ва қовун ейілса ёки мева сабзавот сувлари ичилса, мақсадға мувофиқ бүләди.

Күл суви, ҳаракатининг озлигидан оғир сув ҳисобланади. Ер ости сувларининг, гор ва қудук сувларининг таркиби эса қаттық бүләди.

Дарё суви билан қудук сувининг қоришинасы, қайнатылған ва қайнатылған сувларнинг арапашынасы, ичига муз солинган сувлар соглиқ учун зааралыдир. Чунки турғи таркибли сувларни бир пайтда ичмөкчі бүлган киши 4-5 соатлик танаффус билан ичиши керакки, биринчи ичилген сув иккінчиси келишидан аввал тананы тарк этгандын бүлсін.

Қабзият мұаммоси бүлғанлар әртаялаб ярим ёки бир пиёла союқ ё итиқ сув ичишлери керак. Соглас мәшибесінде бүлшиш үшін күнде 1,2 пиёла енгил сув ичишінде союқ сувга одатлашыши керак. Союқ сувнинг жойини ҳеч нараса тұлдыра олмайды.

Сувга бүлган әхтиёж инсоннинг соглигига ва егап нарасаларининг миқдорига боялғық. Инсон танаси худди Ер шари каби 70% сувдан, 30% қаттық моддалардан иборат. Яғни ұар 30-

40 грамм қаттық таомга 60-70 грамм сув аралаштириши керак. Мева ва сабзавот сувлари ҳам сув ҳисобланади.

Ҳаддан ташқари күп сув ичишида яхшилик ийк, чунки сув қонга аралашиб қон миқдорини орттиради. Қоннинг ортиши юракнинг қон айлантиришини қийинлаштиради ва юракнинг ризқини (уршилар сонини) тез тугатади. Касал бўлганда шифо топиш ниятида қолдиқларни эритиш ва чиқариш учун 1-1,5 литр сув (мева-сабзавот суви билан) ичса бўлади. Фақат согайгандан кейин сув миқдорини зудлик билан камайтириш керак.

Етти ҳолатда сув ичиши касалликларга сабаб бўлар экан: Чарчаган ва терлаган ҳолда, ҳаммомдан сўнг, ейиш пайтида, ейишдан кейин, мева ва қовун егандан сўнг, туриб ва уйқудан ўйғонибоқ сув ичиши касалликларга сабаб бўлади. Бу ҳолатларда эҳтиёж бўлса, бир неча кичик ютум ичиши мумкин.

Кунига икки марта, эрталаб ва емакдан 1,5-3 соат кейин сув ичиши киши табиатига энг мувофиқ ва тўғри тартибдир. Сув эрталаб ичилса, ичакларнинг ишлашига, таомдан 1,5-3 соат кейин ичилганида ҳазмга ёрдамчи бўлади.

Маъданли сувлар қонни тозалайди, ярагарни ёнади, бадан ҳидларини кетказади. Фақат кунда бир пиёладан күп маъданли сув ичмаслик, буни ҳам ҳар куни ичмаслик керак.

Олтингурут булоқли сувлар талоқ оғригига, шишига, жигар касалликларига, ревматизм, фалаж, аллергия, яралар, бўғин ва тери касалликларига шифо бўлади. Таркибида темир ва мис бўлган маъдан (қайнарбулоқ) сувлари буйрак, талоқ ва ошқозон учун фойдалидир.

Совуқ сув, асад касалликларига, буйрак ва тухумдон ялигеланишига, бошқа ялигелантирувчи ва ҳароратни оширувчи касалликларга яхши даводидир. Аммо сил, тутқаноқ ва жигар касалликлари билан оғригандар тузалмагунларича совуқ сув ишлатмасликлари керак.

Оғир касалликдан чиққанлар, жарроҳликдан чиққан қуввати кам кишилар ва қарияларнинг илиқ сув ишлатишлари мақсадга мувофиқдир. Соғлом кишиларнинг бўлса, иссиқ сувга эҳтиёжи ийк.

Тоза сув яхши шифокор ва бебаҳо дўстдир. Айниқса, тоза-

ланган (дистишлиланган) сувдан фойдаланиши нүхоятта мұхим. Сув танамизнинг 70 фоизини ташкил этган ҳолда аъзоларимизда шунчай миқдордаги сув сақтаб турилиши керак. Күплаб мева ва сабзавоттарни истеъмол қылсанғыз аъзоларингизни тозаланган сув билан таъминлаган бўласиз.

Кўпчилик денгиз қирғоқларида, кўл ва дарёларда, чўмилши ҳавзаларида сузишни кандо қўймайди. Сузиш энг яхши машқлардан биридир. У юрак ва мушакларни зўриқтирумайди. Сузиш сизни роҳатлантиради ва қувонч бағиштайди.

Қадим замонлардан бери кўплаб беморларни сув билан даволаб келадилар. Гиппократ әрамиздан аввалиги 400-йилларда сув билан даволаш жараёнидан фойдаланган. Унинг даволаш усули баданги бир союқ сув, бир иссиқ сув қўйиб, сўнг сочиқ билан ишқатаб, қон айтанишини тезлаштиришга асосланган эди. Ҳозир ҳам бу усулидан фойдаланилади.

Сув овқатдан ҳам мұхим Инсон танасининг ярмидан кўпти сувдан иборатлигини айтиб ўтдик. Суякларимизнинг учдан бири ҳам сувдан иборат. Танамиздаги сувнинг 10 фоизини йўқотиши жуда хавфли. 20 фоизини йўқотиши эса ҳалокатли. Сув етишмаслиги танамиздаги кимёвий жараёнларни бузади. Танамиздаги сув мутаносибтиги ушлаб турилгандағина ҳаёт фаолияти меъёрида кечади.

Кислород ва сув одам ва ҳайвонлар ҳаёти учун мұхим омил. Одам овқатсиз беш ҳафта чидаши мумкин, лекин сувсиз бир неча кунга чидаиди, холос. Барча нарса сув билан тирикдир.

Инсон тўқимасида, танамизда 5 литрдан ортиқ қон мавжуд. Овқат чиқиндиси танамиздан ташқарига суюқ ҳолда чиқади. Кислородда намлик бўлмаса, ўпкага синголмайди. Шунингдек, углерод оксиднинг чиқиши ҳам қийинлашади. Сув истеъмол қилинган ёвқатни луқма ҳолига келтиради. Сув кимёвий жараёнлар туфайли бизга қувват беради.

Сўриб бўлинган озиқ чиқиндилари танамиздан сув ёрдамида чиқиб кетади. Буйрак ва сийдик пуфаги, тери ва ўпканинг барча заҳарлари сувсиз тозаланмайди. Ўпка пуфакчалари нам бўлгандагина фаолият кўрсатади. Бурун, томоқ, ҳиқандоқ, бронхлар шилтиқлари доим нам бўлиб туриши керак. Чунки улар ҳаво билан бирикиб, кунига 0,5 литргача сув сарф қиласади. Ҳаво қўруқ бўлса, бу рақам ортиши мумкин. Матъумки,

*зарарлы чиқиндиларнинг бир қисми одам иссиқда терлаганда терлаш орқали чиқиб кетади.*

Кўп миқдордаги сув тери орқали буеланади. Бунда фақат чиқиндилардан халос бўлиб қолмай, балки бошқа мақсадлар амалга ошади. Буйрак кўп сув талаб қиласади. Зарур бўлган сув миқдори ичилётган суюқликка боялиқ. Буйракдан ўтаётган ҳар бир литр сув танамиздаги 90 грамм чиқиндини олиб чиқиб кетади. Бу меъёрий жараён. Сув ёки сийдик миқдори 0,25 литрдан паст бўлмаслиги керак.

Сув намликни сақлайди. Автомобиль двигательининг ҳароратини бир меъёрда ушлаб туриш учун унинг радиаторига сув қўйлади. Инсон аъзоси учун ҳам шундай. Сув иссиқтукни тез ютади. Мўтадил ҳароратда бўлган тирик аъзо учун сув со-вутгич ҳисобланади. Инсон танаси мўтадил 36,6 даражада бўлиб, шароит ва атроф-муҳитнинг қай йўсинда бўлишидан қатъи назар, доим шундай бўлиб туради. Терлаш туфайти ҳарорат мутаносиблишиб туради. Бундан ташқари, чорак қисм иссиқлик танамизда кислород ва озиқнинг ҳазми бўлиши жараёнида, яъни нафас олишда чиқиб кетади. Организм терлаш туфайли бир соатда 0,5 литр сувни ўйқотилиши мумкин. Совуқ вақтда терлаш камайиб, барча сув тўқималарга тўпланди.

Танамизда сув танқислиги сезилса, секреция безлари қисқарди, сўлак миқдори озаяди, томоқ қуриб, чанқоқ ҳосил бўлади. Бу танага тезроқ сув кераклигидан дарак беради. Агар сув танқислиги орта борса, бошқа автоматлар кучайиши мумкин, яъни бош оғриги, асабийлашиши, диққатни бир жойга тўплай олмаслик, меъда иши бузилиши ва бошқалар. Сув ана шу автоматларни тезда бартараф этади.

#### **4. Тупрок**

Тупроқ вазни жисъатидан ишоятда оғир жисм, қуёшининг исчиши, қуритиш ва сувнинг биректириш ҳамда парчалаш тасъсирiga учраб туради. У бортиқ жонзот ва жонсиз мавжудотнинг шакл сифатини танлаб туриши билан бирга улардаги сувнинг ортиқча ҳўллиги ва қуёшининг ортиқча иссигини мўътошишни. бортиқ жонзотга зарур суюқликларни етарили миқдорда саклаш ва баъзи жисмларни парчалаш, тиширли хусусиятига эга.

## 5. ЙИЛ МАВСУМЛАРИ

### Баҳор

Баҳор бошидаги қуёш нурлари табиатни уйғотади, янги ҳаёт учун дунё юзини тозалайди. Қуёшнинг таъсирида баъзи ҳайвонлар юнгини, баъзилари териларини ўзгартиришади. Инсон ҳам барча жонлилар каби баҳор бошида қуёш нури таъсири остида қолади. Гуллар очилади, ҳидлари ҳавони тўлдиради ва аллергик касалликлар қўзгалиши кутиласди.

Гул ҳиди ва кукуни мукаммат тозаловчидир. Танадан барча қолдиқларни ташқарига чиқариб юборади, бу ишни тез ва кучли тарзда бажарадики, тана бу тозаланишини идора қилишда қийналади. Бу ишнинг амалга ошишида танага ёрдам бериш ва тозаланишини осонлаштириш учун инсон зарарли таомларни емаслиги, табиий, фойдати таомлар ейиши керак ва баҳор бошида 3 кунлик очликлар қилиши керак. Шундай қилинса, очликлар билан кувватланган тана гул кукунига қарши аллергик реакция бермасдан, кукунларнинг таъсирини ўз фойдасига қўллаган бўлади.

Баҳорда касалликларига тайёрлана олмаганлар ҳам баҳорнинг илк кунларидан эътиборан таомларни камайтиришилари, яшил сабзавот, хусусан, сачратқи, қичитқи ўти, шовул, қирқбўғин, исмалоқ, баргизуб, ялпиз ва саримсоқ каби янги ва ёввойи ўтларни ейиши мумкин. Бу пайтда қон олдириши (хожамот), зулук қўйиш, униб чиққан бугдой, арпа ейиши ёхуд улардан тайёрланадиган сумалак, ҳалим, кўқатли сомса, чучвара каби баҳорги таомларни истеъмол қилиши, лимон, табиий сирка ёки лимон суви ичишилари, сано истеъмол қилиши ва жигарни тозаташ керак.

Кишининг ёғли, пиштоқли ва гўштили таомлари оғир ҳазми бўлиши натижасида танада тўпланган зарарли қолдиқлари баҳор бошида қусиши, йўтал, акса, ҳарорат кўтарилиши, терлаш, кўп сийши билан ташқарига чиқади. Бу танаҳимоя тизимининг меъёрий мудофаасидир. Бадан ўзи учун керакли моддаларни ташқарига чиқармайди.

Киши хожамот орқали – қил томирлардаги, зулук воси-

тасида – иирик томирлардаги, жигар тозаланиши орқали – жигардаги қиша түпланган қолдиқлардан қутылади.

Бағор фасли жигарни тозалаш, сафро косаси (үт пүфаги), бүйрак ва қовуқ тошларини тушириши учун энг яхии пайт ҳисбланади.

Микроэлементлар, дармонадорилар, енгил ва жонли озиқ моддаларни ўз ичига олган яшил сабзавотлар, ёввойи ўтлар, униб чиққан буедой ва арпа ичакларни ҳаракатлантиради. Асаб ва танаҳимоя тизимини құвватлантиради. Сирка ва лимон эса қонни тозалаб, суюлтиради. Мана шу жараёнларнинг барчаси қон иштаб чиқарышда ёрдамчи бўлади.

Бағорда инсон күп ниёда юриши, югуриши, отга миниши, ер чопиши, дараҳт ва гуллар ўтқазиш каби жисмоний меҳнат қитиши керак.

### Ёз

Ёзда эрталаб 10.00-11.00гача ва 17.00-18.00дан кейин киши қуёшда тобланиси мумкин, фақат 11.00дан 17.00гача бўлган вақтда қуёш нурлари соглиқ учун зарарли бўлади. Бу пайтда ташқарида қолиши фойдаладан кўра зарарли, лекин сояди юриши тўғри бўлади. Қуёш нури “Д” дармонадориси ва терининг броизаташини таъминлаган меланин пигменти ҳосил бўлишида муҳим роль ўйнайди. Меланин пигменти терини саралондан сақтайди.

Қуёш тиъсирида терлаш ортади ва ейишга эҳтиёж калади. Зарарли моддалардан тер билан қутулиб, киши ёзда мумкин көдәр меваларга тўйиши, қовун, тарвуз, янги сабзаботиши ви сув сифатига эътибор берши керик. Яланг оёқ юриши, бўлон, төгларга ниёда юриб чиқши, сувда сузиш фурсатини ўтқадан бой бермаслиги керак. Сув танадан ортиқча моддаси чиқариб, танаҳимоя тизимиға, барча бўгин ва асабарма ғарбат беради. Сувда сузиши мускуларни оҳаклардан тозалаштири ва уларга куч беради.

### Куз

Кузда инсон вужуди ўзини қишига тайёрлай бошлайди: ўйташ билан – ўтқилар, акса билан – мия, тумов билан – демоклири, “бодомча” ларнинг шиши ва ҳарорат билар – қон,

қусиши билан – ошқозон ва сафро косаси, ич кетиши билан – ичаклар ва жигар тозаланади. Бу муаммоларга дуч келганды киши дори ичмасдан оч бўлса, таом <sup>1</sup> этида янги мева, сабзавот ва асал ейшиши керак. Озиқланиши қонун-қоидаларига қатъий риоя қўйса, қиши касалтикларидан, албаттa, омои қолади.

Бу фаслда мева, сабзавот ейшида давом этиши ва сабзавотлардан ошқовоқ, қовоқ, селдир, кўкат, исмалоқ, семизўт, қизил лавлаги, сабзи; мевалардан – узум, анор, олма, қовун, тарвуз ва хурмо ейшиши фойдали. Баҳорда жигар тозаланиши, сафро косаси, буйрак ва қовуқ тошларни тушириши ишларини қўймаган, зулук қўймаган бўлса, ӯз буни қилишининг айни вақтидир.

### Қиши

Қишида ейилган таом ёғли бўлиши ва ҳафтада 3-5 марта гўйшт ейши нормал ҳолдир. Асал ва қоразиравор ишлатишнинг айни пайтидир. Мевалардан лимон, апельсин, майиз, хурмо, анжир, олхўри ва туршаклар, сабзавотлардан пиёз, саримсоқ, сабзи, лавлаги, селдир, турп, ошқовоқ, картошка ва яшил сабзавотлар ейшиш жуда фойдали.

Кўп сақланган ва бузлишни бошлигаган мева ва сабзавотларни ёки иссиқхона сабзивотларини ишлатиши тўғри эмас. Гуруч, ясмиқ, ловия, мош ва нўхатлар қиши учун маҳсусдир. Бу мева ва сабзавотларни истеъмол қилаётгандан устига сано қоришмаларидан бирини сепишни унутмаслик керак. Сано ўрнига зигир уруги ҳам ишлатилиши мумкин.

## П БОБ. ИНСОННИНГ АСОСИЙ ЕМАКЛАРИ

### 1. Тоза сув

Мўътадил миқдордаги совуқ сув соглом кишилар учун жуда мувофиқдир, лекин асабга ва ички аъзоларида шиши бор кишиларга зарар қиласди. Бундай сув иштаҳани қўзгатиб, меъданни кучайтирувчи нарсалардан бири ҳисобланади. Иссиқ сув эса ҳазмни бузади, таомга бўлган иштаҳани сўндиради.

ичганда дарҳол чанқоқни босмайди, баъзан истисқо, ингичка оғриқ ва тананинг сўлишига ҳам олиб келади. Агар сув ишқ бўлса, кўнгилни айнитади, ундан иссиқроқ бўлса ва уни оч қоринга ичилса, кўпинча, меъдани ювади ва ични бўшатиб юборади, лекин уни кўп ичиш ёмон, чунки меъда қувватини бўшашибади.

Жуда иссиқ сув баъзи қуланжни енгиллашибади ва талоқдаги елни парчатаиди. Сунъий равишда иситилган сув қийидаги кишиларга: тутқаноқ, меланхолия, совуқ, бош оғриги бор, митк ва томогида майда тошмалар ва қулоқнинг орқасида шишилари бор кишилар, шунингдек, назлали, кўкрак-қорин тўсигида яралари бўлган ҳамда кўкрак томонда узлуксизликнинг бузилиши касалликларига йўлиққанларга мувофиқ келади. Иссиқ сув ҳайз қонини ва сийдикни ҳайдайди ҳамда оғриқларни босади.

Шўр сувга келсак, у олдин сўлитаиди, суюқликларни шимади ва ўзидаги ҳайдовчи куч туфайти ични суради, сўнгра ўз табиатидаги қуритиши билан ични бояглади; ундаи сув қонни ҳам бузади, кичима ва қўтирини келтириб чиқаради.

Темир қоддаси бор сув талоқ касалини тузатади ва жинсий қобилиятни зўрайтиради.

Мисли сув эса, мизож бузилганда яхши фойда қиласади. Яхши ва ёмон сувлардан ҳар хити арагашганда, энг кучлиси голиб келади.

Лойқа сув тош ва тиқитмалар пайдо қиласади; уни ичгандан кейин кетидан сийдик ҳайдовчи нарсаларни истеъмол қилиш керак. Шундай бўлса ҳам у ва бошқа қуюқ оғир сувлар қоринда касаллик бўлгандарга кўпинча фойдали, чунки улар қоринда туриб қолиб, секинлик билан тушади. Ёг ва ширинликлар шўр сувнинг зарарини кетказадиган ошиллардандир.

Муз ва қорлар тоза бўлиб, биронта ёмон қувват уларга арагашмаган бўлса, уларни эритиб сув қилинса ҳам, улар билан бошқа сувни ташқи томондан ёки ичига солиш билан совитилса ҳам, яхши бўливеради. Унинг турлари бир-биридан унчалик фарқ қиласади. Аммо муз ва қор суви бошқа сувларга қараганда зичроқ ва қуюқроқ бўлиб, асаблари оғрийдиган ки-

шиштар учун зарар етказади. Агар қайнатылса, бундай кишилар учун ҳам тұғри келадиган бўлиб қолади.

Кўлмак сувлар қандай бўлишидан қатъи назар, меъда-га мувофиқ келмайди. Булоқдан олинадиган сув ҳақида ҳукм кўлмак сув устидаги ҳукмга яқинлашиб келади, лекин у узоқ вақт давомида бир жойда турмаганлигидан кўлмак сувга қараганда яхшироқ бўлади. Оқмайдиган сувда бир қадар оғирлик, албатта, мавжуд. Бундай сувларда кўпинча қабз қилиш хусусияти ҳам бўлади. Улар ичда тез қизиганликлари сабаби иситмали ва сафроси голиб кишиларга мувофиқ келмайди, лекин хилтларни қамаш ва етилтиришига муҳтоҗлиги бор касалликларга анчагина мувофиқ келади.

Тўқағиши ерлардаги кўлмак сувлар, хусусан, улар, очиқ бўлсалар, ёмон ва оғирдир. Қишида улар қор сабабли совийди ва балгам ҳосил қиласади, ёзда эса қуёшда исиб сасийди ва сафрони түгдиради. Бундай сувлар қуюқликлари, ер бўлакчалирининг аралашгани ва латиф қисмларининг бугланниб кетганини ту-файли уни ичувчи кишиларда талоқ касаллиги, қорин дево-рининг юқаланиши ҳамда ички аъзоларда тўсилиб қолиши ҳолларини келтириб чиқаради. У кишиларнинг оёқ-кўллари, елкалари ва бўйинлари қуриб ингичкалашиб кетади, овқатга бўлган шитаҳалари ва ташнатик галаба қиласади, ичлари тўх-тайиди ва қусишлари қийинлашиади. Сув моддасининг қамалиб қолиши натижасида баъзан истисқога йўлиқадиляр; баъ-зан уларда ўпка ялтигланиши, ичак тоғланоқлиги ва талоқ касалликлари ҳам паўдо бўлади. Оёқлари ингичкалашиади, жигарлари кучсизланади ва талоқлари касал бўлгани сабабли овқатланиши камаяди. Уларда жинтиятик, бавосир, вена кенгайиши, ўпка ялтигланиши, билқиллаган шишлар, айниқса, қишида кўпаяди..

Ер остидан сизиб чиқувчи сувлар қудук сувига қараганда ёмонроқдир. Чунки суви олиниб турғанда учун янгиланади ва доимо ҳаракатда бўлиб, қамалган ҳолда узоқ тўхтаб қолмайди. Ер остидан сизиб чиқадиган сувлар эса сасиган ер ковакларида узоқ вақт айланниб юради ва ташқарига чиқши-га ҳаракат қиласади. Чиққанларидан кейин ҳам ҳаракатлари секин бўлиб, у ҳаракат ўзларидан итариш қуввати билан

эмас, балки моддаларининг кўплиги сабабли бўлади. Бундай сув фақат ёмон ва сасиган ерда бўлади.

- Ёмғир суви ҳам яхши сувлар жумласига киради, хусусан, ёзда момақалдироқти булутилардан ёққан бўлса. Ёмғир суви энг яхши сув ҳисобланса ҳам, у тез сасийди, чунки жуда суюқ бўлиб, ер ва ҳавонинг бузилиши тез таъсир қиласади. Бундай сувларнинг сасиши хилтларни саситувчи сабабга айланади ва кўкрак ҳам овозга зарар етказади. Ёмғир суви мақтовор, моддаси ниҳоятда латифдир, бутун латиф нарсалар бўлса, таъсирни қабул қилувчандир.

## 2. АСАЛ МАҲСУЛОТЛАРИ

### Асал

**Мизожи.** Янги асалнинг мизожи иккинчи даражада иссиқ ва биринчи даражада қуруқ. Олти ой, бир йил сақланган асал мизожи иккинчи даражада қуруқ бўлади. Эскириб таъми тундлашганинг мизожи то учинчи даражагача иссиқ ва иккинчи даражада қуруқ бўлади.

**Таъсири.** Асал истеъмоли кераксиз ва зарапти моддалардан тозалайди, шлатлар ва ярагар оғзини очади. ёпишиқоқ балгани ва рутубатларни йўқ қиласади, шунингдек, уларни баданинг чукӯр ва узоқ қисмларидан тортади, миядаги кераксиз моддаларни ҳайдайди. аъзоларнинг суст ва нотавонтиги, истисқо. сариқ касалтиги, қора жигар шлатлари, сийишдаги қийинчилклар, ҳар хил бодлар, ингичка ичак дарёлари ва шашларни даф этиб, буйрак ва қовуқдаги тошлиарни майдолаб тўкиб юборади.

Агар асални ёмғир сувига аратаситирб ичиса, байдан тозаларига сув югуртиради, бўшаган шатвватга қувват қўшиади, пешобни келтириади, ичаклар ва қовуқдаги зағуларни йўқ қиласади, буйрак ва қофуқдаги тошлиарни майдолаб, тушириб юборади, сийишдаги қийинчилкларни бартараф қитиб, чанқорқни босади.

Ушибу таркибни еб қайт қилинса, меъданни ҳар хил чиқиндилардан тозалайди, агар гаргара қилинса, ҳатқун ва бодомча безларини ўиринг ва бошқа бегона моддаларди тозалайди. Асалнинг ўзини ёки пиёз суви билан кўзга тортисса, кўзни равишан қиласади, қичипшиш, қўтириб, сув оқиши, кўздаги хил ва

гавҳарларига бегона сув тушиши каби ҳолатларни бартараф этиди.

Янги ун қилинган эски бугдой кепагини ажратмасдан арпа ёки нўхат ачитқиси каби табиий ачитқи билан арагаштирилиб, тандирда пиширилган нон танага ҳаёт беради. Ҳамиртуруш билан ҳам нон қилса бўлади, яъни тайёрланган ҳамирдан парча олиб қўйиштиб, кейинги нон ҳамирига ачитқи сифатида қўшилади. Унинг ҳамири кеч шишиади. Масатан, кечқурун қилинган ҳамир эртаси куни эртагаб шишиган бўлади.

Нон ҳазмини осонлаштириш учун ҳамирга седана, занжабил, арпабодиён, зигир шивит уруглари қўшилади. Нон устига кунжсүт сепилса, бу ҳам мақсадга мувофиқ.

Ҳамир қилганда турти унлар бир-бираига арагаштирилмаслиги керак, чунки ноннинг ҳазми оғирлашади (буғдой уни жавдар ёки арпа бишан арагаштириши мумкин). Сариеғ, зайдун ёғи, ҳайвон ёғи, асал, мураббо ва сабзавот таомлар билан бирга нон ейши мумкин. Фақат гўшт, товук, батиқ, дон ва сут каби таомлар билан бирга нон ейши ҳазмини қийинлаштиради ва соглиқка зарарлидир.

Қадимгишлар буғдой ёки арпа унини сув, ёғ ва асал билан арагаштириб, кулча қилиб, пиширмасдан, қўёшда қуритиб ейшишган. Шу тарзда бошқа таомга эҳтиёж сезмасдан соглям бўлиб, 100 шилдан кўпроқ умр кўришган.

## *Арпа*

**Мизожи.** Биринчи даражада совуқ ва құруқ.

**Тасири.** Үнда тозалаш хусусияти бор. Арпани ўткір сирка билан пишириб, яраланған құйиб болғанса, тузатади. Үнинг суви күкрап аъзоларига фойда қилади. Арпанинг суви талқонига қараганда күпроқ озиқлидир. Бұларнинг ҳар иккаласы хилттарнинг ўткірлігінің синдиради.

Қайнатылған арпа суви сийдик туфаги, буйрак ва сафро косаси оғриқларига, жигар, талоқ ва күкрап қасаллукларига, бурун оқиши, бүйдоқтукларга, рахит, экзема, садаф ва құчималарға фойда беради. Иссикұни туширади, бағамни күчиради, ялтыгланишнинг олдини олади.

Уругли (пұстыноглы) арпа 3-4 соат сувда ивитеңілді, кейин шу сувда 1,5-2 соат қайнатылғанда сузылади. Арпа суви асат билан аралаштырылады ва она сутидан бебаҳра қолған болатға, құвшатсиз қарияларға, жаррохликдан чиққанларға берилади. Юқорида санаған қасаллукларға ва хусусан юрак қасаллукларға жуда фойдаты.

Арпа сомони ярим соат паст оловда қайнатылғанда, ичилади ва құмшағёттәндегі ваннадаги сувга құшыңса, буйрак ва қовуқ тоштарини туширади. Арпа ўрнуга шу шактда сулы ұам құлланиши мүмкін.

Арпани майдалаб, илік сув билан аралаштырылады, 2-3 дақықа қайнатылғанда, занжабыт, мускат ёки доғичин билан асат құшилғанда. Нонушта ёки кечки оққат пайти ейиш мүмкін.

**Зарари.** Арпанинг суви меъда учун ёмон.

## *Ловия*

**Мизожи.** Ловия совуқ ва құруқ бұлыб, ортиқча намлиги бор ва у иссиқликка мойыл.

**Тасири.** У мошдан күра тезроқ ұазм бұлади, озиқлиги ұам үндан кам змас. Күкрап ва ўпка учун фойдалы бұлыб, қуюқ хилт пайдо бұлишини таъминтайди ұамда қызмет ранглы түри ұайз қонини кеткізади. Сиркада ивитеңілгін ловиянинг намы камроқдир.

Ловия таркибида киши танасига енгіл сингувчи оқситлар ва аминакислоталарни сақтайди. Халқ табобаты аматиётіда ловия дүккаклары асосыда тайёрланадыған қайнатма, диа-

бет, буйрак ва қовуқ касаллукларида, бод, подагра, болатарда учрайдиган ич кетиши ва гипертония касаллукларида тавсия қытнади. Ловия уни жароғат ҳамда күйгөн жойларга сепилса, яра изи ва күйгөн чандиқтарни йүқотиб, изини сиптиқтайди.

Ловия ошқозон-меъданингшира ажратилишини уйгунлаштиргани учун ҳам уни бематол пархезбоп таомлар сирасига киритиши мумкин. Ловия куртакларининг дамланаси микробларга қирғин келтирувчи хусусиятига эга бўлгани учун қадимиги ҳалқ табобатида унинг унидан яра ҳамда гўшт каби тери касаллукларда даволанишида фойдаланилиб келинган.

Ловия қўзоқлари инсулин каби таъсир қилиши хусусиятига эгадир. Ловия пўстларининг диабетга қарши хусусияти бор. Бу доривор диабетнинг енгиз формаларида ижобий нағижани кўрсатади. Шунингдек, у буйрак ва қовуқларнинг ялигланиши билан боғлиқ бўлган хасталикларда сийдик ҳайдовчи омили бўлиб хизмат қиласади.

**Зарари.** Ловия пайдо қиласиган хилт намли ва шиллиқни бўлиб, ёмон тушилар кўришига сабаб бўлади.

### Маккажўхори

**Мизожи.** Маккажўхори попуги иссиқ қуруқ.

**Таъсири.** Маккажўхоридан дамланган чой ҳамда суюқ экстракти ўт ва сийдик ҳайдовчи, қон оқишни тўхтатувчи, жигар, ўт нуфаги ва ўт йўллари касаллуклари, буйрак ва қовуқда тоши бўлгандан ҳамда истисқо ва ички қон оқишни тўхтатувчи восита сифатида кўлланилади. Мевасидан олинган мийи атеросклероз касалтигини даволаши ва олдини олиши учун ундан тайёрланган крахмали қайнатма ҳолида ичилади ёки ҳуқна қиласади. Крахмали баъзи суртматар, чақалоқчарга сепиладиган воситалар таркибига киради.

Маккажўхори попуги ўт ажратилишини кўпайтириб, унинг қовушқоқлигини камайтириш хусусиятига эга бўлгани сабабли, ўт ҳайдовчи ийгма чошлар таркибига ҳам киритилади. У танадаги холестерин моддасини камайтиради. Шу туфаили атеросклероз билан оғриган кишилар попуги дамланасидан кунига 20-25 грамм миқдорида бир неча ой давомида истеъмол қиласалари тавсия этилади.

Ҳалқ табобатида маккажўхори онатик гули устунчасининг дамланаси буйрак, қовуқ ва сийдик йўлларидаги тоши

*бўлганда сийдик ҳайдовчи ва ўт туфаги, ўт йўллари ҳамда сариқ ва жигарнинг бошика касалликларида ўт ҳайдовчи дори ўрнида қўлланилса, унинг қайласи ички ва ташки аъзоларда қон оқишини тўхтатувчи восита сифатида қўлланилган.*

*Зарари. Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллигида қон кетиш ҳолатларида мумкин эмас. Маккажўхори попуги кўнгилни айнитиб, беҳузур қилиши мумкин.*

### *Moш*

*Мизожи. Намлиги ва қуруқлиги мўътадиि.*

*Таъсири. Мош ҳарорати юқори бўлган иқлимда баҳор ҳамда ёз фаслларида фойдали ҳисобланаб, уни истеъмол қилиши учун энг яхши фасл ёз. Мошини асаб оғриқларида узум шарбати билан қўшиб ичилса, фойдали бўлиб, унинг қайласини узалиши ва ээзлишиларда ҳам қўйиб боғланади. Бодом ёги билан қайнатилса, яхши хилт пайдо қиласади. Мошнинг, айниқса, пўсти ажратилганининг қаймуси яхшиидир. Қайнатиб сувини тўкиб ташлаб, сўнгра яна қайнатилса, ични боғлайди.*

*Мош латиф ва хушхўр таъмлилиги билан ёқимли, жуда тўйимли бўлиб, покиза қон таркиб топшишига ердам беради.*

*Мош асабларни мустаҳкамлайди, кўзининг кўриши қувватини ошириб, совуқ ва иссиқдан бўлган бош оғриқлариға фойдали, буйрак касалликларига ижсобий таъсир кўрсатади.*

*Мошли таомлар танани мустаҳкамлайди, юқумли хасталикларга нисбатан аъзоларнинг бардошини оширади.*

*Илмий тиббиётда баъзи парҳез таомлар таркибига киритилиб, у, асосан, ўсмир танасига озукавийлиги билан фойдали ҳисобланади.*

*Зарари. Мош совуқ мизожли ҳамда кекса кишиларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боисдан совуқ мизожли кишилар мошли таомларни зира, қизил ва қора мурч, қалампир ва ҳардат каби зираворлар билан бирга тановул қитишилари лозим. Мош ҳазми қийин ва баъзида қарама-қарши мизожли аъзоларда нохуи ҳолатлар келтириб чиқаради.*

*Мош жинсий қувватга зарар етказади.*

### *Нўҳат*

*Мизожи. Оқ нўҳат биринчи даражада иссиқ ва қуруқ. Қора нўҳат кучлироқдир.*

**Таъсири.** Иккови ҳам дами қилувчи ва юмшатувчидир. Бунда парчалаш хусусияти ҳам бор. Бунинг озиқлиги боқиладан кучлироқ ва гавдага жуда ўзлашувчидир. Ўзига ўхшаганлар ичидан ўткани бундан озиқлантирадигани йўқ. Ҳўл қуругига қараганда ортиқча хилтни кўпроқ түгдирувчандир.

**Нўҳат қайнатиган** сув истисқо ва сариқ касалига фойдалидир.

**Нўҳат.** айниқса, унинг қора ёввойи ясмиқсимоъхили таюқ ва жигар тиқиғматарини очади, нўҳатни таомининг аввали ва охирида эмас, ўртасида ейши керак.

**Нўҳат** ёғи темираткини йўқотишида, уни эса ёмон хилт яраларга, саратон яратарига ва қичимага ишилатлади. Нўҳатнинг ивтиғиган суви тиши оғригига ва мизқдаги иссиқ ва қаттиқ шишиларга, қолаверса, қулоқлар остидаги шишиларга ҳам фойда қиласди.

**Хатқ** табобати амалиётида нўҳат ўти, шунингдек, ургулири асосида тайёрланадиган қайнатма сийдик ҳайдовчи ва сийдик йўлларидағи мавжуд бўлган тошлирни эритиб, уларни танадан тушириб юборади. Бундан ташқари, унинг қиздирриб додглаш билан чипқон ва хуппозларни пишириб етилтиради.

**Нўҳат** мойи гармонсифат хусусиятлари билан ажратиб турди ва у қувватбахшиги, тўйимлилиги билан гўштга яқин турди.

Кўк нўҳат ёғ, углевод ва оқсилларга бой бўлиб, у ўз таркибida ҳар хил дармондорилар ва катиций тузларини сақлайди. Шунингдек, кўк нўҳатда биологик фаол мoddалар бўлиб, улар ўз навбатида одам танасида мoddа алмашинувида катта аҳамият касб этади.

**Зарари.** Иссиқ мизожсти кишиларга тавсия қилинмайди. Ошқозон-ичак ўткир яллигланishi касалликларида ва сифровий касалликларда мумкин эмас.

### Седана

**Мизожи.** Седана мизожи иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ. Седана ёгининг мизожи учинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

**Таъсири.** Седана кераксиз рутубатларни иситувчи ва қуритувчи бўлиб, пиширувчи ва уларни ташқарига ҳайдайтига тайёрловчидир.

*Шунингдек, ички аъзолар ахлатини ташқарига тортиб олуучи ва баданин поклювчи дир. Агар буни ейилса ва сафсаргул ёги билан қориб, аёллар тагдан күтаришса, қориндаги улик ҳомилани ва йўлдошини ташқарига чиқариб ташгайди.*

*Седана ейилса ёки қўйиб боғланса, совуқ мизожли йўталга ва йиринг қайт қилишига таскин бериб, кўкрак қафасининг ички аъзолари, яъни тик туриб нафас олиши дарди, сариқ сув, сариқ касаллиги, юракнинг беҳузур бўлиши ва талоқ хасталиклари ҳамда бодли қуланжга даво бўлади. Ҳар куни наҳорга оч қоринга давомли еб турисла, пешоб, ҳайз ва сутни равон келтиради, агар ёг билан ейилса, ранг-рўйни очиб юзни мусаффо қилиади. Уни сиркага қўшиб ейилса, меъдадаги барча турдаги қуртларни ташқарига чиқишини таъминлагайди. Унинг 4,5-10,5 граммини штиқ сув билан ейилса, қора қурт заҳри ва қўтирган им қопганига қарши тарёк бўлади. Шу миқдордагисини сиканжабин (сирка, асал) билан истеъмол қилинса, узундан-узоқ давом этган иситма ва эски батгамили иситмага шифо багиштайди. Сув ва асал билан ейилса, тўгри нафас олишини даф этиб, қоражигар ва қовуқдаги тоштарни майдагиб тўкиб юборади.*

*Седанани туйиб, аччиқ тарвузнинг янги олинган сувига қориб, киндикнинг атрофига суртилса, кориндаги ошқовоқ уругига ўҳшаган қуртларни дарҳол чиқариб ташгайди, ҳўл дармана суви билан арагаштириб суртилса, қориннинг узун қуртлари (гижжсан) бадандан шиддат билан ҳайдайди*

*Седанани қизилгул ёгига арагаштирилиб суртилса, хоҳ ҳўл, хоҳ қуруқ бўлсин, қўтирни тузатишда шифо бўлади. Уни бир оз қовуриб, гулоб билан хамир қориб боғланса, оёқ кафтидаги савдоли жароҳатларни даф қилиади ҳамда бошдаги рутубатлари асалга ўҳшаган ярагарни ва боиқа совуқдан бўлган ҳўл ярагарни даволашда ёрдам беради. Седана туйиб тоз сафсаргулининг ёгига қориб, бурунга томизилса, агар кўз гавҳарига тушган сув дастлабки босқичда бўлса, даф этади, сурмага ўҳшатиб тақроран кўзга тортилса, кўз гавҳарини оқиб тушган сувдан тозалайди.*

*Унинг етти дона уругини аёл сутидаги бир соат ушлаб туриб, сариқ касаллиги бор кишининг кўзи саргайган бўлса, шу сутдан бурнига томизилса, бу иплатини таомонан даф этади.*

Седанани илитиб бошга боғланса, тумовни даф этади ва бошқа аъзоларга иссиқ белбог қилинса, бодларни таҳлил қиласди. Уни сувда қайнатиб ўша сувга сирка қўшиб аралашмада оғиз чайилса, совуқдан бўлган тиш оғригини босади. Уни туйиб бошнинг олди томонига боғланса, эски шамоллашини тўхтатади ва сабаби совуқдан бўлган бош оғригини тўхтатади ва бурун тешигидаги тиқилмаларни очади.

Агар унинг түйилганини узум сиркаси билан хамир қориб боғланса, сўғаллар, теридаги холлар, пес, майда тошина ва сувли чақалар, шунингдек, тери пўстининг додларини бартарап қиласди, қаттиқ шиши, чипқон ва холли яраларга хамир қилиб боғланса танадан изини ҳам қолдирмай даф этади. Асал ва ёғ аралаштириб қовуқ устидан боғланса, ҳайз келиш чогидаги бачадон оғригига даво бўлади.

Седана ёғини ейиш ва суртиши, фалајслик, юзниг бир томонга қийшайиб қолиши, аъзоларнинг чангак бўлиши, бўгинларнинг совуқдан бўлган дардлари, асаблардаги тиқилмаларни даф этиши, толиқиши, таносил аъзоларини ҳаракатга келтириши ва олат сустлиги, бел оғриги, ҳатто эркаклик қобилиятидан маҳрум бўлган кишиларга қайта гайрат багишлашида ажойиб даво бўлиб, тезда самара бе-рувчидир.

**Зарари** Лекин седанани ҳаддан ортиқ ейиш иссиқ мизожли одамларни томоқ оғригига гирифтор қиласди. Бунинг давоси сиркада ҳўллаб ейиш. Бир кунда седанадан бир марта ейиш миқдори совуқ мизожли кишилар учун 7 грамм, иссиқ мизожли кишиларга 1,75 грамм кифоя. Агар қора донасининг ёзи зайдун ёғида тайёрланган бўлса, эркаклик қобилиятини ўйқотган кишиларга бу ёғни суртиши ҳеч қандай фойда бермайди, аксинча, зиён бўлади. Седана ёгидан бир кунда бир марта ейиш миқдори 7 граммдан ошмаслиги керак.

### Кепак

**Мизожи.** Бугдой унининг кепаги мизожи иссиқликда бир оз бўгдой унидан иссиқ, аммо ундан курукроқ, хуллас, биринчи даражада иссиқ ва курук.

**Тасири.** Кетказувчи юашатувчи ва жуда тозаловчи, аммо ёввойи ясминчатик эниас. Ет ва шаштириди. Бугдой уши

кепагини сувда асан, шакар, ширин бодам ёги билан қайнаташиб, ўша сувни томчылаб тамизилса, күкрак ости аъзолари ва қоринни юашоқ қитади, йигигиган қонни қайт қитиш билан даф эттириб, хастатикдан турган камкүвват бенорларга озуқа бўлади. Иссик шишиларниг боштаниси, баҳандада тез тарқатадиган тошмасиар, ярага айланған қўтириб ва тери дөгларига кепакни жуда кучли сирка ёки асан билан ташириб бөгланса даво бўлади. Уни шаробда пишириб бөгланиса, сийна учидаги оғриқларга шифо бўлиб, сут қотиб қалишидан пайдо булиган шишиларни қўпитаради. Улар шишилни ва енли шишиларни қўпитаради.

Арпа уни кепагини сувда қайнаташиб, ўша сувни оз-оздан давомли қўйиб туршиса, қичима ва аллергияга даво бўлади. Ясмиқ унининг кепагини куйдириб, тутунни димокқа тортилса, ухлагандада жойиги сийиб қўйшига шифо бўлади, яна бит ва бургани ҳайдайди. Боқила унининг кепаги тутатилса, дарихт гуллари тўқилишининг олдини олади. Уни сув билан туғда қайнаташиб ёки қурук кепакни турт барги билан қўшиб қайнаташгани чаён чаққандаги оғриқни босиб, аъфо илони заҳрини тарқатади.

**Зарари.** Бугдой уни кепагидан нон пишириб ейшиса, қабзият ҳосил қитади. Меъдадаги ортиқча рутубатларни қуритади.

### Гуруч

**Мизожи.** Гуруч мизожи иссиқ бўлиб, бунда аччиқлик ва мози мазатик ҳам бор.

**Таъсири.** Гуруч ўз таркибида жуда кўп фойдали моддаларни сақлаши билан ажralиб туради. Гуруч оқсии юқори сифитги эга бўлиб, ўз таркибида аминокислоталарни сақлаши бишан ҳайвонот протеинларига яқин туради. Гуручли таомлар тез ҳазм бўлиб, танага осон сўритиш хусусиятига эга. Шунинг учун ҳам замонавий ва қадимиий табобатда ҳам парҳезбон овқатлар сирасига киради.

Гуручли қайнатма оиқозон хастатиклари учун шифоли омил ҳисобланниб, хастага оромли уйқу таъминлатибди. чанқоқни ўйқотиб, ички аъзолардаги тиқимлаларни очади ва бўгин оғриқларида фойда қитади. Инсонда сўмиришиги мойиллик уйготиб, буйрак ви қовуқ касалтикларига фойдали ҳисобланниб, одам чеҳрасини тиниклаштиради. Таом шакар

ва сут воситасида тайёрланадиган бўлса, унинг озуқалик қиймати янада ошади.

Энг ажойиби, замонавий медицинада ундан юқори сифатли ва доривор упа-кукунлари тайёрланади.

### Ерёнгоқ

**Мизожи.** Иссик ва қуруқ.

**Таъсири.** Ерёнгоқ магизлари ўз таркибида енгиз сингадиган оқсил ҳамда ҳаётбахши витаминалар сақлаганини туфайли, уни камкүвватлик ва дармонсизликда тоблаб истеъмол қилиш тавсия этилади. Ерёнгоқ жинсий ва бошиқа эндокрин безларининг фаолиятига ўйғуллашибирувчи сифатида таъсир қиласи, мушакларга қувват бахши этиб, асаб системасини мустаҳкамлайди.

Ерёнгоқ мойи фармацевтика-доришунослик амалиётидага учувчан суюқдорилар, жумладан, мингдевона суртниа дорисини тайёрлашда бодом ва кунгабоқар мойлари ўрнида ишлатилади.

Ерёнгоқ эмульсиялари меъда ва ичакдаги оғриқни қолдириши учун ҳам тинчлантирувчи дори: сифатида ишлатилади.

**Зарари.** Оғиз бўшлиги ва ошқозон ичак шиллиқ қаватига зарар қилиб, ҳар хил ярагар пайдо қиласи. Кон босимини ошириб, юракни бўшашибиради. Танадаги сафрони қўзгаб, аллергик тошмаларни юзага чиқаради. Иссиклиги ошиб кетган беморларга тавсия қилинмайди. Сурункали буйрак етишимовчилиги ва аллергияси бор bemorларга ерёнгоқ истеъмоли мумкин эмас.

## 14. МЕВАЛАР

Янги сабзавот ва мевалар ҳазми қулай ва соглом озуқа сифатида инсон учун етаришидир. Мева сабзавотлардаги сув, органик кислоталар, витаминалар ва микроэлементлар баданини тозалайди ва унга шифо бахши этади. Бу моддалар мева ва сабзавотлар янгилигида ейилганда фойдали бўлади. Сабзавот ва мевалар пиширилганда ўз суви, органик кислоталари ва протеинларида табиий таркибни ўқотиб, витаминаларидан маҳрум бўлади. Қисқаси, тирик мавжудот-

тэр жон беришади. Масалан, помидор ёки исмалоқнинг суви кигилигида ичилса, баданини оҳаклардан тозалайди, анемияни кетказади ва бадан қувватини оширади.

Помидор янгилигида ейилса, сукт юмишаши, ҳатто сараторнинг оғдини олади. Пиширилганида ичидаги оксалацид зарарли ҳолга келиб, тузланиш, томирларда торайиш, анемия, буйрак ва сафро тошини келиб чиқишига сабаб бўлади.

Куритилган сабзавот ва мевалар эса янгиллик хусусиятини йўқотмайди. Шу сабабдан куритилган меваларни қайнатиб, компот қилиш тўғри эмас. Бунинг ўрнига қуруқ мевани 4-7 соат сувга солиб, аввал сувини ичиш, кейин эса мевасини ейши фойдалидир.

Мева бутуилай таомдан айри ёки таомдан аввал ейшлиши керак. Шу билан бирга, таомдан кейин ейилган мева ҳазм бўлмасдан ачийди, спирт, сирка кислотаси, газ ишлаб чиқариб, турти касалликларга, ҳатто жигар циррозига сабаб бўлади.

Мева ва сабзавот пўсти олинмасдан, бир неча уруги билан ейшлиши керак. Тарвуз, лимон каби меваларни, оз бўлса ҳам, пўстлоги билан ейши фойдалидир. Ошқовоқ, картошка, бикримон, қизил лавлаги каби сабзавотлар печ ёки оловда пўстлоги билан пиширилади.

Қаттиқ мева ва сабзавотларни (олма, сабзи ва бошқаларни) янчганда пўстлоги билан бирга янчиши керак. Меваларга шакар, сут ёки туз қўшилмайди.

Бир неча тур мева бир пайтда ейилмайди. Фақат бир синфга кирувчи, масалан апельсин, лимон ёки олча, гилос кабилар бир пайтда ейшлиши мумкин.

Аммо бир синфдан бўлиб, ранги турли бўлса (масалан, қизил ва яшил олма) арагаши ейилмаслиги керак, аks ҳолда улар қоринда газ пайдо қиласади ва қоринни шиширади.

Икки турли мевани фақат 30 дақиқа ёки 1 соат танаффус билан ейши мумкин.

Пишиқчилик даврида ейилган мева ва сабзавотлар касалликларни кетказувчи хусусиятиларга эга бўлади. Бу мавсумдан бошқа пайтда ейилган мева ва сабзавотлар касаллик келтириб чиқариши мумкин.

Масалан, музлатгичда музлатилганидан кейин қовун, олма ёки нокнинг кимёвий таркиби ўзгариб, улар ачиб спирт, сирка

ёки ақетон ишлаб чиқаради, ҳазмнинг бузилишига, ичактарда ортиқча газлар кўпайтишига сабаб бўлади.

Энг фойдали мева ва сабзавотлар сизга энг яқин боғ ёки полиздан узилган, янги мева ва сабзавотлардир. Чунки бир муҳитда фойдали бўлган мева ёки сабзавот бошқа бир экологик муҳитда яшайдиган кишига кўзланган фойдани бермайди. Яъни экологик муҳит ва инсон бир бутун ҳисобланади.

Кимёвий моддалар билан қуритилган, мева ва озукаларда жонли қурт топиш мумкин эмас. Чунки дориланган меваларни ҳеч бир ҳашарот, қуш, пашиша емайди, ҳатто микроб ҳам тегина олмайди.

### Анжир

**Мизожи.** Қизил анжир бир оз иссиқ. Ҳўл анжирда сув моддаси кўп бўлиб, доритик таъсири оз. Пишимаган анжир тозаловчи бўлиб, бир оз совуқликка мойилдир, лекин сути ундаи эмас. Куруқ анжир эса биринчи даражада иссиқ ва шу даражанинг охирида латифдир. Анжир ярганинг шираси кучли қизитувчи ва тозаловчидир.

**Фойдаси.** Анжирнинг энг яхиси ва енгли оқи бўлиб, ундан кейин қизити ва қора ранглисидир. Тоза пишгани энг зарарсиз ва ёқинлидир. Анжирнинг хамини, шунингдек, баргини хол, сўгал ва шу каби дөсларга суртилади. Уни (пишгани) ейилса, касалликлар ва иссиқ бўши шишилар сабабли бузилган рангни тузатади, чипқонларни пиширади. Ҳўл ва қуруқ анжир тутқаноқ касалига фойда қиласди.

У жигар ва талоқдаги тиқишималарни очади. Анжирнинг шарбати сутни кўпайтиради, шунингдек, эски шароби эски ўтталларга ва кўкрак оғриқларига, ўтка ва унинг йўлларидағи шишиларга фойда қиласди.

Хам анжирни оловда пишириб бодганса, бўйин ва қўлтиққа чиқадиган ёмон яра – қулгунани (лимфа шиши) таҳтил қиласди, таранг тортилган асабларни юмшатади, сирка ва тузга арагаштириб бодганса, қутирган им қонганига даво бўлади.

Анжир сутининг ўзи ёки асалга арагаштиришиб, кўзга томизилса, кўз гавҳарининг ичига тушган сувни даф этиб, улга тушган ва хираташтирган парданни йўқ қиласди. Кўз қорачиги

дагалашган бўлса, ўз ҳолига келтиради, баргининг суви томизилса, кўз киприклардаги қичиштирадиган иллатларга шифо бўлади.

Пахтани анжир сувига ҳўялаб оғригангёки қурт еган тишнинг тагига босилса, оғриқ босилади.

Куритилгани иссиқ мизожсли моддалардан пайдо бўлган фагажлик иллатлари, бел оғриги, чакмезак (сийдик томчилаши) кабиларга даво бўлади.

Ибн Сино анжир мевасини ўйтал қолдирувчи, балгам кўчирувчи, овозни очувчи сифитида қўллаган. Анжир таркибидаги эфир ёғлари қонни ҳайдайди ва мия кислород билан осонроқ таъминлангани учун зеҳнни яхшилади.

Яна дармонсизтик, юрак беҳоллиги, кўкрак шамоллаши ва оғришида, бронхиал астма, ўйтал ва ангинади анжир ва унинг қоқисидан истеъмол қилиши фойдалидир. Куруқ анжир буйракни иссиқ қилиши боис эркаклар олатини ҳаракатга келтиради. Тоз анжирининг түйилганини жароҳатларга сепилса, уларни ширинглардан тозалайди, теридаги додларга қўйиб боғланса, уларни ўйқотиб, сурункали қонли ич кетишни тўхтатади.

Анжирни сувда қайнатиб, ўша билан гаргара қилинса, тил ости шишилари ва ўпка дардини, ҳуқна қилинса, ичакдаги дарларни бартараф этади.

Анжир барча меваларнинг фойдаларини ўзида мужассамлаштирган. Қоннинг қуюқлигини сақтайди, қуюқ қонни суюқлаштиради, балганини кетказади. Яратарни яхшилади, ичакларни очади ва бўшатади, барча касалликларга шифодир. Ҳар куни эрталаб узум сиркасида 8-10 соат турган 3 дона қуруқ анжир еган киши, иссиқлик билан боғлиқ касалликлардан омон бўлиб, сафродан зарар кўрмайди. Ҳар куни тоза зайдун ёғи ичада бир кечада турган 3 дона анжир еган киши жигар касаллигига учрамайди. Анжир жигар, талоқ, буйрак, қовуқдаги тиқитишларни очади. Ичакларни ишлатиб, бегона микробларни чиқариб юборади, согломларини жойлаштиради. Саратоннинг олдини олади.

Янги анжирни ювмасдан, пўсти билан ейши керак. Ювиш керак бўлса, ювилганидан кейин 3-4 соат кутшиш керакки, устидаги фойдали микроблар кўпайсан. Ҳафтада 1-3 кунни фақат анжир билан ўтказиш жуда фойдали.

**Зарари.** Агар уни бирор қуюлтирувчи нарса (масалан, гүшт) бишан ейшиса, зарари кантта бўлади. Анжирнинг ҳамма хиллари ҳам моддаларнинг меъда тарафига оқиб турганида ишилатиш учун мувофиқ эмас (масалан, ошқозон яра касалтигиде). Унинг қуруги шишиган жигар ва талоққа ширинлиги учунгина зарар қиласади. Яхши пишиган анжирни кўп ейши ични дам қиласади. Агар қуритилганидан кўп истеъмол қилинса, одамини чанқатади ви ёмон хилти моддаларни терига тоширади.

Агар ошқозон кучсиз бўлса, анжир шарбати ёмон хилт туддиривчиидир.

### Анор

**Мизожи.** Ширин анорнинг мизожи совуқ, биринчи даражада ҳам, иккинчи даражада ҳам ҳўл. Пўстининг мизожи совуқ ва қуруқ. Анча қабзиятли. Туруш-нордон анор мизожи иккинчи даражада совуқ ва қуруқ. Нордон-ширин анорнинг мизожи совуқ ва ҳўлликда ўртача.

**Тысири.** Анорнинг озиқлик жиҳати оз, лекин уни еган одамда соглем қон пайдо бўлади. Уни иссиқ мизожсли кишишлар esa, эрлик қувватини ошириди, бадан аъзалирни зарурти моддалардан тоғзатайди ва ҳар хил тиқитмаларни очиб, ични юмшатади, пешобни юргизади. Таомдан кейини ейшиса, ҳазми тезгаштириб, овқатнинг меъдадан чиқиб кетишини осонлаштиради. Шунингдек, жигарни тоғзаб, қувват багчилийди. Бундан ташқари, сарик сув, жигар сустлиги, сарик ҳасталиги, талоқ касалтилари, юрак ўйнаши, қўлрак қафаси тъзолари дарди ва иссиқдан бўлган йўтамга шифо бўлиб, кўтири ва қичимани даф этади.

Ширин анор сувини шишига солиб, бир неча кун қуёшга ташлаб қўйилса ва қуюлганидан кейин қўзга тортилса, равшанилиги ортади. Қанчатик кўп офтобда турса, кучи ҳам шунча ортади.

Нордон-ширин анор сафро қайназиши, қон босими кўтарилишини босишида ширинидан кучлироқ ва сафро мизожсли одамларга ширин анорга қараганди ёқимлироқ.

Анор гулининг қуругини туйиб сепилса, жароҳатларни бартараф этади, қорин пардаси йиртишиши, чурра ва кўричакка даво бўлади. Унинг ҳўл пўстини туйиб эзиб, қуёшда қуюлтирилса, анор пўстининг шарбати дейилади.

Үнинг етти дона ҳали очылмаган гүнчаси қўл теккизилмасдан ичга ютилса, шу одамнинг баданига бир йил давомида ҳеч қандай чиқиқ чиқмайди, кўз хасталиги яқинлашмайди.

Ҳарорати (иситмаси) кўтарилган киши бир оз вақт тамадди қилиб, кейин нордон ёки ширин анорни шимса, фойда багиштайди, агар овқатдан олдинроқ шимса, таъсири кучлироқ бўлади.

Ҳазм тизимидағи барча бузилишларни тузатади, қонни тозалайди. Юрак қувватсизлиги, ўтка касалликлари, ички яралар, нифос, сафро косаси (ўт туфаги) безовтаганиши, қусиши, геморроид, ҳуснбузар ва учукларда ишлатилади. Анор суви, асал аралашмаси ҳазмни қувватлантиради. Анор пўстининг яшили сийдикни кўпайтиради. Нордон анор яллигланишлар ва диабетга, ширини эса томоқ ва кўкрак касалликларига даво. Анор ҳарорат билан боғлиқ касалликларга шифо. Уруглари ва ичининг пўстлоқлари билан ейши ич қотишининг олдини олади, ошқозонни тозалайди. Мавсумида ичилган анор суви терини тозалайди ва тиниқлаштиради. Уругсиз анор ва тоза анор суви ични қотиради. Шунинг учун анор суви ичаётганданда кунига 1-2 марта узум ёки анжир ейши керак.

Анор пўсти ич кетишини кесишда ва гижжса туширишда дори сифатида ишлатилади.

**Зарари.** Ширин анор ҳаддан кўп ейилса, ҳазмни бузиб, ичакларни яллигланириб, ички деворларни ачитади.

Совуқ мизожли кишиларга зарарли бўлиб, жигарнинг қувватини сусайтиради ва эртик ҳафсаласини бўшашибтиради ҳамда меъданни заифлаштиради. Бодли бўлгани боис, терининг қатламларини дагаллаштиради. Нордони ангина ва томоқ яраларини кучайтиради. Ургини ейши бадҳазм, меъдада бод пайдо қиласди. Анор донасини ейши йўтати бор одамларга зарарлидир.

### Апельсин

**Мизожси.** Пўчоги ва гули иккинчи даражали қуруқ ва иссиқ. Эти ва шарбати иккинчи даражали иссиқ бўлиб, совуқлиги биринчи даражали қуруқдир.

**Хусусиятлари:** ширинтик билан қўшиб ейилганда, сафрони ҳайдайди. Кон хилтини тинчлантириб, қон ва сафро

## Маржон табиб битиклари

касалтиктарига фойда қылади. Иштаханни очиб, күнгүл айниши ва қайт қилишини тұхтатади. Ҳидлаш кайфияттунан яхшилайды ва тетиклаштыради. Қуритилған пүчогини кийимларга құйылғанда ҳашарот туымайди, ошқозонни құвватлантиради. Унинг истеъмоли бош мия тиқинларини очиб, ҳар қандай модда таъсир күрсатишыдан қатын назар, бош оғрикни тездә тұхтатади.

Хатқ табобатында апельсин мевасини ошқозон ичак нұғын жароҳаты ва яраси касалтиктарини даволашада, иштаха үйкегири ғана сиңілдіктердің қорындың қызынан шынында овқат қазм қышында жараенида тавсия этилған да ажойиб самара береб қелген. Шүнгідек, у ҳарорати юқори бұлған ұлаптарда чапқоқни қолдирувчи оміл бұлыб, мева ва шарбатларидаги шифобаҳаш моддалар анчагача ұз күчини сақтай олади.

Илмий медицина аматиёттің апельсин ташаны ташқы мұхиттің зарапты омілларидан сақташ қамда инфекциялар ва кучли микробларни қиругача оміл сифатында чидамини ошириши учун тавсия қылғанади. Оғиз бұшылғаннан ғалығанниши, лаб бичитиши, күз тиниши (бош айланиши), меъда ости бези ва жигар фаолияттунан яхшилашада самара береб қелген. Апельсин шарбати пелагра касалтигини даволашада қамда юрак-қон томирлары, гипертония, меъда ичак, юқумли сарық касалтиги, бронхиал астма хастатында фойдалы маңба қиссобланади.

Хам эти, ҳам пүстлоги араташын апельсин шарбати қазм қылған жараёнини яхшилаб, тери жароҳатланғанда қон кетишіні тұхтатыб, яратарни зарапты микроблардан сақтайтыди. Унинг дамламаси бачадондан қон кетишінде, ҳайз күп келгенде шифо бұлыб, шарбатидан ичилса, ҳеч қандай қабзият хавф солмайды. Апельсинлар иммунитетни оширади ва томирларни мустақамлайды.

Шуни алохуда таъкидлаш жоизки, апельсин кислотаси кучли микробларни қиругача оміл сифатында фойдаланыб келіпстан. Унинг мевапұстлоқлары күя капалактарининг ашаддий күшандасидір.

Агар темир моддасынан бой овқаттарни апельсин шарбати билан құшиб истеъмат қысанғыз, темирни үзтасытиши миқдори иккі бараварга ортади. Апельсин мевасидан нафақат табобат-

да, балки замонавий косметологияда ҳам кенг қўланиб келинмоқда.

Апельсин мевасини эзисб, озгина қаймоқ қўшинг-да, ҳосил бўлган бўтқани юз ва бўйнингизга суртинг ва ўн дақиқадан сўнг ювиб ташланг. Озиқлантирувчи бу ниқоб қуруқ юзли аёлларга ажойиб фойда беради.

Бу мева пўчоги таркибида организм тўқималарини янгиловчи, терини тинчлантириши ва яра-чақаларни битказиши хоссасига эга моддалар мавжуд.

**Зарари.** Асаб тармогиги зиён қиласди, кўп истеъмол қилиш жигарни кучсизлантиради. Оддини олиш учун асал ва шакар билан қўшиб истеъмол қилинади. Янги сиқиб олинган апельсин шарбати ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак касаллиги ва гастрит билан оғриган беморларга зиёни бор. Чунки органик ва ноорганик кислоталарга бой бўлиб, ошқозонда ачмилликни (кислотност) ошириб юбориши мумкин.

### Беҳи

**Мизожси.** Ширин беҳи иссиқ билан совукнинг ўртасида биринчи даражадаги ҳўл бўлади. Тахир беҳи биринчи даражали совук, иккинчи даражали қуруқ бўлади. Нордон беҳининг мизожси биринчи даражада совук ва иккинчи даражада қуруқ.

**Таъсирни.** Беҳи истеъмол қилиш инсоннинг руҳиятига яхши таъсир қилиб тетиклаштиради, бош оғригининг баъзи турларига фойда бўлиб, юрак, жигар ва ошқозонни қувватлайди. Беҳини ҳидлаши ҳам кайфиятни яхшилайди. Унинг шарбати меъданни кучайтиради, балгам қусишини ва қон туғлашни тўхтатади. Сиқиб олинган суви иситмани туширади.

Тахир беҳи иссиқ ошқозонга фойдали. У ширин беҳига қарраганда иссиқ мизожси меъдага қувват багишлатада анча кучли. Унинг шарбатини қуёшида қуялтириб ичилса, тўғри нафас шлати, яъни узала тушиб ётган ҳолда нафас ололмайдиган хасталикни, ҳаво етишимаслик, қон қусиши, қайт қилиши шлати, хумор, чанқоқни босиши, тез-тез пешобга чиқиши, қон кетиши касалликларига даво бўлади.

Илмий тиббиётда беҳи ургуидан тайёрланган қайнатма кўз оғриганди, қабзиятда, юқори нафас йўллари шамодла-

ганды даво бўлади. Беҳи меваси таркибида темир моддаси борлиги туфайли, уни камқонлик билан даволанишга муҳтоҷ беморларга тавсия этилади.

Халқ табобатида мевасининг қайнатмаси ва пиширилган меваси меъда-ичак хасталикларида овқат ҳазм бўлишини яхшилашда, жигар ва қон тупуришини даволашда ҳамда қусишга қарши таъсир қўтиувчи дори сифатида кўпланилади. Беҳи сувига асал қўшиб тановул этилса, сурункали жигар хасталигига даводир. У терни тўхтатади, нафас аъзолари учун фойдали бўлиб, қусишини қолдиради. Уруги томоқ қиришишида яхши наф келтиради. Беҳи таркибида темир моддаси кўп бўлгани учун темир танқистиги билан кечадиган, меъда шираси камайган, сурункали гастрите тавсия қилинади. Ибн Сино астма касалигини даволашда яхши самара беришини айтган.

Уругидан тайёрланган қайнатма ич кетишини, қон тупуриши ва бачадондан қон кетишини тўхтатиши учун ишлатилади. Беҳи ёғининг мизожи совуқ ва ҳўл. Қазгоққа қарши, чумоли чақиши ва оғиз бўштиги дардоларига даво бўлади. Эркаклар олати тешиги ва аёллар фаржига томизилса, пешоб йўллари заҳми, яъни сўзакка даво бўлади.

**Зарари.** Ширин беҳини пиширмай ейлса, баданди тиқитма ва тугунлар пайдо қиласди, унинг суви, айниқса, совуқ мизожли кишиларга зарарлидир. Шунинг учун беҳини буғлантиришган ёки қайнатма ҳолда ейши тавсия қилинади. Ичакка зиён қилиб бижгеси шайлоғи пайдо қиласди, йўтапни кучайтириб, тиқитмалар келтириб чиқаради, бадандаги заиф аъзоларга зиёни бор. Хусусан, ўтканни, яъни нафас йўлларини дагаллаштириб, қалтироқ, йўтал ва қуланж касалликларини келтириб чиқаради. Ширин-нордон беҳини ҳаддан ортиқ ейлса, меъдада ел пайдо қиласди. Беҳи устидаги тивитнинг ҳалқум ва овозга зарари бор.

### Дўлана

**Мизожи.** Биринчи даражада совуқ ва биринчи даражада қўруқ, бироқ айриш ҳакимларининг фикрича, шу даражада ҳўл.

**Таъсирни.** Буруштирувчиидир ва бу хусусияти жийданикидан кучлидир. Сафрони сўлдиради, бошқа меваларга қараганда суюқликларининг оқишини пасайтиради. Сурункали ич кетиши-

ни тұхтатади. (Сийдик тұтилишини тұгдирмайды). Унинг пишіган меваси озуқа бұлыб, қабзият пайдо қылады, яғни аъзоларға оқиб тушадиган зааралы моддаларнинг йүліни тұсады, тананы семиртириб, қон босиминшіг күтарылышини пасайтиради, қусишни тұхтатиб иссиқ меъда ва жигарни бақувват қылады. Дұлана сувини шакар билан араташтирилиб ичилса, иссиқдан бұлған бош оғригига шифо бұлади. Уни туйиб болганса, қаттық шишиларни юмшатади ва қызил тошмаларни үйкөтади. Ибн Сино унинг мевасини ични тұхтатиши, сафрони сұндиришда тавсия қылған.

Хажми майды қызил дұланаңынғ мизожи аслида қатта-катта, оқ-сариқ дұланаңапар мизожига яқин. Шифобахштык хусусияти бошқачароқ. Уни ейилса, қон қусиши, ичдан қон кетиши ҳамда қайт қылышини тұхтатади, белгін бақувват қилиб, фил оёғи дардини даф этади.

Илмий тиббиёттә дұланаңдан кең фойдаланылади. Жұмладан, унинг спиртли әрітмаси ва экстрактіні шифокорлар қон томири неврози, функционал хасталикларда, юрак фолиятінинг бузилиши, қон босимининг ортиши, юқумли қасалыларға чатынған беморлар юрагининг құвватсизланиши, танглай муртаклары яллигеланиши хисталиклари билан оғриған беморларға тавсия қылады Мияга қон қуйлғанда, атеросклероз, асаб хасталикleriда наф келтиради.

Дұлана мевасидан үй шароитида қайнатма тайёрлай үчүн 20 грамм дұлана мевасига 200 грамм қайноқ сув солиб, 15 дақықа қайнатилиб, чой үрніда ичилади.

**Зарари.** Дұлана күт ейилса, буйракка зарари бор, қуланж иплатини пайдо қылғиб, бошни оғритади. Энг ёмони, меъдага зарарлидір. Дисбактериоз қасалыги бор кишиларға тавсия қылған майды. Совуги ошғанларға, совуқ мизожиларға тұғри келмайды.

### Ёнгөк

**Мизожи.** Ёнгөк мевисининг мизожи ҳұллик пайтида, иссиқ ва қуруқлиги озроқ, қуригандан кейин иссиқ бұлыб, қуруқтығы ортади. Қуриган ёнгөк мазгининг мизожи иккінчи дара жасада иссиқ ва биринчи дара жасада қуруқдір.

**Таъсирі.** Ёнгөк жуда еңгіл озуқа бұлыб, ични юмшатади.

галиң ахлатни тағын қылады. Жинсий күвват багшалайды. Овқаттинге мөбдада туриб қолиши ва ҳазыр бүзүчтүшүн бар-тараф этиады.

*Юрак, мия, жигар, меъди буйракдан иборат асосий аъзоларнинг қувватини оширади.*

Еңгөкни пүчоги билди қовуриб, кейин магзи ейилса, союқ сабабли бұлған іштегін даво бұлади. Унинг жүл ва яңғы магзини майин әзіб болғанса, күч зарбидан терида пайдо бұлған дөгларни йүқтепади, агар баданга суртилса, сепкітінде үхшаган дөгларни дағ әтади ва юз мускуллари тортылышни бартарағ әтади.

Унинг магзини бир кечакундуз сиркага ивитиб, кейин ейилса, суст мөъдаларга дармон бўлади, агар асал билан мураббо қилиб ейилса, буйрак бақувват бўлади. Бақувват буйракда эса тош пайдо бўлмайди. Ёнгоқ мевасининг кўк пўстини теридағи додглар ва бошининг кепагига қарши суртилади, агар уни тишга шикжаланса, тиш ва тиши милкларини мустаҳкамлайди. Хўл томирининг пўстини ҳар беш кунда бир марта тишга суртилса, миянни бегона муддатардан тозалайди ва фаромушхотирликни даф қилиди.

*Зарари. Энгөк магзининг таркиби нозиктиги ва ёлилтиги туфайли тез бузилади, яъни аччиқ ва зарарли ҳолга келади. Уни кўп истеъмол қилинса, қориндаги гижжса қуртларини юқорига ҳайдайди ва ҳалқумдаги бодомча безларини шиширади. Иссик мизожли одамларнинг оғзида тошмалар пайдо қиласади. Агар магизнинг таъми аччиқ ва қўланса бўлса, уни емаслик зарур, сабаби у бу ҳолатда заҳарга айланади. Доимо ёнгөк магзини егандан сўнг, албатта, оғизни ювмоқ керак.*

Жийда

*Мизәжи. Биринчи даражасининг аввалида собук ва иккинчи даражасининг охирида қуруқ. Холида қуруқтук күпроқ.*

**Татьсири.** Ҳар қандай оқаётган нарасаны тұхтатади. Күши-  
нинг ички аязоларыға қойылғаётган сафрони ішкөтади. Мемдә  
ви башқа аязолардан бошгы чиқиб борған ёмон хилтлар тұфай-  
ты бошланған боли оғриққа ва иссықдан бұлған ыұтатға фой-  
дағы бұлыб қайт қызмет шлатыны үйкөтади. Унинг буришти-  
ришінде ва ичини қотиришида құсваты дұлданапикидан күпроқдир.

Сафродан бўлган ичак шитинишида фойда қиласди. Агар хам жийда ейлса, баданинг қайси жойида бўлмасин рутубатларнинг беўрин равон бўлиши ва ўч кетишини тўхтатади. Пешобнинг кўп келиши ва сийдик томчилашининг олдини олади, чақатоқтарга жийда тақонини едирши жуда фойдалари бўлиб, у болалар мизожига жуда ёқимли ҳисобланади.

**Зарари.** Буйрак ўткир ва сурункали касаллигининг қўзгалиш даврида мумкин эмас. Мизожи совуқ кишиларга кўп ейши тавсия қилинмайди.

### Чилонжийда

**Мизожи.** Янги пишганинг мизожи иссиқлигу совуқликда мўътадил, лекин ҳўлликка мойили бор. Абу Али ибн Сино биринчи даражада совуқ, қуруқтиқда мўътадил ва озроқ рутубати бор деганлар.

**Таъсири.** Унинг меваси бадандаги гатиз ахлатни пишириб, танадан даф бўлишига имкон яратади, қонни тозатаб бадан қизиши ва чанқогини босади. Кон босими кўтартишини пасайтириб, жигар, буйрак ва қовуқ дардини босади. Йўтал, нафас етишимаслиги ва кўкрак ости аъзолари дардларини даф этади.

Унинг янги узилгани ўткага фойдали, чала пишгани эса ични қотиради. Данаги билан чайнаб ейлса, ичаклар яллиганишига даво бўлади.

Абу Али ибн Сино мевасидан кўкрак оғриги, ўпка, буйрак ва сийдик туфаги касаликларини даволашда фойдаланган мевасидан тайёрланган дамламани йўтал, истма, чечак, камқонлик, ич кетишини қолдириш, оғриқни қолдирувчи ва кон босимиши пасайтирувчи восита сифатида тавсия қилинади. Жилонжийда дираҳтуни аррагаганда, чиққан қитиги боғланса, синган сүякларни пайвандлайди, бордию сүяқ силжигига бўлса, ўз ўрнига солади, истеъмол қилинса ичакнинг ички деворидаги яллиганиши, баданинг қичиши ва қўтирини даф қиласди.

**Зарари.** Совуқ мизожли меъда учун жишлоижийда оғиртик қилиб, кеч ҳазм бўлади ва оғир ел ҳосил қиласди. Шунингдек, уни кўп ейши мияни сусайтириб, жинсий қувватни пасайтиради. Ҳўл баргини чайнаса, тилни караҳт ва беҳуш қиласди.

### Лимон

**Мизожи.** Иккинчи даражада совуқ ва биринчи даражада құруқ. Баъзилар ҳұғы дейшишган. Лимон шарбатининг мизожи биринчи даражада совуқ ва ҳұлпиги құруқтыкда мұттаадил.

Асали шарбатининг мизожи құруқтыкка мойшіроқ. Лекит баъзилар иккитичи даражада совуқ ва биринчи даражада ҳұғы дейділар. Ургунининг мизожи иккитичи даражада иссиқ, ва биринчи даража охирда құруқ.

**Таъсири.** Халқ табобатида меваси қоң босими күтариғанда уни пасайтирувчи восита ҳамда сарық, истисқо, сийдик үйләридеги тош. Бавосир, үпка сили, бод касалтикларида құлланса, штимий тұббиёттә унинг мевасидан ҳар хил дармондоршылар етшиимаслиги сабаблы келиб чиқадиган касалтикларни даволашыда фойдаланылади. Лимон ва унинг шарбати меъда касалтиклари, танада минерал түзлар алмашынуви бузилғанды, қуюқ шарбати ангинә, фарингит, беззак билап оғриған беморлар иситмасини туширишида фойдаланылади.

Лимонни тичоқ биchan кесиб, ўша кесилған томонни оловда тоблагаб пешона чаккаларига қайта-қайта суртиса, сабаби иссиқтік бұлған бош оғриғини қолдиради.

Агар кесилған лимонни териге шиқаланса, аллергик тошмалар ва пүстидеги сувли ширинча ва терининг қуришига шиғро бұлғади. Агар ўша пүстини юзға суртиса, уни тозалайды ва рухсорни очади. Сафроли хастатикларни даф этишида лимон ва унинг шарбати анчайин самарағандыр. Ибн Синонинг айткышыча, лимоннинг сиқиб отинган суви хафақотни босади, ұатқум ва үпкаги малхам бұлғади. Япроги меъда ва ичак аъзоларини күчли қылади. Қобиги доривор сифатида оқшатға солинса, ҳазыға ёрдаи беради. Қайнатмаси қусишни тұхтатади. Қуюқ шираси, яныни сиқиб отинган сувининг қулоғтирилгани меъданни тоза қылади, шиттағаны очади ва сафро қусишни тұхтатади.

Құритылғанига ўша вазнда шакар аралаштиришиб ейниса, бошга чиққан ҳовурлар, танадаги тиқшімалар ва түгүншіарни очишида энг яхши даводир. Агар унға туз сепиб ейниса, меъдага куч бағылалайды, оғиз ҳидини ва кекиришдеги бағбүйлікни үйкөтади. Унинг барғини озроқ аччиқ қалампир ёки долчин билап әзіб суртиса, бош оғриғини даф қылади. Ширин ли-

мон нордонига қараганда шифобахшликда бир оз сустроқ, аммо асабга зарари йўқ.

1-3 дона лимон суви сиқилиб, сув билан аралаштирилиб ҳар куни оч қоринга ичилса, шифо бўлади. Кондаги РН мувозанатини таъминлайди, аллергия, экзема ва замбуруққа қарши фойдади. Ҳароратни ва қанд моддасини туширади. Ялигланышни қуритади, балганин юмшатиб, ўпкалардан ҳайдайди, семиртиради ва ҳазмни осонлаштиради.

Лимон танадаги оҳакни эритади, сийдикни кўпайтиради, қовуқ ва буйрак тошларини парчалаб, туширади Терига сурилса, терини гўзаллаштиради, ҳуснбузарларни йўқотади. Суви бош оғригига, томоқ инфекцияларига ва ангине шишига фойда беради. Кусишининг олдини олади, ич кетишини тўхтатади. Совуқ сув билан ичилганида терглатади.

Лимон пўстини чайнаш милк қонашини, ургеларини чайнаш ич қотишининг ва геморроининг олдини олади, 2-3 грамм қуритилиб, майдаланган лимон уруги ёки пўсти инфекция ва ҳар қандай заҳар таъсирини камайтиради.

Илон чаққан пайт лимон сувини пўсти суви билан аралаштириб ичиш ва чаққан жойга лимон пўсти кўйиш фойда беради. 2-3 кун давомида кунига 2-3 марта ажмаштириб, терининг қаварган жойларига лимон пўсти кўйиш қавариқларни кетказади.

Лимонни шакар билан ейиш зарарни, қон кислотасини кўтарилиб, оҳак тўпланишига, аллергия ва замбуруққа сабаб бўлади. Сиқилган лимон суви нордон эмас, нордон-ширин бўлади.

Юнг материаллар орасига лимон пўсти кўйиш куяларнинг кўпайшининг олдини олади.

Лимон суви 15-30 дақиқадан кейин шифо хусусиятини ўйқотишни бошлайди.

**Зарари.** Лимон истеъмоли ички асаблар ва совуқ мизожли йўтали бор кишиларга зарар қиласади. Агар меъда бўшаган пайтда ейилса, ичакларни заифлаштиради ва ушибу аъзоларда оғриқ пайдо қиласади. Лимоннинг узлуксиз истеъмоли уйқуни қочиради.

### Майиз

**Мизожи.** Майизнинг мизожи узумнинг қайси навидан қуритилганига қараб, турлича бўлади. Масалан: оқ узумдан

тәйёрланған бұлса, мизожининг иссиқлиги қора узумникуға қараганда озроқ бўлиб, ширинида иссиқлик кўпроқ.

Камгўшт, серуруг қуруқ майиз мизожи қуруқтикка мойшроқ бўлади. Уругининг мизожи биринчи даражада совуқ ва иккинчи даражада қуруқ. Узум уругининг мизожи биринчи даражада совуқ ва иккинчи даражада қуруқ. Агар уни еса ични қотиради, ҳўл мизож меъда ва ичакларги куч багишлайди.

**Татсири.** Майиз истеъмоли қулоқ хилти пишириб, ташадан даф этишига тайёрлайди, бадандаги қаттиқ нарсаларни юмишатиб, меъда ва ичакларни бегона моддалардан тозалайди. Нафас йўллари учун ёқимли ва мувофиқ бўлиб, жигаргага қуввати багишлайди ҳамда совуқ мизожи кишишарда жинсий қувватни ҳаракатга келтирди. Майизни мурч ва тарик уни билан қовуриб, асалга қориб ейшиша, шишмешиқ балганини оғиз орқали бадандан ташқарига чиқариб ташшлайди. Уни мал ёғи билан тушиб, байдана боғланса, ҳар қандай газакли ишишарни қайтиради, чипқон ва тошмаларни ёради, бежо бўлган тирноқларни туширади.

Түйилгун майизни спирт билан қорасон, ширингли кўриниши асалга ўхшаган ярага, чечакка, бўғинлар иллатлари, бадан қайнамалари, сиратон шишшарига боғланса, шифо бўлиб, унинг боқшия уни ва зира билан тушиб, қўшиб боғланса, турмуқлар шишини бартараф қиласди. Майизни арпабодиён билан то эзилиб пишигунча қайнатиб, кейин тозалаб олиниб, ширин бодом ёғи билан қўшиб ейшиша, совуқдан бўлган ҳўл йўталаға даво бўлади. Агар майизни "мол тили" – сивзабоннинг гути ва кўк хурмо билан ейшиша, юрак уйнашини даф қиласди, сирка билан давомти истеъмол қилинса, сарик хисталигида даво бўлади. Агар майизни бир кеча-кундуз узум сиркасига ивитиб қўшиб, кейин наҳорда оч қоринга ейшиша, талоқ шишини уругининг ўрнига ҳар битта майиз ичига бир донадан мурчни жойлаштириб, уни давомти тарзди ейшини одат қисса, буйрак совуқтиги ва чакмезакка даво бўлади, буйрак ва қовуқ тошлигини майдалаб тўкиб юборади.

Кишишини узумниң энг яхшиси қўкимтири сарик ранглиси бўлиб, қора ранглиси сифат жиҳатидан паст бўлади.

Кишишини майизи нозик бўлиб, озуқалик жиҳати юқори, унинг истеъмоли жинсий қувват бахш этади. Бир кеча-кундуз кишишини майизи ивитеилган ёки қайнатилган сувда оққандни

қиём қилиб ейилса, огур иўталга даво бўлиб, кўкрак ости аъзоларини бегона ва гализ моддалардан тозалайди ҳамда овозни майинлаштиради. Агар уни заъфарон ёки товуқ тұхмининг сариги билан туйиб боғланса, яраларни юшишатади. Агар кишиши шалоғи билан туйиб бошга суртилса, қалтироқ дардига шифо бўлади.

**Зарари.** Шираси оз ва эти кам майиз ични қотиради ва қонни куйдиради. Иссик мизожли кишилар учун майизни кўп истеъмол қилиши зарар қиласди. Ҳар қандай мизожли киши учун ҳам кўп тановул қиласа, буйракка зиёни бор, зарарини кетказмоқ учун жилонжийда ейиш керак. Бир кунда майиздан бир марта ейиш миқдори 100 грамм. Майизнинг ўрнига кишишиш истеъмол қилинса ҳам, шу натижани беради.

### *Мандарин*

**Мизожи.** Совуқ ҳўл.

**Таъсири.** Мандарин мевалари асосан сархизлигига истеъмол қилиниб, унинг хушхўр суви ёпилиб қолган иштаҳани очишида ажойиб восита ҳисобланаб, овқат ҳазм бўлишини осонлаштиради, танани юқумли касалликларга нисбатан бардошлигини оширади.

Халқ табобатида мандарин пўчоқлари асосида тайёрланадиган дамлами овқат ҳазмини уйғулаштирувчи, шунингдек, ўпка хасталикларига даво сифатида тавсия қилинади.

Илмий тиббиётда мандарин танада модда атмасинуви ни яхшилаш мақсадиди, тўқималариниң нафас олиши, ўсиши ва қайта тикланишида ҳамда қон ҳосил бўлишида ижобий таъсир қуловчи, кўриш қобилятини яхшишайдиган неъмат сифатида тавсия қилинади.

Мандарин бўгма, шамоллаш, ўткир бод касаллиги, иўтал, тумов, гринт, ич терлами ва яна бир қанча касалликларни даволашда фойдали деб тан олинган.

**Зарари.** Аллергияси бор кишиларга тавсия қилинмайди.

### *Маймунжон*

**Мизожи.** У совуқ ва қуруқ. Меваси етиштирувчи бўлиб, бир оз иссиқдир.

**Таъсири.** Ҳамма қисмлари буриштирувчи ва куритувчиидир.

Илдизида латифлик бор, шунинг учун ҳам сийдик йўлидаги тошларни майдалайди. Барги ва пишиган мевалари чайнасан, милкни мустаҳкамлайди ва оғиз чақатанишини даволайди. Барглари бошдаги яраларни кетказиб, кўзниг ўқрайшишини тузатади.

Унинг шохлари барги билан қўшиб қайнатишган суви сочни бўйяди. Бошдаги яраларга фойда қизлади ва яраларни биректиради. Унинг бўлаклари қон туфлашини тўхтатади.

**Зарари.** Маймунижон мевасини кўп ейши бошни оғритади.

### Нок

**Мизожси.** Биринчи даражада совуқ ва иккинчи даражада қуруқ Таъсири. Нок турларининг ҳаммаси буриштирувчи бўлиб, ёмон хилтларни тўхтатувчи, мияни намлик билан таъминлайди, тумов ва шамоллашларни бартараф қиласади. Нок, айниқса, ёввойисининг қуритилгани жароҳатларни битиради. Меъданни оиласаб тозалайди, ташнатикини кесиб сафрони тўхтатади, унинг қуялтиришган суви сафровий ич кетишиларга фойдали. Нокнинг хилти олма хилтидан кўра кўпроқ ва яхшиидир. Пишиган ва ширин нокнинг деярли зарари ўйқ. У қўзиқорин заҳрини даф этувчи ҳисобланаб, у билан бирга қосурилса, заҳарлигини бартараф этади.

Гули истеъмол қитинса, хушнудлик бағишилайди, юракни бақувват қиласади, агар туйиб бөгланса, кўз шишларини қайтаради.

Нок магзининг 9 грамми туйиб ейилса, меъдадаги гижжаларни ўлдириб ҳайдайди. 17,5 грамм барги ейилса, ич кетишини тўхтатади.

Туруш нок чинни нок ҳам дейилади. Унинг мизожси биринчи даражада совуқ ва иккинчи даражада қуруқ. Унинг етилиб пишигани меъда ва жигарга куч бағишилайди, таомга ишитиёқ тугдирлиб, шитаҳани очади, қон босими ва сафронинг багандигини пасайтиради, шунингдек, ана шу мoddаларининг бадандада қайнанишини туширади. Чанқоқни ва қайт қилишини босади.

Сувсиз ва дашт-саҳроларда ўсадиган нок дарахти майда, шунингдек, меваси ҳам кичикроқ бўлади. Унинг мизожси иккинчи даражада совуқ ва учинчи даражада қуруқ. Унинг қуритилганининг талқони ейилса, ич кетишини тўхтатади.

*Агар гарди сепилса, жароҳатларни битказиб, ўрнига янги эт пайдо қиласди. Нокнинг бу нави қўзиқорин заҳрига тарёк бўлади, унинг новдасини куйдирив, кули ейитса, томоқ оғриги кучайиб, йиринглаган бўлса ҳам даво бўлади.*

*Халқ табобатида нок қоқиларининг қайнатмаси чанқоқни, йўтални, дизентерияни қолдиришида фойдаланилса, нок шарбати ва ундан тайёрланган дамламасидан сийдик йўлидаги тошларни ҳайдовчи восита сифатида фойдаланилади. Абу Али ибн Сино нокни меъда мушакларини мустаҳкамлаш, қоқисини яра ва жароҳатларга боғлашни тавсия қилган.*

*Кучли антибиотикларни сурувчи хусусиятидан ташқари, буйрак касаликларида қўлланилади. Ич қотишига фойда, ошқозонга қувват, юракка роҳат берив, юрак тез уришини кетказади, қонни тозалайди, бурун оқишини тўхматади, сўлак безларининг нормал ишлашини таъминлайди.*

*Ёввойи нок бөг нокидан ҳам таъсири бўлади.*

*Зарари. Нок ични қотиради. Пишшиб етилмагани қуланж касалини келтириб чиқаради. Нок қоқиси ични қотиради. Пишган нок меъдаси заиф ва мизожи совуқ одамларга зиён қиласди. Уни ортиқча ейши бод (е.) ҳосил қиласди. Магзи юракни беҳузур қиласди.*

*Нокни егандан кейин совуқ сув ичши ва уни гўшт билан ис-теъмол қитиши асл то мумкин эмас.*

*Туруш нокини ейши кексалар ва қуланж касалига мойиллар ҳамда совуқ мизожсли кишишларда йўғон ичак дарди ҳисобланмиши қуланж касалини келтириб чиқаради.*

### *Олма*

*Мизожи. Пишган олма, сувли бўлгани сабабли, совуқ ва ҳўлдир. Олмада ҳўллик ва совуқлик кўпдир. Аммо ширин олма мизожи биринчи даражада иссиқ ва иккинчидаги ҳўл.*

*Туруш-пордон олма мизожи иккинчи даражса авватида иссиқлигу, совуқликда мўътадил ва биринчи даражада қўруқ, барги ва мевасининг тарёклик қуввати бор.*

Сафро мизож ёштар ҳамда мизожи иссиқ одамлар, ички аззолари, жумладан, қорни носоғлом, жигары ва ўт қопи сүст, орқа тешигида иллати ва бавосири бор кишилар, вужудида қон күп ва тамирлари тор одамларга ҳаво жуда иссиқ ва совук пайтларда, шунингдек, меъдада овқат бор пайтларда ҳам алоэни истеъмол қилиши тавсия қитинмайди.

Бигимасдан ёки эътибор бермай түк қоринга алоң ейилса, овқатга аралашыб одамни лоҳас қилиши, ахволини огурлаштириши мүмкін.

Арча

*Мизожи. Иссик ва құрұқтыққа мойынрок; бұжури эса би-  
ринчи даражада иссиқ ва иккінчи даражада құрұқ.*

*Таъсири. Қиздирувчи, юмшатувчи ва ел ҳайдовчи. Тозалайди ва танадаги тиқитмаларни очади. Ичилса меъда бодини ҳайдайди, истисекода шифо багишилайди. Ҳайз қони ва сийдикни ҳайдайди, бачадон бўғилишига ва унинг оғриқларига, туттилиб қолган ҳайз қонларига яхши таъсир қиласиди. Шунингдек, қориндаги ўлик ҳомилани туширади. Газандалар чақишидан келгандарни қайтаради. Кўкрак оғриқлари ва йўталга яхши фойда. Агар арчанинг ҳўл баргини туйиб боғланса, миядаги иссиқ шишни (минингит) деб аталаувчи мия пардаси иллатларини даф этса, унинг уруги фалаж, баданнинг бирор аъзосининг постованлашиши, қулоқ карлиги, тиш-милк яраси ва заҳмлари, нафас қисиши, сариқ*

сүб хасталыги, бавосир ва бадан терисидаги дөгләрни даф этишда ишлатылади.

Мөвасини түйиб, жароҳатларга сепилса, уларнинг оғзини очади. Шунингдек, ҳидланган яраларни ҳам тузатади.

Арча баргининг құрытиб майдалангани овқатларга хуштаъм берувчи зировири сифатида фойдаланылади.

Зарари. Сафроли ва ички қон кетишларда ҳамда ошиқозон яраси құзғалтган пайттарда зарарлы ҳисобланади.

### Атиргұл (қызылгүл)

Мизожи. Қызылгүл мизожи мураккаб-ул-құвват. Бир гүрух табиблар унинг мизожини биринчи дәражада совуқ ва иккінчи дәражада құруқ дейишиса-да, құпчылук унинг мизожини иссиқ ва ҳұл деб билади. Ҳатто иссиғу совуқда мұтадил деб билғанлар ҳам бор. Агар уни құрытилса, қабзиятпик хусусияти ошади, бирок тахирлиги камайған бўлади. Қызылгүл ёгинине мизожи мураккаб-ул-құвват.

Суви – ғулоби мизожи ҳам мураккаб-ул-құвват бўлиб, баъзи табиблар унинг совуқтік ва қуруқтасыни күп деб билғанлар.

Унинг умумий хислатлари. Бадандаги құевватларни оширувчи ва хұрсандыштік баҳи этувчи, қулоқтасынан моддаларни суюлтирувчи, баданин ортиқча зарарғи моддалардан тозаловчи ҳамда ични ва суюқ сафро ва бағамни тартибга келтирүвчи. Қабзият ҳосил қытувчи, айниқса, құруқ гүнчалари кучли бўлиб, қабзият келтирүвчи ҳисобланади.

Таъсири. Унинг ғул баргларидан ейилса, юрак, ўпка, жигар, меъда, буйрак ва ичаклар, қовуқ бачадон ва орқа тешикни кучли қылаоди ҳамда қон қусишини тұхтатади. Агар суви ичитса, сабаби иссиқтік бўяған юрак ўйнаши ва ҳүндап кетиш дардларига даво бўлади.

Унинг 70 грамм ғулбареги түйиб ейилса, ични келтиради, қуругини сувда қайнатыб, күзга томизилса, күз-киприклар дағаллигини бартираф этади. Қызылгүлни ҳидлаш мияга куч багишлайди.

Барглары түйиб боғланыса, қорин пардаларининг шишини тағтил қитади, меъданышын ортиқча рутубатларши куритиб,

мөддага қувват багишилайды. Унинг янги узилган ҳўл барглари туйиб боғланса, орқа тешик шишини таҳтил қиласди.

Агар унинг гули қуругини туйиб, аёллар андомига септила, бачадондан сув кетишни тўхтатади ва унинг бадбўйини йўқ қиласиб, хушибўйлик ато этади ҳамда бу аъзони торайтиради. Бундан ташқари, гулининг қуругини туйиб септила, ҳар хил тошмаларни йўқ қиласиб, терининг қичишига шифо бўлади, чуқур ярагарда гўшт пайдо қиласди, иссиқ шишиларни кетказади ҳамда синган аъзоларни бир-бирига улади. Агар буни ҳаммамда лозим бўлган жойга суртилса, тернинг ёмон ҳидини бартараф этади.

Унинг янгисини ҳўллигича туйиб боғланса, баданга кирган тикан ва ўқни ташқарига тортади.

Қизшігул ёгининг ёлгиз ўзини ёки сирка ва гулобга аратишириб, оз-оздан бошга давомли қўйилса, бош оғригига шифо бўлиб, мияни кучли қиласди, уйқусизлик дардини даф этиб, бош мия пардаси ва миянинг шишини таҳтил қиласди.

Ушбу ёгни илиқ ҳолда қулоққа томизилса, унинг дардига таскин бераб. бош оғригини тўхтатади ва ҳар икки аъзодаги қуруклик иллатига барҳам беради, бош магзи пардасининг шиши ва миянинг ичига фойда қиласди. Агар уни оғизда олиб лунжда айлантирилса, тиши оғригини даф этиб, ножсоз нарса ейши ёки ичиши орқали оғизда қолган куйшиши ва ловулашга барҳам беради.

Агар буни ичилса, бадандан зарарли моддаларни ич кетиши билан ҳайдайди. Сафроли ич кетишни тўхтатиб, меъданинг қизишини пасайтиради ва ичаклар жароҳати ҳамда ички деворлар яллигланишига шифо бўлади. Бу ёгни чуқур ярагарга суртиши уларда гўшт ҳосил қиласди, заҳм ва жароҳатлар рутубатини қуритиб, ёмон ва хавфли моддаларни даф этади, жароҳатлар моддасини тўхтатади ва шифо багишилайди.

Агар буни товуқ тухумининг оқига аралаштирилиб суртилса, оловда куйган, оҳакдан пайдо бўлган жароҳатлар ва бигимасдан маргумиши еб қушиши натижасидаги заҳаринишларга фойда беради, кўз шишини қайтаради ва иссиқдан бўлгун терисидаи барчи жароҳат ва тошмаларга ажойиб маъхам бўлади. Агар шу ёғ билан ҳуқна қиласи, ичаклар жароҳати, уларнинг ички

декорининг шилиншии ва зарарганиши. зарарни таомлар ейши оқибатида ҳосил бўлган оғрикларга шифо бўлади.

Қизилгул сувини ярим иссиқ ҳолида ичилса, иссиқдан бўлган шамоллашда, қон қусиши, кўкрак ичи аъзолари даваллиги, юрак уйнаши каби дардоларга шифо бўлади. Бадани мустаҳкамлаб, хоҳ иссиқ, хоҳ совуқдан бўлсин, меъда, ичак, жигар ва талоқ дардларига шифо бўлади. Буни хоҳ ҳидланисин, хоҳ суртилсин, совуқдан юз берган бош оғриги ва кўз касалликларига шифо багишлайди. Агар буни шишағи қўйиб, вақти-вақти билан чайқатиб, оғзидан ҳидлаб турғиса, мия ва ички хиссиеётларга куч багишлайди, кўнгизни чог қилиб, юракка кувват беради, хуморни ёйиб, беҳушилик ва юрак ўйногини кетказади.

**Зарари.** Қизилгулни ҳидлаш мияси суст кишиларни тумов ва шамоллашга гирифтор этади. Иссиқ мизожли кишиларга зарар қўтиганди камфора истеъмол қитса, зиёнини ислоҳ қиласди. Қизилгул ёгидан бир кунда бир марта ичши миқдори 25 граммдан ошмаслиги лозим. Айрим ҳолларда қизилгул баргларини ейши жинсий қувватга зарир қилиб, ташиналик келтириб чиқаради. Бунинг зарарига арпабодиён лозим.

Бир кунда янги ҳўй баргларидан бир марта ейши миқдори 35 грамм, қўртилганидан 14 грамм, сувидан 28 граммгача истеъмол қишинади. Қизилгул гулоби тумови бор одамларга зарар қиласди, ҳатто эски тумовларни ҳам ҳаракатга келтиради. Шунингдек, пуштикамар-жинсий қувватга ҳам зиёни бўлиб, сочни тез оқартиради. Ана шу зарарларга қарши новвот ейши ёки новвот билан бирга истеъмол қитиш энг яхши тарёк бўлади.

### Баргузуб

**Мизожи.** Учинчи даражада совуқ ва қуруқ. Илдизи қуруқроқ ва ҳўлилиги камроқдир. Совуқтаги увиштириши даражасига бориб етмайди. Куруқтаги ачиштириши даражасидан паст.

**Татьсири.** Барглари совуқ, сувли бўлатуриб, буриштирувчи ва кайтарувчидир. Қон кетишини тўхтатади. Ёмон ярагларга, югуруқ ярага, узоқ вақт давом этадиган ва чуқур ярагларга

энг яхши восита ҳисобланади. Уруги қон түфлашга фойда қиласы. Павлаги ўрнига барғизуб солинган ясмиқ оши астмага фойда қиласы. Илдизи уруги ва барглари жигар ҳамда бүйракдаги тиқшімаларга даво бўлиб, ичаклардаги яраларга ва сафроли ич кетишларга фойда қиласы.

Илдизи чайналса ёки унинг қайшатмаси билан оғиз чайтиса, тиши оғриғини тұхтатади. Барғонинг суви оғиз чайшапанашини даволайди.

**Зарари.** Сөвуклиги ошиб кетган беморларга тавсия этилмайди.

### **Беда**

**Мизожи.** Биринчи даражада иссиқ ва ҳўл.

**Таъсири.** Агар уни истеъмол қилинса, ични юмшатади ва жинсий құвватни оширади, шакар билан дошмий равшида ейилса, танани семиртириб, ундан соглом қон пайдо қиласы. Ёғини олиб ейилса ва суртиңса, юзнинг қийшайшига даво бўлади, уни сувда пишириб асабларнинг асосий марказига ҳар куни икки маҳал болганса, қалтироқ касатини даф этади.

Бедани майда түйиб, асал билан хамир қориб болганса, сөвук шишиларни бартараф этади, сирка билан арағаштиришиб болганса, иссиқ шишиларни қайтаради. Уруги бошқа қисметарга қараганда шифобахшиликда кучлироқ бўлиб, қабзият ҳосил қилиш хислати бор. Агар буни истеъмол қилинса, маний ва сут пайдо қиласы, баданни семиртириб, ҳайзни равон юргизади. Айниқса, ҳаммомда ёки ҳаммомдан чиққандан кейин истеъмол қилинса, таъсир кучи зўр бўлади. Кўкрак қафаси ичидаги аъзоларнинг дагалтигига ва ўйталга дори бўлади. Энг асосийси, беш йилгача құвватини ўзида сақлайди. Шифобахшиликда гули уругига қараганда таъсирлироқ Агар унинг тутунини давомли нафасга ютиңса, юзнинг қийшайшига даво бўлади.

**Зарари.** Агар қуруқ беда ейилса, ични қотиради. уни кўп истеъмол қитиши қоринни дам қиласы.

Уругидан бир марта ейиш миқдори 7-10 граммдан ошмаслиги керак.

### **Бинафша**

**Мизожи.** Бинафша мизожи биринчи даражада сөвук ва иккинчи даражада ҳўлдир. Айрим табиблар биринчи даражада

иссиқ дейишади. Иби Синонинг таъкидланишича, япрогининг совуклиги шубҳасизdir.

Ёгининг мизожи совуқ ва ҳўл.

Таъсири. Бинафшани сувда қайнатиб, ўша сув ичишса ёки аъзоларга қўйилса, сафроги хилтни бадандан, айниқса, меъда ва ичакларда бўлса, ҳайдаб чиқариди, уни арпа ва олхўри суви билан тановул қилинса, чаңқоқни босади ва қон босимни балинд бўлса, пасайтиради, юрак ўйнаши, иссиқ ҳарорат ҳамда ҳушдан кетиш ишлатларига даво бўлади. Агар түйиб боғланса, юмишоқ ва қаттиқ шишиларни таҳтил қиласди, иссиқдан бўлган бош оғриқни босади. Агар шу сув ичишса, ўйтал, кўкрак ичидағи аъзолар дагалтиқ, шишишлар ва пардалар дардига, ҳатқум, томоқда қон ўтиглиши оқибатидага ҳосил бўлган дагалтиқтар, шунингдек, ўпка шишиларига шифо багишлаб, меъда, жигар, татоқ ишлатларига, кўтанинг чиқиши. Қовуқ ачишиши ва сийдик туттишиши ҳамда буйрак дардига дармон бўлади.

Кайнатилган бинафшиа сувини болалар бошига қўйилса, улардаги тутқаноқ, шамомлаш ва тумовни бартараф қиласди.

Унинг ҳўл гулини ҳидланса, уйку келтиради. Сафроги ичкетар учун 7-15 грамм қуругини түйиб, совуқ сув билан ичиши керак. Унинг түйилганини гулқанд билан араташтиритиб ейитса, мураккаб иситмаларни даф этади.

Унинг янги узиған ҳўл гулини ейитса, заҳарга қарши тарёк бўлади. Бинафшиа гиёҳини мойчечак билан бирга қайнатиб, ушибу сувини оз-оздан ва давомли равишда бошига қўйиб туринги, боши оғригини қолдиради ва унинг иситмасини бартараф қиласди, шунингдек, ўйтал ва миянинг қуруклигига дори бўлади, агар бадандан рутубати қуриган бўлса, унга ҳўйлик багишлайди.

Баргининг 3,5 грамм сувини бир грамм шикар билан чақалоқтарга берилса, ташқарига чиққан тўғри ичакни қайтадан ўз жойига келтиради. Ёгини асалари мумига араташтириб, гўдакларнинг кўкрагига қўйиб боғланса, уларнинг ўйталига багоят яхши матҳам бўлади. Агар баргини түйиб, савдоли кўтириб ва қичимага қўйиб боғланса, уларни тузатади. Гулидан шарбат тайёрлаб ичишса, кўкрак ичидағи шиши ва пардалар дардолари, ўпка шишиги яхши шифо бўлади.

*Ибн Синонинг айтишича, бинафшанинг ёги иссиқ кўз оғригида (боглаш ва ичии), қондан бўлған бош оғригида яхии таъсир қиласди. Шарбати сийдикни ҳайдаб, ични юмшатади ва қуриган сафрони суради, шарбати зотилжам ва ўпка яллигланишида фойдалидир.*

*Бинафшиа ёги уйқуни келтириш, қўтири, ҳар хил жароҳатлар, қўкрак ичи аъзоларининг қуруқтиги, ийтмол, соч тўқилиши, аъзолар ва бўгинларни юмшатади қўл келади, шунингдек, тирноқлар соглигини яхшилашга хизмат қиласди*

*Зарари. Бинафшани ичга ва ташга ҳаддан ортиқ истеъмол қилинса, юракни сусайтириб гамгин ва бехузур қиласди, меъданни оғирлаштириб, қиздирадиган иссиқ ҳароратли иситма ҳосил қиласди. Ва агар ҳаддан ортиқ ҳидланса, тумов ҳосил қиласди. Бундай ҳолатларда майдабаргли раийонни туйиб ёки қийма қилиб ейилса, зарари ийқолади.*

*Бу гиёҳдан бир кунда бир марта ейиш миқдори 23 граммдан ошмаслиги керак. Агар сувда қайнатиб, ўша сувни ичши буюринга, сувга 45 грамм солинади.*

### **Бойчечак**

*Мизожи. Мизожи иккинчи даражада иссиқ ва биринчида қуруқ. Ёгининг мизожи иккинчи даражада иссиқ ва иккинчи даража аввалида қуруқ. Илдизининг мизожи ҳам иссиқроқ, ҳам қуруқроқ, шифобахишликда гулдан кучлироқ.*

*Қиздирувчи ва хилтни етилтирувчи, тиқшитмаларни очади, қизил ҳолида шиншилириши қуввати бўла туриб, буриштириши ва турти суюқликларни оқшишига тўсқинлик қашини ҳиссаси бор. Лекин буриштириши қуритиш билан бирга бўлади.*

*Таъсирни. Бойчечак гулларини туйиб қўйиб бөгланса, қаттиқ аъзоларни юмшатиб, шишиларни қайтаради. Агар уни сувда қайнатиб, ўша сув ичилса, бадан аъзоларидағи тиқшитмаларни очади, мия ва асабларни кучли қилиб, жинсий қувватни оширади.*

*Тер, сут, пешоб ва ҳайзни равон келтириб, мия ва бош оғригига алоқадар хасталикларга даво бўлади. Қаттиқ тумовни бартараф қилиб, кўзга алоқадар ва қулоқ ичидаги бодни таҳтил қиласди.*

*Нафас қисиш ва қўкрак ичи аъзоларининг қолган дардлари жигар, корин, орқа тешик ва бачадон дардларини босади, шунингдек, ана шу аъзоларининг шишиларининг тузылишига олиб боради ва қайтаради, шу билан бир қаторда, бошқа аъзолар ҳолатини яхшиладайди. Сарик хасталиги иллатларини даф этиб, бадани ёмон ва зарарли ахлатдан тозалайди. Ана шу гиёхнинг гули қайнатилган гиёҳли сувда киндиккача кириб ўтирилса, юқорида келтирилган касалликларнинг олдини олиши ва муолажасида янада самаралироқ бўлади.*

*Бойчечакни оғизга солиб чайналса, оғизнинг пишиши ва қайнатига шифо бўлади. Унинг қуритилгани майин эззилаб кўзга туркаласа, кўздаги эски яранинг очилишидан сув оқишининг олдини олади ҳамда гули қайнатилган сувда кўзни ювилса, унинг дардига шифо бўлади. Агар уни оловда куйдирилса, тутунидан зарарли жониворлар қочади ва шу яқин орага йўламайди. Унинг илдизидан 4,5 граммини туйиб, асал билан ейилса, пушти камарни кучайтиради.*

*Агар унинг ёги суртилса, совуқ ва мураккаб шишиларга маъхам бўлиб, рутубатларни қуритади, савдоли ва бағамли иситмадаги қаттирашини тўхтатади. Агар баданидан тер чиқарадиган тешикчалар совуқ таъсирида ёпилшиб қолган бўлса, очади ва баданидан тер чиқариб, чарчоқ ва толиқишини босади. Аъзоларнинг ҳаракатсиз қолишини бартараф этиб, аъзоларда туттилиб қолган бодларни тарқатиб юборади, қолаверса, бўғинлар, ва бел оғригига, қўл ва оёқ панжаларидағи подаграга шифо бўлади.*

*Агар ушбу ёғни ярим иссиқтиқда қулоққа томизилса, қулоқ дардларига даво бўлади.*

**Зарари.** Бойчечак гулини меъёрдан ошиқ истеъмол қилиш, ҳалқумнинг ичи ва меъда оғизига зарар қиласади. Бунинг давосига асал емоқ лозим.

*Бойчечак баргидан бир кунда бир марта истеъмол қилиши миқдори 15 граммдан ошмаслиги зарур. Агар ушбу гиёҳ топилмаса, молқўзи мойчечагининг гули, майин баргли ва тахир баргли бўймодаронни истеъмол қилиши мумкин.*

## *Гулхайри*

*Мизожи. Мұйтадыл даражада иссиқ.*

*Таъсири. Үнда юмшатиши, пишириши, бўшашибтириши ва шимдириши хусусиятлари бор.*

У, айниқса, ўрдак ёги билан қўшиб ишлатилса, бўғиплардаги оғриқни босади ҳамда қалтирашга, мушакларнинг ўртасидан узилшишига ва асабларнинг чўзилишига фойда қиласади.

Бачадон қаттиқланниб қолганида, уни сақич билан қўшиб кўтарилади. Агар уни қўйиб боғланса, қулоқ безларидаги шииларга фойда қиласади. Қовоқ салқигани ва шишни тарқатади. Унинг уруги иссиқ йўтатига фойдали бўлиб, балганинг кўчишини енгизлашибтиради ва ўзидаги буриштириши қуввати туфайли қон туфлашни тўхтатади.

Гулхайрининг елими ташналикни босади. Илдизининг қайнатмасини ичганда сийишдаги ачишишига ҳамда ичакларнинг ачишишига ва орқа тешик йўларининг шишиларига фойда қиласади. Гулхайрининг илдизи ўрнига унинг ёввойисининг илдизи ва баргининг ўрнига илдизи ўтади.

*Зарари. Иссиқлиги ошиб кетган касалпарга зарар қышиб. танадаги сифрони қўзгатиб юборади.*

## *Далачой*

*Мизожи. Далачоининг мизожи учинчи даражада иссиқ ва қуруқ. Лекин баъзи табиблар фикрича, қуругининг қуруқлиги иссиқлигидан кўпроқ. Далачоининг тупи каттароқ, барги ятниз баргига ўхшаши санавбар ҳидли турининг мизожи иккинчи даражаси охирида иссиқ ва қуруқdir.*

*Таъсири. Далачоини минг ўшлик табобаттада Абу Али ибн Сино оғриқ қолдирувчи ва сийдик ҳайдовчи ва турли яра ҳамда жароҳатларни тузатувчи дори сифатида ишлатган бўлса, ҳалқ табобатида, дизентерия, меъда ва ичак оғриқлари ҳамда яллигланишида, жигар, ўпка ва юрак хисталикларини даволашда тавсия қилинган. Ўсимлик хом ашёсидан тайёрланган дамламалар сузоқ, буйрак тоши, қин ва бачадон хасталиклири муолажасида қўл келган. Шунинедек, грипп, ангина, ревматизм, суюкларнинг қақшаб оғриши ҳамда кечаси сийдик тутабиљмаслик ҳозяйтларидан ҳалос бўлишида*

ҳам ижобий натижалар бершии узоқ йиллик тадқиқотлар ва амалиётларда исботланган.

Далачойнинг кундагик истеъмоли бўғин ва томир топтишишига шифо багишлайди, жигар меъди ва ичаклардаги тиқимчаларни очиб, пешоб ва ҳайзни равонлаштиради, сафронли қуюқ моддаларни танадан ичкетар орқали ҳайдайди. Аёллар буни тагдан кўтаришса, ҳайз ва пешобни равонлаштиради. Барги қайнаган сувни қуёша қулоитириб, қирқ кун муттасил ичилса, бод, подагра, тизза ва сон оғриқларини даф этади.

Баргини майдо туйиб боғланса, катта яраларни кирва йиринглардан тозалайди ва уларнинг оғзини очиб, сиҳатлик багишлайди ҳамда хабиса яралари ва ўтда куйгин жароҳатлар изини қуритади. Унинг уруғи туйиб септиса, шишигандан баҳбўй яраларни емиради. Бунинг ўрнига арпабодиён уруғи ҳам мос келади.

Далачойнинг иккинчи турининг 7 грамм ургини совуқ сув билан ичилса, гализ сафрони ичкетар билан ҳайдайди. Гиёхини туйиб боғланса, оловда куйган жароҳатларга шифо багишлайди.

Юқорида айтган икки туридан бир оз фарқ қиласидиган учинчи турини ейслса, меъдадаги рутубатларни ичкетар билан ҳайдаб, унинг ҳўллигини ислоҳ қиласди ва қуритади. Унинг 7 грамм қуруқ гиёхини туйиб, совуқ сув билан истеъмол қилинса, фалаж, радикулит ва сийишдаги қийинчилкларни бартараф қиласиб, буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалаб тушириб юборади, туттилган ҳайз ўйлани очиб равонлаштиради ва юзни қизартириб, танадаги барча турдаги заҳарларга тарёк бўлади.

Буни туйиб зайдун ёғига қориб, суртилса, боши орқага қийишайиб қолган бемор фалажини тузатади, ўзини туйиб суртилса, теридаги оқ дөглар ва темирлатки ҳамди бошига дөгларни ўйқомтади. Бавосир ва қулунга энг яхши даводир.

**Зарари.** Қонни қуюқлаштириш хусусиятига эга бўлгани учун қони қуюқлашган беморларга тавсия қилинмайди. Невфрит касалигида ва буйрак етишимовчилигида ҳамди қон босими ошгинда ва умумий танада иссиқлик ошиб кетганда bemorlар истеъмол қилиши мумкин эмас.

## Жамбул (тошчұп)

Сийдик йүллари касалликларига жуда фойдали. Бүйрак тоштарини парчалайди ва түширади. Ҳазмни осонлаштиради, ҳазм аъзоларини дезинфекция қылади, яллыгланышни құритади, ошқозон, күз ва юракни қувватлантиради. Қориннинг пастки қисмидаги оғриқтарни кетказади, шитаҳаны очади. Таомларга доимий равишда жамбул күшии күриш қувватини сақтайди ва орттиради.

Жамбул чойи ичилса, тер ва оғиз ҳидини кетказади, уйқусизликка, жисмоний ва руҳий касалликларга фойда беради. Эпилепсия, анемия ва қувватсизликка таъсирли восита. Гижжатарни түширади.

Жамбул ёги бошга суритса, бош оғригига, қоринга суритса, қорин оғригига ва ошқозон тортышиб оғришларига, күкрак ва белга суритса, астма, бронхит, күк йұтада да йұтада фойда беради.

30 гр янги жамбул майдалаб түгератади, 200 гр зайтун ёги билан араташтириб 7 күн туради. Кейин ёги сузилиб, салат ва бошқа таомлар учун ишлатылади. Оғриған жойларга суртилади.

Жамбул уруглари қовурилади ва түйшілади, бир латта билан ётилади, патижада геморрой кичкиналашади. Уруги тоғымаса, ёввойи жамбулни айни шактда иштатса бұлади. Ёввойи жамбул маданийсидан күра таъсирли ҳисобланади.

## Жасмин (Ёсуман)

**Мизожи.** Жасмин мизожи иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ, ҳатто учинчи даражагача ҳам дейишигап. Жасмин гули мизожи иссиқ ва ҳұл.

**Таъсирі.** Жасмин гулини ҳидлаш мияга қувват бағишилайды, агар союқдан бұлса, бош оғригига таскин беради, миядасы етларни ҳайдайди. Катта ёшдаги союқ мизожли кишиларга фойдалыдир. Буни сувда қайнатиб, ўша сувни оз-оздан давомли равишда қүйиб турилса, бош оғриги ва бөшқа союқ мизожли дардларга даво бұлади. Гулини истеъмол қытанса, бағам, савдо ва зардобни ичкетар билан даф этиб, бадан тиқитмаларини очади. Гализ етларни тарқатиб ҳайдайды, фалаж, юзнинг қийшайиши, карахтлик ва бүгендәр дардига шифо бағишилайды.

Инсонга хүш кайфият багишилаб, жинсий қувваттинг ҳаракатини оширади, меъда ва ичаклардаги қуртларни бадидан ҳайдайди ҳамда пешоб ва ҳайзни равонлаштиради. Унинг гулити уч кун сувда ивитиб, 7 граммдан ичилса, ҳар хил қон кетишларни тұхтатади.

Баргини сувда қайнатыб ўша сувни оғизда айлантирилса, тишилар оғригени босиб, оғиз ичининг қизиши ва тиши мілклатига даво бұллади. Жасминни туйиб белга ва закарга болганса, әрлік отатини ҳаракатта келтиради ва уни катта қылади. Гулини туйиб болганса, барча заңар түрларига қарши тарәк бұллади.

Туйиб болгланғани теридағы сепкіл ва қора дөгларни үйқотади ва юзда қизицлик пайдо қылади.

**Зарари.** Агар ҳаммомда жасмин гулининг сувига бошни ювилса, сочни оқартыради, ҳатто туиб боңига сочилса ҳам шундай таъсирга эга. Айниқса, сарық нағыл жасминнинг таъсири күчлироқ. Жасмин гулини иссиқ мизожли кишилар еса, зарар қылади. Уни ҳаддан күп истеъмол қылыш одам юзиши саргайтириб юборади. Ушбу зарарига қарши бинафша, қизицігүл ва сирка ажайиб самаралы даво бұллади.

Агар жасмин ёғини иссиқ мизожли кишилар еса, бош оғригени келтириб чиқаради ва бурундан қон кеткәзади Жасмин гулидан бир марта етпаш миқдори 3,5 граммни ташкил әтади. Унинг ёғидан бир қунда бир марта истеъмол қылыш миқдори 10,5 граммдан 17,5 граммгача.

### Заъфарон

**Мизожи.** Иккінчи дарајада иссиқ ва бириңчи дарајада құруқдир. Буриштирувчи ва әритүвчи дидир. Бунда буриштириши ва етимлаш хусусияти бұлғапидан етиштирувчи дидир. Иссиқтегі мұътадил бўлиб, тиқылмаларни очади, хилтни құзгатмасдан баробарликда сактайди.

**Таъсири.** Заъфаронни ичиши ранғын чиройлу қылади, ишишларни шимшитиради, сарамасга қарши ҳам суртилади. Юракни қувватли ва кишини хурсанд қылтиб, шаҳвоний ҳисларни құзгайди. Заъфарон балгам күчишити осозлаштиради ва пафас атзоларини кучли қылади. Мұм ёки тухум сариги би-

лан ишлатылса, бачадоннинг қаттиқлашиши, сиқишиши ва тузалмайдиган ярагирга фойда қытиб, 4,5 граммини чой билан ичларига ютсалар узок өвкөн түголмай ётган аёлларнинг дардини тезләтәди. Агар ундан кунига 0,2 грамм истемел қилиниб турилса, талоқни шу даражада тозалайдик, одам унинг қаердагини ҳам сезмайди. Агар уни асал билан ейилса, буйрак ва қовуқдаги тоштарци майдалаб тушириб юборади, тог райхон билан ейилса, бачадон ва орқа авратнинг ҳар қандай дардига шифо багишлайди. Завъфаронни, хусусан, унинг ёгини зотилжам касали билан оғригин беморга ухлатиши учун ҳиджаттирилади.

Агар завъфаронни ҳидласа, кўкрак ичи пардаларининг шишини пайдо қиласди ҳамда уйқуни осон кеттиради. Агар завъфаронни эзив сурмага ўхшишиб тортилса, кўзни равшан қикиб, унга тушган ва хиралаштирадиган парданни даф этади, шунингдек, оғриқ түфайли ёки касалликлардан пайдо бўлган кўз кўкаришларида завъфаронни сурма қилинса, ислоҳ қитиб, шичтиқлик, кўттир ва кўз томирига шифо багишлайди. Завъфаронни сувда қайнатиб, оз-оздан давомли равшида бошдан қийиб турилса, бошинг қизиб оғриши ва уйқусизликни изга солади. Агар уни кўйиб боғланса, кўздан доимий ёши келишини ислоҳ қилиб, унга рутубатлар тушишининг олдини олади ва қулоқнинг иссиқ шишини қайтариб, совуқдан пайдо бўлган бош оғригини даф этади.

Буни молочойга аралаштирилиб суртилса, подагра иллати ва бўғин хасталиклирига дори бўлади. Агар уни түйиш сочилиса, ташки қон кетишни тўхтатади. Хотинлар завъфаронни тагдан кўтаришса, бачадон дардини енгизлаширади, агар орқа авратдан кўтарса, орқа аврат Оардоларининг бирча турига даво бўлади.

Агар завъфарон ёги суртилса, ҳар қандай таранг асабларни юмишатиб, ухлатади. Уни бурун тешигига суртилса ёки томизилса, кўкрак ичидаги шишлиарга шифо бўлади. Бу ёгни суркаши бачадон қаттиқлашиши ва яраси ҳамда бошқа аъзолардаги хавфли яраларни тозалайди.

Ички аъзоларни қувватланитиради, юракни дам отдиради, тиқилган томирларни очади, шаштаҳани ёнади, юз рангини

сүзаплаштиради, түгииши құлайлаштиради, сийдикни күнайтиради. Сөлдир суви билан ичилса, талоққа фойда беради. Асал билан ичилса, буйракдаги құмни ҳайдайди

Сарамас, бачадон саритони, жигар ва талоқ касалликлатрига фойдати. Күз учун ҳам фойдати. Катарактанинг олдини олади.

**Зарари.** Зәйфарондан мөъердан ортиқ ейилса, буйракка зарар қилиб, таомга нисбетан иштаханы бүгади ва юракни беҳузур қилиб, күнгешни айнитади, мөъдада бүлган нордон ширага зиддиги жиҳатидан иштаханы ҳам туширади, чунки иштаха иу нордон шира билан бүлгади. Боини огритади ва унга зиарар қиласи. Ухлатади ҳамда сезги аъзоларни пасайтиради. Үнинг зарари мөъдага савдо мөддаси түкүлиши туғайли оғизда аччиқ ва тахир таъм пайдо қиласи. Зәйфарон иссиқтеги боис мөъданни мөъердан ортиқ кувватлантиради ва қабзият ҳосил қиласи. Шаробга солиб ичилса, маист қиласи, ҳатто одамийлик хислатларини хиразлаштириб, асабларга кучти таъсири үтказади ва бефаҳы қилиб қўяди.

### Зарпечак

**Мизожи.** Биринчи боштангичига озгина иссиқ, иккинчи даражсанинг охирда құруқ, шу билан бирга қарама-қарши кувватларга эга.

**Таъсири.** Тозаловчи, суюқ чиқиндигарни томирдан чиқарувчиидир. Мөъданни кучайтиради, сирка билан ичилса ҳиқичноқни тұхтатиб. жигар ва мөъда тиқшитмаларини очади.

Суви сариқ учун даводир. Ёввойи хизининг шираси туюлса ва шаробға сепилса, кучсиз мөъданни кучли қиласи.

**Зарари.** Ўзининг буриштириш хусусияти сабабли мөъдага оғирлик қиласи.

### Занжабил

**Мизожи.** Янги узилган җүл занжабилнинг мизожи учинчи даражада иссиқ ва биринчи даражада құруқ. Куругининг мизожи иккинчи даражада құруқ ва ортиқча рутубати бүлгади.

**Таъсири.** Занжабилни истеъмол қылган кишининг

жоғиза құвватини, шунингдек, меъда, жигар ва ичаклар, талоқ каби аъзолар құвватини ошириб, жинсий құвватни мустақамлайды.

Меъда ва ичаклардаги гализ елларни тағлив қылған, балғам ҳамда меъданинг ички деворига ёпишган қуюқ рутубатларни титиб, тарқатиб юборади.

Шунингдек, овқат ҳазми бузилишида пайдо бүлған ичкетарни тұхтатиб, chanқаш балғам күпайшидан пайдо бүлған бүлса, бартараф қылади. Занжабилни новвот ва күндур елини білан истеъмол қылса, ҳайвонлар заҳри ва газандалар қақишидан ўтган зағарни даф этади. Буни төвүқ тұхуминең қата пишган сариги билан бирга ейилса, манийни күпайтиради ва унинг қуюқлигини ислоқ қылади.

Күрүқ занжабилни майин түйіб, сурнага үхшатиб күзга тортысса, күзга түшгап ва уни хиразлаштираған парданы, шунингдек, күздеги қызыл гүшт ва қора холларни йүқтади. Занжабилни оғизга солиб сүрілса, меъдада бағам ыңешшиши оқибатида ҳосил бүлған ташналиқни бартараф этади. Агар уни түйіб болғанса, аъзоларни мустақамлайды, совуқ таъсирден мушаклар тортышишини яхшилайды ва бодлы бавосирға даво бүлади. Бағам күпайшини ва боддан бүлған оғриқ, шишиларни ва шунингдек, бошқа аъзоларнинг шишиларига ҳам даво бүлади. Агар унға иккі баробар ииқдоридаги исириқ күшилса, таъсири күчлироқ бүлади.

Халқ табобатида уншың ер остидаги қисмидан тайёрланған қайнатма меъда-ичак хастатыларыда, айниқса, қон арилаш ич кетғанда ишилтади. Қайнатмаси темираткига ва бадандан чиққан бирор чиқиқ ва тошма тошганды суртма сифатида суртшади.

Жигар, ошқозонни иситиб, құвватташтиради, ҳазмни осонлаштиради, ичактарни күчли қылади, қусишинең олдини олади, ошқозондаги балғамни парчалайды ва ялтигелтишини кестказади. Қон босимини нормаллаштиради, қон айланашини яхшилайды, терлатауди ва иссиқни туширади. Жинсий орзуларни амалға оширади. Давомий занжабил истеъмол қилиши саратон (рак)нинг олдини олади.

Ичак касаллигига дучор бүлғанлар, күричак жаррохлигини

үтказғанлар занжабыл куқунини чой, сут ва таомлар билан биргә кунига 2 мартада (1/2 чой қошиқ) истеъмол қилишлари мүмкін.

Оқындан қилингандык шириналыктар, нон ва нон маҳсулотларига занжабыл құшилса, зарарини камайтиради.

• Занжабыл куқуни асаң билан айни миқдорда қориштириллади ва ұар куни таомдан авваң 1-2 қошиқ ейштади. Янги занжабыл суви кунда 1-2 қошиқ ичилади. Таамдан авваң ёки ұазини құвватлантириши учун таомдан сұнг ұам ичиши мүмкін.

• Ошқозон ачишишии ва жисигилдон қайнашини кетказиши учун ва ұазмисизликка қарши таомдан авваң ёки кейин янги занжабылни тишилаб ейши керак.

**Зарари.** Занжабылни миқдордан ортиқ истеъмол қылыш ұалқым ва ұалқым ости безларига зарар қылади. Бундай пайтада асаң ва шириң бодом ёғи истеъмол қыланса, зарари ислоқ бўлади.

### Зира

**Мизожи.** Иккинчи даражада иссиқ ва учинчи даражада құруқ.

**Таъсири.** Унда парчалаш, құрутыш ва буриштириши құвваты бор. Зиранинг суви билан ювілса юзни тиник қыллади. Зирани сув билан арапаштирилған сиркага солиб ичишса, нафас олишининг қишинлашишида фойда қыллади. Зайтун ёғи билан құшиб можк шишига туширади, шираси эса кузни равшан қыллади. Үннинг ұзи, айниұса, еввойиси тошни матидалайди. Томчилаб сийиш, қон сийиш ва ичакнинг бураб оғришида ҳамда қорин күпчишида фойда қыллади.

Халқ табобатида зира қадимдат шитаха очувчи, соғлукни яшилточчи, яраларни даволовчи восита сифатида ҳамда ошқозон-ичак кисаллукларида шипатиб келинганд. Ибн Сино ҳам үз вактида зирани үз қақтида шұмақсадлар учун құллаган.

Мевасининг куқуни қорин оғригини қолдирис, талок (Қора жигар) шишини шұқотипи, мевасининг сиркадаги дамланаси эса бурундан қон оқишини тұхтатипи учун шипатилади. Қовурған меваси сілдік ҳайдөвчи восита сифатида құллаганылади.

*Сийишида қийналиш ва ич кетишига дори, простатит ва бошқа безтарни сақтайди, таомлар ҳазми ва газ чиқишини осонлаштиради, буйрак ва қовуқни касалликлардан сақтайди, тоштарни парчалаб туширади, буйрак ярагарининг ётилишини таъминлайди, терини гўзаллаштиради. Кўп истеъмол қилиши терини саргайтиради. Қора зира палов ёки шўрвага солинади, бошқа таомлар устига эса майдаланиб сепилади. Майдаланган қора зира тез эскиради.*

• Бир миқдор қора зира, сано, жасибул ёки кашнич туїшлади ва бу аралашмадин I чой қошиқча таом устига қўшилади.

• Донали ёки кукунли қора зира ейиш ёки чойини ичиш ич кетишини тўхтатади, тошларни туширади.

• Майдаланган қора зира асал ва зайдун ёғи билан ара-лаштирилади, эркак тухумидаги шишиларга суршлади ва 3-5 соат куттилади.

• Қора зира асал шарбатига қўшилганида она сутини ортиради. Айни шарбатга озгина сирка қўшиб ичиш, сийишида қийналиш ва нафас қисишига фойда беради.

**Зарари.** Ошқозон ярасида қон кетиши ҳолатларида, сурункали ва ўткир буйрак етишимовчилгида истеъмол қилиш мумкин эмас. Иссиқ ва қуруқ мизожсли кишиларга тавсия этилмайди.

### Зирк

**Мизожи.** Учинчи диражсада совуқ ва қуруқ Қабзият ва тарёқлик хусусиятлари бор. Зирк қиёмининг мизожи биринчи диражсада иссиқ ва иккинчи диражсада қуруқдир.

**Таъсири.** Зиркнинг қиёми гулобга аралаштирилиб, кўзга тортилса ёки томизилса, кўздан равон оқадиган сувни қуритади ва эскирган дардларни даф қиласади. Агар уни ейтилса, ичкетарни тўхтатади ва бадандада моддаларнинг бадбўй бўлишига йўл қўймайди, ҳиди бузилган бўлса, йўқ қиласади. тиқитмаларни очиб, тиш илдизлари ва мизик оғрикларига шифо багишлайди. Зиркнинг қотирилган қиёмидан ҳар куни арпа дони миқдоридагисини сувда эзиб ичилса, бир ҳафта-үн кунда жигардаги қуртни йўқ қиласади. иситмали жигар

дардини босади. Уна иссиқ сувди әритиб, совумасдан ұқына қытанса, ичаклар ярасини кирлардан тозалайди.

Бир сиқим қуруқ зиркни қайнатылған сувга солиб, кетма-кет үч күнгача ичилса, танадаги сафро хилтини бир томо-нлама қылади.

Чанқоқни, меъда ва жигар қизишини босади, қон босими баланد бўлси, мўтадиллаштиради. қайси аъзодан бўлмасин, ичдан қон кетишини тўхтатади. Мизожи иссиқ юрак, меъда ва жигарга қувват багишийди ҳамда ушибу дъзоларга зарарти ҳамда кераксиз моддаларнинг оқиб тушишига йўл қўймайди. Шунингдек, бавосир ва бачадондан бемаврид сув кетишига ичса ҳам фойда қылади. Унинг мевасини туйиб боғланси, баданинг қаттиқ бўлган жойларини юмшатади. Мевасининг суви ичилса, қайт қышши ва юракнинг беҳузур бў-лишини бартараф қылади.

Зирк шидизи дамламаси ҳалқ орасида юрак-тамир ва меъда касалликлари, бот ва иситмани даво:гашиди қўлиниятади. Барги ва шохлари қайнатмаси билан бош оғриги, бурундан қон оқиши даволанилади. Мева дамламасидан юрак фаоли-ятини яхшиловчи иситма ва қон босимини пасайтирувчи ҳамда чанқоқ қолдирувчи восита сифатида қўлланылған.

Уругини майдалаб ейилса, ичаклар яраси ва уларнинг ички девори ялтигланнишига даво бўлади. Иссиқ мизожи ва сафро мизожи одамлар учун фойдати ва мизожига мосдир.

**Зарари.** Бироқ совуқ мизожли, баданларида савдо ва балгам хилтилари ортиқча кишиларга зарар қылади. Иутали бор одамлар зирк қиёмини ейишса, зарар қылади.

### Зигир

**Мизожи.** Биринчи дараражада иссиқ, ҳўл ва қуруқликда мўтадил.

**Таъсири.** Ургедан тайёрланган дорилар 15-20 фоизти қайнатмаси меъда-ичак шиллиқ қаватлари ялтигланнишида үрай оловччи ва енгиз сурги дори сифатида нафас йўлла-ри ялтигланганда томоқ ва овз чайши учун қўлланылади. Уругшине кунжараси пирашоги тананинг оғрийдиган жой-ларига қиздириб қўйилади. Зигир ёғидан енгиз сурги сифати-

*да ва куйган жойларни даволашда ҳамда фармацевтика амалиётида суюқ суртма дориларидан фойдаланылади. Зигир ёгидан олинган суртма дори атеросклероз касалигини даволашда ва унинг олдини олишда ҳамда турли хил куйишларда куйган жойларга суртиш учун ишлатылади.*

*Қовурилган зигир уругини Абу Али ибн Сино ич кетиши ва бошқа меъда касалиги ҳамда йұтала даво сифатида құллаган, әзилган уругини эса шиши ва чипқонга қүйілған. Бачадон ва йүғон ичакда шиши бұлғанида буйрак ва қовуқ касаликларидан зигир уруги қайнатмасига тушиб үтиришини тавсия этган. Халқ табобати тажрибасидан зигир уругидан тайёрланған дамлама меъда яраси ва унинг бошқа касаликлари йұтал, ангина, буйрак ва қовуқ касаликларини даволашда құлланиб келинганды. Шу қайнатмаса сут құшиб үпка сили билан кассалланған беморга берилади.*

### *Зигир уруги*

*Милк, юз, овоз мускулари, құкрак ва бадандаги ички ва ташқи шишиларни кетказади, овоз бузуклигини үйқотыади. Буйрак ва қовуқ тоштарини туширади. Маній ва сийдикни күпайтиради, тушишини осонлаштиради, ошқозон, ичак ва сочларни қувватлантиради, ярагарни ёнади Хусусан, күк йұтал, үттал ва ошқозон яраси учун жуда фойдалы. Саратоннинг олдини олади, саратон янги бошланған бұлса, тұхтатади.*

*Янги қовурилған ва майдаланған зигир уруги заттун ёғи билан арағаштирилген, биш терисига суритса, соч тұқишишини тұхтатади, сочларнинг үсіши ва қалыптасшишини таъминтайтын.*

*Зарари. Уругини ейши үткір жигар касаликтарига тавсия қылған майды.*

### *Индөв*

*Мизожи. Саҳро индовининг мизожи учинчи даражада иссиқ ва иккінчи даражада қуруқ. Сувли жойларда етишириладиган индов мизожи иккінчи даражада иссиқ ва биринчи даражада қурукдір. Маданийлашған – сугориладиган ерларда экшіладиган индов уругининг мизожи учинчи даражада иссиқ ва қуруқ. Яңгисида биринчи даражада ҳұллик бор.*

**Таъсир.** Ўни истеъмолқилиши жигарвататоқтиқималарини очади, ични тозалаб пешабни келтиради ҳамда бүйрак ви қосуғұдаги тошларни майдалаң үзілдік қарыб юборади. Ични юмшатыб, бадандаги елгарни таҳлил қыллади ва тиам ҳазмини енгизип тиради. Жинсий аюқа учун ҳаракатта құвват базишилаб. Манший ҳосил қыллади ва олатни осон ҳаракатта келтиради. Молтинге түйшісан үти билан қориғиб баданга болғанса, теридаги яра дөгіларни кетказади, агар саҳарда оч қоринга ейилса, құлтық остидаги құланса ҳидни үйқотади. Она сутини құпайтиради. Іввойи индовининг уруги сийдикни ҳайдайыди, шақыроний ҳисни ва олатни құзғатади. Ўнинг суви сигир үти билан яра изларини кетказиши учун ишлатылади. Шуншынгедек, барғыға қарығанды уругининг шифобажылық хусусияти күчлироқ. Агар уруги иссиқ сув билан ичилса балғамни шиддит билан дағ этади.

Уруги ёки суви билан юз чайтиса, қора дөг ва сепкисини кетказади. Асал билан хамир қориғиб болғанса, теридаги оқ нұқтапаларни үйқотади. Уруги мол үтиға қориғиб болғанса, әрзілған тирноқтарни түзатади. 10,5 грамм уругини түйіб иссиқ, сув билан ичилса, құланжыны дағ этіб, бодларни тарқатыб юборади. Күкрап ости аязолар ва үтқапи кераксиз мөддатардан тозалаб, мөльда мизажшыны иссиқ қылыши, ҳайзни равон қылаб, жинсий құвватни ошириши, қорингидеги барча құрттарни ҳайдап, аёлтар түккем пайттарыда чақалоқ билши кетма-кет үйлесінши ҳам қоршыдан тушариша даво бұлади. Индов уругини түйіб, асалға қориғи яғында ейшіса, калта нағас ва үйтас ишлатылары ҳамда елка сон ва белгіларда түз үшіншішидан пайдо бұлған оғриқтарға шифо бұлади. Агар уни қала пишган тобуқ тухуми сарығи ва асал билан араташтирилиб ейилса, күкрап ости аязоларининг дардлари, пайттарынг үзілішини ва шикастлапаншыни, шуншынгедек, ташки зарба таъсирінде күкрап ичига түгілған мөддатарға шифо бұлади.

Үн күнгача бошқа овқаттардан озрок еб индов уруги ҳар куни 7 граммдан эчки сутини билан истеъмол қыланса, бадан терисидеги песни үйк қыллади. Индов уругини то ҳиди чиққунға қадар оловда қиззориб, кейит ейшіса, батғам ва ичак ялтығаншиларига шифо бұлади.

Агар зироатли шидов уругини түйіб, асаң билан хамир қориб чап биқін пастыға болғанса, қоражыгар шишишни дархол қайтаради, бошдаги рұтубат, асаңға үшіншін яра, терідеги дөг, ярага айланған құтыр ва заңарлы жониворлар чақишиға құл келиб, радикулит, иссиқ шишилар ва оловда күйгаш жойтарни даболашыда шиғро бўллади. Сув ва туз билан хамир қориб болғанса, рұтубат ва ярагар ҳамда беіз ва сондаги оғриқтарга даво бўллади.

Агар уни сувда қайнатиб, ўша сув билан ҳулқия қышинса, ичактар дардига шиғро бўлтиб, қўймич дардига таскун бериб, ич кетишни тұхтатади. Унинг тұтуныдан заңарни жониворлар қочади.

**Зарари** Индов бир ўзи ейилганды боини оғритади. Коху сачратқи ва семизұттар унинг зарарини қайтаради. Мизожи иссиқ бўлганидан саҳродан ұсадиган шидовни ейши боини оғритади, кўз орқасыға тортиб кўз олди қоронгилашади. Бундай ҳолатда сачратқи, сирка ва семизұт истеъмол қышинса, зарарни ислоҳ қилаади. Маданийлашган шидов уругини ейши буйракка зарар қилаади. Индов ва унинг уругидан ортиқча истеъмол қышиши қонни қайнатади, фаолияти сусайған аъзоларга кераксиз моддалар түшишиға имкон яратади. Бундай пайтда янги согилган сут ичиши кифоя.

Бир кунда бое ва томорқадан етиштирилдиган шидовдан истеъмол қышиши миқдори 17-18 граммдан ошмаслиги, саҳрода ёввойи ҳолда үсгани 10-11 граммдан ошмаслиги керак.

### Исириқ

**Мизожи.** Исириқ мизожи учинчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада құруқ бўлиб, парчаловчи ва латифлаштирувчиidir. Исириқ ёгининг мизожи учинчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада құруқ.

**Таъсири.** Исириқ ичаклардаги бодларни ҳайлайди, қуюқлашган моддаларни таҳлил қилаади, совуқ мизожсли кишиларга жинсий құвват базишилаб, баданин семиртириб, пешоб, сут ва ҳайз юришини равонлаштиради, савдо ва қуюқ балгамни ҳамда ич кетишни даф әтади. Исириқ майдалаб түйиб болғанса, тутқанок, қалтироқ, жиннитик, паришон-

хотирлик ва бош ҳамда асаб ҳасталикларига даво бўлиб, мия, баданинг бошқа аъзоларини иссиқ қиласди.

300 грамм қуритилган исириқни икки литр ширин сувда ивитиб қўйиб, кейин сувини сузиб ҳар куни 100 граммдан ичиб турилса, бадандаги савдо моддаларни пароканда қиласди ва қонни тозалаб, ични юмшатади. 25 грамм қуруқ исириқни түйиб, 100 грамм сувда қайнатиб, кейин сузилганини 25 грамм асал ва 50 грамм кунжут билан истеъмал қилинса, кўкрак остидаги ва тананинг юқори қисмидаги аъзоларни ёпишиқоқ рутубатлардан қаттиқ қустуриш орқали тозалайди. Нафас қисиши ва ҳўл йўтални тозалайди.

300 грамм қуруқ исириқни 9 литр узум сувидга то сувининг тўртдан бир қисми қолгунча қайнатиб ичиб турилса, эскидан келаётган бош оғриқ ва тутқаноқ дардларини даф этиб, ҳомиладор бўлиб юрган аёл айрим сабаблар, касаликлар боис ҳомиладор бўлмаётган бўлса, ана шу қайнатмадан уч кунгача 50 граммдан ичса, ҳамиладор бўлади. Туйшлган шивит ёги билан арагаштирилиб, қўймич ва белнинг пастки қисмига суртилса, эски қуланжни даф этади.

Заъфарон, хонадон товугининг сафроси, асал ва арпабодиён суви билан арагаштирилиб кўзга тортилса, бағам ошиб кетиши оқибатида қувватсиз бўлиб қолган кўзга шифо багишлайди. Илдизининг туйшлганини тог савсанинг ёви билан қориб, орқа авратиниг тешигига тиқилса, бавосир томирлариниң оғзин очиб, унда тўхтаబ қолган қоннинг келишини равонлаштиради. Исириқни сувда қайнатиб, ўша сувни заифлашиб қолган аъзоларга қўйишса, уларга қувват багишлайди ва карахтиликни даф этади.

Исириқ қайнатилган сувни қуёшда қуюлтириб бурунга томизилса, тумов ва кўзнинг қизилтигини йўқотади.

Исириқни турп сувидга то қуввати унга ўтгунча қайнатиб, кейин у сувни тозалаб, устидан ўша миқдорда зайдун ёги қўйиб, паст оловда суви бугланиб, ёгининг ўзи қолгунча қайнатиб, шу ёғни совутмасдан илиқ ҳолатда қулоқча томизилса, қулоқ оғризи ва карлиги, шунингдек, турғи оҳанглар жаранглишларига даво бўлади.

*Исириқ ёғи ейилса ёки ташқаридан суртшиса, миянинг иллатини очади, фалаж, юзниң қийишайиши, қалтироқ аъзолари нинг нотавонлиги, тутқаноқ, эт учииш, асаб бодлари ва қарахтликка даво бўлади. Агар шу ёғ билан ҳуқна қилинса, бел оғриги, радикулит, буйрак совуклиги ва бачадонга фойда қиласди.*

*Зарари. Иссик мизожли кишиларга исириқни истеъмол қилиш зарарли бўлиб, бошогриқни келтириб чиқаради ва юракни бехузур қиласди. Бунда шаробнинг масти қитишидек масти қилувчи қуввати бор. Кўнгилни қаттиқ айнитади.*

*Исириқнинг ўзини бир қунда бир марта ейши миқдори 4,5 граммдан 9 граммгача.*

### **Кавал (Ковул)**

*Ковул (кавал) гули гунчасига капари дейилади. Каппари қуритилган ҳолда, шўр ёки табиий сиркада сақланиб ишлатилади. Янгиси лимон суви (ёки сирка), туз ва зайдун ёғи билан ейилади. Куритилган капари яхшилаб туйилиб, сув билан ичилса, геморройга фойда беради.*

*Талоқ касалликларига ковулдан яхшириқ ўсимлик йўқ. Бу каби касалликларда ковул томирининг пўсти қайнатилиб ичилади ёки 1 чой қошиқ майдаланган ковул пўсти 3 ҳафта давомида эрталаб ва кечқурун сув билан ичилади.*

*Куруқ томири ўрнига гунчаларини (капарини) ҳам қўллаш мумкин.*

*Куритилган томири туйилиб, жағдар уни билан аралаштирилади ва кечқурун талоққа сурилади ва устига ёғли қоғоз ёпилади ҳамда эрталабгача туради.*

*Янги ковулнинг томири пўсти қуритилган ковулнинг пўстидан қувватли бўлади.*

### **Кийикўт**

*Мизожи. Учинчи даражсанинг аввалида иссиқ ва қуруқ. Тогда ўсадиган кийикўтининг мизожи учинчи даражса охирида иссиқ ва шу даражса ўртасида қуруқ. Сув ва дарёлар соҳилида ўсадиган сув кийикўти мизожи иккинчи даражса охирида иссиқ ва қуруқ.*

**Таъсири.** Унинг истеъмоли баданинг тюртишиш дардига даво бўлиб, меъда ва кўкрак остидаги аъзоларни бегона ва гализ мoddатардан тозалайди. Меъданинг ачишишига таскин беруб, кекириш ва юракнинг беҳузур безовталашига ёрдам беруб ўткадан ёпишқоқ рутубатларни чиқаради. Бадандаги бодларни ҳайдайди, тер, ҳайз ва пешоб келишини равонлаштиради, савдо мoddасини ичкетар билан ҳайдайди. Унинг шароби беҳузурлик ва кўнгил ашнишини кетказади. Ичилса, тутматилса ва кўтаришса, ҳайз қонини ва сийдикни кучли равшида ҳайдайди, шароби эса түкқандан кейинги қонни тушириб бачадонни тозалайди. Уни түйиб ҳомигадор аёллар тагдин кўтаришса, ўлик ҳомила ва йўлдошининг тушишига ёрдам беради.

Саҳро кийикўтини сувда қайнатиб, қорин остига, яъни киндик атрофига кам-камдан томизилса, бачадон еллари ва унинг қотиши – ҳамма-ҳаммасига шифо бўлади.

Уни куйидириб тишига босилса, милкни мустаҳкам қиласди, ҳисласа диниққа уришиб, ҳуидан кетши дардига даво бўлади.

Тогда ўсадиган кийикўтини чой ўрнида ичилса, кўкрак ости, ўтика ва бачадон аъзоларидаги қуюқ рутубатларни ҳайдайди. Шимтаҳани очиб, йўғон ичак шашларидаги қуланжни даволатиди.

Рухий тушкунлик ва беҳушликни бартараф этиб, пешоб ва ҳайзни шиддат билан равонлаштиради ҳамда буйрак ва қовуқ тошлиарини майдалаб тўкиб юборади.

Сой ва соҳиларда ўсадиган сув кийикўти, аввало, ҳар қандай заҳарга қарши санараги даво бўлиши билан ажратиб туради. Агар унинг ҳўлидан олинган сувини ивитиб, қулоққа томизилса, қулоқ ичида ёт пайдо бўлиши туфайли гарангтик (киргик) бўлган бўлса тезда тузатади.

Агар уни сувда қайнатиб ўша сув ичилса, тўғри нафас олиш, яъни ўринга ётганда нафас ололмай, фақат тик турганда босини баланд кўтарган ҳолда нафас олиш дардига гирифттор беморлар дардига шифо бўлади. Янги узиғган кийикўтини сиканжабун ёки анор шарбати билан ичилса, юрак безовталаши, сафраги қайт қилиш ва кекиришни бартараф этади, агар уни асал ва туз билан ичилса, меъда ва ичаклар қуртими, ҳатто оишқовоқ уругиги ўхшаган гижжалирни ҳам тўкиб юборади.

*Кийикүтни спиртга чўктириб бөгланса, теридаги оқ дөглар ва радикулитни даф қиласди. Захарли жонзотлар чакқан жойга құрғық кийикүтни құйиб бөгланса, ўша жойда яра ҳосил қиласди ва захарни ўзига тортиб олади.*

*Куруқ кийикүтини түйіб, тананинг куртлаган жойига сепилса, куртларга қирон келтиради.*

*Зарари. Саҳро кийикүтини ичға истеъмол қилиши ичакларга зарарлы бўлиб, ошиқаси ичдан қон кетишни пайдо қиласди ва ҳатто қон сийдиради, ҳомиладор аёлдаги соглом болани муддатдан олдин туширади. Саҳро кийикүтидан бир кунда бир марта истеъмол қилиши миқдори 7 грамм. Тог кийикүтини ейиш орқа авратга зарар қиласди. Бунинг зарарини сирка ичиши билан қайтарса бўлади.*

### *Крахмал*

*Мизожи. Унинг мизожи аввалги даражанинг охирида совуқ ва құруқ. Лекин баъзида совуқ ва ҳўл бўлади.*

*Таъсири. Крахмални аёллар сути ёки товуқ тухумининг оқида эзгилаб, кўзга тортилса, кўз оғригини тузатиб, кўз пардаларининг қотишини юмшатади. Уни новвот ёки ширин бодом ёги билан пишириб, илиқ ҳолида истеъмол қилинса, қон қусишни тўхтатади ва ҳалқумдаги дагаллик, иссиқ йўтал, кўкрак ости аъзолари дардлари ва сиғга шифо бўлиб, бавосир ва ҳайз қонини тўхтатади. Агар буни қовурилган ясмиқ билан пиширилб ейилса, ичкетарни тўхтатади. Шунингдек, крахмални эритиб, у билан ҳуқна қилинса, ичакларининг ички деворидаги яллигатанишларни бартараф этади.*

*Крахмалдан кисел тайёрлаб ичилса, кўкрак ости аъзоларга ташқаридан ножкоиз моддаларининг оқиб тушиши олдини олади. Уни сирка билан қориб бөгланса, томоқ оғригига шифо багишлайди ва иссиқ шишиларни бартараф қиласди.*

*Уни шароб билан қориб суртилса, захарни илон чакқанига даво бўлади.*

*Зарари. Крахматининг озуқа сифатида кучи оз, бироқ крахмални кўп ейиш манийни камайтириб юборади, бадан аъзоларида тиқилмалар пайдо қиласди, кеч ҳазм бўлади ва савдо моддасини келтириб чиқаради. Ушбу зарарларни қайтармоқ*

учун ҳар хил шириңликлар, аччиқ қатампир ейши тавсия қытанаади. Красмалдан истеъмол қытиш миқдори бир кунда 4,5-7 граммгача.

### Кунжут

**Мизоқи.** Биринчи даражасынинг ўртасида иссиқ ва охирда ҳўл.

**Таъсири.** Етимловчи, юшиштувчи, мўътадиғ даражада қиздирувчидир.

Кунжут ёги диққинафас ва астмада фойда қилиб, кўз лўқиллашлари ҳамда шишларга суртилади. Ёгини ичилса балгани ва қондан бўлган қичимани кетказади. Йўғон ичакка фойдалидир. Кунжут ёғини зигир уруглари билан бирга мўтадиғ миқдорда ейтича, эртик ургуниш ва шаҳвоний қувватини оширади.

Шоҳли шлон чаққанига фойда қиласди.

**Зарари.** Кунжут меъда учун ёмон, кўнгилни айнитиб, иштаҳани туширади ва тезда тўйдирафи. Кунжутининг жуда ёғлик гизолик моддаси кишини чапқатади. Кунжутнинг ўзи ёғига қараганди кучлироқ.

### Кунгабоқар

**Мизоқи.** Магзи иккинчи даражаси иссиқ қуруқ.

**Таъсири.** Кунгабоқар барги ва гулидан тайёрланган эритма ҳалқ табобатида беззак касалтигини даволашда, иштаҳа очши ва осқат ҳазмини яхшилашда ишлатилади. Барешининг дамламаси билан иситма, гулидан тайёрланган қайнатма билан беззак, иситма, ич кетиши, бод, сариқ ва юрак касалтиклари даволанади. Гулларининг қайнатмаси яна сийдик ҳайдовчи востита сифатида ҳам қўлланашади.

Бир гуруҳ олимларининг тажрибасидин маълумки, кунгабоқар мевасидан малҳам тайёрланниб, ҳар хил катта-кичик шишларга суртилан, гулларининг дамламасидан оғиз бўйлигидаги яраларни даволаш учун оғизни чайшига буюрилган, гулларидан сутга тайёрланган қайнатма билан кўз оғригидга ювиш тавсия қитинган.

Илмий тиббиётда кунгабоқарининг тибсизмон гуллари ва баргларидан тайёрланган дамламалар иштаҳа очувчи востита ҳисобланаб. Улдан олинган мойдан ични юшиштувчи малҳам сифатида фойдаланилади.

**Зарари.** Ошқозонда сафро түгдиріб, сафровий қайт қылдиради. Ошқозон ярасидан қон кетишігә сабабчи бўлиши мумкин. Танада сафрони қўзгаб, аллергияни кучайтиради. Бош мияда савдони купайтириб, метанхолик касалигини пайдо қиласади. Иссик-куруқ мизожи кишиларга тавсия қилинмайди.

### Лавр барги

**Мизожи.** Мизожи иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ. Мевасининг магзи барги ва пўстига қараганды иссиқроқ. Ёгининг мизожи бошқа қисмларига қараганды, ҳатто ёнгок магзидан ҳам кўра иссиқроқдир.

**Үмумий хусусиятлари.** Таҳлил қилиб, ҳузур багишловчи, қувватни ошириб, пешобни равон юргизувчи ва заҳарларга қарши энг самарали тарёклик (айниқса, меваси) кучига зга.

**Таъсири.** Лавр меваси ейитса, гализ бодларни бартараф эттиб, ичаклар дарди, қуланж ва жигар ҳамда талоқ ҳасталикларига шифо бўлади. Қуруқ мевасидан 9 грамм янчиде ейитса, ичак дардларига дарҳол таскин береб, билгамили бош оғриги, тўхтаб қолган бодлар, тутқаноқ ва вассасга шифо бўлиб, зеҳнни зийрак қиласади ва фажм-фаросатни оширади. Агар буни туйиб бурун тешигига қўйилса, бошнинг бир томони оғриши ва юзнинг қийишайшигига даво бўлади.

Ёги бошга суртилса, асаб дардларига таскин береб, зеҳн сустлашиши ва хотира тарқоқлигини бартараф этади, шунингдек, ярагарнинг кўзини очади. Мевасини туйиб, нон ёки арпа уни билан хамир қориб, қўйиб бояланса, лўқиллаб оғрийдиган дардларга малҳам бўлади ва иссиқ ишиларни қайтаради. Меваси ва ёги ейитса ёки суртилса, бўғинларнинг дарди. айниқса, бел оғрига таскин беради. Меваси ва баргини туйиб, спирт билан қориб суртилса, теридаги оқ сепкилти ва бошқа дөгларни бадандан даф этади.

Баргини сувда қайнатиб, оғиз бир-икки чайитса, тиши оғрикига таскин беради, ичилса, қовуқ ва бачадон дардларига шифо бўлади ва агар шу сувни асал суви билан ичилса, союқдан ҳосил бўлган дардларни, сиканжабин билан ичилса, иссиқдан ҳосил бўлган шлатларни бартараф этади, ўша сувдан оз-оздан ва давомли равишда қўйиб турилса ёки киндинкоча кифтиб ўтирилса, буирак, қовуқ ва бачадон ҳасталикларига шифо бўлади.

Лавр япрогининг хислатларидан бири шундаки, агар баргини сувда қайнатиб, ўша сув уй ичига сепилса, паша ва шунга ўхшаш зарарли жониворлар ўша атрофдан қочиб қолишади, шунингдек, барглари ёйиб қўйшича ҳам, шундай хислати намоён бўлади.

*Зарари.* Лавр баргини ичга истеъмол қилиши асносида, меваси ва ёги меъда фаолиятини сусайтиради, шунингдек, юракни бекузур қилиб қустиради ва кўкрак қафаси ичидаги аъзоларга кам зарар қиласади.

Ҳомиладор аёлларга лавр мевасининг пўстидан ейши тақиқланади. Унинг 3,5 граммини туйиб еса, қорнидаги тирик болисини ўлдиради.

Лавр дарахтининг меваси ва баргидан бир кунда бир марта истеъмол қилиши миқдори 2,25 грамм. Агар 9 грамм ичib қўйса, ични шиддат билан келтиради.

### Лимонўт

*Мизожи.* Ҳамма турларининг мизожи иккинчи даражаси ўртасида иссиқ ва қуруқдир. Баъзи табибларнинг таъбирича, мизожи иссиқларда мўътадил ва иккинчи даражада қуруқдир.

*Таъсири.* Ушбу гиёҳ, юрак, мия ва баданинг барча ўнг қисми меъда ҳамда жигарга қувват баҳши этувчидир. Уни ейилса ва ҳидланса, кайфиятни чоғ қиласади. Мия аъзоларидағи тугунларни очиб, қуюқ моддаларни юмшоқ ва суюққа айлантиради, ўйқусида атрофни қора қоплаш ҳолатига барҳам бераб, мияда савдо моддаси кўпайиши оқибатида юз берадиган кўрқоклик, ҳадиксираш, юрак ўйнаши, ҳуидан кетиши, бодли ҳиқиҷоқ каби дардларга дармон бўлади. Агар уни еса ва боғласа савдо моддагарни таҳлил қиласади, савдодан бўлган қўтирга фойда қиласади. Балгам кўпайиб кетишини натижасида пайдо бўладиган ҳастатиклар ҳамда ичаклар дарди, куймич ва буйрак шилатларига даво бўлади. Баргини ҳидланса, миядаги тугунлар ёйилшиб, мия тиқилмаларини очади. Агар ўша баргини чайнаса ёки сувда қайнатиб, оғиз чайилса, тиши, милк ва оғиз бўшилигидаги турли ҳидланишларни кетказади ҳамда тишлар чиришининг олдини олади. Ушбу гиёҳнинг туйилганини асал билан ҳамир қилиб, ялаб ейилса, нафас олишдаги қийинчилек, тик туриб нафас олиши дардларига шифо бўлади.

*Агар уни түйиб бөгланса, қутырган ит тиштагани ҳамда қоракүрт чаққанида зағарга қарши таъсири күчли тарёк бўлади. Юракка қувват бахши этиб савдони бартараф қиласади. Уни агар сирка билан аралаштирилиб бөгланса, ярагарни қуритиб, ҳўл мизожли совуқ меъдага қувват бағиштайди, ҳазми оғир таомларни латифлаштириб, кекиртиради ва уйқуни келтиради.*

*Баргининг суви суртилса савдоғи қўтирип, чумоли чаққан ва этни ейдиган ярагарга даво бўлади, агар буни туз билан аралаштирилиб, ҳарорати мўътадил ҳаммомда баданга суртилса, ханозер (қулгунан)ни, таҳтил қиласади, шунингдек, қақшаб қалтиратадиган иситмани тушириб танадан даф қиласади. Уни сувда қайнатиб, аёллар шу сувда киндикларигача ўтирасалар, тутылган ҳайзлари юришади.*

*Зарари. Уни қайнатиб устига ўтириш қўймичга зарартидир. Бундай пайтда бодомлар елимини ейиш зарарни ислоҳ қиласади.*

*Унинг уругидан бир марта ейиш миқдори 9 граммдан, қуритилган гиёҳидан бир марта ейиш миқдори 35 граммдан, ҳўлидан ейиш миқдори 70 граммдан ошмаслиги лозим.*

### **Лолақизгалдоқ**

*Мизожи. Мизожи иккинчи даражада иссиқ ва ҳўл. Таъсирни тозаловчи ва шимдирувчиидир.*

*Таъсири. Түйилган қуруқ гулини найча орқали бурун ичига туфланса, бурундан қон келишини, баданга сепилса, қайси жойдан қон кетаётган бўлса, тақа-тақ тўхтатади. Ҳўл гиёҳининг сувини қуёшда қуюқлаштириб лолақизгалдоқ шарбати тайёрланади. Ана шу шарбат суртилса, жароҳатларни йирингдан тозагайди ва пўст ташлаш шилатини бартараф этади ҳамда кўзнинг шишини тағлил қиласади. Унинг шарбати бурунга томизишса, мияни зарарли рутубатлардан тозалатади.*

*Гулини ёнгоқнинг кўм-кўк пўчоги билан бирга түйиб, аралаштириб қўйиб бөгланса, сочни қораёттиради ва теридаги додларни ўйқотади. Лолақизгалдоқни қайнатиб чўкмасини қаттиқ бўлмаган шишилар ҳамда чипқон ва иссиқ тошмаларга суртилса, ёриб бўшатади Шираси бош ва мияни тозалаш учун бурунга тортилади. Яна ширасини*

асал билан кўшиб ишлатилса, кўз хиралашишига, кўзга оқ тушишига ва кўздаги яралардан қолган изларга фойдали. Ҳўл гиёҳининг суви кўзга томизилса ёки қуритилган гулини туйиб, сурмага ўхшатиб кўзга тортилса, ундағи хол ва пардаларни йўқотади. Қуритилган лолақизгайдоқ чиркли яраларга фойда қиласди ва уларни битиради. Ҳар куни унинг 3,5 грамм уруғини совуқ сув билан истеъмол қилинса ва буни муттасил давом эттирса, пес иллатини бадандан батамом йўқотади.

**Зарари.** Унинг 3,5 грамм гули ейитса, одамни жинни қилиши кучига эга.

### Мамоқаймоқ (қоқигул)

**Мизожи.** Совуқ ҳўл.

**Таъсири.** Мамоқаймоқ ҳалқ табобатида овқат ҳазм қилиши аъзоларининг фаолиятини яхшиловчи, илдизидан тайёрланган дамлама эса жигар шамоллашида, ўт пуфаги ва меъда ялигланишида яхши самара бериб келган. Баргидан олинган шира эса камқонлик дармонсизлик ва кўкрак оғригида ёрдан беради.

Илмий тиббиётда унинг илдизидан тайёрланган қуюқ экстракт ёки кукуни иштача очувчи, овқат ҳазни бўйишини яхшиловчи, ўт ҳайдовчи восита сифатида гастритни даволашда тавсия этилади.

Шарқ табобатининг бобоколонлари Абу Бакр Ар-Розий ва Абу Али ибн Сино аматиётда мамоқаймоқ ширасини истисеко ви жигар ҳасталигини даволаш, ҳўл танаси ва баргини эзгилаб чаён чаққан жойга боғлаш, сут шираси билан кўзга тушган оқни даволашда буюрган бўлса, ҳалқ табобатида илдизи ва баргидан тайёрланган дамлама, буйрак дардини даволаш, сийдик ва ўт ҳайдовчи ва қонни тозаловчи восита сифатида фойдаланилган.

Мамоқаймоқдан фойдаланиш болаларда кўпроқ учраб турдиган экземани даволашда ҳам яхши самара бериб келяпти. Бунда илдизининг кукуни асал билан суртма ҳақида суртилади.

**Зарари.** Совуқ мизожи кишилар камроқ истеъмол қилишлари керак. Ҳафақон касаллигига тавсия этилмайди.

## Мұмиәт

**Мизожи.** Мұмиәт мизожи иккінчі даражада иссиқ.

**Таъсирі.** Латиф ва шимшити्रувчи. Шылтиқли ўсмаларға фойда қылаб, чикқан, синган, йиқилган, урілгандаги оғриқтарға ҳамда фалаж өз фалажига қарши ичилади ҳамда суртилади. Мұмиәни уч арна дони миқдоридагисини ўткір набз шарбатига солиб ичилса, ўтқадан қон туфлашнинг олди олинади.

Мұмиәт бошнинг бир томон ярмининг оғриғига совуқ бош оғриғига тутқаноқ ва бош айланышыга фойда қылади. Меъда кучсизтігига зира, жувона ва қора зира суви билан ичирилади. Шунингдек, бағамдан бўладиган ўқчишда кўкрак, меъда ва жигар устига йиқилишда заъфаронга қўшиб сувидан ичирилади. Талоқ оғриғида бир киротини шакар суви билан ичирилади. Мұмиәт сийдик йўлидаги ва қовуқдаги яралар учун фойдала.

**Зарари.** Ўткір жигар касаллигига, қон босими юқори кишиларга ва түгерук ёшидаги аёлларга тавсия қытингмайди.

## Наргис

**Мизожи.** Наргис гули ва пиёзининг мизожи учинчи даражада иссиқ ва құруқдир. Уругининг мизожи учинчи даражада иссиқ ва құруқ.

**Таъсирі.** Наргисни ҳидласа, бағамти ва савдоли дардларға таскин бўлиб, мия тиқылмаларини очиди, шунингдек, агар совуқдан бўлган бўлса, тумов ва шамоллишга шифо бўлади.

Абу Али Ибн Сино асал билан ёввойи ясмиқ қўшилган илдизини йирингли шишиларга, ёгини асаб хасталиклари, кўкрак ва қорин тұсигидаги қаттиқ ва қатин шишиларни даволашда қўллаган бўлса, наргисни миядаги тиқылмаларни очишида савдодан келиб чиқадиган рутубатли бош оғриғи, бачадон ва қовуқдаги оғриқларига даво сифатида тавсия қилган.

Халқ табобатида наргис пиёзбошисидан тайёрланған спиртли аралашма қабзият ва ўт йўлини тозаловчи омил сифатида қўлланылган. Агар уни түйиб болганса, ширинчага даво бўлади ва тумовни даф этади.

Үнинг құруқ пиёзини майда эзеплаб сочилса, кўзга тушган парданы ва унга тушган чуқвуқни йўқ қиласи.

асал билан аралаشتирлиб боғланса, асабларнинг чангак булишини бартараф этади. Унинг пиёзчаларини туйиб, сирка ва асалга аралаштираса, яра ва катта чуқур жароҳатларни йиринг ва ифлосликлардан тозалайди ҳамда уларнинг оғзини очиб, шифо багиштайди. Асабнинг таранг тортилган торларини бир-бирига пайвасталайди, уни туйиб асал билан қориб боғланса, асабнинг эски дардлари бўғинлар ва қўл-оёқлар шишидан иборат бўлган подаграни даволашда қўл келади, шунингдек, синган суяқ аъзоларини бир-бирига пайвандлайди. Агар гулининг ўзини туйиб қўйиб боғланса, асаб аъзолари жароҳатларига даво бўлиб, уларни бир-бирига ёпишиширади. Агар исалга қориб боғланса, куйган жойларга малҳам бўлади. Тўйилганини сиркага аралаштириб боғланса, бошнинг сочи тўкилган жойларига соч, иякнинг туки йўқ жойларига тук чиқади ва теридағи оқ ва қора дөсларни бартараф этади.

Наргис ёги суртилса, савдоли ва бодли дардларни, бод йигилиши тифайли содир бўлган бош оғриги ҳамда сабабчи-си совуқтик бўлган барча дардларни бартараф этишда даво бўлади. Бундан ташқари, асаб хасталикларига шифо бўлиб, бачадоннинг берклиб қолган оғзини очади. Наргиснинг 1,75 грамм уругини туйиб, янги согилган сут билан ичилса, жинсий фаолиятни равонлаштиради. Тўйилганини сиркага қориб боғланса, теридағи темиратки дөвлари ҳамда оқ ва қора дөсларни йўқ қиласади.

**Зарари.** Мизожи иссиқ кишиларга наргис истеъмоли зарар қитиб, бош оғригини келтириб чиқаради. Шундай пайтда бинафшиа ейши тавсия этилади.

Бир кунда наргисдан бир мартта ейши миқдори 7,5 грамм.

### Нилуфар

**Мизожи.** Нилуфарнинг барча қисмларининг мизожи иккичи дираҗсада совуқ ва ҳўлдир. Гулининг мизожи бинафшидан ҳам кўра совуқроқ ва ҳўлликда ундан ҳам ортиб тушади. Илдизитинг мизожи иссиқ ва қуруқ, уругиники совуқ ва қуруқ. Кучи бир йилгача сақланади.

**Таъсири.** Нилуфар гулини истеъмол қилиши юрак ва иссиқ мизожли мияги куч беради. Ўйқуни келтириб, иссиқдан бўлган бош оғрикни босади ва миянинг қуруқлигига даво бўла-

ди. Күкрак ичидаги аъзолар дагаллыгини ислоҳ қилиб, иссиқ ўйтални босади, тез даволари туфайли содир бўлган ички ва ташқи яра-чақаларга шифо-багишлайди. Агар уни заъферонга аралашибилган долчин билан ейлса, юракни кучли қиласади ва юрак ўйнашига шифо багишлайди.

Унинг илдизидан озроқни олиб шимилса, ҳалқумдаги шишлиарни қайтаради ва томоқ дардини даф этади. Гулени сувда қайнатиб, ўша сувни оз-оздан давомли равишда бошдан куйиб турисла, унинг иссигини босади. Гули ёки илдизи ейлса, ичкетарни, ҳатто эскирган бўлса ҳам даво бўлиб, жавҳарнинг беихтиёр тўклишининг олдини олади ва беҳуда келишини тўхтатади. Жинсий шаҳватни осойишталашибриб, ухлаганда тушида шайтоний бўлишининг олдини олади. Гуленинг ўзи ейлса, чечак ва қизамиқса даво бўлади. Баданга тошмалар тошгандан кейин ҳарорат кўтаришган юрак ва жигарни беҳузур қилган бўлса, уларга таскин беради ва шиддатли ва иссиқ ҳароратни туширади.

Илдизини еса, эски ичкетарни тўхтатади, талоқни тозалайди ҳамда ичаклардаги яратарга шифо бўлиб, манийнинг бемаврид келишини боғлайди. Агар буни туийиб, ташқари тамондан боғланса, меъда, орқа аврат ва қовуқлар дардига шифо бўлади.

Илдизини туийиб, сувда қориб, қуймучга боғланса, теридаги оқ дөгларни ва песни ўйқотиди, айниқса, унинг қора илдизи бу борада кучли ва таъсирироқдир. Буни асал билан қориб боғланса, бошнинг сочи тўклилган гадир-будур жойларига соч ҳамда иякка соқол чиқади.

Уругини туийиб, қўйиб боғланса, кўп ва бежсо кетаётган ҳайз қони ва шашит билан оқаётган қонни тўхтатади. Нилюфар шарбати ични юмиштиб, иссиқдан бўлган бош оғриги, иссиқ сафроли иситма ва ориқлатувчи ҳаракат, чечак, қизамиқ, иссиқ ўйтал ўпка шиши ва иссиқдан бўлган юрик ўйнаши, кўкрак қафаси аъзолари дагаллиги каби дардларга шифо багишлайди.

**Зарари.** Бироқ нилюфар қовуққа зарар қиласади, бунинг давоси асал ёки новвотдир. Жинсий қувватга ҳам путур етиши мумкин, бунинг давоси эса мева доналарининг маззи ҳамда асал истеъмол қилимоқ.

Бир кунда нилюфар қисмларидан бир марта ейини миқдори

10,5 граммгача бўлиб, агар сувда қайнатиб, суви ичиладиган бўлса, 35 граммгача бўлади. Ниуфар шодизидан бир марта истеъмол қилиш миқдори 3,5 граммдан, 10,5 граммгача бўлиб, агар бундан ортиқ ейилса, жинсий қувватни сустлаширади.

### Пахта

**Мизожи.** Мизожи иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ, чигитники иккинчи дарижада иссиқ ва ҳўл, гулининг мизожи иссиқ ва ҳўл ҳамда бошқа ҳолатлари ҳам учраб туради.

**Таъсири.** Пахта гулининг ўзини ёки ҳўли билан бирга тушиб боғланса, бадандаги пўрсилдоқ тошмалар ва оловда куйган жойларги шифо багишлайди ҳамда пахта толасининг тутуни бурунга тортилса, шамоллаш-тумовни даф этади.

Пахтидан тикилган ёки астари пахтадан бўлган либос кийилса, тинани иссиқ тутиб, қувват багишлайди, бадан аъзоларини қуруқ ва қаттиқ сақлайди, шушиңгдек, мия ва асабга алоқадор қалтироқ, аъзоларнинг сустлиги ва нотавонлиги, тинанинг бир томонга бошдан оёққа қадар шол бўлиши ва томирлар тортишиши каби хасталиклар учун фойдалидир.

Чигити ажратилган пахтани то қорайгунга қадар куйдириб, яъни кул ҳолига етказмай боғланса, шишиларни қайтариб, баданинг шилингган ва ялтигланган жойларини тузатади, куйган бўлса, шифо багишлайди. Чигити ажратилган тоза пахта бадандаги оғзи очилган, ичи йиршиг боғлаган ва жароҳатли яраларга босиска, йирингни шимиб, тозагаб куритади, агар туяулган пахта упидан эски яралар ичиги солиб тўлдирилса, ҳаром гўштларни ташқарига чиқаради ва яра тубидаги йирингларни тортиб сиҳатлик багишлайди.

Оловда иситишган пахта дардманд аъзолар, совук шишилар ва сув тушиган моякларга бир муддат боғланса, дардни даф этиб, шишиларни қайтаради ва моякларга тушиган сувни чиқарив юборади. Туксиз чигит магзи ейилса, кўкрак ичидаги аъзолар ва қоринни юлшиштади ҳамда иссиқдан бўлган йўтатни йўқотади. Агар буни долчин ва шакар билан бирга истеъмол қилинса, мизожи совук кишиларга эртик қувватини багишлайди.

Сиканжабун (сирка ва асал) билан бирга ейилса, иссиқ мизожли кишиларнинг шаҳватини кўпайтиради, тиркувват қилишида дармон багишлайди.

*Чигит ёғи суртиса, теридағи сепкілді дөгларни йүқ қылады ва юзда бұлған тошмаларға шифо бағишилайды.*

Яңғы узылған гұза барғини түйіб, сувини сиқиб оліб, ундан 70-75 граммдан бир неча марта ичілса (айниқса, олма шарбати билан), болалар ва қанталарнинг ич кетишини тұхтатады. Түйілған барғи қызылгүл барғига құшиб болғанса, күлөөқ панжатаридаги шишилар ва бошқа мұттасыл лұқпилаб огрийдигши дардарларға шифо бұлады. Агар гұза барғи билан семизүт барғи бирға түйіб болғанса, хоҳ иссиқдан, хоҳ союқдан бўлсун, бўғинлар дардига даво бўлади.

*Гўзанинг майдада барглари ва шидизи араташтириліб, қайнатылған сувга аёллар кириб ўтиришиша, бот-бот хуружга келиб, беҳушлик ҳолатини көлтирадиган дардарларға шифо бўлиб, иллатларини бартараф қылади. Унинг баргларини сояды құритиб, түйіб сочилса, тиғи ва бошиқа сабаблар туфайли бадандан қон кетишини тұхтатады.*

*Зарари.* Чигит мазгидан бир кунда бир марта ейши миқдори 23 граммдан ошмасында керак. Акс ҳолда қарамақарши мизожларға зиён етказиши мумкин.

### *Петрушка*

*Мизожи. Биринчи даражада иссиқ, иккінчи диражада күрүқ. Богда ўсадигани ҳўл, лекин унинг томири қүрүқдир*

*Таъсири. Ел ва күпчишини тирқатувчи, тиқилмаларни очувчи, терітатувчи, огриқтарни тұхтатувчидир. Мураббоси иссиқ мизожли кишиларға фойдалидир. Богда ўсадигани оғиз ҳидини жуда яхшилайды.*

*Қаттиқ ва иссиқ шишиларни шимшилтиради. Йўталға, айниқса, астма, нафас қисиши ва нафас олишининг қийинлашувиға ҳам фойда қылади. Жигар ва таюқ учун фойдалидир. Сийдик ва ҳайз қонини юргизади. Петрушканинг ҳамма турлари ва ҳамма бўлаклари буйракни, қовуқни ва бачадонни тозалайди. Тог петрушкаси тошни майдалайди. Петрушка сийшининг қийинлашувида ёрдам беради.*

*Зарари.* Ёввойиси яра қытувчи, огриги учун ёмондир. Тутқаноғи бор кишининг тутқаноғини қўзгатади. Петрушканинг уруги қовурилмаган бўлси, кўнсигни айнитади ва қустиради. Ҳомиладор аёллар учун зарарлидир.

**Равоч**

**Мизожи.** Равоч мизожи пояси билан баргиники иккинчи даражада совуқ ва қуруқ. Илдизининг мизожи мураккаб, у қувват бўлиб, иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

**Таъсири.** Равоч илдизини сиркага қўшиб суртилса ва у билан сурги қилинса, сепкил ва теридағи (ярадан) қолган изларга фойда қиласди. Уни баъзан суюқликлар билан қўшиб иссиқ шишларга боғлайдилар. Сирка билан қўшиб темираткига (қарши) суртилса, фойда қиласди. Бўғинларда йиқилиши ва урилишлар асоратларини йўқотишга ёрдам беради.

Буни иссиқ сув билан истеъмол қилинса, ҳар хил кекиришлар, аъзоларнинг таранг тортимиши ва ишламай қолиши, қорин пардасининг йирттишиши (дабба, чурра), ва ичаклар дардига даво бўлади.

Бундан 4,5 граммини қовун шираси билан ейилса, туттилган пешобни равон ва шиддатли келтиради. Агар сунбул суви билан тановул қилинса, радикулит, балгамли иситма, пайлар сустлиги ва уларнинг дардларига шифо бўлиб, зира билан ейилса, ичдаги шишларни қайтаради. Унирайхон шарбати билан ичилса, турли чиқишиларда фойдалидир; шунингдек, ёги билан ёғтансо, эт узилишида, унинг оғриқлари ва (мушакларнинг) чўзилишида фойдалидир.

Агар равоч илдизининг түйилганини беҳи ургининг шарбати билан қориб, тилгининг тагига ташланса ва суви ичга ютилса, совуқ мизожсли ҳўл ўтмал ва ҳўл совуқ астма, совуқдан бўлган ҳўл оғизнинг пишиши ва қон туфланиша фойдали бўлиб, уни қобулий халига, дарахт танасидаги оқ замбуруге ва алоэ билан арагаштирилиб ичга ютилса, мияни зарарли ва кераксиз моддатардан тозалами. сафроли ва совуқдан пайдо бўлган бош оғригига, бошининг бир томонидаги дард фатаж, томир тортисиши, жиннилик, қўрқиши, совуқ мизожсли тумов, қулоқдаги ҳар хил шовқин ва жаранглашлар ҳамда кўз оғриги шамоллашларига даво бўлиди.

Агар унинг талқонини андиз илдизига қўшиб ейилса, кўкрак қафаси ичидаги хастатиклар, ўтмат, нафас қисиши, овоз олиниши ва бошқа дардларга даво бўлиб, уни олма шарбати билан бирга ейилса, мушаклар сустлиги ва асаблар дардлари,

шунингдек, уларнинг узилиши ва йиртилиши, нотавонлашиши ва мия чайқалишида яхши самара беради.

Жигар, меъда ва унинг заифлигида ва огриқларида, ички огриқларда, хиқичноқда фойдали бўлиб, талоқни оздиради.

Равоч илдизи овқат ҳазмининг бузилишдан бўлган ич кетишида, ичак огриқлари ва дизентерияда, буйрак ва қовуқлардаги огриқлар, бачадон огриқлари ва қон кетишида ҳамда чўзма даврий иситмаларда фойдалидир. Унинг туйитигани сирка билан қориб хамири боғланса, теридағи сепкишли дөглар, тошмалар ва лат ейши ҳамда кучли зарбалардан ҳосил бўлган дөгларни ўйқ қиласди. Агар арпа уни тугмачагул, гулхайри ургулари билан аралаштириб, қўйиб боғланса, силжиган сүякларни ўрнига қайтаради.

Равочни туйиб иссиқ сув билан ҳамир қориб суртиса, лат еган аъзоларга ёрдам бериб, совуқ шишиларни қайтаради ва иссиқдан бўлмаган барча дардларга шифо бўлиб, совуқ мизоҳ заҳарлар, айниқса, чаён чақишида фойдали бўлиб, уни танадай ҳайдайди. Бир ичиши миқдори тўқакнинг бир ичиши миқдори билан баробардир. Агар кифтлар орасига суртса, юракка тушган гулгула ва хавфни ўйқ қиласди.

**Зарари.** Уни меъда ва жигар ҳастатикларига учраган беморларга тавсия этилмайди. Ўнинг ўрнига бир ярим миқдор вазнда қизилгул истеъмол қилишлари лозим. Равочнинг илдизини меъёрдан ортиқ ейши ичда қотиб қолган ахлатнинг танадан чиқишига зарар қиласди. Бундай ҳолларда зарар учун бодом елими кифоядир.

Равоч илдизидан бир кунда бир марта ейши миқдори 4,5 граммдан 7 граммгача.

### Райҳон

**Мизожи.** Райҳоннинг мизожи биринчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада қуруқ. Латиф ва қурутувчи.

**Таъсири.** Райҳонни ейилса, миядаги тиқшамаларни очиб, ҳамма аъзолардаги шишиларни бартараф қиласди. Юрак ўйнаши, меъда заифлиги ва ноҷорлигига шифо бўлиб, ёмон бодларни бадандан ҳайдайди. Сирка билан қўшиб, сарамас, шилтиқли ўсмалар ва ёйтувчи яраларга суртилади. Юз фалажига фойда

## Маржон табиб битиклари

қилади. Уни бачадон огригига қарши қизил гул ёги билан қүшиб иштатылади. Агар райхон барғаштынг сувини шакар билан қүшиб, ширин қилиб истеъмол қилинса, күкрак ости аъзолари, нафас олишидаги қийинчиллик ва йўталга барҳам беради. Агар райхонни чайнаса ёки суви билан оғиз чайилса, оғиз ичи ачишишини (тиштиши)ни бартараф этади.

Райхонни сувда бир кечада ивилиб қўйиб, эртасига ўша сув ичилса, баданинг иссиқ аъзоларини совуққа айлантириб, куч багишлайди. Райхонни ҳидланса, иссиқдан бўлган бош огригига, шунингдек, сафар чогида бош огриги пайдо бўлса, огриқтарни босади ва вабо ишлатини даф этади. Уруги ҳамма мизожслар учун ёқимли бўлиб, мизожда бу мўътадиллар.

Унинг ҳидидан зарарти жонзотлар қочади ва унинг суви чаён заҳрини қайтаради.

Тери, ошқозон, ичаклар ва қовуқни тозалайди. Райхон ҳидлаш бош огригини, уни чайнаши эса чанқоқни кетказади. Кўзга нур, юракка қувват. Мигрен, бош айланниши, тутқаноқ ва ўйқусизликка фойдали. Гижжагаларни тўқади. Палов, таомлар, шўрва, қатиқ ва айронга қўшилади, чой билан дамланниши ҳам мумкин.

Шарқ ўлкалари, аёллари райхонни кўп нарсатарди ишлатишади: райхон чайнинишиади, сочлари, қулоқ орқасига тақишиади, ҳидлашиади, бешикларга осишиади, барча таом ва ичимликларга қўшишиади. Курук райхонни кийинчларига ва ўйларига осишиади.

Қадимдан насронийлар (христианлар) ўйларига курук райхон осиб, ҳамто ўяикларининг тобутига ҳам райхон қўшишган.

**Зарари.** Райхон ургугини туйиб, бошқа шифобахи восита ва гиёҳларга аралаштириши мумлиқо мумкин эмас. Табобатда танасидан олинган суви кам шифо бўлиб, уни туйгин пайтida ана шу хислати зарарли моддага айланади. Райхон ургугининг туйилгани таркибида маш қулувчи ва қабзият ҳосил қулувчи қувватлантарида.

### Семизўт

Семизўт турли йўнлар билан истеъмол қутинади, энг таъсирлиси, сувини ичишидир. Унинг суви танаҳимоя тизимини қувватлантиради, бачадоннинг сурункали қонашини, гемор-

рой қонашини ва ҳайзни тұхтатади, гижжаларни туширади, бүйрак, қовуқ, жигар ва талоқ касаллукларига фойдалидир.

Семизүт суви ұснбузарларга суриса, уларни йүқотади. Ичилса, ёки газакланған жойға болғанса, газакни олади. Эзилгап семизүт иссиқ шишиларга суриса, шишини қайтаради. Семизүттің суви ичилса ва бош терисига суриса, иссиқни туширади ва бош оғригини камайтиради.

Семизүт қайнатылғанда сузылып, суви билан клизма қилинса, ичакдаги яраларни ёпади, гижжаларни туширади. Еввойи семизүт болғанда семизүттідан фойдалыроқдир. Бүйрак касаллукларига қарши ёввойи семизүттідан фойдалып дори йүқдир.

### Сувқалампир

**Таъсирі.** Халқ табобатида бавосил ва тери касаллукларини даволашда ҳамда қон кетишни тұхтатылашда құлланылып келинган.

Бачадонда, бемаврид қон кетгенде, чипқон, қорасон касаллукларини даволашда тавсия этилғанды, 50 грамм сувқалампир ўти 400 грамм сувда қайнатылғанда, ана шу қайнатыла билан терининг заразтанған жойлары ювилади.

Ушбу ўсичилукдан тайёрланған малзам өдатда бачадондан қон кетиши, ҳайзның чүзилиши жараёнларидаги акушер-гинекологик амалиёти даволаши мүолажаларыда (қон кетишни тұхтатылаш) самаралы фойдаланылади. Шунингдек, майдада томирлардан, меъда ва ичаклар капшыларидан қон кетгенде ҳам сув қалампир тавсия этилади.

**Куритилған сувқалампир** хом ашёсі яхши жойлаштирилған идишларда, құруқ, ұавоси мұльтадыл жойларда иккі йилгача сақтаниши ва табобатда құлланылғанда мүмкін.

**Зарари.** Сувқалампир қайнатылғанда шифокор тавсиясы билан ичиши керактығыни унұтманғ. Сабаби, бүйрак ва қовуқ ялтырганда, сувқалампирни истеъмол қилиш мүмкін змас.

### Терак

**Мизожи.** Терактың мизожи биринчи дарында союқ ва құруқ.

**Таъсирі.** Барғидан олинған сувини қуёшда қуюқлаштирилғаныни терак барғининг шарбати дейилади. Ана шу шарбатни асалға құшиб, күзге тортылса, күзнің хирадашишини

бартараф қиласади. Уни совит масдан қулоққа томизилса, ичидаги шишини бартараф этса, томирининг ҳўл бўлагини оловга қўйилса, ёна бошлаганида, оловдан ташқаридағи иккинчи учидан сув сиза боштайди, ана шу сув қулоққа томизилса, узоқ давом этилган карликка даво бўлади. Агар туйшлаганини сирка билан қориб суртиса, песнинг рангини ўзгартиради.

**Зарари.** Томирининг сувини ичга истеъмол қилинса, қонни күйдирали. Бадандо савдо моддасини пайдо қиласади. Бундай пайдода шакар ейилса, юз берган зарарни ислоҳ қиласади.

### Узум токи

**Мизожки.** Новдаларининг гули додгловчи дорилар таркибиغا киради. Ширасининг ёёқ ќушлагани етилтирувчи ва қиздирувчиdir. Ёввойисининг гули жуда буриштирувчиdir. Ёги бирча ёгларнинг энг кучлисиdir.

**Таъсири.** Токнинг суби қўтириб ва темираткилар учун дори бўлиб, ёввойи токнинг меваси чиқиқтарнинг ялтиглатишшини қайтаради.

Кириндиларининг кули сирка билан аралаштирилганда, асаб бурашишига, шохларининг кули эса зайдун ёги билан қўшилганда мушакларнинг ёришиши ва бўғинларнинг бўшашибига қарши ишлатилади. Кулининг суби ийқилиб тушганда ичиришиб, ширасининг ёги бўғин, мушак, асаб оғриқтари ва чарчашибга дори бўлади.

Баргининг сиқиб олинган суби дизентерия ва иссиқдан бўлган орқа тешик оғригига даво. Елимдек қўшилган сувини шароб билан ичилганда ичдиги тошни майдилайди, қириндиларининг кули сирка билан қўшилса, бавосига, тутсизмон ўслиага қўшилади. Тоз токи баргининг, шунингдек, ёввойисининг сиқиб олинган суби ви меваси қон туфлашга қарши ичилади. Барги ва жингак ишлари иссиқ боши оғригига суртма дори бўлиб, кора, оқ ёввойи токнинг илдизи қулоқ кирларини яхшилаб, карликда фойда қўлубчи дориларданdir.

**Зарари.** Зайдун ёги билан ёшиб ишлатилганда сочни тўқади. Меваси кўп сийдирали ва ични қотиради.

## Хардал (Хрен)

**Мизожи.** Мизожи түртпинчи даражада құруқ ва иссик.

**Үмумий хусусияттары.** Балгани күчиради, ёғи турп ёғига қараганда қызитувчанроқдир. Үнде тозалаши хусусияти бор.

**Тәссири.** Агар уни еса мияга алоқадор совуклик ва фатаж, аъзоларнинг суст ва нотавон бўлиб қолиши бош оғриғи ва совук ўтиши каби бод хасталиктарига шифолиги бор. Совук түмовларни бойлаб, бурун тешигининг ёпишиб қолишини очади ва баданидаги барча сезгиларни очиб, зеҳни ўткирлаштиради ва иштағага қувват багишлаб, жигар ва талоқ дардларини пасайтиради. Сочи олинган бошга хардални хамир қылтиб bogланса, лимарғусга шифо бўлади.

Агар унинг туйшганини бурун ичига сепилса, боши айланган ёки ҳуидан кетган одамни ўзига келтиради. Тиббиётда бачадон бўйни бўғитиши деб аталган хасталикка дучор бўлган аёллар туйшганини ятпиз билан қўшиб ейишса, шифо бўлади. Буни сувда қайнатиб, сувига одам ўзини тутса ва шамоллашдан эҳтиёт бўлса, гўшт ичидаги яратарнинг тунгиларини очади.

Хардалнинг туйшганити сув ва асал арапаштиришиб кўзга тортилса, кўзни хиралаштирувчи пардана даф қилиб, киприкларнинг дагаллигини юмшатади ва яхшилайди. Уни сувда қайнатиб, ўша сувга асал арапаштиришиб кўзга томизилса, шабкўртикни даволайди, қулоқ ва тишга томизилса, лўқилаб оғриши ва иккала аъзонинг бошка дардларига даво бўлади. Хардалнинг туйшгани асал ё чарви ёки асалари муми билан, оловда суюлтиришиб зайдун ёғига арапаштиришиб юзга суртилса, ранг-рўйни очади ва игар кўзга суртилса, унди йигишган қонни йўқотиб, равшан қиласади. Унга ўхшатиб эзиб, асал сув билан арапаштиришиб, гаргира қитинса ёки оғиз чайилса, тил остидаги шишини йўқотиб, унинг тахир ва ланж бўлшини яхшилайди. Агар эскирган бўлса ҳам нафас йўлларидағи нотавонликларга фойда бўлади.

Буни чага туйшиб сув билан ютилса, балгамили ва сасдали иситмага даво бўлиб, сабаби қуюқ ёпишқоқ модда бўлган қулоқ жарангланшини йўқотади. Агар буни анжир билан бирга тулишиб bogланса, подагра, бод хасталикларига шифо

## Маржон табиб битиклари

багишлаб, сочнинг тўқишига жойтариға суртилса, янгидан соч чиқшини таъминлайди. Ичдаги ёмон моддаларни тери юзасига чиқариб, қайси аъзоларди бўйласин, эски балгамили шишибарни қайтаради. Сирка билан ҳамир қориб бөгланса, томир отган қўтириб беради. Агар сиканжабин ва олтингурут, ёки карам сиканжабин билан арағаштириб бөгланса, қаттиқ ва савдали, ханорез (оқма яра) ни ажаб бир ҳолатди ислоҳ қиласди. Жавдарнинг қуруқ илдизи билан қўшиб бөгланса, песни ўйқ қиласди.

Агар буни асалга арағаштириб ейилса, калта нафас олиш ва йўтмолга шифо багишлаб, жиспсий қувватни оширади.

Хардай қайласи бадиндиги балгамиларни шиддат билан то-залийдики, унга тенг келадигани топшитмайди. Агар уни бошқа маҳсулотларга қўшиб доимий истеъмол қилинса, жигар ва меъданнинг мизожини иссиққа айлантиради. Гиёҳи ва ургини таом билан ейилса, таомни ҳазм қилидириб, меъданни иссиққа айлантиради ва қоражиси гар шишини бартираф этади.

Буни лавлаги билан давомли тарзда еб турдилса, тутқаноқ ва бош мияда балгам ишегилши сабабли юзага келгап кўз олди қорайши шлатларига даво бўлади. Агар тери юзасидаги додни ўйқотишнинг бошқа ҳеч бир иложи топшитмаган бўлса, бемор ҳаммом қитиб чиққач, ўша додни жойни дагал латта билан қонталаши бўлгунча ишиқлаб, кейин эзгилаб қўйилган хардални суртса, қашланган теридан зардоллар сизиб чиқа бошлайди ва изигача ўйқотиб юборади.

Хардай тутматилса, унинг аччиғидан ҳашарот ва заҳарли жонзорлар қочади. Машхур ҳаким Ар-Розийнинг айтишича. хардай илон ётган тешикка қўйишса, ҳар қандай илон бўлса ҳам ўлади.

**Зарари.** Совуқ мизож одамларга хардай ейши зарарлидир.

Бир кунда туйилган хардалдан бир марта ейши миқдори 10,5 грамм.

Шуни эсле тутмоқ лозимки, хардални истеъмол қитмоқ учун bemorning мизожи, хасталик турлари, қулай вақт, обҳаво, қулай табиий-жусустрофий макон ва табии маслаҳат муҳим ҳисобланади.

Бир кунда хардай ёгидан бир марта истеъмол қитиши миқдори 10 грамм.

### **Хино**

*Хино қайнатилиб ичилса, балгамни тарқатади, майдаганган ва намланган хино оғриған оёқларга суриса, оёқ оғригини бартараф қиласади, иссиқ шишиларга боғланса, шишини ючаштиб, яллигланиши кетказади. Хино ёги асабларни ва барча шишиларни юмшатади. Хино туйшиб, сув билан аралититирилади ва тирноқ инфекциясига, куйган жойларга ва соч парваришида қўлланылади.*

### **Шўра**

*Мизожи. Биринчи даражага яқин иссиқ ва қуруқ Шўрада буриштириш билан бирга тузятик ҳам бор.*

*Татьсири. Сут билан қўшиб гарвара қилинса фойда қиласади. Сариқ сувни ҳайтдайди, айниқса, унинг уруги ва ўсимлигининг шираси фойдали. Сийдикни ҳайтдайди ва эртик уругини оишрабди. Усафро ва сув моддасини юмшоқлик билан сурувчиидир.*

*Зарари. Ҳазм жараёнини бузади ва бош оғриги пайдо қиласади.*

### **Чиннигул**

*Юрак, ошқозон, жигар ва кўз нурини қувватлантиради, геморройни кетказади. Ҳидланганида уйқуни келтиради, чайналса, оғиз ва тана ҳидини яхшилайди, оғиз ярагарига, милк касалликларига ва яллигланишига фойда беради. Ҳоҳишга кўра таом ёки ширинликларга чой, қаҳва, шарбат ва мурабболарга қўшиб истеъмол қиласи мумкин.*

### **Юлгун**

*Мизожи. Мизожи совуқ ва қуруқ.*

*Умумий ҳусусиятлари. Бунда буриштириш артиши ва қаттиқ қуритмасдан тозалаши хосияти бор. Суви аритувчиидир. Аритиши қуритишидан кўра кўпроқдир. Қуритиши буриштириши билан биргаликда бўлади. Унинг невасида эса буриштириши кўпроқдир. Юлгунда озгина латифлаштириши хоссаси ҳам бор.*

*Татьсири. Битларни ўйдирини учун қайнатмаси бадинга*

суртшлади. Япрогини говак шишларга қуюқ суртма қалинса, тутуни ҳўл ярагар ва чечакни қуритади. Янчилгани ва гули оловдан куйганга ҳамда ҳўл ярагарга септилади. Меваси ва гули битиши қийин ярагарни қуритади, ортиқ бўлиб қолган гўштларни ейди. Қўзилма ич кетишида фойда қитиб, бачадондан оқадиган рутубатларни кетказади.

Меваси қорақурт чақиғанга қарши восита бўлиб, япроги ва мевасининг шаробдаги қайнатмаси тиши оғригидан фойда қитади ва тишнинг ейтишини тўхтатади.

**Зарари.** Унинг истеъмоли кўнгилни айнитиб, ични боғлайди.

### Ялпиз

**Мизожи.** Ялпиз мизожи иккинчи даражса охирда қуруқ.

Умумий хусусиятлари Ўзининг ўткирлиги ва аччиқлиги билан кучли равишда латифлаштиради; айниқса, ёввойиси. Шунингдек, у қизартирувчи ва яра қизувчидир. Агар унинг бир ўзини ичилса терни бадан чукуртигидан тортиб ҳайдайди, хилтларни парчалайди, қуритади ва кучли қиздиради.

**Таъсири.** Ялпиз табобатда оқ ялпизга қарагандо ҳамма томонлама кучли ва фойдали бўлиб, агар уни ейилса, танага иссиқлик ҳамда ҳаловат багишилайди, юракни бақувват қитади ви қуюқ қонни суюлтиради ҳамда бадандаги совуқлизож моддатларни ҳайдайди. Ҳул ялпизни сртга унига аралаштириб, пешонага суртшиса, совуқ туфайли пайдо бўлган бош оғриқка шифо бўлади. Тоз ялпизи ажратиш ва ёритишида фойда қитиб. қўтириб ва қичимага қарши у қайнатилган сувда чўмитиши керак. Уни ичиш мажовга фойда қитади. бунда у фақат ўзининг шимдиришиши билан эмас, балки парчаласи ва латифлаштириши билан ҳам таъсир қитади. Қайнатмасига чўмитинса, сарик касати билан оғриганга фойда қитади ва иштахани очади. Тогда ўсадиганининг яна бир хусусияти шундаки, уни қайнатиб узум шарбати билан ичилса, ёввойий ҳайвонларнинг тишлаганига фойдалайдир. Така ялпизи эса меъда орқали бўладиган хафақонга, беҳузурлик ва кўнгил айнишига фойдалайдир.

Ёввойи ялпиз, иштаҳа касилиги, меъда заифтиги ва ҳикимчоқда ҳамда сарик касати билан оғриган кипшиларга фойда қитади. Ҷулики сафро ва савдоси кўпайсан кишишларга, тозатини шимдириши, очиш ва латифлаштириши таъсирини кўрсатади. У ични

кучли суреб, бачадонги фойда қытади ва гижжасаларни ўлдиради.

Ялпизни туз билан бирга түйиб боғланса, қутирган им көпганды баданга ўтган заҳарни даф қиласади. Агар уни чайнаб боситса, чаён заҳри шиддатини сўндиради. Буни түйиб, арпа уни билан ҳамир қориб боғланса, танадаги чиқиқ ва тошмаларни пиширади ҳамда уларга шифо бағишлайди.

Унинг шарбатини истеъмол қилинса, қон кетиши ва қон қусишини тўхтатади, кўкрак ости аъзолари ва елкадаги аъзоларга шифо бўлиб, ўпка соҳасидаги ўпканинг ўзи ва кўкрак ичидаги аъзолар рутубатларини пиширади ва зарарли маддатардан тозалаб ташқарига ҳайдашга тайёрлайди. Ялпиз билан сунбулни бирга қайнатиб, ўша сувдан ичилса, юрак дарди ва меъданинг безовсталинишига шифо бўлиб, ҳазм аъзолар қувватини сақловчи қисми ҳамда меъда оғзини кучти қиласади, кекиришга чек қўйиб, йўғон ичак дарди ва шиши бўлмиши қулланжини бартараф этади.

Энг муҳими, қориннинг ҳамма турдаги қуртларини ўлдиради.

Агар ялпизни сирка билан ичилса, қон қусишини тўхтатади.

Ялпизни сирка ва бошқа нордон-туруш нафсалар билан ейтилса, аччиқ ва нордон таъмлариниң асабга салбий таъсир қилишининг олдини олади, шунингдек, уни сут маҳсулотлири билан истеъмол қилинса ҳам шундий фойдаси бўлади. Ялпизни сиканжабин ва қатиқ-сузмага қўшиб истеъмол қилинади. Айниқса, айрон, қатиқ ва ҷалобга кўшилгани танга роҳат бағишлаб, чанқоқни босади ҳамда томир ва бўғинтарга фойда қиласади.

Ялпизни түйиб устидан боғланса, меъданни иссиқ ва кучли қиласади ва шитахани очади. Буни түйиб, арпа уни билан ҳамир қилиб боғланса, аёл сийнаси учиди қотиб қолган сутни шитиб, равон келишини таъминлайди. Ўзини түйиб боғланса, бавосирга даво бўлади, узум майизи билан эзиз боғланса, хоянинг шишини қайтаради ва оғригини тўхтатади.

Ошқозонни иситади ва қувватлантиради. Ҳазмга ёғдан беради. Балгам ва қусишининг олдини олади, ошқозон ва ўпка ялияларини қуритади, манийни кўпайтиради. Лимонни ялпиз чойи ўйтални кетказади. Ялпиз озуқалар бузилишининг олдини олади, юз ва оғиз ҳидини яхшилайди. Сано билан бир-

## Маржон табиб битиклари

га иштатылганда ичакларни тозалайды, гижжса ва зарарлы микробларни ташқарып чиқаради. Сүтгә құшилса, сүт бузилишининг олдини олади.

Янги ялпиз терлатади, бош оғриғи, айланышы, одатий оғриқлар ва ошқозон ачишини кеткәзади, жинсий хоҳишиларни камайтиради.

Эзилган ялпиз озроқ түз, сув ва сирка билан аралаштирилиб ичилса, ўпкаларни тозалайды, цирроз ва сарик касаллигига жуда фойдалы. Ялпиз ейиш ва қатиқ суви ичиши фильтр касаллиги (бесүнақайлык) ва варикозга фойда қилади.

**Зарари.** Ёввойи ялпиз ични кучли суради, хонакиси эса шаҳвоний қувватни қирқади. Ўз ҳолиша майдалаб қайнатылса ва асал билан ичилса, қориндаги болани ўлдиради. Унинг бош оғритиш хусусияти бўлиб, уни доимий истеъмол қилиши баданда бод пайдо қиласа, ҳаддан кўп истеъмол қилиши томоқда қичиши пайдо қилади. Ушбу зарарларни даф этмоқ учун петрушка ейиш тавсия қилинади.

Ялпиздан бир кунда бир марта ейиш миқдори 9 граммгача.

### Янтоқ

**Мизожи.** Янтоқ мизожи иссиқ ва қуруқ бўлиб, баъзи табибларнинг фикрича, совуқ ва қуруқ ҳисобланади.

**Умумий хоссалари.** Шишиларни қайтарувчанлик, иллатларни очувчанлик ва поклаш хусусиятига эга.

**Таъсири.** Заҳарларга қарши тарёк ҳисобланади. Агар уни ейишса, гулини туйиб бөглашса ёки куйдириб, тутунига одам ўзини тутса, эски ва янги бавосирни тездә қуритади. Гиёхининг ҳўл сувини тиндириб, кўзга суртилса, унданда юпқа холни бартараф этади, унинг уч томчи соғ суви эрта наҳорда бурунга томизилса ва бирор соатдан кейин бинафша ёғи бурунга тортилса, эски бош оғригини батамом йўқ қилади.

Ёнтоқ ёғи ейилса ёки суртилса, бўғимлар дарди ва танада пайдо бўлган совуклик учун дармон бўлади.

Асли чаңқоқбосди ўсимлик бўлиб, йўтат учун энг самарали доривор ҳисобланади ва савдо хилтини танадан батамом йўқ қилади.

*Зарари. Бош огриқ пайдо қилади ва ични қотиради.*

### *Қалампирмунчоқ*

*Мизожи. Мизожи учинчи даражада иссиқ ва қуруқ*

*Таъсири. Қалампирмунчоқ, энг аввало, тарёклик хусусиятига эга, еганда одамга хушкайфият баҳши этиб, нафсоний ва табиий руҳларга қувват багишлайди юрак, меъда, жигар, мия, меъда ва буйракдан иборат шоҳ аъзоларни мустаҳкамлайди ҳамда уларни ҳал қитувчи аъзо сифатида сақлайди. Бош мияга қувват багишламоқ, зеҳнни чархламоқ, фикрни теран ва кучли қиммоқ учун энг яхши восита ҳисобланади. Совуқ ва ҳўлилдан бўлган бош огриқ, фалај, юзнинг қийишайиши, кетма-кет шамоллаш ва сакта (ўликка ўхшаб ҳаракатсиз ётишлар)ни даф этади.*

*Бош мия тиқишимагарини очади (ҳамаси учун бурунга тамчилаб тортилади) ҳамда совуқ мизожсли хасталиклар, мия ва асабга алоқадорлик бўлса, шифо багишлаб, савдо мизож кишиларнинг савдоси ортиб кетишига даво бўлади. Уни туйиб совуқдан огрийдиган аъзолар ва шишиларга боғланса, шифо бўлиб, уни бошнинг олд томонига боғланса, мия касалликлари бўлганиш вансас, чўчиш, жиннишлик ва ўзи билан ўзи гаплашиш касалликларини бартараф этади Шунингдек, туйиб ейилгани инсонда шижоат пайдо қитиб, совуқдан бўлган ҳўл йўтатни, эскидан бўлган астма ва совуқ боис юрак ўйнаши, барча ҳазм аъзолари, совуқ мизожсли буйрак, бачадон ва жинсий қувватни кучли қилади ҳамда сийдикнинг беихтиёр келиб-кетишини тўхтатади. Уни аёттар тагдан кўтаришиса, бачадоннинг янги ва совуқдан бўлган дардоларига шифо бўлади.*

*Агар қалампирмунчоқни шакар билан қиём қилиб шарбат тайёрланса, унинг истеъмоли барча шиддатли ва муолажаси оғир дардоларга шифо бўлади, бу борада унга тенг келадигани йўқ. Уни бутунлигичча чайнаса, тиш миқларини мустаҳкам қилиб, совуқдан бўлган тиш оғриқларини босади, оғиздан келадиган қўланса ҳидларни йўқ қилади ва бу аъзонинг хушбуй бўлишини таъминлайди.*

*Қалампирмунчоқ мизожининг ёги учинчи даражада иссиқ ва қуруқ*

*Унинг ёгини ичши миянинг барча хасталикларига ва кўзнинг камқувватлигига дори бўлиб, кўзниг гавҳарига тушиб*

эскирган ҳатто күзни хиралаштириб күрмайдиган қылыш  
күйгөн бұлса ҳам, шифо базишағайди. Қаламтирунчоқ даво  
бұладиган барча хасталыктарға упинг ёғи үндап-да яхши  
са марағыроқ натижә беради.

**Зарари.** Қаламтирунчоқ истеъмолиншеге ортиб кетишінде  
бүйрак ва ичактарға зарари бор.

### Күштілі

Оғиз, томоқ, оиқозон, ичак, жигар ва сифро косаси инфек-  
цияларға, экзема, юкори ҳолестерин, ревматизмі ва саратоп-  
га қарши күчли доридір. Қонашларин тұхтатади, оиқозон  
ва ичактардаги газларни чиқарыб юборади, ҳазмисизлік ва  
оиқозон ачишиларин кеткізади, соч тұқылашының тұхта-  
тиди. Ҳотира пастынен, тұмтқаноқ, юракните тез үриши  
ва ҳолсизлікка, дөш оғриғаю, шишаас оғриғаю, юкори ва  
паст қон босимыға қарши салыратын восита

### Кичитқи үти (Газанда)

Кичитқи үти темір мөддасы манбасы ҳиссебтәнади. Құчли  
қон тозаловчы ва шилаб чиқарувлычы, ялтығаншыны ва шипшар-  
ни кетказувлычы, танахимоя тиғизшінің құжватшының тұхтаты-  
риғи дағы қанд мөддасының түширувлычы, аллергик реакцияларни  
бошқарувлычы, яроқсизліктан тұқымындарни (мүмкін кадар) ян-  
ғыдан құрувлычы, барча кимчиліктарни тұлдырувлычы ва қаршишы  
секингшіліктердің сифаттарға әсі Газанда бұғынлар. ревма-  
тизмі ва орқа касалыктарыға, простатит, тироид ва лимфа  
бездеринің кашталашишыға, бүйрак ва үт пұфады тоштап-  
риға, ҳар қандай ялтығаншыға, анемия ва аллергик касалык-  
тарға, саратон, алзейлер ва паришонхоторишка қарши  
құлгыншылади. Кисқасы, ҳар қандай касалык тарға шифролидір.

## МУНДАРИЖА

|                                  |     |
|----------------------------------|-----|
| I боб. Кочоқлар.....             | 4   |
| II боб. Янгича турмуш.....       | 41  |
| III боб. Танхолик сары.....      | 60  |
| IV боб. Төг асираси.....         | 82  |
| V боб. Кочоқ аёл толен.....      | 122 |
| VI боб. Тоғдаги күшни.....       | 143 |
| Асарнинг яратилиш тарихидан..... | 187 |
| Маржон табиб битикларі.....      | 196 |

*Адаабий-бадиий нашр*

**Набижон ҲОШИМОВ**

**МАРЖОН ТАБИБ**

**I қысмет**

*Саргузашт роман*

Масъул мухаррир: А.Коржовов

Мухаррир: О.Қанаев

Тех.мухаррир: Н.Мухитдинова

Бадиий мухаррир: Р.Ташматов

Саҳифаловчи: Г.Курбанбаева

Рассом: М.Тұхтарбоев

Теришга берилди 10.02.2016. Босишига рухсат этилди  
06.10.2016. Қозғалыштың бичими 60x84 <sup>1/16</sup>, "Times New Roman"  
гарнитураси. Шартли босма табоги 22,5. Нашр босма табоги  
22,0. Адади 3000 нұсха. Буюртма № 37

*«IJOD-PRESS» нашриётінде нашрға тайёрланған.*

*Нашриёт лицензиясы: А1 №270*

*«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида оғсет  
усулида чоп этилди. 100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота  
кўчаси, 28а-үй.*

*тел: 0371 273 19 51. email: Dizayn-Print@mail.ru*

12,000



ISBN 978-9943-994-22-5

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-994-22-5.

9 7 8 9 9 4 3 9 9 4 2 2 5